

ТУЛЕПБЕРГЕН ҚАИПБЕРГЕНОВ

КЎЗ
ҚОРАЧИҒИ

РОМАН

*Қорақалпоқ тилидан
Ҳайдарали НИЁЗОВ таржимаси*

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти
1984

К 17 Қаипбергенов Тўлепберген.

Кўз қорачиғи. Роман. (Қорақалпоқ тилидан
Ҳ. Ниёзов тарж.).— Т.: «Еш гвардия», 1984.—
208 б., расм.

Таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Кўз қорачиғи» романи шу бугунги куннинг воқеаларидан ҳикоя қилади ва қишлоқ ҳўжалигидаги долзарб масалаларни ўртага ташлайди.

Ёзувчи ҳаётни синчковлик билан кузатиши натижасида ундаги муҳим муаммоларни кўради ва асар воқеалари давомида уларни китобхон билан биргаликда муҳоама қилгандек бўлади. Роман қаҳрамонларини Орол денгизи тақдири ташвишга солади, улар қинғир йўллар билан план бажариб, шуҳрат кетидан қувишдек қусурларни тугатиш йўлларини ахтаришади.

Қаипбергенов Тўлепберген. Зеница ока. Роман.
С (Қарак)

На узбекском языке

ТУЛЕПБЕРГЕН КАИПБЕРГЕНОВ

ЗЕНИЦА ОКА

Роман

Перевод из журнала «Амударья» № 10, 11, 12 — Нукус — 1981

Редактор Э. Миробидов Расмлар редактори Р. Зуфаров
Рассом Т. Саъдуллаев Техн. редактор Н. Мирзаева
Корректор С. Саидолимов

ИБ № 1375

Теришга берилди 23.12.83. Босишга рухсат этилди 29.02.84.
Формати 84×108¹/₃₂. № 3 босма қозога «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шартли босма листи 10,92.
Нашр л. 12,61. Тиражи 40000. Вуюртма № 2565. Шартнома № 78—83.
Баҳоси 75 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент, «Правда Востока», 26.

К $\frac{70303-32}{356(04)-84}$ 28—84 4702010000

© «ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти, таржима



I

«Янгилик» совхозида тантанали мажлислар кўп бўлиб турар эди. Лекин ҳеч қайси бири совхоз директори Эржон Шержонов ўз аризасига биноан директорликдан бўшатилиб, ўрнига Яхшилиқ Давлатовнинг тайинланишига бағишланган галгидек қизғин ва эркин ўтмаганди.

Жазирама иссиқ июнь ойи бўлгани учун йиғилиш совхоз идораси ташқарисидаги икки туп сада остида ўтказилди. Совхоз раҳбарлари, фаоллар чақиртирилганига қарамай, эшитганларнинг ҳаммаси бу мажлисга ёппасига келди. Соя-салқин жой этишмаганлар скамейкаларда, курси тегмаганлар офтобда тик туришар, миқ этишмасди.

Мажлисни партком секретари Мамутов очиб, райком секретарига сўз бериши билан ҳамманинг эътибори Нишон Нажимов томон оғди. У сўзини Эржон Шержоновнинг аризасини ўқишдан бошлади.

«Район партия комитетининг бюросига шу бюронинг аъзоси Эржон ШЕРЖОНОВдан

АРИЗА

Мен «Янгилик» совхозида чорак асрдан зиёд директор лавозимида ишладим. Бу давр мобайнида районни бирон марта ҳам оқсатмадим. Менинг совхозим планларини ҳаммавақт бажариб келди, ўзимни қаноатлантирмайдиган йиллар ўртача ҳосил кўтарган йиллар эди, шундай йилларда ҳам бош бўлиб ё иккинчи, жуда нари борса учинчи бўлиб планларни бажарганим ҳақида рапорт берар эдим. Қишлоқ хўжалик ходимларининг кейинги қурултойида адресимга танқидий гаплар айтилди — совхозда ҳаммаси бўлиб бир ҳафта туриб кетган ёш мутахассис Давлатов танқид қилди. Уйладим, кўп ўйлаб, ўзимдан ўзим арзирли хато-камчилик топган бўлмасам-да, чинакам коммунист сифатида танқиддан хулоса чиқариб, бундан буёқ мен директор лавозимида ишлай олмасман, деган қарорга келдим. Шунинг учун мени директорлик вазифамдан озод этишнингизни ўтиниб сўрайман».

У аризани ўқиб тугатгач, Шержоновнинг район партия комитети олдидаги хизматларини баён қилишга ўтди.

Президиумда ўтирганлар орасида совхоз ишчиларининг кўпчилигига нотаниш Яхшилиқ Давлатов ўтган қурултойда Шержонови танқид қилгани ҳам рост эди. Баъзилар ўзига тикилиб қарашганини кўриб, унинг оққуба юзи сал қизарди-да, пастки дўрдоқ лабини қордай оқ рўмолча билан артиб, бошини қуйи эгди.

Областдаги бошқармаларнинг биттасида бўлим бошлиғининг муовини бўлиб ишлайдиган Яхшилиқ Давлатов қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойи олдидан область партия комитетининг топшириғи билан «Янгилик» совхозида бўлиб, бу ерда кўрган-билганлари юзасидан қурултойда чиқиб сўзлади. Қогозга қарамасдан, зал билан бамисоли кенгаши келгандай сўзлади. Ушанда нима деб гапиргани, кетидан нималар бўлгани ҳозир ҳам эсида.

«...Қимда-ким тошқин тезоқар сувнинг кенг, текис далани босиб оқишини кўрган бўлса, кўз олдига келтирсин,— деди у.— Шиддатли тошқин сув бирдай ёйилмай, фақат олдинга қараб интилади. Дўнгликларни ҳам писанд қилмайди. Яна чуқурликларнинг тўлишини кутиб турмай, пастликдан юқорига югурган одамдай пишқириб, запти билан олдинга оқиб кетаверади. «Янгилик» совхозининг иқтисодий ривожланиш жараёнида мана шу тошқин сувнинг оқиш суръати бормикан деган гумон билан қайтдим. Бугунги қурултойда ўртоқ Шержоновнинг планни бажаргани билан мақтанишлари ҳам ёқмади. Социалистик жамиятимизнинг ўзи планли ривожланишга асосланган. «Янгилик» совхозини Шержонов эмас, Элбоев, Иванов бошқарса ҳам, план бажарила беради. «Янгилик» совхозини учун шоли фойдалими ёинки илгаригидек пахта фойдалими? Мана шу сўроққа жавоб бериши керак эди... Совхознинг кундалик ишида ҳайрон қоларли нарса — совхоз раҳбарлари кичкинагина, оддий янгиликни каттакон шов-шувга айлантириб ўрганишган. Мен уч ўринлик янги гаражни очиш тантанасида қатнашдим. Район миқёсидаги ва юқори даражали ўртоқлардан ҳам биттаси чақиртирилибди. Лента кесилди. Облаstdан борганим учун лентани кесиш қайчиси менга берилди. Кетидан зиёфат бўлди. Зиёфатни совхознинг марказий магазини мудирини бошқарди. Отини, фамилиясини сўрамадим, уни ҳамма Завмаг дер экан. Менинг кузатувимга кўра, совхозда директордан кейинги иккинчи шахс — Завмаг!..»

Залдагилар гулдурос қарсақ чалишларига қарамасдан, президиумда ўтирган Шержонов навбатни ҳам кутмай бирдан ўрнидан турди.

— Уртоқлар,— деди залга қараб.— Давлатов Шержоновни танқид қилди, деб ўйламанглар! У ўзининг танҳо менга ҳамда Завмагга нисбатан ўпка-гинасини изҳор этди...

— Справкалар учун сўз қурултой охирида берилади,— деди мажлис раиси. Кейин бошқа нотикқа сўз берди. Шержонов тилини тишлагандай жим қолган бўлса-да, йигирма минутлик танаффус пайтида Давлатовни топиб олди.

— Ҳей, Давлатов,— деди унинг тирсагидан ушлаб.— Тиниқ сувни лойқатмоқчи бўлгандинг-ку, лекин ўрнига қўя олмадинг. Ухшатишларинг улоқни тушунтириш учун туяни мисолга олгандай бўлди. Лодон!

Давлатов индамади.

— Қурултой олдидан сўзга чиқувчиларнинг рўйхатини кўрганимда сен йўқ эдинг, ёш кадр экан, областга кўринсин, деб рўйхатга ўзим илтимос қилиб ёздириб қўйгандим.

Давлатов энди бепарво қололмади.

— Маркс, капитализм ўзига гўрков синфни ўзи туғдиради, деган-ку, ахир!

Шержонов, жон томирига пичоқ санчилгандек, афтини бужмайтирди.

— Эҳ, лодон! Совхоздан кетар пайтингда: «Ука, ичингда гап олиб кетма, айтиб кет. Ўз вақтида айтилмаган гап ёрилмаган бомбага ўхшайди, кутилмаганда портлаб кетиб, ё ўзингни, ё дўстларингни нобуд қилади», деган эдим-ку сенга. Мана энди ўзингга зарар етказдинг! Эсингда бўлсин, қари шақал кучукларга туттирмайди.

Шержонов йирик гавдали, бесўнақай одам эди. Давлатов иягини сал кўтариб, унинг қора тутунга айланган юзига ғазаб билан қаради-ю, лекин гапирмади.

— Ҳа, Давлатов, югурик от бўлгинг келиб қолдими? Эҳтиёт бўл. Югурик отнинг бағрини ўз бўктаргиси яра қилади! Ёки ҳамма яхши кўрадиган ит бўлгандан кўра, ҳамма ёмон кўрадиган қашқир бўлгинг келдими? Эҳтиёт бўл! Ақлсизлар кундузи ҳам адашадй, ақллилар ойсиз қоронғи тунда ҳам йўл топади. Сен мен юрадиган йўлларга нур сочувчи чироқларни синдиришга уринганинг билан менинг ўз шамчироғим бор...

Унинг ясси бурни остида жуда чиройли қилиб кузалган тикандай мўйлови кенг ёноқлари чеккасидан сизган тер билан қорайинқираб, ҳатто кайфияти яхши пайтларида ҳам совуқ кўринадиган юзини ундан бадтар хунук қилиб юборган эди. Бу қилиғи учун Давлатов унга ачинди, аяни чоқда нафрати ҳам қўзиди. Жавоб бермади.

— Давлатов, эсингда бўлсин!— деди Шержонов овозини кўтариб. Кейин ҳаққадек ён-атрофига аланг-жалаң қараниб олиб, давом этди:— Мен душманларим билан кураша-кураша жуда чиниқиб, пишиб кетганман. Бу борада етарли тажрибам бор. Алғов-далғов, оғир йилларда ҳам устимга гард қўнмаган. Улуғ Ватан уруши пайтида фронт орқасини мустаҳкамлаш учун менга берилган имтиёзга ҳеч ким қўл теккизолмади. Партиянинг йигирманчи съездидан сўнг шахсга сиғиниш оқибатига қарши курашда ҳам ўзимни кўрсатганман. Ҳали ёш кадрсан, сени аяйман!

— Мен ўзимни аямасам ҳам, сиз аяй берасизми?— деди Давлатов чидамай.

Шержонов ичидан ларзага келиб жаҳлдан бўғилса ҳам, мўйловлари силкиниб, ўзича кулди:

— Ўзинг ўқимишли йигитсан-у, лекин ижтимоий тараққиётни ҳали тушунмабсан. Ҳозир йўллар равон, давлат машиналари улардан планли равишда олға бормоқда.

— Сиз бошқарган машина шу равон йўлда инерция билан бораётган бўлса керак.

— «Бўлса керак» дема, Давлатов! Ҳозир ҳар бир корхона, ҳар бир коллективни коммунизмга қараб йўл олган машина десак, унинг рулидаги одам шу машинанинг бошқарувчисидир! Коллектив аъзолари — мазкур машинанинг мурватлари. Мурватларни янгилаб туриш мумкин, лекин бошқарувчи тез-тез алмашса, машинанинг йўли унмайди, ишга зарар етади!

— Ўртоқ Шержонов, ичкарига киришга қўнғироқ чалинапти. Мақсадни айтинг, қисқаси, нима демоқчисиз?

— Сенинг ҳаёт фалсафанг: «бошқаларнинг ўлимини кўришдан қувонаман, сабаби — ўзимнинг яна бошқалардан кўпроқ умр кўрганимга ишончим ортади» деган фалсафадан иборат.

— Йўқ, ўртоқ Шержонов, бошқаларнинг ўлимини кўриш қайғули. Чунки, сенинг бу дунёни обод қилиш учун амалга ошираётган хайрли ишингни яна битта одам кўролмай, бебаҳра қолади.

— Сен шу фалсафага содиқ бўлсанг, ичкарига кирганимиздан кейин президиумга хат чиқар. Сўз ол. Менинг шаънимга айтган ноўрин гапларинг учун кўпчилик олдида кечирим сўра. Қимда-ким кўпчилик олдида хатосини бўйнига олиб ўрганса, ўша одам мансаб зинапояларидан баҳузур юқори кўтарилади.

— Мени мансаб пиллапоялари қизиқтирмайди.

— Амални ҳавас қилмайдиганлар гўрда ётибди! Ҳа, шундоқ.

Ичкарига чорлаб қўнғироқ чалинган, Давлатов эшик томон бурилди. Шержонов у билан гўё биргалашиб кираётганга ўхшаб орқама-орқа кирди-да, залнинг ўртасидан савлат тўкиб ўтиб бориб, сиполик билан жойига ўтирди.

Қурултойда улардан кейин сўзлаганларнинг ҳеч қайсиси на Шержоновнинг, на Давлатовнинг тарафини оладиган бир оғиз гап айтди. Бу ҳол уларга оғир ботди. Қурултой охирида иккаласи ҳам елкасидан юк босган одамдай ўзларича эзилиб, яғринларидан тер қуйилиб, маъюс бўлиб, гоят тушкун кайфиятда тарқашди.

Ўқ отсанг-у, унинг нишонга теккан-тегмаганини билмасанг, бундан оғир нарса йўқ. Ўқнинг адашиб, ўзинг учун ҳам, дўстларинг учун ҳам қадрли бировни қулатган бўлса... Сўз айтсанг, у нишонга етиб борса, буни билишдан ортиқ нарса йўқ. Бундан роҳатланасан. Борди-ю, икки ҳолатда ҳам ишингни баҳоловчи бўлмаса, бу яна оғир. Бошингни қаёққа уришни билмайсан, яккаланиб қоласан.

Давлатов шу қурултойда сўзлагандан кейин кўнгли хижил бўлиб юрди. Шержоновнинг аччиғини чиқаргани учун эмас, унинг гапларига ҳеч ким муносабат билдирмагани учун. Аммо уни Шержонов унутмади. Уйига тез-тез қўнғироқ қилиб турди. Гоҳо дағдаға қилиб кўрқитди, гоҳо мулойим гапирди.

— Ўртоқ Давлатов,— деди у кейинги гал ўзига ишонган ва бир меъёрдаги овоз билан.— Қалайсан? Ҳорм! Мен ўша сафарги танқидинг ҳақида яна ўйладим. Мендаги хислат — ўзимни ўзим сиртдан кўра оламан. Бу, ўзингни ўзинг баҳолай билиш, демакдир. Хўш, ўзингдан ўзинг камчилик тополмасанг, мени камчилигим борлигига ишонтиришга нега интилдинг? Эсингда сақла: менинг умрим — совхозимнинг умри, совхозимнинг умри — менинг умрим! Мен хотираларимни ёзмоқчиман! Шунга сенинг гапларинг бир боб бўлиб киради. Йигирманчи асрнинг ўрталарида ўз душманларимнинг қийин-қистоғида қандай яшаганимни таърифлаб бераман.

— Ёзинг,— деди Давлатов жаҳл билан.— Кейинги авлод сизнинг хотираномангизни ўқиб, ақалли, қандай яшаш керак эмаслигини тушунар.

Шержонов трубкага қараб шарақлаб кулди. У кулганда юзи иссиқ, меҳрли одам бўлиб кўринар эди. Давлатов унинг юзини кўрмай, ичида аччиқланган бўлса ҳам, труб-

кани биринчи бўлиб қўйиб қўйишни одобсизлик деб билди.

— Давлатов,— деди у яна.— Тешик мешни одам қанча пуфласа ҳам, ичига нарса солса ҳам, уни ҳеч қачон қаппайтиролмайди. Ҳозирги ёшларнинг аксарияти тешик мешга ўхшашига ишониб қолдим... Йўқ, мен сендан сўрамоқчи бўлганим бошқа нарса. Сен кўп ўқиган боласан. Менга айт-чи, ҳаққонийликнинг астари бўладими ё бўлмайдими?

Давлатов саволнинг маъносига тушунмай, елкасини қисиб, трубкага қараб секин жавоб берди:

— Шуни ўйлаб кўрмаган эканман.

— Астарсиз кийим тез йиртилгандай, ҳақиқатнинг ҳам астари бўлмаса, кўпга чидамайди, тез синади. Билиб қўй, ука, ҳақиқатнинг астари юзакичилик!

— Уртоқ Шержонов, сизнинг бўш вақтингиз кўпга ўхшайди.

— Ошиқма, Давлатов. Мен вақтга ишонмайман! Ўз вақтида худога ҳам ишонмай, худосизлар тўғарагини бошқарганман. Сен нима кўрибсан, ҳали чиниқмаган коммунистсан.

— Коммунистлигимга тил теккизманг,— деди Давлатов жаҳл билан,— ҳали уйқусидан уйғона олмай, уйқули кўз билан партияга кириб олганлардан биттаси сиз бўлсангиз керак.

— Сўнги пайтда партияга уйғоқ кирган сенми? Унақа ўзингдан олдинги бир авлодни ерга урма! Бизлар Ленин тириклигида унга тикка эргашган авлод орқасидан бораётган авлодмиз. Сенларнинг кўзингни биз очганмиз, уйғотганмиз. Сен шўрваннинг шўрвасисан!

Давлатов трубкани зарда билан тарақлатиб жойига қўйди.

Лекин ана шу гапдан кейин кўп ўтмаёқ у область партия комитетига чақиртирилди.

У обком секретарининг ғоят камтарлик билан ўридан туриб, унга пешвоз чиқиб саломлашганига қараганда, ўзининг қўпол феъл-атвори масаласида чақирилмаганига ишонса ҳам, секретарь ҳузурида Нишон Нажимовнинг ўтирганини кўриб ҳайрон бўлди.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди обком секретари унга босиқ мурожаат қилиб,— мен сизнинг таржимаи ҳолингиз билан бир оз таниш эдим, шундай бўлса-да, бошқармадан кадрларни ҳисобга олиш варақангизни олдириб келдим. Болалик чоғингиз Улуғ Ватан уруши пайтига тўғри келиб, ёшликнинг беташвиш кунлари насиб бўлмаган авлоддансиз. Етим экансиз! Қийинчиликларни енгиб,

ўқиб билим олибсиз. Институтнинг халқ хўжалигида энг керакли факультетини битирибсиз! Ҳа, ҳозир ҳамма иш механизация ёрдами билан ҳал қилинади. Айтинг-чи, агар сизга катта бир коллективни бошқариш топширилса, ишни нимадан бошлар эдингиз?

Давлатов бир муддат ўйлаиб турди-да, жавоб қилди:

— Коллективга тўла ишонч билан!

Обком секретарининг чиройи очилиб кетди.

— Амударёнинг қуйсидаги барча шарт-шароитга ўрганиб кетганлигингиз, билимингиз, бу регионнинг ҳар бир одим ерини подачи бўлиб ялангоёқ кезиб чиққанингиз, кейинги ишларингизнинг натижалари биз топширадиган янги лавозимни уддалабгина қолмай, яна ташаббус кўрсатиб, янги-янги ишларни амалга оширишингиздан далолат беради. Оилангиз интернационал оила, келиннинг исми Светлана. Қизингиз ҳам бор экан.

— Исми Ойлар!— деди Давлатов қаддини кўтариб.

— Бемалол ўтираверинг, Орол денгизи томонидаги «Ойлар кампирнинг қуми»га нима алоқангиз бор?

— Қумга меннинг бувимнинг номи қўйилган.

— Шундайми, қизингизнинг исми ундан ёдгорлик экан-да? Табаррук кишилардан ёдгорлик бўлиш яхши нарса... Ҳозир энг кичкина звенодаги бошлиқ ҳам ўз вазифасини катта кўламу кенг миқёсда адо этиши лозим. Мақсад элимизда битта ҳам оиланинг қўли калта бўлиб қолишига йўл қўймасликдан иборат. Хабарингиз бор, бутун юртимиз бўйлаб янги ерлар ўзлаштириш тобора кенг қулоч ёймоқда. Шунга қарамасдан, жон бошига тақсимлаганда экишга яроқли ерлар йил сайин камайиб кетяпти. Бу, албатта, туғилиш ҳисоби билан янги ер ўзлаштиришнинг бир-бирига мос қелмай қолаётганидан. Областимиз ички имкониятларга бойлигини биласиз.

— Сув бўлса, ер кўп,— деди Давлатов, индамай қулоқ солиб ўтираверишдан ноқулай аҳволга тушиб.

— Сув бўлади. Сизни қандай ишга юборишга қарор берганимизни пайқаяпсизми?

— Йўқ.

— Район қурултойида «Янгилик» совхозини ҳақида гапириб, директорини танқид қилганингиз эсингиздами?

— Эсимда.

— Қурултойдан кейиноқ экиш кампанияси қизгин бошланиб кетди. Бундай долзарб пайтда бошлиқларни алмаштириш унча фойдали эмас. Шунинг учун чидадик. Энди сизни ўша Шержоновнинг ўрнига директор қилиб юбормоқчимиз!

— Бу менинг танқидий гапларим учун жазоми, ё?..

Обком секретари ундан бундай савол кутмаган эди, қиёфаси бир муддат аллақандай жиддий тус олди, кейин сал пасайиб, яна мийиғида кулиб қўйди.

— Йўқ, сизга ишонч!

— Ишонч яхши нарса,— деди Давлатов астагина.

— Эржон Шержонович танқиддан тўғри хулоса чиқарибди. Ариза берди. Ариза берган бошлиқни ортиқ тутиб туролмаймиз. Уйлайманки, ўртоқ Нажимовга ҳам сизнинг номзодингиз маъқул бўлади.

— Албатта-да,— деди Нажимов.— Район обрўсини шунақа ёшлар кўтармаса, ким кўтаради.

Шундан кейин гап кўпга чўзилмади.

— Агар ўзингиз бўш келиб қўймасангиз бўлгани, бизнинг ишончимиз сиз тарафда,— деди обком секретари ва ўрнидан туриб, унга қўлни чўзди.— Йигит кишининг элига, ерига муҳаббати тошни ошга айлантиради, деган халқ ҳикматиға ҳаммамиз ишонамиз. Сизга муваффақиятлар тилайман...

...Давлатов ҳозир мана шуларни бир бор эслаб, Шержоновицнинг ариза берганига ҳайратланди: «Танқидни бўйнига олибди. Эси бор одам экан...»

...Нажимов ўзининг Шержоновицни характерловчи узун гапини хулосалади:

— Ўртоқ Шержоновицнинг аризаси область партия комитетиға ҳам кўрилди,— деди у.— Анча мулоҳазадан кейин аризаси қаноатлангилди. Ўрниға ўртоқ Яхшилик Давлатов таклиф қилинади. Ўртоқ Давлатов шу районда туғилган,— деб у Давлатовнинг таржимаи ҳоли билан қисқача таништирди...

Олдинги қаторда ўтирган узун бўйли, ориқ бригадир Далибой Султонов:

— Нишон Нажимович!— деб биринчи бўлиб қўл кўтарди.— Қизиқ фактлар келтирдингиз. Демак, Давлатов уч кунлик чақалоқлиғиға онаси, уч ёшға кирганиға отаси, ўн учға етганиға бувиси вафот этган. Етим. Мана, ўттиз уч ёшиға директор, чамаси йигирма учиға ё институтни битирган, ё уйланган, ёки қизи туғилган...— Одамлар жонланиб, гурр этиб енгил кулишди. Султонов энди ўзини бир оз эркин ҳис қилди.— Биз йигирма беш йилдан буён Эржон оға билан ишлашиб келямиз. Уни бирон ёққа бориб, дам олиб келибди, деган гапни эшитмаганмиз. Шунинг учун аризасини ўзига қайтариб бериб, курортга юбориш керак, деб ўйлайман.

Султоновицнинг гапини семиздан келган бригадир Холбой Жамолов қувватлади. У ўрнидан учиб туриб:

— Тўғри айтади,— деди.— Эржон оға Шержонович одамларга хушмуомала, халқпарвар, садоқатли одам. Совхоз учун ҳамма ердан ҳар нарсани кўпроқ ундирадиган директор эди. Ўртоқ Нажимов, сиз эргаштириб олиб келган Давлатовни илгари бир марта кўрганмиз, шунинг учун унинг яхши томонини ҳам, ёмон томонини ҳам билмаймиз. Ёмон дейиш ҳам қийин, лекин яхшилигини ҳам билмаймиз. Шунинг учун битта саволим бор. Америкада ҳокимият тепасига янги президент келса, олдинги амалдорларни ҳаммасини бир чеккадан ўзгартирар эмиш. Давлатов нима қиларкин?..

Ҳамма гурр этиб кулди.

Давлатов учун Нажимов жавоб бериб қўя қолди.

— Обком секретари билан бўлган суҳбатда ўртоқ Давлатов, коллективга ишонч билан иш бошлайман, деди.

— Яна савол, лекин ўзи жавоб берсин. Бошлиқнинг халқ билганини билиши кифоями, ё бўлмаса халқ билмаганини ҳам билиши керакми?

— Бошлиқнинг халқ билганини билиши етарли,— деди Давлатов.

— Нотўғри,— деди кимдир орқадан.

— Тўғри,— деб эътироз қилди бошқа овоз.

Қарама-қарши бақиришлар сал босилган пайтда ўтиришга жой етишмай энг четда тик турган Элбой Қўшжонов шовқин солди:

— Мен гапираман!

Унинг бўйи барчадан пакана бўлса-да, овози йўғон эди, ҳамма орқасига ялт этиб қаради. Тик турганида бўйи бошқаларнинг ўтиргани билан барабар бўлгани учун ён томондагилар шовқин солишиб дакки беришди:

— Ўрнингдан туриб гапир!

— Олдинга ўтинг,— деди Нажимов.

Элбой, худди командирга честь берадиган аскардай, скамейкалар орасидан минбарга етгунича пошналарини тақиллатиб одим отиб борди. Унинг юришига қараб, президиумдагилар мийиқларида кулиб ўтиришарди. Давлатов ғалати кайфиятда, ўйчан эди.

— Ўртоқлар!— деди Элбой боши минбардан зўрға кўриниб.— Эржон Шержонов жуда доно одам. Ҳаммамиз яхши биламиз. Янги бўладиган директоримиз Давлатов уни ўтган қурултойда танқид қилган эди. Энди бу қанақаси? Биров бировни танқид қилса, ўрнига тайинлана берадими? Тушунмай қолдим-ку!

— Сен эндиги йил Давлатовни танқид қил, ўрнини оласан!— деди кимдир орқадан.

Ҳамма кулиб юборди.

— Давлатов амалдан тушса, ўрнига қайтадан Шержонов қўйилиши сўзсиз!— деди Қўшжонов парво қилмай.— Шержонов танқиддан хулоса чиқариб, ишдан бўшатилишини сўраб ариза беришининг ўзиёқ унинг оқиллигидан далолат беради, қолаверса, бу ҳақиқий коммунистик виждон амрига бўйсунганидандир. Бу иши барча амал-парастларга сабоқ! Одамларга ўз иши билан ўрнак кўрсатадиган, виждонли киши... хўш, у нега бўшатилар экан.

Мажлис аҳли орасида унинг гапини маъқулловчи шивир-шивирлар эшитилди.

Бир бурчакда бир оёғи офтобда, иккинчи оёғи сояда, стул етмаганидан тик турган қотмадан келган, оқ мўйловни қулоғига етай деб қолган кекса киши сўзлаш мақсадида олдинга ўтди.

— Исмингиз?— деди Нажимов, унга мулойим қараб.

— Худойберган,— дея жавоб қилди деҳқон совуққина қилиб.— Халойиқ, мен бугун Шержоновга қойил қолдим ариза бергани учун. Унинг аризасини маъқуллагани учун обкомдан ҳам, райкомдан ҳам хурсанд бўлдим. Қолаверса, қурултойда гапириб, Шержоновнинг ариза ёзишига имконият туғдириб берган Давлатовдан ҳам рози бўлдим. Битта одам неча йил бошлиқ бўлади? Шержоновнинг олдида бир авлод амалга кўтарилмай ўтиб кетаётганига ичим ачир эди. Худога шукур. Ахир янгилик бўлиб турсин-да! Янги бошлиқ, балким, бизга янги куч-қувват, руҳ бахш этар, совхозга янгилик олиб келар. Ўртоқ Нажимов, халқ Шержоновнинг бўшатилишини, ўрнига Давлатовнинг қўйилишини маъқуллайди. Завмагни ҳам янгилаш фурсати келган...

Одамлар орасида Худойберганнинг гапини маъқулловчи пичир-пичирларга қўшимча орқароқдан «яхши, яхши!» деган овозлар ҳам эшитилди.

— Энди янги директорга иккита илтимосим бор,— деди ҳалиги деҳқон давом этиб.— Бири, хув анави қишлоқнинг қибла томонидаги қабристоннинг атрофини иҳота қилиш иложини топсин. Сабаби — шу атрофдаги ҳар бир хонадоннинг бу қабристонда энг камида бир қариндоши бор. Улиқлар ҳам бир вақт бизлардек тирик бўлишган, бу дунёни гуллатиб-яшнатиш учун талашиб-тортишишган. Бугунги кунда уларнинг устини мол-ҳол тепкилаб, булғаб юрибди. Навбати билан ҳаммамиз ҳам ўламиз, устимиздан мол юрадиган бўлса, бу хўрликка, айтинглар-чи, чидаб бўладими?! Бунақада қандай ўлади одам?

Ҳамма гурр этиб кулди. Нажимов ҳам, Давлатов ҳам қўшилишиб кулишди, ҳатто табиати тирриқ бўлиб ўтир-

ган Шержоновнинг ҳам товоқдек юзидаги кичкина кўзлари кулимсиради. Худойберган ота давом этди:

— Иккинчи илтимосим,— деди у кулмасдан, жиддий қиёфада,— бу йил сув жуда кам, экинлар чанқай бошлади, директор эртадан эътиборан сувни кўпайтириш чорасини топсин!

Бу гап ҳаммага маъқул бўлгани эшитувчиларнинг юзларидан яққол кўришиб турарди. Худойберган ота жойига тушиб кетгач, Завмаг сўз олди. Кун иссиқ бўлишига қарамасдан костюм кийиб, галстук тақиб келган эди у. Мақсади — ўзининг зиёлиликни кўрсатиб қўймоқчи бўлган бўлса керак. Лекин костюми ҳам, шими ҳам дазмолланмаган, ҳатто кир-чир, бўйнидаги галстуги бундан йигирма йил илгари оёқдан қолган, энсиз тасма галстук. Унинг ҳамиша шунақа пала-партиш кийиниб юришига ўрганиб кетган ҳамқишлоқлари бунга эътибор беришмади, Нажимов билан Давлатовгина ачинган кайфиятда унга қарашди.

— Менинг дўконимнинг харидори, дўстларим,— деди у, оштовоқдек япалоқ юзидаги терни қўлининг сирти билан артиб,— Худойберган ота қариб, бир оз алжиб қолган кўринади. У бугунга қадар диндор. Ҳозир бизда дин — хурофотга асос йўқ. Оти «Худой» ҳамда «Берган» бўлгани учун худони унутмаган бўлса керак! Унинг наздида биз дўзохи-ю, ўзи гўё жаннати. Уртоқ Нажимов, яқинда район газетасида битта шоирнинг шеърини ўқиб қолдим. Ичида «жаннат», «дўзах», «Макка» деган сўзлар юрибди. Бундай сўзлар одамни йўлдан оздиради, газета муҳарририга танбеҳ бериб қўйиш керак.

— Асосий масалага ўт!— дея луқма ташлади мажлис қатнашчиларидан бири.

— Асосий масала Эржон ога Шержонов ҳақида,— деди Завмаг шошилмай, бамайлихотир.— Уртоқ Шержонов ариза берган, обком, райком қувватлаган. Биз ҳам қувватлаймиз. Лекин бу оқил одамдан бошқа ёққа кетмай, шунча йилдан бери меҳнати сингиб келаётган совхозига биричи ўринбосар бўлиб қолишни илтимос қилиш керак. Менимча, ўртоқ Давлатов унинг бой тажрибасидан ўрганишни ўзига ор билмас!

Нишон Нажимовнинг чиройлидан келган оққуба юзи яшнаб, бирдан ўрнидан туриб кетди.

Ҳамма қарсак чалиб юборди.

— Уртоқ Давлатов, сиз нима дейсиз?— деб сўради у Давлатовга қараб.

— Тажрибали одамдан ўрганиш ҳеч ким учун ор

эмас, — деди Давлатов Нажимовга ўгирилиб. — Эржон Шержоновнинг ўзи нима дер экан?

Нажимовнинг кулиб турган кўзлари Шержоновга тикилди.

Ясси бурнининг учи терлаб, икки юзининг олмаси қизариб ўтирган Шержонов ўзини ҳар қачонгидан вазмин тутиб, ўрнидан туриш, кейин кўксига қўлини қўйиш учун бир неча дақиқани сарф этди. Мажлис аҳли сув сепгандек жим бўлиб қолди. Шержонов эса, жарга қулаб кетаётиб, жонидан энди умидини узиб қўйганида, бир халоскор илгидан тутиб қолган одамдек, тўлқинлиниб кетди-да:

— Раҳмат, халқим! — деди ўпкаси тўлиб йиғлаб юбораёзиб. Бир муддат тўхтаб, кўкрагини тўлдириб ҳаво шимириди, қуришган елкасини силади. — Халқим, сизлар менни тарбиялаб, шу даражага кўтардингиз. Минг раҳмат! Менинг мақсадим — сизларни тарбиялаш эди. Бу йўлда озми-кўлми тушунмовчиликлар содир бўлган бўлса, афв этгайсизлар. Мен сизларнинг ҳеч бирингизни бир-бировингиздан ортиқ-кам демасдим. Районнинг содиқ фарзанди Нишон Нажимов «районда истиқомат қилувчи ҳар бир одам менинг кўзимнинг қорачиғи» деганидек, сизларнинг ҳар бирингиз менинг кўзимнинг қорачиғи эдингиз. Ҳар бирингизни эркалатиб бир от қўяр эдим. Хато бўлса, хом сут эмган бандалигимни ҳисобга олиб, афв этинглар. Далибой, Холбой, Элбойларнинг отлари тақовўллаги учун, бирини бири тўлдирадигай ўйлари ва бўйлари бўлгани учун эркалаб «менинг уч мушкетёрим» дегандим. Уч мушкетёр бугун ҳам жуда маъқул фикрлар билдиришди. Агар ҳаммангиз маъқуллаб, менга, мана шу совхознинг бир чегарасини белгиловчи қозиқ бўл, дейишиб, ҳалқумимгача тупроққа кўмсангиз ҳам гинг демасликка тайёрман!

Мажлис аҳли бир ёқадан бош чиқариб қарсак чалди. Шержонов бошини қайта-қайта силкиш билан уларга миннатдорчилигини билдириб, ўтирган ерига чўкди.

Нажимов бундай натижани кутмаганди, мажлисдан кейин янги директорни кабинетига эргаштириб бориб, креслосига ўтирғизди-да, зудлик билан районга қайтиб кетди.

2

Ҳар каллада бир хаёл. Ҳар қайсисига эргашган билан ишинг бутун бўлмайди. Хаёллар сараланиши, тиниқиб, яхлит бир хулоса шаклига келиши лозим.

Шержоновнинг ҳаёт фалсафаси шунга мос эди. У ҳар хил вазиятга мослашишга уста, кўп ўйларини тиниқ-

тириб, бир ерга жамлашга ҳам моҳир, муваффақиятсизликлари оқибати аламини тортишга ҳам бардошлидай эди. Йиғилиш тугаб, одамлар тарқалишлари билан мазаси қочди, биров билан гаплашишга ҳам тоқати бўлмай, тўппа-тўғри уйига жўнаб қолди.

Хотини Фарида унинг бўшаш учун ариза берганидан хабари бўлса-да, бўшатилишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Қурултойда танқид қилингандан кейин Завмагининг маслаҳати бўйича, «касалнинг олдини олиш» мақсадида райкомга ариза берган бўлса ҳам, «бўшатади» деган ўй ўзининг ҳам калласига кириб-чиқмаган эди. Бунинг устига хотини Фарида ариза берган куни кечқурун эрининг хаёл суриб, маъюсланиб ўтирганини кўриб, уни юпатиш учун, «сени бўшата олмайдилар, сенсиз совхоз планини бажаролмаслиги райкомга аён», деганди. У бу гапга ҳам ишонганди. Кутилмаган ҳодиса юз берди, бўшатилды. Лекин райком секретарининг бугунги йиғилишдаги сўзларига қараганда, келгусида иши яхшиланиб кетишига умид қилса бўлади. Шундай бўлса-да, ичи куйиб, кела солиб холодильникдан бир шиша арақ олди, турган ерида қопқоғини очиб, шишанинг ўзидан оғзига қулқуллатиб қуйди. Эрининг қанча ичса ҳам ақлдан адашадиган даражада маст бўлганини кўрмаган Фарида бунга ҳайрон бўлмаса-да, шубҳаланди:

— Ҳа, бу қанақаси?

Шержонов йирик гавдали, ялпоқ юзли, ясси бурунли, қисик кўзли, шўх мўйловли, ҳаммавақт озода кийиниб юрадиган ринд табиатли одам эди. Оқ жужунча камзулининг ёқасига арақ томганини сезиб қолиб, ойиси олдида гуноҳ иш қилиб қўйган боладай кичкина кўзлари қисилиб, оғзи тўла тилла тишларини кўрсатиб кулди. Лекин кулгиси сохта чиқди, кулгидан кўра йиғига кўпроқ ўхшаб кетди унинг бу ҳаракати. Фарида ичкаридаги шифонердан дазмолланган оқ камзул олиб чиқиб, эрининг устидагисини ечтирди.

— Раҳмат, Фарида,— деди у қайтадан кийиниб, жойига ўтираркан.— Биласанми, Фарида, менинг сенга билдирган ҳар бир миннатдорчилигим сени туққан татар халқига миннатдорлигим.

Шержоновнинг боши қизиб, кайфи ошиб борарди. Хотини буни сездиди-да, гапни қисқа қилди:

— Бўлди, бўлди, ма, манави чўткани олгин-да, шимингни бир сидра чўткалаб, ўз хонангга кир!

— Бўшадим, бўшатишди!— деди у ичкарига ўтиб кета туриб.

Фарида ошхонадаги ишни қўйиб, унинг орқасидан эр-гашиб кириб, диванга ўтқазди.

— Олти қиз кўрдик, боқиб катта қилдик, ҳаммасини ҳам қутлуғ жойига қўндириб бўлдик. Энди иккаламиз сайру саёҳат қиламиз. Қозонга, Уфага, Москвага, Ленинградга борамиз.

— Қизиги йўқ! Уйда ҳеч ким қолмайди. Ақалли битта ўғлимиз бўлиши керак эди.

— Қўйсанг-чи, Эржон. Керак десанг, хоҳлаган қизининг ўғлини оламиз.

— Ўзимнинг пушти камаримдан бўлган бола керак эди-да! Қани, Фарида, бу гапларни қўяйлик, овқатингни олиб кел.

Хотини овқат тайёрлаш билан овора экан, у ўзича хиргойи қилиб хоналарни бирма-бир айланди. Ҳар қизига биттадан аталган олтита хонаси бор эди, ҳар қайсиси худди магазиндай ясатилган, ҳар бирининг хонасида сурати, яхши кўрган буюмлари дид билан қўйилган бўлиб, музей экспонатларини эслатарди. Полга тўшалган, деворга қоқилган қип-қизил чўғдек гиламлар кўзни қамаштирарди. У хоналарни айланиб юриб, катта залнинг бир бурчагига ўзининг тилларанг рамкага солиб қўйилган сурати олдида тўхтади, мўйловини сийпаладида, ғудранди:

— Мен аввало, ўзимга ишондим, кейин, кўп хатоларингни тушуниб, танқид қилсам ҳам, амал таъсирида манманликка берилдим, совхоз халқи менга сиғиниши керак, деб ўйладим чамаси, мана, бўшатиладим!

Орқасидан Фарида келиб, тирсагидан тортиб ошхонага етаклади.

Залдан ўтиб бораётганида кўзи телефон апаратига тушди-ю, таққа тўхтади.

— Дастурхонингни тузайвер, Фарида, ҳозир чиқаман,— деб телефон трубкасини кўтарди, ўзининг олдинги кабинетига қўнғироқ қилди. Ҳеч қачон ўз номерини термаган эди, ногоҳ янглишиб териб қолгудек бўлса, ҳеч ким жавоб бермас эди. Бу гал Давлатовнинг товуши жуда яққол эшитилса-да, ноиложликдан кифтини қашиди.

— Ҳокимият бир қўлида гули, иккинчи қўлида пичоғи бор одамга ўхшайди. Бизга қайсисини рўпара қилар экансиз?— деди овозини пастлатиб.

— Албатта гул тақдим қиламиз, оқсоқол!

Давлатовнинг бу самимий ва топқирлик билан берган жавоби унга ёқмади, юрагидаги кудурат бу самимиятни англашига йўл бермади, трубкани зарда билан шарақлатиб қўйди-да, ошхона томон чиқиб кетди.

У иштаҳа билан овқатланиб, ечиниб ўрнига кириб ётса-да, ухлай олмади. Телефонни олиб, кўкрагига қўйди, кейин, ўйланиб ўтирмай, Нишон Нажимовнинг уй телефон номерини терди. Унинг «алло» деган овозини таниб, юраги бир ҳаприқиб кетди, лекин ўзини босди.

— Менман, Шержоновман!

— Овозингиздан танидим,— деди Нишон Нажимов жуда мулоимлик билан.— Ғам еманг, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман.

— Районда битта одамнинг ҳам бурнини қонатмайман дегувчи эдингиз, мен...

— Олдин эслатдим-ку, ўша. қурултойга Марказкомдан ҳам одам қатнашган эди, бўлмаса обком секретарининг тилини топардим.

— Биладан, ука,— деди Шержонов чайналиб, трубкани қўёлмай бир муддат каловланиб туриб, кейин давом этди:— Сизнинг ишингиз ҳам, бизнинг ишимиз ҳам умумдавлат иши. Мақсадимиз халқнинг турмуш маданиятини, фаровонлигини яхшилаш. Тўғри, баъзи ишларимда камчиликларга йўл қўйдим, буни олдин ўзим тушунганим учун сиз мени ҳеч маҳал койишган эмасиз. Район партия комитетининг бюро аъзолигига ўзингиз кўтардингиз. Сиздан, албатта, миннатдорман. Мисоли, отадек ғамхўрсиз. Ҳа! Сиздан, совхоздан жонимни ҳам аямайман. Лекин охири қоронғи нарсаларга ҳам таваккал қилдим. Сизга кўнглимни ёрганим учун мени гуноҳкор қиларсиз, жазоларсиз, ихтиёрингиз. Лекин ҳаммаси ўзимга беш бармоқдек аён: мен директор бўлганимдан буён совхозда давлат планлари бажарилмай қолган йили бўлган эмас. Сиз қайси кунга буюрсангиз — ўша кун рапортим муҳайё эди. Сабаби — сиз ўз районимизнинг фарзандисиз! Сизнинг обрўйингиз — районнинг обрўйи. Сиз ҳам менинг битта гапимни иккита қилмагансиз. Афсуски, бизнинг районда Улуғ Ватан урушида мардлик кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олганлар йўқ, бунинг ҳиссасига Меҳнат Қаҳрамонларини кўпайтириш керак, деган эдингиз. Камзулимнинг ёқасини Фарида янгангиз яхши ният билан кўп силаб-сийпаб қўяр эди. Ҳа майли, омон бўлинг, ука!

— Илмий ходим Шарифа Шержонова сизга қариндошми?— деди Нажимов.

Шержонов манглайдаги терни кўрсаткич бармоғи билан сиририб ташлади.

— Нима эди?— деб сўради Шержонов жонланиб.

— Сизга фамилиядош бўлгани учун район марказидан жой берган эдим, адашмапман-а! Кекса балиқчи ота-

си, сизнинг оғангиз бор экан, Орол бўйидан кўчириб олиб келишга машина топтириб бердим. Кўчиб келганига уч-тўрт кун бўлиб қолди.

У бундан анча йил олдин аразлашиб кетиб қолган акаси билан унинг йигирма саккизга чиққунча ўқишнинг кетидан қувиб, ҳали турмушга ҳам чиқмаган қизи ҳақида нега гап қўзғаб қолди деган хаёлга борди-ю, ўйининг охирига етмай жавоб берди:

— Яхши қилибсиз!

— Ана кўрдингизми, фақат сизгагина эмас, сиз тўфайли қариндош-уруғингизга ҳам ғамхўрлик қилиб ётибмиз,— деди Нажимов.— Хайр, энди тинч ухланг!

У телефонни жойига қўйиб, деворга илинган чироқ тугмасини босиши билан бугун унинг бўшатилаганига хурсанд бўлган деҳқон Худойберган кўз олдида гавдаланди. «Эҳ, қарғиш теккур, қоронғида сен билан айтишиб ётайми энди», деб чироқни қайтадан ёқди. Шифтдан Давлатов гапириб тургандай бўлди-да, кўзини юмди, бари бир ҳаловат топмади. У ўй суриб кетди. «Шунча йилдан буён биронтаси устимдан чақимчилик қилиб, ёмонлаганини билмасдим. Давлатовнинг бунчалик жаҳли чиқишига нима сабаб бўлди экан? Эркак кўзининг шохи ўткир бўлишини билар эдинг-ку! Совға-салом бермаганимизгами? Завмаг орқали қоракўл қалпоқ тортиқ қилдик, ўзи олмади. Ё бўлмаса, ҳалол бўлгиси келганми? Қурултойда шунга айтмаганига ҳам минг қатла шукр! Демак, озсинган! Нега озсинди? Энг камида икки юз сўм туради. Шаҳардаги учта қоровулнинг ойлиги. Эҳ хомкалла, шунга ҳам фаҳмламабман-а! У Завмагнинг эгри қўлидан олишга орланган. Ўз қўлим билан беришим керак эди. Амали кичкина бўлгани билан, областдан келганлигини, Завмагнинг эгри қўлидан совға олмайдиган танти эканини мен нега тушунмадим?! Суягиндан олдин ақлинг тўзиди, Шержонов! Ҳа, ақлинг тўзиди! Хўкизнинг шохига урсанг, туёғи сирқирар, деганларидек, областдан келганлар олдида балогардон бўладиган шўрлик директор, қанча-қанча импорт костюм, қанча-қанча кўзи тери улашмадинг? Энди қаридинг. Дунёпараст бўлганинг — қариганингни белгиси. Пул — ўз вазифасини бажарса пул, муомалада бўлса пул, йўқса, шунчаки расмли оддий бир қоғоз. Унга совға-салом олиб бермаган пулинг қоғоз ҳолида тузликда ётибди... Шу пайтгача сени ҳеч ким танқид қилмагани — сарф-ҳаражатларинг, саховатинг самараси эди. Чарчагансан, Шержонов! Нега чарчайсан! Энди олтмишга кирдинг.— У қўлларини юқори кўтариб, билакларини биринкетин силади.— Ҳали сенда куч бор. Бизнинг элимизда

ўрта ёш етмиш беш. Ҳали ўн беш йил бошлиқ бўлиб иш-ласа бўлади. Давлатов худди заҳарли илон, у ҳеч вақт планларни бажара олмайди. Йўлини билмайди, охири ай-ланиб амал ўзимга келади, вақтинча ўғриллатилган ҳам-ёндай қайта топилади. Энг асосийси — менга Нажимов содиқ бўлса бас. Ҳамёни ўзи топиб беради... Энг асосий-си, заҳарли илоннинг бошини узиб ташламай, аста-секин бўйнидан қисиш керак, ана шунда тилини суғуриб олиш осон...»

У шу тўхтама келиб, чироқни ўчирмай уйқуга кетди.

Азонда идорага келганида, ҳали Давлатов йўқ эди, ўрганиб қолган одати бўйича унинг кабинети тутқасини бир ушлади-да, кейин кирди. Қабулхонада беш одам бор экан, уларни бир сидра кўздан кечириб, ҳаммадан орқа-да ўтирган кексанинг кифтидан кўтарди.

— Бошқалар сиздан ёшроқ экан, юринг!

У кексани бошлаб ўзининг янги кабинетига, яъни ўринбосарга ажратилган кичкина хонага эргаштириб кир-ди. Рўпарасига ўтирғизди.

Бу кекса пенсияни кўпайтириш юзасидан илтимос би-лан олдинги сафар келганида, Социал таъминот министр-лиги орқали амалга оширишнинг яширин йўл-йўриғини ўргатиб жўнатган эди.

— Нима бўлди? Бир бошдан гапириб беринг,— деди Шержонов меҳрибонлик билан.

— Ўзинг ўргатгандай қилиб, набирамга қалпоқ тик-тиришга асраб қўйган кўзи терини битта газетага ўраб, замминистрга кирдим. Елғиз ўтирган экан. Дарҳол тугун-чакни кўрсатиб: «Мана бу сизга совға эди», дедим. «Ичида нима бор?» деди. «Асл қоракўл тери», дегандим, мен қоғозга тери эмас, илон ўраб олиб киргандек, қапа-лаги учиб: «Кетинг, жўнанг бу ердан!» деб кабинетдан қувиб чиқарди.

Шержоновнинг ичаги узилгудай бўлиб, кўзларидан ёш чиққунча қотиб-қотиб кулди.

— Қария эмас, балосиз! «Ичидаги нима?» деганида, «совхознинг арзимас совғаси», деб ўровини ёздирмасдан, столига қўйиб кетаверсангиз бўларди-ку. Кейин ўзи очиб кўриб, қимматбаҳо нарса эканини тушунарди. Шу тарзда қолдириб келган ҳужжатларингиз бўйича пенсиянгиз тўғ-риланар эди. Эҳ, ёнигизга Завмагни қўшсам бўлар экан! Уйга кетаверинг, терини Завмагга топширинг, тўғрилайди.

Абжир, камтар, одамларга ғамхўр Шержоновга қа-рия мишнатдорчилигини тил билан ифодамай олмай, ўр-нидан турди, ичкарида онаси қолиб кетаётган оч кўзи-чоқдай жигари эзилиб, зўрға эшикни ёпди.

У чиқиб кетгач, ўрнига ўрта ёшлардан ошган, юз-қўзлари ўхшаш, лекин бирови ориқ, иккинчиси тўладан келган икки одам бараварига кирди. Шержонов икковини ҳам танитай ҳайрон бўлди. Сувга шўнғиб чиққан чумчуқнинг думига ўхшаш кулранг мўйловли бақалоғи гап бошлади:

— Бизлар Орол бўйидаги балиқчилар овулиданмиз. Менинг отим Холмен, манавининг оти Солмен. Қариндош эмасмиз, лекин туғишганлардан тотув қўшнилармиз. Оталаримиз ҳам аҳил яшашган, дўст бўлишган. Икковимиз ҳам бир кечада туғилганмиз, шунинг учун эгизаклардек отларимизни тақовул қўйишган. Хабарингиз бўлса керак, Орол денгизи кичрайиб, балиқчилик билан кун кўриш қийинлашиб бормоқда.

— Пахта, шоли экишни биласизми?

— Балиқ билан тишимиз чиққан,— деди Холмен.

— Пахтакор ё шоликор бўлмасангиз, ёғлироқ жойни шаҳардан изланглар!

Уларнинг ўрнига кирган икки киши ўз совхозининг ишчилари эди. Биттаси келин тушириб, тўй бермоқчи экан, шунга дўкондан камчил чит-пит олиб беришни илтимос қилиб келибди, иккинчисининг шимолий районларда турадиган кекса қудаси вафот этиб, шунга фотиҳага бориб келиш учун машина сўраб келибди. Биринчиси учун дарҳол райпога, иккинчиси учун гаражга қўнғироқ қилди.

У олдига келганларнинг илтимосларини қаноатлантириб қайтарса, шу куни эрталабдан яхши иш бошлагани учун эшикни ичдан занжирлаб олар, ётиб, бир соат ҳордиқ чиқарар эди. Буни у ишчан одамнинг ўзига-ўзи берган совғаси деб тушунарди.

Афсус, ҳозирги кабинети жуда тор. Бир стол, ўзиникидан ташқари икки стул. Қийим осадиган шифоньер ўрнига деворга иккита қозиқ қоқиб қўйилибди. Қийимларга гард юқмасин учун қозиқларнинг остига кнопка билан қоғоз қоқилган. Деразаси ҳам кунга тескари. Ёзда салқин бўлгани билан, қишда бурнини ҳам иситмайди. Шулар эсига тушиб, Давлатовга нисбатан адовати қайта қўзиди. «Оҳ, заҳарли илон!»

Ҳашаматли идора биносини қурдирганида бу кабинетни «ўринбосар учун» мўлжаллаган ўзи эди. Ушандан бери иккита ўринбосар ўзгарди. Энди эса ўзи ўринбосар бўлиб қолди. Уша пайтдаги ўринбосарини ҳозир директордан кам ҳурмат қилмайди. У энди йўлакда кўриниб қолса, бир хумордан чиққунча сўкар эди, назари пастлиги, юраксизлиги учун сўкарди. Агар у ўз қадрини била-

диган ориятли ўринбосар бўлганида, шундай кабинетга кўнармиди? Мана энди нима бўлди? Бу кабинет ўринбосар учун аталган меросга айланган.

У директорлик кезида бу кабинетга бошини суқса, ўринбосари олдида иккита курси бўш турганини кўриб, «бунчалик кенг ерда яйраб ўтиришини қара», деб ҳайратланар эди. Мана шулар эсига тушиб, ўзини ҳам сўқди ичида: «Галварс, бепаросат, шўрпешона, давринг келган пайтда ўринбосарни ҳурматлаб, кенгроқ кабинетга ўтирғизганигда, бугун ўзинг ўтирар эдинг, лодон!.. Эҳ, қани энди, ўша давр-давронинг яна қайтиб келгудай бўлса, нима қилишингни билар эдинг-а!..»

Бўлар-бўлмасга телефонда гаплашишга эриниб, уйда бўлса, «ишда», деб, идорада бўлса котиба қизга: «Дала айланиб кетганлар», деб жавоб қилишни тайинлаб, ўзи оёқларини стол устига қўйиб, креслосида чалқайиб дам оладиган одам, мана, ёғоч курсида ўтирибди. Қаттиқроқ чиранса синиб кетиши аниқ. Шу туфайли курсидан тура солиб, столга ўтирди-да, оёқларини осилтириб юборди. Чўнтагидан гугурт олиб, тишларини кавлади.

Эшик секин-секин тақиллади: фақат Завмаггина шундай тиқиллатарди. У эрининқираб столдан тушди-да, эшикни очди.

— Қир, зап зарур пайтида келдинг-да!

— Менда масофа туйғуси жуда кучли. Гоҳо ўзимни пайғамбар ҳис қиламан-у, аммо бировга айтишга уяламан.

— Уятинг борлиги яхши!

Завмаг кулди. У кулса, овозини чиқармай, ўрадек оғзи кенг очилиб, чанг босган кўҳна девордай юзи қулогигача тиришиб кетар эди. Шержоновга унинг бу галги кулгиси ёқмади. Унга ўқрайди. Баданига минглаб игна санчилгандай сесканиб кетди.

— Нима бало? Ростдан ҳам кула олмайсанми?

Завмаг бирдан тинди. Ой булут остига кириб кетгандай бўлди. Бу Шержоновга олдингисидан қўрқинчлироқ туюлди.

— Менинг мажлисдаги таклифим сизга ёқмадимми?— деди Завмаг таъби тирриқ бўлиб.— Бошқа йўл йўқ эди. Кеманинг бир эшкагини ушлаб туришингиз керак эди. Шу эшкакдан ҳам ажралиб қолсангиз нима бўлишини тасаввур қилмагансиз. Энди-чи, энди бир эшкак қўлингизда, шу эшкак кемани бутунлай эгаллаб олишингизга ёрдам беради.

Шержоновнинг кўзлари жавдираб, овози бирдан бўғилди.

— Гапингга қачон қулоқ солмаганман? Ҳамиша сўзингга кириб келдим.

— Чунки ақлсиз. Сизнинг обрўйингиз соясида Райпо энг камёб молларни менга ҳаммадан кўп берар эди. Ҳозир маслаҳатлашиб олайлик. Бу, Худойберган дейман, индамай отадиганлардан экан-ку.

— У сенинг ошнанг эмасми?

— Илон оч бўлгани учун эмас, шод бўлгани учун чақади. Худойберганга ўхшаган ошнанинг падарига лаянат! Иккита неварасини қўшганда, тўққизта боласи бор, унга раҳм қилиб, бултур: «Механизатор Султонинг бизнинг дўконни очиб, хотинимга ёрдамчи бўлсин», десам, «сендек ҳаромхўрга боламини яқинлаштирмайман», дейди. Ўз аҳволидан хабари йўқ, ор қилганига ўлайми. Шунинг учун ҳам совхоздаги энг ночор оилалардан бирида у.

— Уша лодон билан ўзинг гаплаш.

— Ўртоқ Нажимовнинг тактикаси ёқди. Директорни совхоздан ё районнинг ўзидан қўйдирмади. Бу — сизга яхшилик қилгани. Чунки совхоздаги барча кадрлар сиз тарбиялаган, сиз танлаб қўйган кадрлар. Планни бажариш сирларини янги директорга ҳеч қайсиси айтмайди. Биринчи йили янги одамман деб ваз кўрсатади. Кейинги йили ваъда беради, сизни ёмонлаб, баҳона қилади. Райком тугул обкомга ҳам план бажармайдиган бошлиқ керак эмас! Кўрибсизки, келаси йилнинг бошида уни бўшатиб туришибди-да.

— Кўкрагимдаги қат-қат тугуннинг учини топиб, ичimgа туташган чўққа сув қуя бошладинг, дўстим!

3

Яхшилик Давлатовнинг орзуси — совхозга директор эмас, илмий ходим бўлиш эди, кўп ўқиб, билим ортириб, қишлоқ хўжалиги экономикасига тааллуқли нарсалар билан кўпроқ қизиқарди. Директорлик масаласи уч кунда ҳал бўлди.

Энди у яхши бошлиқ бўладими, йўқми? Асосий гап мана шунда. Йиғилишдаги кайфиятга қараганда, одамларнинг кўпчилиги Шержоновга фақат ўрганибгина эмас, уни севиб қолишган. Унга ўхшаб севикли бошлиқ бўлиш бахт! Бу ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди. Худойберганга ўхшаганлар истаган идорада ҳам топилади. Улар тамал тоши бўла олмайдилар!

Райком секретари қайтиб кетгандан кейин у кабинетда ёлғиз қолиб, шулар тўғрисида ўй сурди.

Ҳали уйи область марказида эди. Барча янгиликни хотини Светланага гапириб беришга ошиқди. У эри азонда совхозга кетаётганида норозилик билдирмагани билан, совхоз коллективи янги директорни қабул қилмас, деб ўйлаган бўлиши ҳам мумкин-ку. Бор гапни эшитганидан кейин нима дер экан? У шаҳарга ўрганган, анча по-зик-ниҳол жувон.

Давлатов ҳали олдинги ишхонасининг «Москвич»ида эди. Ўзи ҳайдади уни. Уйига қайтаётганини секретарига айтиб, «Москвич»ига ўтирди.

Совхоз чегарасидан ўтиб, область марказидан Орол денгизи томон чўзилиб кетган асфальтланган кенг, равон йўл ёқасида қалин ўсган қорабароқ билан жингилзору янтоқзор орасида чўккан туялар ўркачидай сарғайиб ётадиган қумтепа ҳақиқатан ҳам «Ойлар бувининг қуми» деб аталар эди. Ҳажми ўттиз-қирқ гектарча келарди. Эрталаб бу ердан райком секретари билан бирга ўтганлиги учун тепага бурилмаганди, ҳозир эса тўхтамай ўтиб кетиш унинг учун кечирилмас гуноҳ. «Москвич»ни йўл ёқасида қолдирди-да, қумтепанинг энг баланд чўққисига кўтарилди. У бу чўққига биринчи бор чиққанида ўн уч яшар эди, болалиги мана шу қумнинг этагида ўтди...

Яхшилиқ Давлатовнинг онаси Руқиянинг кўзи ёриди-ю, боласи келажакда ким бўлишини орзу қилишга ҳам улгурмади, чақалоқ ёруғ дунё юзини кўрди, унинг инганигасини уч кунгина эшитди, кейин оламдан кўз юмди. Газета редакциясида ишлайдиган дадаси Давлат эса биринчи ва сўнги ўғлига Раҳимберди деб исм қўйди, у уч яшар бўлганида шаҳардан аравача сотиб олиб келаяётганида йўлда йўлтўсарлар томонидан ўлдирилди. Унинг қотиллари топилди, муносиб жазоларини олди, лекин бундан уч яшар нораства ўғлининг, ёши олтмишларни қоралаб қолган онаси Ойлар кампирнинг аҳволи енгиллашмади.

Оқила, кўпни кўрган Ойлар кампир аксарият кексалар сингари иримчи эди. Набирасини қучоқлаб, қишлоқнинг шимолидаги номсиз қумтепанинг энг баланд чўққисига чиқиб борди, этакдаги қишлоғига қараб товушининг бориचा шундай деб жар солди:

— Одамлар, мен яхшиликка муҳтож бўлиб қолдим. Биламан, сизлар ҳам муҳтожсизлар! Шунинг учун мен набирамнинг отини Раҳимберди эмас, Яхшилиқ деб ўзгартираман! Яхши ният билан сизлар ҳам Яхшилиқ денглар. Давлат ўгли Яхшилиқ! Илоҳим одамларга яхшилиқ қилиб яшаб юрсин! Шундай фотиҳа бераман!

Кампир бир ҳафтага қадар ҳар куни азонда мана шу тепага келиб, ҳалиги илтижосини такрорлади. Ниҳоят бир куни қишлоқ советининг раиси кампирнинг гапини эшитиб қолиб, набираси номига «Яхшилик Давлатов» деган гувоҳнома ёздириб, биттасидан бериб юборибди. Мана шу воқеадан эътиборан номсиз қумтепа ўз-ўзидан, ҳеч қандай қарору тегишли ҳужжатсиз «Ойлар кампирнинг қуми» бўлиб аталиб кетди, ҳамқишлоқлари шундай деб атай бошлашди.

Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини тотган, кўп паст-баландликларини кўрган Ойлар кампир ўзининг туққан фарзанди Давлатга ўз вақтида сингдириб улгурмаган энг яхши фазилатларни набирасига ўтказиш иштиёқи билан яшади.

Кекса она нима деса, ҳаммаси ҳали новда Яхшиликқа энг биринчи ва энг сўнгги насиҳат туйилиб, барини қулоғига қўйиб олишга интиларди.

Шафқатсиз тақдир унга бувисини ҳам кўп кўрди. Яхшилик бешинчи синфга ўтган йилнинг кузагида Ойлар кампир ҳам бу ёруғ дунё билан рози-ризалик тиллашди.

Бутун совет халқини оёққа турғизган Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган шиддатли жангларда ҳамма нарса Совет Армияси ғалабасини таъминлашга қаратилди. Совет кишилари бу йўлда ҳатто жонларини ҳам аямадилар, халқ бошига улкан мусибат тушди, уруш кўпларнинг ёстиғини қуритди, ҳар кимнинг ҳасрати ўзига етиб ортадиган, ҳар бир оилада овқат сўрайдиган битта жаф оғирлик қилаётган бир пайтда, ўн уч яшар Яхшилик учун дуч келганга қўл чўзиб, эланишдан бошқа йўл топиш қийин эди. У ёш бўлса-да, бу йўлга киришга орланди. Лекин очлик-муҳтожлик уни кам-кам исканжага олиб, охирида ўрнидан турғизди. Онасининг ҳам, отасининг ҳам, бувисининг ҳам қабрлари шу ерда. Ана ўша «Ойлар кампирнинг қуми»даги қабристонда эди. Унга ота-онасининг қабрини бувиси кўрсатиб қўйган эди. Улар эскирган, ўпирилиб тушган, бувисининг қабри эса ҳали янги, дўмпайиб турарди. Яхшилик очликдан лаблари гезариб, кўнгли гум-гум озиб, бувисининг қабри тепасига келди. Нон сўради. Қабрдан садо чиқмади. У қаерга кетишни билмай шу атрофда уч кун тунади. Тўртинчи куни жуда ақли шошиб, садақа берадиган одам излаб, қумнинг энг баланд чўққисига чиқди, кўзлари йўлга қараб ғилтиллаб турган эди, пастдаги арава йўлдан кўкси тўла орден-медаллари ялтираб оқсоқла-

ниб ўтиб бораётган солдатни кўриб қолди-ю, олдига югуриб тушиб борди.

Солдат унинг қум босган кир-чир сочларини унсиз силаб, елкасидаги аскарый қопчигидан ярим буханка нон олиб берди, етимча нонни юлиб олди, уни хўрак қилиб, яна икки кун тунади. Бошқа солдат ўтмади. Ҳеч ким нон бермади. Охири «Ойлар кампирнинг қуми» билан хайр-хўшлашиб, боши оққан томонга қараб йўлга тушди.

Замон қанчалик оғирлашиб кетганига қарамай, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ҳали кўтарилмаганди. Қоронғи тушишига яқин дуч келган раҳмдил бир отлиқ унинг туртусиданоқ аҳволини тушунди, ўша раҳмдил ҳамқишлоқларини йиғиб, ўн уч яшар Яхшилиққа колхозчиларнинг қўй-эчкиларини боқтиришни маслаҳат солди. Бу қийин вазифа эди. Лекин бундан бўйин товлашнинг ҳам иложи йўқ эди. Бошига тушган мусибат барига кўндирди: кунни билан қўй-эчки боқади, кечқурун қўй-эчки эгаларининг уйида навбат билан ётиб қолади. Қўноқ уй эгаси эртанги кунини ҳисобга олиб, тушлигини қўлига тутқизади.

Қишлоқ мактабининг директори етимча боланинг ўқишдан ҳам қолиб кетмаслиги иложини топди. Унинг бошқа синфдошларидан фарқи шунда эдики, муаллимларидан бир йўла икки-уч кунга вазифа оларди. Кундузи, яйловда қўзи-улоқлар ёйилиб юрган пайтда, ўша вазифаларни бажариб, кечқурун қўноқ уйида овқатланганидан кейин керак ўқитувчисини излаб топиб, сабоғини топширарди, ўқитувчи эса унга янги вазифалар берарди.

Шу тариқа, ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, синфдан-синфга ўтиб борди. Кейин урушдан келаётиб, бир қирғиз қизига уйланиб қолган амакиваччаси етим Яхшилиқни телеграмма билан уйига чақириб олди. Бир яхши томони, амакиваччаси боланинг ўқишини ташлаттирмади. Яхшилиқ ўнинчи синфни қирғиз тилида тамомлади.

Ҳаёт барвақт эр еттирган етим бундан кейин довдирамади, ўзини тутиб олди. Тошкентга бориб, институтга кирди. Бўш вақтларида кийими, озиқ-овқати учун вокзалларга чиқиб юкчилик қилди. Шу тариқа институтни битирди.

Меҳнатсеварлиги билан турмуш қийинчиликларини енгиб ўрганган-Яхшилиқ Давлатов ишни чилангарликдан бошлаб, бора-бора область партия комитети ишончини қозонган ходимга айланди.

...Мана, унинг оёқлари остидаги тепаликдан пайдо бўлган қишлоғи сал четроқда ўйчан ястаниб ётибди. Атрофга диққат билан кўз ташлади. Қум сўнги йилларда чўкканликданми, қишлоқнинг тағ замини бир оз ба-

ландлашиб, қумга тақалиб қолгандай таассурот қолдирди. Болалигида ҳар қайсиси жумбоқ бир олам бўлиб кўринадиган лой деворлар нураб, йиқилиб, худди чўккан туяларга ўхшаб дўппайиб ётибди...

Ойлар буви ҳар гал набирасини мана шу баланд чўққига эргаштириб олиб келганида баъзан ғамгин, баъзан кўтаринки руҳда:

— Уғлим, эсингда бўлсин, мен билган оламдаги энг юксак чўққи — оёғинг остидаги қум! Мен биладиган оламнинг киндиги — орқангдаги қабристон, — дегувчи эди.

Яхшилиқ эса ўшанда бувисининг айтганларига мутлақо ишонарди.

Утмишдаги бу гаплар эсига тушиб, ўша йилларда олтмишлардан ошиб кетган бувисининг тушунчаси ўн уч яшар набирасини ишонтиришгагина етарли бўлганлигини ўкинч билан ўйларкан, қовоғи уйилди. Оёқлари остига энгашиб, бир туп қорабароққа қўшиб бир туп янтоқни шитирлатиб босиб, ўзини яна юқорироқ кўтарилгандек ҳис қилди.

Қумнинг кунботар ёқдаги этагидан бир чақиримча келадиган узоқликда жилға бўлиб, илгари унинг икки бегида бир-бирига тиралиб қалин тўронғил ўсарди. Орасидан кўз ёшидек йилтираб жилға оқиб ётар эди. Ҳозир ана шу тўронғиллардан бир тупигина қолибди. Жилға ҳам анча торайган, саёзланиб қолган, ичи шу яқин ўртадаги пахта далаларидан қочирилган шўр сув билан тўла. Утган ёзда тўп-тўп бўлиб кўкарган қовғанинг сап-сариқ пўпанаклари қиши билан тўзиб, синиб, йиринг босган киприк сингари қотиб, эгилиб, жилғада ҳамон сарғайиб аксланиб турибди. Яхшилиқ бунга унча ҳайрон бўлмади, орқа томондаги қабристон томон ўгирилди. Уёққа қараб узоқ тикилиб турар экан, бугун мажлисда Худойберган ака билдирган фикрни ўзича такрорлади:

«Узоқ-яқиндаги элатларнинг киндигидан боғлаб қўйган энг сеҳрли куч — мана шу қабристон. Бувиси бу ерни оламнинг киндиги деб бежиз айтмаган. Шундоқ! Онам ҳам, отам ҳам, бувим ҳам шу ердаликлари учун мен ҳам бу ерга киндигимдан боғланганман».

У олдинга қараб икки-уч қадам ташлади-да, қабристонни оралаб кўриш ниятидан қайтди бирдан. Кўп қабрлар ўпирилиб тушган, емирилган. Ёзда қум-тўзон кўтарилиб чуқурларни тўлдириб турмаганида, одамларнинг суяклари очилиб қолган бўларди. Ўз қадрдонларининг қабрлари ҳали бузилмаганига ишонч билан кетгани маъқул.

Ҳар бир қабрда сирга тўла бир олам кўмилиб ётганини ўйлаб кетди. «Худойберган ака тўғри айтди, ўзимиз ҳам марҳумларини ҳурматламайдиган халқмиз-ов», деди фикран.

Қайфиятини алғов-далғов қилиб қўйган манзарадан қутулиш учун келган изига ғирра қайтиб, қишлоқнинг олдинги ўрнига яна кўз ташлади.

Ногоҳ бувисини эслади.

— Буви,— деган эди ўшанда Яхшилиқ, унинг эски бўз қўйлагининг кенг этагидан ушлаб туриб.— Яхшилиқ, ёмонлик тўғрисида кўп гапирасиз. Дунёда буларнинг қайси бири кўп?

Набираси ақлли савол берса, қувончдан тошиб кетадиган Ойлар буви уни ҳали норасида-ку, деб ўйламай, шу заҳоти жавоб берганди:

— Болагинам, одамзод авлоди яратилаётганида, унинг кўнгил сандиғига фақат яхшилиқ уруғи сепилади. Экиннинг қандай кўкариши ерга, об-ҳавонинг ройишига боғлиқ бўлгани каби, инсон қалбидаги шу уруғнинг қандай ривожланиши ўша одамнинг тарбиясига, у яшаган замонга, атрофидаги кишиларга боғлиқ бўлади. Яхшилиқ уруғи ўрнига ёввойи сассиқалаф кўкариши ҳам таажжубланарли эмас. Унинг отини одамлар ёмонлик дейишади, чироғим. Сен ўғил бўлиб туғилганинг жуда яхши бўлди. Авлодни давом эттирувчигина эмас, яхшилиқни ҳам ривожлантирувчи, боболар йўлига ҳам содиқ фарзанд ўғил бўлади, болам. Кўнглингда фақат яхшилиқ уруғи униб ўссин. Шунда сен ҳаммага ёқасан. Худодан ҳам, сендан ҳам ёлғиз тилагим шу, болам! Шунинг учун ҳам отингни Яхшилиқ деб ўзгартирдим.

— Буви,— деган эди яна у, кампирнинг жавобларига чуқур тушунмаса ҳам, қайта кавлаштириб.— Муаллим айтиб берган эртаққа қараганда шолининг келиб чиққан макони Ҳиндистон деган юрт экан. Сизнингча, яхшилиқ билан ёмонлик энг аввал қаёқдан чиққан?

Набираси қанча кўп савол бериб, кўп нарса билишга қизиқса, шунча суюнадиган кампир унинг сочи ўсиқ бошига кафтини қўйиб, узоқ-узоқларга назар ташлади, хаёл суриб кетди. Кўзлари остидаги ажинлар янада йиғилиб, буришди.

— Оҳ, болам-а! Катта бўлганингдан кейин ўзинг ҳам тушуниб оласан. Менинг фаҳмимча, яхшилиқ билан ёмонлик бизларнинг қишлоғимиздан чиққан шекилли-да.

...Шунча доно, оқила, кўпни кўрган кампир нима учун яхшилиқ билан ёмонликнинг макони қилиб ўз қишлоғини

кўрсатди? Дунёда бошқа халқлар борлигини билмагани учунми?..

У совхознинг бугунги йиғилишини эслаб, елкасини қашиди-ю, қабристонга йўналди. Эски қабрлар орасидан бувисининг қабрини топиб, тепасида бир муддат ерга қараб жим турди-да:

— Бувижон, ҳузурингизга келиб, сиз билан ҳали кўп маслаҳатлашаман,— деди. Кейин пастга қараб тушиб кетди...

Яхшилик Давлатовнинг хотини Светлана қамишдек хипча, узун бўйли, қалин қора қошлари тўлинойдай лўппи юзига ҳўп ярашган сулув жувон. Сал-пал қалинроқ лабига юпқалатиб қизил мой суриш билан йиғирма ёшидаги ҳуснини сақлаб қолгандай.

Эр-хотиннинг тақдирлари бир-бирига ўхшаш эди. Светлана болалар уйида тарбияланганди. Шунинг учун бўлса керак, ўзи ишдан ҳориб-чарчаб келганига қарамай, етимликда қорни тўйиб овқат емаган эрининг кўнглини кўтариш пайига тушар, атрофида парвона бўларди. Эри ҳам унга меҳрибон, содиқ — турмушлари тотув эди.

Светлана эри совхозга кетаётганида хушҳол кузатиб қўйган бўлса ҳам, келар вақтидан сал кечиккани учун хавотирланиб ўтирар эди, ётар олдида эшикнинг ўзига таниш тақиллашини эшитиб, кўнгли жойинга тушди. Эри уйига қириб келгач:

— Нима янгиликлар бор оламда?— деб сўради қувонч билан.

— Кўчамиз,— деди Яхшилик.

Светланага ишнинг нимага бориб тўхтагани маълум бўлди. Эшикдан чарчаб кириб келган эрига қулочини ёзиб, қучоқлади-да, ечинишига кўмаклашаётиб:

— Мен ҳаммавақт ёнингда бўламан, ёрдамчингман, жоним,— деди.

Яхшилик унинг иягини бармоқлари билан кўтарди-да, сеҳрли қўй кўзларига тикилиб туриб, юзига қайноқ лабарини босиб чўлп-чўлп ўпди.

Саккиз яшар қизи Ойлар тўрдаги хонада ухлаб ётарди, унга халақит бермаслик учун қўлтиқлашиб ошхонага киришди-да, тамадди қилгани ўтиришди. Светлана холодильникдан битта шампан виноси чиқарди.

Шу тариқа эру хотин аллавақтгача шакарғуфторлик қилиб ўтиришди, ўринларига кириб ётгандан кейин ҳам анчагача уйқулари келмай, келажак тўғрисида қумрилардай гўнғирлашиб гаплашиб ётиб, қайсиси қачон ухлаб қолганини сезишмади.

Эртасига Яхшилиқ азонда турди. Совхоз директорига сув керак, кўп сув керак эди. Буни совхознинг асл деҳқонларидан бири Худойберган ака ҳам эслатиб ўтганди. Чунки бу йил баҳорда Амударёнинг суви камайиб кетиб, одамларни анча эсанкиратиб қўйганди.

Бутун воҳа оёққа турди. Телефон симларигача сув танқислигини билдириб ғувилларди. Бутуниттифоқ сув хўжалиги министрининг ўзи келиб, сув тақсимлаш ишига аралашди. Бари бир бу тадбир билан ҳам сув кўпаймади.

Ҳозир қандай экан?

У иримчи эмас, шундай бўлса ҳам, янги директор Амударёнинг оқишига бир назар ташлаб, унга таъзим қилиши лозим!

Дарёда сув бир оз кўтарилибди. Бундан ўн йиллар олдинги даражасида бўлмаса ҳамки, ҳар қалай баҳордагига қараганда анча кўпайиб қолибди. «Омадим бор», деб қўйди у ичида.

У энгашиб бир қисим нам тупроқ олди, бурнига яқин келтириб, ҳидлади-да, дарёга қараб сўзланди:

— О, ўлканинг марказий қон томири, халқимнинг валинеъмати — она дарём! Сен учун тўкилган боболар қонининг ҳиди ҳамон уфуриб турибди.

Шу пайт оҳиста оқиб турган дарё лабидан озгина тупроқ нураб, сувга шувиллаб тушди. У қўлидаги тупроқни ташлаб юборди-да, сувга энгашиб, ҳовучлаб сув олиб бет-қўлини ювди. Кейин бир ҳовуч сувни бўйнидан қўйди.

— Ҳой-ҳой ёруғлиқ. Сен тошиб, айқириб, қирғоқларнингни емирганингга қанча вақтлар бўлиб кетди! Бугунги авзойингга қарасам, эски қаддингни тиклаб келаётганга ўхшайсан! Айқириб оқавер, менинг бахт-иқболим — Амуим! Сенга «асов», «бедов» деган сифатлар фоят ярашади!

Гўё унинг гапига тушунгандек, қирғоқ япа ўпирилди, сув яна кучлироқ шалопадади.

— О, Амуим, сен тошиб қирғоғингни қанча емирсанг, шунча қувонч! Сенга умид тутган ёдамлар кўп ер ўзлаштиришади, иккала соҳилингни гуллантишади, боғ-бўстонлар бунёд этишади. Эрка дарё, яна ичингга тортилиб, сенга ҳаёт-мамотларини ишонган одамларни ноумид қилма!

Яхшилиқ яна бир ҳовуч сув олиб, устидан сочиб юборди-да, ёш боладай қувнади. Нарироқда сув шапиллади. Қараса, Шарифа Шержонова. У сувдан чиқарилган ап-

паратнинг ҳар тарафига энгашиб, алланималарни дафтарчасига қайд қилар эди.

Бу қизни Яхшилиқ кўпдан танирди. У билан биринчи марта қиз Тошкентга ўқишга борганида учрашган. Шундан кейин улар бу йил баҳорда, сув масаласига боғлиқ мажлисда кўришишди.

Кутилмаганда бугунги учрашувдан у жуда севиниб кетди, қизнинг қошига яқин бориб, салом берди.

— Яхшилиқ Давлатович, назаримда иримчи кўринасиз, дарёга юкиниб, ялинганигизни эшитиб турдим,— деди Шарифа кулиб.

Яхшилиқнинг юзи қалампирдек қизариб кетди.

— Бу хусусият менга бувимдан ўтган.

— Яхшилиқ Давлатович,— деб Шарифа уни уялтирмаслик мақсадида янада яқинроқ келиб саломлашди.— Дарё сўнгги ҳафта анча тўлиб оқяпти, бироқ суви таркибида минерал тузлар миқдори кўпайиб борапти.

— Юқоридан коллектор сувлари, оқовалар қўшилганидан бўлса керак бунинг сабаби.

Шарифа бу фикрни тасдиқлаш билан бирга яна қатор сабабларни қўшимча қилди. Яхшилиқ қизнинг бурро гапларини эшитиб турар экан, ўз соҳасининг билимдонлигини эканлигига фикран тан берди-да, унга ҳурмат билан қараб деди:

— Шарифа, яқинда бир мақолангни ўқидим, бир илмий ҳодим билан баҳс қилибсан.

— Ўзи Қум бўйича илмий текшириш институтида ишлайди, ўз соҳаси уёқда қолиб, Орол устида фикр юрилади,— деди Шарифанинг кенг пешонаси тиришиб.— Биласизми, нима дейди? Оролни йўқ қилиш керак, ўрнига пахта, шולי экиш керак, дейди?

— Орол ҳавзаси олти ярим миллион гектардан ошади.

— Ана, у ҳам мана шу рақамни келтириб: «Олти ярим миллион гектар ҳазилакам майдонми! Экин-тикин қилсанг туганмас бойлик унади, халқ маъмур, эл обод бўлади!» деб ҳар бир мажлисда бармогини бигиз қилиб гапириб куйдиради. Эсимга тушса, жиним қуришади... Оролнинг остидан чиқадиган миллиард-миллиард тонна тузни сотишдан ҳам қанча фойда тушади, деганига нима дейсан?

— Тўғрига ўхшайди.

— Тўғрига ўхшайди?!

— Ҳозир бош масала сувни тежаш эмасми? Бир илмий ходим келтирган рақам бўйича, Оролдан бир йилда буғланган сувга саккиз миллион гектар ерни сугорса бўларкан.

— Орол қуриса, бу атрофнинг табияти ўзгаради. Орол қуриса, ҳозир экин экилаётган экинзорларингиз устини қалин туз қоплайди. Орол бу атрофни кузатиб турган бедор кўз, уни асраш керак. Бу фикрни москвалик академик Александров ҳам қувватлайди.

— Шарифа, бунчалик куйнаверма, барвақт қариб қоласан. Унда кўрасанга бу ташвишларни бир томонга қўйгин-да, бизнинг совхозимизга бош агроном бўлиб ишга кел.

— Сизнинг совхозингиз қайси экан?

— «Янгилик». Унга директор қилиб тайинлашди.

Шарифа йигитни дастлаб кўрганидаёқ лаблари гунчадай очилиб жилмайиши, мардона овози учун ёқтириб, ўша жилмайиш, ўша овозни эсида сақлаб қолган эди. Буларни қайта хотирлади, лабларидан кўз узмай, икки юзининг ёноғидаги кулгичларини ўйнатиб туриб, гап қотди:

— Мен сизнинг қурултойда сўзлаган гапларингизни эшитиб, ичимда маъқуллаган бўлсам-да, бориб қўлингизни қисишга ёнингизда айланишиб турган Эржон Шер-жоновичдан истиҳола қилган эдим. У менинг дадамнинг туғишган иниси, яъни амаким бўлади.

Яхшилик Шарифа гапирганида унинг ҳинд қизлариникига ўхшаш юзидаги кулгичлари чеҳрасига қандайин бир ўзгача болалик ҳамда беғубор гўзаллик бағишлашини кўриб тўймасди. Сўнгги гапида кулгич чуқурлари назарида текисланиб кетганга ўхшади. Қайфияти бузилди:

— Раҳмат! Шарифа, ўша сафар сени ТошДУ билан таништириб қайтганимдан кейин хат ёзгандим, суврат юборгандим. Жавоб бўлмади?

Шарифа ичаги узилгудек бўлиб, қотиб-қотиб кулди. Икки юзининг олмасида яна кулгич чуқурчалари пайдо бўлиб, унга беғубор болалик чиройини бахш этди.

— Нега куласан?— деди Яхшилик, йигитларга хос кайфият ва шўхлик билан.— Хандон ташлаб кулишинг сени менинг назаримда ёш болага айлантриб қўйгандек.

Қиз гапирмади, ҳинд гўзаллариникидан қолишмайдиган қорачадан келган юзи, қоп-қора кўмирдай кўзини ҳам мунг босди. Бу ўкинчми ёки эски яраларни қўзгаган бевафо йигитга аччиқми — Яхшилик тушунмади.

Шу пайтда юқори томондан кимдир чўзилиб салом берди.

— Ассаломалайкўў-ў-м!!

Иккаласи бараварига ялт этиб, овоз келган томонга бурилди. «Янгилик» совхозининг партком секретари Мамутов билан Завмаг пастга тушиб келишар эди.

— Уртоқ директор, кечирасиз,— деди Завмаг тиржа йиб кулиб,— бемаврид келиб қолдик. Эрталаб азондан бундай учрашув бўлади деб хаёлимизга ҳам келтирмагандик.

Мамутовнинг очиқ чеҳрасида бирдан булут пайдо бўлиб, қовоғи уйилди, унга ёмон назар ташлаб ўқрайиб қаради, лекин вақт ўтган, ачиган оғиздан сасиган гап қуш сингари учиб чиққан, уни тутиб қолишнинг энди иложи йўқ эди.

— Яхшилик Давлатович,— деди Мамутов ўртада юзага келган ноқулай вазиятни текислаш учун.— Биз ўртоқ Нишон Нажимовнинг топшириғи, Эржон Шержоновнинг илтимоси билан келаётибмиз. Юк машинасини уйингизнинг олдида қолдирдик. Совхоз идораси яқинидан бир уй бўшатилиб, ремонт қилинмоқда.

Партком секретари гапини охирига етказмай, орага Завмаг гап қистирди.

— Халқ Аму билан Оролни ошиқ-маъшуқларга ўхшатади,— деди у дарёга қараб туриб.— Ҳа, чиндан ҳам шундай. Оролга иккита ошиқ бор эди, бири Сирдарё, у қариб қолди. Иккинчиси мана бу Аму. Бу ҳали ёш. Оролга томон ўзи ошиқади. Ана, ҳақиқий ошиқ ундан ибрат олсин. Ошиқ-маъшуқларга халақит қилиш бахиллик!

Завмаг сувга қараб, гўё бепарво гапиргани билан, ҳар бир сўзига ўзича илмоқ қадаганига мағрур бўлиб, Мамутов томон бурилди. У эса Завмагнинг бу қочиригидан ғижийиб, унга ўқрайди. Давлатов буни сезиб турса-да, ўзини ҳеч нарсани фаҳхламаганга солиб, Шарифадан сўради:

— Айтинг-чи, дарёда сув озайиши Оролга қанчалик таъсир этди?

— Катта фожиа бу, Яхшилик Давлатович!— деди қиз бир оз куйинчаклик билан.— Орол кейинги йиллар ичида беш метрга саёзланди. Денгизнинг ўндан бир қисмидан ортиқроғи сувдан чиқиб, баъзи ерлари илонқўз қум бўлиб қолди, сувнинг шўрлиги ўн уч фоизга етди.

— Океанларда сувнинг шўрлиги ўттиз тўрт фоиз бўлади, деб ўқиганман,— деди Мамутов.

Яна гапга Завмаг суқилди.

— Шарифа, кечирасан, синглим,— деди у Шарифани Давлатовга жавоб беришига қўймай.— Менинг кўкрагимда юрган битта сўроғим бор эди. Учрашиб қолганимиздан фойдаланиб шуни сўрасам майлими?

— Сўрангиз.

— Октябрь революциясидан бурун бизнинг Шарқда илмий тадқиқотчи уёқда турсин, саводли аёл зоти бўлма-

гани ҳаммага аён. Ҳозир хотин-қизлардан ҳатто академиклар ҳам кўп. Олий ўқув юртида ўқийдиган талабаларнинг ҳам кўпчилиқ қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Бунинг учун ўрта ёшдагидан катта аёллар Улуғ Октябрь социалистик революцияси доҳийларига миллион-миллион раҳмат айтсалар ҳам кам. Мен билмоқчи бўлган нарсам — ҳозирги қиз-келиндяклар оналарининг озодлиги учун миннатдор бўлиб юраверишадими?

Завмагнинг бу баландпарвоз, дудмал гапига, унинг нима демоқчи эканлигига ҳеч ким тушуниб етмади.

— Унча тушунмадим,— деди Шарифа назокат билан.

— Мен ҳозирги Шарқ қизларининг тақдирида турғунлик сезаман, яъни хотин-қизлар ишда, ўқишда эркаклар билан расман тенглашди-ю, тўхтади қолди. Ҳўш, сенингча, буёғига нима қилиш керак энди?

Шарифанинг қорачадан келган юзига қон тепиб, ғазабидан лаблари титраб кетди.

Завмаг унинг қаҳридан қўрқиб:

— Тушунтира олмаганим учун кечир,— деди ўзини гўлликка солиб.— Мен сенинг тақдирингни назарда тутгандим.

— Менинг тақдиримни қаердан биласан?

— Областимиз унчалик катта эмас. Бунинг устига сен бизнинг район марказига кўчиб келдинг.

Шарифанинг энсаси қотиб, ҳеч нима демай, орқасига ўгирилди. Яхшилик унинг дили оғриганини, Завмаг ўзининг бемаъни гапи билан уни хафа қилиб қўйганини сезиб турарди. Шунинг учун ҳам унга қараб, ярим ҳазил, ярим чин қилиб гап қотди:

— Шарифа, совхозда сув етишмаса, сабабини билиш учун тўппа-тўғри сенга келаверамиз энди.

— Марҳамат, бемалол,— деди қизнинг чиройи очилиб. У бошқалардан ўғринча Яхшиликқа кулиб қараб қўйди.— Эсингизда тутинг, сизнинг совхозингиз сувни ҳар гектар бошига бошқаларга қараганда кўп ишлади.

Нимадир Яхшиликнинг ички дунёсига, бутун вукудига нур уфургандай кўнгли ёришиб, ноўрин гапирган Завмагга нисбатан қалбида туғён кўтарган аччиқ-арази арқаб, ўзини қушдай енгил ҳис қилди.

4

Амударё сувидаги ўзгаришни туни билан ухламай кузатиб тадқиқот олиб борган Шарифа Шержонова Яхшиликнинг бу ерга азонлаб келганидан севиниб кетган

эди, лекин суҳбатлари кўпроқ давом этмагани учун юраги куйиб қолаверди. Қалласига турли ўй-хаёллар кириб-чиқиб, иши ҳеч унмади, уйига қайтгиси келди. Бугун ҳам кечикса, ҳали шаҳар тартибига унчалик кўникмаётган ногирон кекса отаси зерикиб, «ўша эски жойимга қайтиб олиб бориб ташла», деб хархаша қилиши мумкин. Унинг дилини оғритишга сабабчи бўлиб қолиш фарзандлик шаънига тўғри келмайди. Отаси Нуржон ака кўзиши очиб Оролни кўрадиган балиқчи авлоди, ўзи ҳам атоқли балиқчи эди. Улуғ Ватан урушининг бошидан-охиригача қатнашгани бўлмаса, ўз қишлоғидан узоқда уч кун ҳам турмаган киши.

У жанг майдонида чап оёғининг тиззасидан пастини қолдириб, ёғочоёқ билан қайтган бўлса-да, ота касбини ўзгартирмади. Севган касби уни эл-юртга танитди, шуҳратини ёйди, бир неча бор қишлоқ, район советларига, бир мартаба республика Олий Советига депутат бўлиб сайланди. Афсуски, қариган чоғида тақдир уни ёстиқдошидан жудо қилди. У шунда ҳам Оролни ташлагиси келмас эди. Денгиз суви тортилиб, балиқчилар қишлоғида истиқомат қилиб келаётган аҳоли ҳар томонга тарқаб, кўчиб кета бошлади. Балиқчилар овулининг бир чеккасида ёлғиз уй бўлиб, якка ўзи яшаши ҳам мушкул эди, Шарифа ўзи ишлайдиган илмий текшириш институтининг филиали жойлашган шаҳарга график бўйича автобус қатнайдиган район марказидан квартира олиб, отасини кўчириб келди.

...Шарифа дарёдан шаҳаргача беш чақирим пиёда юриб, ундан кейин автобус кутиб, намозшомда уйига етиб борди. Улар иккинчи қаватда туришарди. Хаёлида ичкарида у кутмаган аллақандай янгилик бўлаётгандай туюларди. Бу гал у чироқ ёруғида деразадан икки одамнинг бошини кўрди. «Ким экан?» деган савол ўтди кўнглидан. Бирдан кўз олдида Яхшилиқ Давлатов пайдо бўлди-ю, зимистон тубсиз осмонда чақмоқ чақиб, қоп-қоронғи йўлка бир лаҳза ёришиб кетгандай туюлди. Таққа тўхтади. Атрофига қаради. Бу қанақаси? Ақл бовар қилмайди. У бошини силкиб, кўзларини юмган эди, аксинча, Яхшилиқнинг оққубадан келган юзи, салгина осилиб турувчи пастки лаби кўз олдида такрор гавдаланди. Ажаб! Бундан ўн бир йил бурун Тошкентга биринчи боришида институтни тугатиб, юртига қайтиб кетиш учун самолётнинг учиш вақтини кутиб ўтирган Яхшилиқ янги келиб қўнган самолётдан тушиб, қаерга боришини билмай гарансиб турган қизга яқинлашиб, ундан мулоимлик билан қаерга боришини сўраб билгандан кейин, уйга

қайтишни қўя туриб, Тошкентда уч кун қолиб кетган, бу орада қизга университетни таништирган эди. Негадир ўша онлар эсига тушиб, оёқлари қалтирагандай бўлди-да, яна деразага қаради. Иккита қора, иккаласи ҳам эркак... «Қизиқ, у бизнинг уйимизни қаердан билиб олди экан?.. Яхшилиқнинг овози унда мулойим эди, энди йўғонлашибди. Катта одамнинг овози!..»

«Оҳ, Шарифа, сени ажина айлантирди!» деб қўлини бир силтади-да, биров кузатиб тургани йўқмикан деган хавотир билан ёнверига қаради.

Атрофга сутдай майин нур сочиб ялтираб турган ўн беш кунлик ойдан, осмонда милтираб кўрина бошлаган юлдузлардан бўлак унга тикилиб турган кўз йўқ эди.

Эшиклари олдида ётган қайиққа тақаб қўйилган Шержоновнинг машинасини таниб, яна хаёл олиб қочди: «Яхшилиқ эрталаб бошқа машинада эди. Собиқ директордан олиб қўйибди-да? Эржон оға ўзинча келмайди. Чунки икки ака-ука бир-бири билан борди-келдисини узганига ўн йилдан ошиб кетган».

У. ғоят эҳтиёткорлик билан зиналардан кўтарилиб, эшиги олдида оёқларини артди. Эшикнинг бармоқ сиғарлича очилиб қолган тирқишидан ичкарига қулоқ солди. Биринчи товуш отасиники, иккинчиси Яхшилиқникига ўхшамайди, ким бўлди экан?

Бу орада ичкаридан шанғиллаган овоз баралла эшитилиб турарди.

— Бундан ўн йил бурун сенга: «Елғиз қизингни ўқишга юборгунча бир балиқчи йигитни қўлга киргизиб ол», деб иззат-нафсингни қойитган эдим. Ушанда сен тўғри қилган экансан. Қизинг, мана, катта одам бўлиб келди. Мендек туғишган инисининг гапига кирмаган сендек ўжарни ҳувиллаб қолган қишлоқда ёлғиз ташлаб қўймай, кўчириб олиб келганининг ўзи ҳазилакам гап эмас! Эҳ, у ўғил бола бўлармиди-я! Шержонов бўлар эди. Мен уни, у мени қўллаб юрган бўлардик!

Қиз унинг кимлигини энди билиб, ҳафсаласи пир бўлди, кўнглини иситиб юборган аллақандай ҳарорат ўша заҳоти сўнди. Лекин отасининг нима деб жавоб қилишини эшитгиси келиб, бир оз кутиб турди-да, ҳадеганда жавоб бермагач, ўз эшигига қулоқ солиб тураверишга қўшнилардан истиҳола қилиб, оёқларини жўрттага қаттиқроқ тапиллатиб, ичкарига гапириб кириб борди.

— Ота, зерикмасдан ўтирибсизми? Уҳ-хў, Эржон оғам келибдилар-ку.

Эржон Шержонов унга ялт этиб бурилди.

— Шарифа, соғ-саломат юрибсанми, айланайин.

Отангни кўчириб олиб келганингни Нишон Нажимовичдан эшитдим. Баракалла. Эркакнинг ишини қилибсан қиз бола бўлсанг ҳам.

— Нишон Нажимович ёрдам қилди, раҳмат унга!— деб Шарифа уларнинг ёнларига бориб, қаторларига ўтирди.— Отам қошимда, шунинг учун менинг ишларим ҳам энди унумли бўлади. Чунки хаёлим бўлинмай, хотиржам ишлайман.

Шарифа кейинги ойларда Амударёни пастки соҳилларида пайдо бўлган кўллар, ботқоқликларнинг кўламларини аниқлаш учун ҳар бирини узунасига ва энига, айланасига ўлчаганлигини, энди буларни уйда хотиржам ҳисоблаб чиқишини гапириб берди.

— Эржон оғанг муборак бўлсинга битта гилам олиб келибди, қизим,— деб Нуржон ака каравот томон ияк қоқди.

Шарифа каравот устида буклоғлиқ ётган гиламни кўтариб, тўрга ёйди.

— Қойил, раҳмат, Эржон оға! Нақшлари зўр экан. Мен худди мана шунақа гилам сотиб олишни орзу қилиб юрган эдим!

Шержоновнинг катта оғзи қудоғига етиб, тилла тишларини кўрсатиб илжайди. Шарифа ошхонага кириб, икита чойнакка чой дамлаб чиқди, дастурхонга нон, қандқурс, холодильникдан овқат билан яхна гўшт олиб қўя бошлади. Икки туғишган—ака-ука бунга бепарво, суҳбатларини давом эттиришди.

— Қайиғингни ҳам ортиқча юк қилиб олиб келганинга ҳайронман,— деди Эржон Шержонов.

— Ҳайрон қоладиган ери йўқ,— деди акаси.— Бундан беш йил олдин биттаси соғлиғига тўрри келмай, шаҳарни ташлаб, Оролга кўчиб келадиган бўлиб, қайиғингни «Волга» машинага алмаштир, деганида алмаштирмаганман.

— Энди унингни ҳеч ким битта велосипедга ҳам олмайди,— деди укаси кулиб.

— Уни сотиш хаёлимда ҳам йўқ. Биласанми, бошингга кийган қалпоғингни, овқат ичган товоғингни эскирди деб ташлаб юбориб бўлмайди. Қалпоғингни ташласанг бош оғриғи бўласан, товоқни ташласанг оч қоласан.

Эржон Шержонов селкиллаб кулди.

— Кексайган бўлсанг ҳам, ҳамон ёш боланинг гапини гапирасан-а.

— Чунки болалигимда мен Нуржон эдим, нима энди, кексайганимда бошқа атанишим керакми?

Гапга Шарифа аралашди.

— Эржон оға, уйимизни қандай топиб келдингиз?— деди у, оға-инининг ўн йил мобайнида энди кўришганларида, арзимаган нарсага қизишиб, яна юзкўрмас бўлиб кетишларидан қўрқиб.

— Эшигининг олдида қайиқ ётган бошқа уй йўқ районда.

Нуржон ака анча ҳовридан тушиб, инисининг қочиринга босиқлик билан жавоб қайтарди.

— Қишлоғимиздан Успан деган балиқчи мендан икки йил олдин шаҳарга кўчиб кетган эди, битта тўйга айтиб келиш учун юборган одамимиз уни тополмай, «Успанни ит қопкур жин ҳам урмаган экан, ҳеч бўлмаса, «Успан жинниники қаерда?» десам, биров бўлмаса биров билар эди», деб келди.

— Кўчасини, уйининг номерини сўрамаптимиз?

— Қишлоқни ташлаб ҳеч кимга айтмай кўчиб кетган одамнинг кўчасини ким ҳам сўраб қоларди дейсан?

— Қишлоқларда айниқса ёшларнинг тургилари, келмайди,— деди Шержонов.— Улар бизлардан чаққон, билармон, ақлли.

— Ҳозир юзаки ўйлайдиган ёшлар ҳам йўқ эмас. Октябрь революциясининг аҳамиятини етарли баҳоламайдиганлари бор,— деди Нуржон ака Шержоновга эътироз оҳангида.— Баъзи илмий ходимларнинг телевизордан гапирган сўзларида ёки газеталарда бостирган катта-катта мақолаларида жуда бачкана фикрлар юради. Уларини халқларининг ватанпарварлари қилиб кўрсатиш мақсадида ҳаммага маълум фактларни ё эртароқ, ёки кечроқ содир бўлган қилиб ўзгартиришга уринишлари сезилади.

Шарифа дадасига қараб ҳайрон қолди. Негаки, уни бу даражада мулоҳаза юритади деб хаёлига ҳам келтирмаганди-да...

Гапни Эржон Шержонов илиб кетди.

Яхшилик Давлатов деган биттаси менинг ўрнимга директор бўлиб келган эди, гаплашиб кўрсам, революция самараларидан ўз халқини баҳраманд қилолмаган одам ношуд, халқнинг қадрини билмайдиган худбин, деган фикр айтди,— деди у томдан тараша тушгандек қилиб.

— Мен биладиган Ўрта Осиё халқлари инқилобга қадарли тараққиёт даражаси бўйича бир-биридан унча ортиқ бўлган эмас. Октябрь инқилобини юзага келтиришда улуг рус революционерларининг раҳбарлик ролини инкор этиш — биз учун онамизнинг туққанини, унинг оқ сутини эмганлигимизни инкор қилиш билан баб-баравардир.

Шержонов яна Яхшилиқнинг бошидан мағзава ағда-ришда давом этди.

— Давлатов, — деди у нописандлик билан, — битта га-пида бутун Шарққа тегишли қайси бир олимларни, шоир-ларни ўзиники қилиб олган республикалар гоят ақлли иш қилдилар, деди.

Яхшилиқнинг номи ёмонотлиққа чиқарилаётганини фаҳмлаб турса-да, Шарифанинг бир оз хаёли қочди: «Наҳотки Яхшилиқ ўйламай сўйлайдиган одам бўлса. Ё шунақа одамга айланиб қолдимикан?»

Ака-уканинг фақат тингловчиси бўлиб қолишни қиз-нини запти кўтармади, бунга ортиқ чидамади:

— Ҳозир дунёни кафтида тургандек кўра олмайдиган, бутун инсоният тақдири билан қизиқмайдиган одамни том маънода ақлли дейиш қийин, — деди Шарифа пиёла-ларга чой қуйиб туриб.

Шержоновнинг дами ичига тушиб кетди. Унга гап қайтарса, ўзининг қуруқлиги, Яхшилиққа нисбатан адо-ват юзасидан қилаётган туҳмати фош бўлиб қолишини ўйлаб индамай қўя қолди. Бесўнақай гавдаси билан ин-қиллаб бир қўзғалиб қўйди-да, девордаги соатга қа-ради:

— «Время» программасига қирқ беш минут қолибди. Уйга етиб олишга улгуришим керак, — деб ўрнидан қўз-ғалди.

— Ана, телевизор бор, — деди акаси. Эржон тўрдаги телевизорга бир қараб, димоғдорлик билан деди:

— Ранглидан кўриб ўрганганман.

Шарифа уни биринчи қаватгача кузатиб тушди-да, юқорига қайтиб чиқди.

— Ота, унинг шу вақтга қадар оёғини тортиб юриши-га нима сабаб бўлган эди? — деб сўради отасидан.

У қизига бир қараб қўйиб, кўзларини ерга қадади. Уйланиб қолди. Қизи уни қистамай, амакиси чой ичган пиёлани артиб тўнкариб қўйди.

— Айтсам айтиб бера қолай, қизим, — деди қария, орадан бир муддат вақт ўтгандан кейин. — У мендан бир мучал, яъни ўн икки ёш кичкина. Лекин у муштдай бо-шидан уddaбура, ақлли, қув бўлиб ўсди. 1937 йили қиш-лоқни ташлаб, шаҳарга кетди. Шу кетганича овулга қайтмади. Армияга ҳам бормади. Ҳайтовур турли лаво-зимларда ишлади. Ора-сира кўришиб турар эдик. Кетга-нига беш йил бўлганмиди, олти йилми — сен ўқишда эдинг, у уйга атай излаб келди. Кутиб олдик, меҳмон қилдик. Овқатланиб бўлгач, менга: «Совхозимга кўчириб олиб кетаман», деди. Мен киндик қоним томган Оролни

ташлаб кетгим келмаётганини айтдим. Онанг ҳам мени қувватлади. У шундан кейин ялинишга ўтди. «Мени ҳурмат қилсанг — кўч», деди. «Акам эканлигингни ҳеч кимга айтмай, ўз олдинга бир чеккада ер олиб бераман, менга кераксан», деб ёлборди. «Нега?» — десам. «Сен урушда разведкачи бўлиб, душманнинг орқа томонида хизмат қилиб чиниққансан», деди. «Бунинг нима аҳамияти бор?» — дедим. «Совхозда мен тўғримда қандай ёмон гаплар айтилса, менга етказиб турасан», деди. Менинг жаҳлим чиқиб кетди, ўзимни тутолмай, ўша заҳоти уйдан қувиб юбордим.

Шарифа тўрда ёзуғлик ётган гиламдан бадбўй ҳид анқиётгандек, бурнини жийриб йиғиштирди уни.

— Ана шундан буён остонамдан бугун биринчи хатлаши. Бошини эгиб келгани учун совғасини қабул қилдим. Айтганча, «Время» программасининг вақти бўлибди.

Шарифа телевизорни қўйди-да, ўз хонасига кириб кетди.

У умрида йигитлардан биринчи бор олган хати Яхшиликдан эди. Университетга кириш имтиҳонларини топшириб, мандат комиссиясидан ўтган куни ундан хат келди. Конверт ичида 3×4 катталикдаги фотосурат ҳам бор эди. Яхшилик институтни битирган йили биратўласига эр етганлигининг белгиси сифатида мўйлов қўйган эди. Қизга ҳаммаси чиройли бўлиб кўриниб кетди, суратини бир-бир ўпиб, хатга қўшиб асради. Бахтга қарши Яхшилик бу хатдан сўнг унга бошқа ёзмади. Шарифа қизларга хос ғурур билан иккинчи, учинчи хатини кутди. У китоблардан ўқиб ўргангани бўйича, беқарор севгини ёмон кўрар эди. Бошқа ҳеч кимдан хат олгиси келмай, Яхшиликнинг ўша сурати билан хатининг фотонусхасини ўзининг кафт-деккина кичкина кўзгусининг орқасига қўйдириб олди. Бир томони кўзгу, бир томони хат билан сурат. У бу ойнани ҳали ҳеч кимга кўрсатган эмасди. Кўнгли хафачилик топса, бир нарсадан қисилсагина унга қарайди, у билан сирлашади.

У билан бугунги учрашуви, иккинчи томондан амакиси Эржон Шержоновнинг Яхшилик ҳақида айтган бемаъни гаплари қизнинг қатлам-қатлам юрак сирларини мангуга ўртаб юборувчи алангадай таъсир этди. У университетга дастлаб борганида Яхшиликнинг қўли теккан қизил дермантин қопланган чамадонида қулфлогли сақлаб келаётган оқ шойига ўроғлиқ ойнасини олди. Ойнанинг бетига доғ тушмаган эди, қиз унга боқиб туриб, бугун Яхшилик-

нинг олдида қай тахлитда қандай ҳаракат қилган бўлса, шуни такрорлади. Ҳақиқатга қараб туриб, уни ўн бир йилдан кейинги қиёфаси билан фикран солиштирди. Яхшилик ўша пайтдаги мўйловини олдириб ташлаган, юзи қуёшда куйиб, бир оз сўлинқирагандай, кўзларининг остига ажин тушганга ўхшаш таассурот қолдиради. Хатни лампочканинг ёруғига тутиб ўқиди:

«Шарифа! Мен буғдойранглиларнинг бунчалик сулув бўлишини ҳеч қачон хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, сени кўрдиму бутун йиларим остин-устун бўлиб кетди. Ҳозир бутунлай бошқача фикрдаман. Киноларда қорачадан келган ҳинд қизларнинг сулувларини кўрсам, сени эслайманда, бутун эс-ҳушим сен томон парвоз қилади, ширин туйғулар уммонига фарқ бўламан. Лекин сен улардан ҳам зўр сулувсан. Сендай гўзалга бир умр хизмат қилиб, хоки пойинг бўлиб юрсам ҳам оз. Афсус. Айтмоқчи, халқ ҳикматларидан бирини ўқидим. Унда: «Қимда-ким сева билса, ўша севганининг қадрига етади...» дейилган.

Хат ёз менга, Шарифа!

Салом билан Яхшилик».

Шарифа хатни ҳар сафар кўрганида: «Эҳ, қиз боланинг ғурури-я!» деб ўзини ўзи койир эди, энди битта сўзини ўзгартириб, хўрсинди:

— Эҳ, болалик ғурури-я!

Ойнани чамадонга қайтадан солиб қўйиш ўрнига кўксига босиб, каравотига чалқанча тушиб ётди... «Унинг совхозига ишга ўтиш керакмикан?.. Оиласига малол келади...»

У студентлик пайтида ётоқхонада ўрганган бир одатини ҳамон тарк этмаганди. Кўзларини чирт юмди-да, икки кўрсаткич бармоғини галма-гал ялаб олиб, учларини бир-бирига «чўқиштириш»ни машқ қилишга тушди.

— У мени севадими? Йўқми? Севадими? Йўқми?..

Бармоқлари гоҳ бир-бирига «чўқишади», гоҳ тойиб кетади. Шарифа бу усулни неча йилдан бери такрорлаб, бунинг барини Яхшилик Давлатовга атайди, қандай вазиятда бўлмасин, «у мени севмайди» деган ишончга берилган эмас. Яхшиликнинг уйланганини, қизалоқли бўлганини эшитганида ҳам, бу унинг қалбидаги ишончга ҳеч қандай путур етказган эмас. «Қимда-ким сева билса, ўша севганининг қадрига етади!»

Директор кабинети энига беш ярим, бўйига ўн икки метрлик катта хона эди. Яхшилик Давлатов биринчи кунни ёнида райком секретари борлиги учун унча зеҳн солмаган эди, бугун у кўзига иш кабинети эмас, кенг залга ўхшаб кўриниб кетди-да, ҳовлиқинқираб ўрнига ўтирди.

Мана шу кабинетга муносиб катта ўйлар, улкан мақсад-ду режалар бўлиши лозим. Область партия комитети секретарининг совхоз ишларини район ёки область миқёсида эмас, балки республика, бутуниттифоқ миқёсида олиб бориш лозимлигини таъкидлашлари бежиз эмас!

У хаёлга чўмди: катта, кенг-мўл кабинетга эга бўлиш унчалик қийин эмас экан-ку, лекин энди унга муносиб ишлар қилиш керак... Кеча Шержонов кабинетдан чиқиб кетатуриб кўзларини одамлардан олиб қочди, каловланди, қўлларини пастга осилтириб, муштини туккандай бўлди. Кимга? Агар у муносиб иш юритмаса, Шержоновнинг бошига келган кун Давлатовнинг бошига ҳам келади. Шержоновга яхши, ўз аризасига биноан бўшади. Бундай кенг-мўл кабинетдан тўппа-тўғри авахтанинг бир кишилик бўлмасига равона бўлганлар ҳам топилади. Унинг йўли бошқа!

У бошини икки кафти билан қисган ҳолда столга энгашиб, аста гудранди.

— Замон ҳар авлодни аввалгисидан етукроқ кўргиси келади. Бу аксиома. Мен Шержонов қилолмаган ишларни амалга оширишим, яхши ишлашим лозим!

У яна бир оз ўйланиб, аввал марказий идора аппарати билан танишиб, совхоз олдида турган вазифалар юзасидан маслаҳатлашиб туришни кўнглига тугиб қўйди.

Мана шу хаёлини ҳозирдан амалга ошириш мақсадида секретарига кўрсатма берди.

Янги директорни маъқуллаганлар ҳам, ёқтирмаганлар ҳам бор эди.

Япалоқ юзидаги ясси бурни остида қалин гажак мўйловлари келбатига алоҳида савлат бериб турадиган Шержоновнинг ўрнида ундан кичкина, кўримсиз, салобати ҳам йўқ директорнинг ўтириши баъзиларга ҳам эриш, ҳам нуносиб туюлди.

Яхшилик уларнинг бегонасираётганликларини гўё сезмагандай, ҳаммаси билан ғоят мулоийм жилмайиб, илиқ гаплар билан ҳол-аҳвол сўрашди. Ҳамма билан бирма-бир танишиб чиққач, мурожаат этди:

— Дўстлар, менинг тушунишимча, идора бошлиғи коллективга отагина эмас, ҳаммага хизматкор ҳам. Агар сов-

хозни битта оила десак, унга янги келган директорни ма-на шу оиллага тушган келинга қиёс қилиш мумкин. Келин оиланинг паст-баланд шароитига тез ўрганиб, рўзгорини қўлга олиб, уни тебратиб кетиши оила аъзоларига боғлиқ. Шунинг учун ҳаммангизнинг маслаҳатингизга, ёрдамингизга муҳтожлигимни ҳисобга олишларингизни сўрайман.

Баъзилар унинг бу гапини ялинаётганга, ношуд бошлиқликка йўйиб, ичларидан афсусланишди, баъзи бировлар эса уни жуда пихини ёрган шум хаёл қилишди.

Тезроқ бир-бирларига тушуниб олишлари керак!

Яхшилик уларнинг бу ётсирашларига барҳам бериш учун коллективнинг ишончли аъзоси бўлиб кўриниш, катта-кичик — ҳамма билан тил топишиб кетиш йўлини излади. Лекин уларнинг авзойига қараганда, сингишиб кетадиган сиёқи йўқ эди. Ҳаммасининг ҳурпайган юзида ишончсизлик, ётсираш аломатлари ақсланиб турар, ҳеч қайси бирининг у билан сўйлашиш иштиёқи йўқдай эди.

— Айтинглар, дўстлар, — деди у, ходимларга ғоят мулоимлик билан. — Ҳозир совхоздаги энг асосий қўшиқ нимадан иборат?

Шержонов мўйловини силаб, илжайди:

— Революциягача асосий қўшиқ «Бўзатов» бўлган, ҳозирги бош қўшиқ «Совет Иттифоқи гимни», ўртоқ директор.

Ҳамма дув этиб кулда. Жавоб ҳам саволга яраша бўлганлиги учун Яхшиликнинг ўзи ҳам пиқ этиб кулиб юборди. Шержонов ҳеч нарса бўлмагандай, энди бемалол гапирди.

— Элга бошчи бўлиш қийин, иним. Ҳа. Ҳар хўжаликнинг ўзига яраша эҳтиёжи бўлади. Ана шу эҳтиёжни қондириш керак. Социалистик тузумнинг мақсади шу. Ақлли бошчи ўз совхозининггина эмас, буткул район, буткул область, бутун эл ғамини ўйлаб иш юритади. Бахтга қарши, совхозимиз бўйича Ватан урушида унутилмас мардлик кўрсатиб, Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонини олганлар йўқ. Бу бўшлиқни Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан тўлдириш учун энди номзод таклиф этай деган йилим пахтага қўшиб бошқа экин экиш бўйича план беришди... Шоли эски экин бўлса ҳам, менинг совхозим учун янги, бунинг устига, шоли ерни бузадиган ўсимлик. Ҳа. Хоҳламайман. Ўзингиз биласиз, бизнинг замонамизда ҳар бир бошлиқнинг иш қобилияти, мартабаси планни бажариши билан ўлчанади. Шунинг учун кўрсатилган планларни бажармасликка ҳеч кимнинг коммунистик виждони йўл қўймас керак.

— Албатта, — деди Яхшилик ниҳоятда сиполик билан. —

Сиз райкомнинг бюро аъзоси бўлгансиз, ундай даражага етиш учун ишлаш ҳам керак, яшаш ҳам керак.

— Давлат топшириқларини бажаришда халқ ташаббускорлигини уйғотиш усталикни талаб этади. Чиндан ҳам мен муваффақиятлардан эсанкираб, бурним кўтарилиб кетмади. Шундай бўлса-да, партиявий эътиқодимга бўлган юксак туйғуларим ҳаммавақт уйғоқ юрди. Ҳа.

— Сиздан ўрганишимиз керак бўлган нарсалар кўплигини биламан.

— Сиз ҳозирча тушунишингиз керак нарса: бошлиқ қандай бўлиши лозим? Бу савол ҳозир ҳаммани қизиқтиради. Менингча, бошлиқнинг бош белгиси — меҳмондўстлик!

— Раҳмат!— деди Яхшилик бошқаларнинг гапиришларини кутиб, атрофга назар ташлаб. Шержонов бўлса паст тушгиси келмай, гапида давом этди.

— Бошлиқ донг чиқариш учун икки нарсани қўлга киритиши лозим. Биринчиси, билим, иккинчиси, меҳнат—ёки биринчиси меҳнат, иккинчиси, билим! Ҳа! Яна битта фалсафа доимо эсда туриши керак: ёмонлик бўлмаса, одам яхшиликнинг қадрини йўқотади, яхшилик бўлмаса, инсонга ёмонлик тушунарли бўлмай қолади.

Яхшилик унинг иккала фалсафасини маъқуллаганини ҳам, ёқтирмаганини ҳам сездирмай бепарво ўтираверди. Бундан Шержонов фойдаланиб насиҳат қилишда давом этди.

— Иним, ҳали ёшсан, лекин ақл-фаросатли кўринасан,— деб у қаддини тикланқираб, мўйловларини икки ёққа қараб силади.— Масалан, мен ҳозир сени кўриб, сенинг ёшингда йўл қўйган хато-камчиликларим учун пуншаймон бўлиб ўтирибман.

Шержонов нега янги директорни кўтармалашга ўтди — ҳеч ким тушунмади.

— Давр ҳали сендан кўп нарса кутади,— деди Шержонов хаёлига келган фикрни тизгинламай.— Давр талабига жавоб берсанг, совхознинггина эмас, бутун район фарзандига айланасан.

Шержонов қанча кўп очилишса, Яхшилик шунча кўп жумбоқ ечиб ўтирди. Ҳар бир гапийи маъқуллагандай, калласини тебратиб, қулоқ бериб эшитаверди.

— Фарбий европаликлар бизларни СССРдан ташқаридаги Шарқ одамлари билан солиштириб баҳолашади. Шунга кўра ҳам улар бизни ниҳоятда қолоқ, сичқондай ўз инидан олисга боролмайдиган одамлар деб билишади. Шундоқ. Биз бу тушунчани бекорга чиқариб, жаҳонда йирик бир юлдуз бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Бунинг учун мусулмонлар, Маккага етолмай, йўлда вафот этсанг ҳам жаннатисан, дегандай, коммунистик келажакка ишончимиз мустаҳкам бўлиши шарт. Бу ишонч партиямизнинг ғамхўрлиги, раҳбарлиги остида коммунизм қурилишида халқнинг ғолибона ҳаракати натижасида амалга оширилади. Бунга ўзингиз нима дейсиз, ўртоқ директор?

«Агар у бу гапларни астойдил, ишонч билан айтаётган бўлса қандай яхши бўларди-я!» деган гап ўтди Яхшилиқнинг кўнглидан. Лекин унинг йилтироқ, баландпарвоз гаплари ўзига таъсир қилмаганлигини сездирмасликка тиришди.

— Ёшлар ўрганса арзийдиган нарсалар сизда анча мунчага ўхшайди, оқсоқол! — деб унга яна пишанг берди.

Шержоновга бу гап жуда ёқиб, ичида чироқ ёнгандай, буғдойранг юзи гул-гул яшнаб кетди.

Яхшилиқнинг умидвор кўзлари ҳаммага яна бир бор югурди. Ҳеч кимда гапириш иштиёқини кўрмади. У совхоз ишчилар комитетининг раиси томон бурилди-да, ундан сўради:

— Тўлибой Тўраевич, айтинг-чи, совхозда неча хонадонга газ ўтказилмаган?

Бундай сўроқни наинки Тўлибой Тўраевич, ҳатто қолганлар ҳам кутишмаганди. Кўпчилик янги директорни ёш бола фаҳмлаб, у совхозда узоқ ишлай олмайди, ҳали ғўр, Шержонов қайда-ю, бу қайда, деганга ўхшаш хаёлларга бориб, ҳатто унга нописандлик билан қараб ўтирарди. Бунга Шержоновнинг узундан-узоқ насиҳатомуз гаплари-га, уларнинг назарларида, «лаққа кўнганлиги» ҳам сабабчи бўлган эди.

Қорни ой-куни яқин хотинларникидай осилиб тушган, афт-башараси пишиб ўтиб кетган бодрингдай сариқ Тўлибой Тўраевич ўрнидан туриб, икки ёққа айрилиб турадиган қалин оқ сочини ичакдай бармоқлари билан сийпалади.

— Қаранг, шу рақамлар эсимда йўқ, унутиб қўйибман-а... — деди.

— Икки кун муҳлат сизга, шу вақт ичида билиб берсангиз, яхши бўлар эди. Утиринг!

Бу аҳволни кўриб Шержоновнинг ғаши келди, олдидагиларга «янги директорнинг хотинларга ўхшаб иш бошлаётганига қаранглар» деган маънода кўзларини сузиб, жилмайиб қўйди. Улар уни қувватлаган бўлиб, мийиқларида кулишди. Яхшилиқ ҳеч кимнинг ички ҳис-туйғусига ҳам, ташқи қиёфасидаги ўзгаришларга ҳам унча эътибор

бермаётгандай тутиб турарди ўзини. Лекин энди унда жиддийлик, ишчан кайфият баралла акс этарди.

— Ундан кейинги бир иш,— деди у ўзини ниҳоятда вазмин ва сипо тутиб.— Кеча Худойберган ота жуда ўринли бир гап айтди. Қабристон чидаб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолган. Оёқ ости қилиб юборилган, моллар ўтлаб юрибди. Ҳозир кун иссиқ пайтидан фойдаланиб, атрофини девор билан ўралса, ёмон бўлмас эди...

Ҳамма оилаларни ипсиз боғлаб, ўзига қаратиб олган кучнинг бири мана шу қабристон эканлиги, яқингинада ўзлари сингарни бу ёруғ дунёнинг галва-ташвишлари билан куймаланиб юрган одамларнинг қабрлари устида мол боқишга барҳам бериш, оёқ ости қилмаслик ҳақидаги бу гапга ҳеч ким унча эътибор қилмади. Янги директорнинг бу гапидан қийиқ ахтарганлар бир-бирларига ер остидан қарашиб, бўйинларини қашишди.

— Бу иш парткомга топширилсин,— деди орқа томондан кимдир.

Қабристонни диний ақидалар билан боғлиқ ҳолда тушуниб ўрганган Мамутов жавоб бермади. Яхшилиқ сансалор вазиятни узоққа чўздирмай Шержоновга қаради:

— Сиз нима дейсиз?

У ўрадай оғзини кафти билан босиб, мийиғида кулди. Завмагнинг икки кифти силкиниб, пиқ этиб тиржайди. Бошқалар унга қўшилишди. Сиртдан кузатувчиларга ҳамма одам хурсанд кўрингани билан, директорнинг катта кабинети аллақандай ҳасратли бир кайфиятга чўмгандай жим бўлиб қолди. Яхшилиқ ҳеч нарса бўлмагандай кенг кўкрагини кўтарди:

— Қабристонни девор билан ўраш ишларини ташкил этишни партком секретари билан ишчилар комитети раиси қўлга олсин!

Оғзини рапидадай кафти билан босиб, юзида аксланган таассуф ҳисларини яшириб турган Шержонов янги директордан бошқаларнинг ташқарига чиқиб туришларини илтимос қилди.

Ҳамма кўзғалди.

Яхшилиқ уларни тўхтатишга уринмади, қийиқ кўзлари олайнқираб, эшикдан ташқарига чиқиб кетаётганларнинг орқаларидан қараб қолди.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди Шержонов у билан ёлғиз қолгандан кейин.— Жуда нотўғри таклифлар айтдингиз.

— Нега?

— Ақлли одам ўзи тушунади. Мен сизни ақлли деб билардим.

Шержонов бу кинояси билан уни таҳқирлаётганлигини билиб турса-да, Яхшилик ўзини жуда камтар ва кўнгли беғубор ёш боладай тутди.

— Одамларни нега тарқатиб юбордингиз?— деб сўради у, Шержоновга қараб вазминлик билан.

Шержонов Яхшиликқа «шуни ҳам фаҳхламадингми?» дегандек кибр билан тикилди. Унинг юзидаги жиддий талабчанлик ифодасини кўриб, қўрслик билан жавоб қилди:

— Сиз бу кетишингизда ўз обрўйингизни тўкибгина қўймай, мен зўрға тиклаган совхозни ҳам тарқатиб юборасиз.

Яхшиликнинг ўйчан кўзларида қаттиқ нафрат ва ғазаб учкунлади.

— Бу билан нима демоқчисиз?— деди у, Шержоновнинг бетига тик қараб. Шержонов ундан бунчалик кескинликни кутмаганди. Лекин шундай бўлса ҳам, билмасликка олди, эркин ҳолатини бузмай, жавоб қилди:

— Майли десангиз, сизга юрт бошқаришнинг иккита йўлини айтардим.

— Ақлнинг оғирлиги бўлмайди,— деди Яхшилик, қандай маъни чиқаркин, деган ўй билан ўзини яна гўлликка солиб. Шержонов гўё жуда ҳам ақлли гап айтадиган донишманд одамдай, салмоқланиб давом этди.

— Биринчи йўли: қулоқ билан бошқариш. Бунда ҳеч ким ҳақида барқарор фикрнинг бўлмайди. Эшитганингга қараб ўзгараверасан. Қўл остингдаги одамлар бу хусусиятининг тушуниб олиб, сенинг қулоғингга боғланиб қолади. Қисқаси, сени ёниб турган ўт билиб, атрофингда парвонадек ўралашади.

Яхшилик кинояюмуз бош силкиди. Буни Шержонов маъқуллади деган ўй билан давом этди:

— Иккинчи йўли. Буниси ғоятда нозик. Абжирликни талаб қилади. Бунда юқоридагиларнинг фикрлари билан яшайсан. Масалан, уйингга ўзингдан баландроқ мансабли одамни олиб келсанг, у остонада тўхтаб: «Бу ер сизнинг уйингизга ўхшамаяпти-ку!»— деса, бирдан шубҳаланиб: «Ҳа-я, бу бизнинг уйимизга ўхшамайди», деб тўхтайсан. Шунда у сени ёқтириб қолиши буёқда турсин, яхши кўриб қолади!

— Ўзингиз қайси бирдан кўпроқ фойдалайгансиз?

— Асримиз синтетика асри!

Шержоновнинг бугунги гаплари бўйича унга фақат ҳурмат билан муносабатда бўлишни кўнглига тугиб қўйган Яхшилик Давлатовнинг яна ҳафсаласи пир бўлиб, унга нафратни ортди. Қурий бошлаган лабларини артди.

— Марксча таълимот бўйича ҳеч бир усул ўзгармас,

қотиб қолган нарса эмас,— деди Шержонов жуда билафонлик билан жўшиб.— Энди район партия комитетининг секретари Нишон Нажимович ҳақида билиб қўйиш керак. У шу районнинг фарзанди. Ҳақиқий ватанпарвар! Ундан олдинги секретарь бошқа райондан келган эди. Шунинг учун ҳам унинг, «районнинг шон-шухрати учун» деган гапи «менинг шон-шухратим учун» дегандай бўлиб эшитиларди. Нажимовнинг даврида район яхшилади.

Шарқ кексаларига хос насиҳатгўйлик қонига сингиб кетган Шержонов Яхшилиққа жуда кўп нарса бериб маънавий жиҳатдан бойитгандай, оғзи қулоғига етиб тиржайди. Мўйловлари қимирлаб, бурнини тортиб қўйди. Юмалоқ кўзлари ғилтиллаб, янги директордан унинг маъқуллашини кутди.

— Насиҳатларингиз учун раҳмат,— деди-да, қўнғироқ тугмачасини босди. Шу заҳоти котиба қиз эшикдан бошини суққан эди, унга буюрди:

— Айтинг, одамлар киришсин.

Ҳамма яна ичкарига гурр этиб кириб келди.

— Ўртоқлар!— деди Яхшилиқ ўрнидан туриб.— Ҳалиги гаплар ўз кучида қолади. Тўлибой Тўраевич газлаштирилмаган хонадонларни аниқлайди, ўртоқ Мамутов қабристонга девор айлантириш ишига бошчилик қилади. Хўш, нима дейсиз, ўртоқ Мамутов.

— Маъқул,— деди ўрнидан туриб Мамутов, чўтир юзи қизариб, яна жойига ўтирди.

Партком секретарининг қаршилиқ билдирмагани ёққан бўлса-да, ҳаракатларидаги мутелик, хоксорлик унга жуда аянчли туюлиб кетди. Демак, директорнинг олдида у ўзини шундай тутиб ўрганган.

Яхшилиқ кўнглидан шу гапни ўтказди, кейин битта кўзойнакни тақиб, иккинчисини каттакон кўк папкага қўшиб ушлаб ўтирган планлаштириш бўлими бошлиғига тикилди:

— Юсуф Абдуллаевич, совхоз бир центнер пахта, шоли, бир тонна гўшт ҳамда сабзавот экинлари учун қанча маблағ сарф қилади?

Юсуф Абдуллаевич кўзойнақларини чаққонлик билан алмаштириб тақиб олди, қўлидаги папкаси ичидан совхознинг план-харитасини чиқарди-да, ўрамини ёзишга ҳам сабри чидамай, унинг олдига қўйди.

Яхшилиқ харитани чаққонлик билан ёзган эди, ҳар хил рақамлар билан тўла план-харита белбоғдай чўзилиб бориб, столнинг нариги четидан осилиб, полга тўшалиб қолди.

— Оҳо!— деди директор ҳайрат билан.— Кубанда бир

центнер шоли олиш учун тўрт юз эллик-беш юз кубметр сув керак. Сизлар уч юз эллик-тўрт юз куб метр сув сарфлар экансиз! Мақтовга лойиқ бу!

— Агрономия талаби шундай,— деди Юсуф Абдуллаевич.— Бу ҳақда ўртоқ Шержонов район газетасида мақола ҳам чиқарган.

— Мен бошқача эшитган эдим,— деди Яхшилиқ Давлатов ўйчанлик билан.

— Эшитиш бошқа, қоғоздаги ҳужжат бўйича кўриш бошқа,— деди Шержонов гердайиб.

Яхшилиқ Давлатов унга эътироз билдириб ўтирмай, қоғоздаги ҳар бир рақамни худди жонли одамдай билиб, диққат билан ўрганиб чиқишни кўнглига тугди. Лекин бошқаларни қуруқдан-қуруқ ўтиргизиб қўйиш ҳам ноқулай эди.

— Ўртоқлар, қайси бирингиз мана бу план-харита билан чала таниш бўлсангиз, столга яқин келинглар, яхшилаб танишиб олинглар,— деди у одамларни ёнига чақириб.

Юсуф Абдуллаевич шунча кунлар давомида чизган, ҳар бир рақамини бир неча марта ўчириб, қайта-қайта сўзга солиб, ҳисоблаб ишлаб чиққан план-харитасини ўзидан ҳамда район статистика бўлимидан бошқага кераги йўқ деб биларди. У стол атрофини қуршаб турган совхоз фаоллари орасида ўзини биринчи бор хўроз ҳис қилиб, керилиб ва ҳар бир рақамни гапиртиришга тайёр ҳолда директорнинг қоғозга тикилган кўзларини зимдан кузатди.

6

Мартаба бировлар учун тўйда кийган сарпо, иккинчиларга бир умрлик кўйлак, учинчиларга ҳаёт, яна бировларга ақлий баркамоллик ва оталик, бешинчиларга эса бегиним меҳнат.. Хуллас, у ҳар кимнинг тилида ҳар хил янграйди, ҳар ким уни ўзича тушунади. Мартаба — амални фақат машина, пўлат сандиқда сақланадиган муҳр деб тушунадиганлар ҳам бўлади. Бундайлар амалдан тушса ҳамки, анча вақтгача машинани бергиси келмайди, ё бўлмаса муҳр сақланадиган пўлат сандиқ калитини йўқотади.

Эржон Шержоновда мана шу айтилганлардан бўлак одатлар ҳам бор эди. Бу одатлари билан ҳеч ким ҳисоблашмади, янги директор уни биринчи ўринбосарликда қолдирибгина қўймай, директорлигида минган машинасига ҳам, шоферига ҳам тегмади, ўзида қолдирди. Ўзи эса

сондан чиқиб устахонада ётган «ГАЗ-69» машинасини ремонтга топшириб, вақтинча битта ағдарма машина топиб минди. Бир муддат идорада бўлиб, ички майда-чуйда ишлар билан танишса, бир муддат дала айланади.

Орадан кўп ўткизмай, у область марказига бориб, газ трестдан анча-мунча газ плиталар топиб қайтди. Уларни галга солиб ўтирмай, газлаштирилмаган хонадонларга ўрнатиб берилди. Бу тадбир хонадонларнинг мушкулини енгиллатиб, ишга муҳаббатларини оширди. Қабристон атрофига девор айланатириш иши ҳам юришиб кетди, бунда, айниқса, пенсионер кексалар ғайрат кўрсатишди. Бу ҳам совхоз ишчиларида янгиликка ишонч туйғусини мустақамлади, уларда меҳнат кўтаринкилигини туғдирди.

Аммо Шержонов буларни кўрмасди, Яхшилиқ амалга ошираётган бу дастлабки тадбирларнинг ҳеч қайси бирини ёқтирмасди, ҳар куни унинг бир камчилигини топиб, қанақа ишни бошласа, ҳаммасини майда санарди. Яхшилиққа ҳар куни, наинки ҳар куни, ҳар кўрганида, битта насиҳатни такрорларди:

— Совхозда энг асосий иш — пахта, шоли, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил олиш тадбирларини излаб топишдан иборат.

Яхшилиқ бора-бора Шержоновга иш топшириш буёқда турсин, унинг қорасини кўрди дегунча ўзини панага олиб қочадиган бўлди. Идорага барвақт келади-да, Шержоновнинг машинаси пайдо бўлиши билан бирон бригадага қараб жўнаб қолади.

Шержонов унинг бу ҳаракатларини тушуниб қолиб, ҳасади яна авжга минди, бироқ у билан уришиб, хумордан чиқиш учун сабаб тополмасди. У ўтирса ўрни, юрса оёғи куйиб, ичида билиқсиб ётган дард-ҳасратларини эшитадиган битта дардкашга зор бўлиб юрганида, Шарифа Шержонованинг область газетасида босилган интервьюсини ўқиб қолди. Аввалига у фамилияни кўриб, ўзиники бўлса керак, деб ўйлаган эди, ўқиб чиққач, ўзиники хаёл қилганига ҳам, ўқиганига ҳам пушаймон еди. Ҳатто газетани йиртиб ташлашига ҳам сал қолди, ўзини аранг босди. Шошганча партком секретарининг кабинетига югурди. Эшиги қулфлоқ экан. Соатига қараб тушки дам олиш пайти ўтиб бораётганини кўрди-да, тўғри унинг уйига йўл олди.

Шержонов Мамутов билан неча йилдан буён бирга ишлашиб келаётганига қарамасдан унинг уйига ҳали бир марта ҳам бош суқиб кўрмаган эди. Илгариги кеккайиш билан эшик тутқасини энди ушлаган эди ҳамки, ичкаридан аёл кишининг баджаҳл овозини эшитиб, тўхтади:

— Ишингизга намунча шошасиз. На егалингизда, на ичганингизда, на бир нафас ҳордиғингизда ҳаловат бор! Бари бир, буниси ҳам ўшанақа битта директор-да! Ахир одам бундоқ ўз қадрини ҳам ўйлаши керак, ҳар байрам-да Шержоновнинг кўксига орден, медаллар ярақлайди, сизда бўлса райкомсоюзнинг биттаю битта мақтов қоғози бор холос!

Шержонов бирдан бостириб кириб боришга кўнгли бўлмади, ичкаридаги овоз тингач, оёқларини тап-туп қилиб босиб келган бўлиб, эшикни тақиллатди. Мамутовнинг ўзи очди эшикни, очди-ю, ҳайрон бўлди.

— Сизми, нечук?

— Тўхта, Мамутов!— деди Шержонов илгаригисидек ҳукмфармолик билан.— Давлатовга қўнғироқ қил, «уйдаман, меҳмон келиб қолди», деб айтиб қўй. Жуда зарур иш чиқиб қолса чақиртирар.

Мамутов унга илгарилари қанча манзират қилмасин, ақалли бир марта ҳам уйига олиб келолмаган эди. Ҳовлиқинқираб қолди, лекин дарҳол ўзини босди. Кутилмаган меҳмонни кўрган хотини меҳмонхонада ўйнаб ўтирган болаларини қувиб, тор хонасига қамади.

Шержонов сиполик билан тўрга солинган янги кўрпачага чиқиб ўтирди.

— Аёлманд йигитсан, бола-чақангнинг ризқини қиймаслик учун чақириқларингга келмай юардим. Бунинг устига ҳеч фурсатим ҳам бўлмади.

— Сиздек фариштали одамнинг остонамиздан ҳатлаши биз учун бахт,— деди Мамутовнинг хотини, зир югуриб дастурхон ёзиб.— Яқинда газ ўчоқли бўлдик, ҳаммангизга ҳам раҳмат! Ҳозир товуқ сўйдираман-у, қозон осаман. Янги ўчоқ тез пиширади.

Унинг директорликдан тушгандан буён бошқа уйга биринчи бор қадам босиши эди, юраги зил кетди. Чунки илгари қайси хонадоннинг остонасидан ҳатласа, гап атаб боқиб юрилган қўйни сўйишдан бошлангучи эди. Энди-чи? Мамутовнинг хотини энди товуқ сўйдиришни пеш қил-япти! Ростдан ҳам давлати тугаганми, ё бўлмаса бу хонадон ночорми? Кўнглида пайдо бўлган туйғуни бошқаларнинг тушуниб қолишидан қўрқадиган Шержонов оғзини силаб, аста жавоб берди:

— Вақтим зиқ, келиш.

Мамутов янги директорга қўнғироқ қилмасдан, меҳмон кутиб уйда қолди.

Шержонов ўзига хос одати бўйича ҳар вақтдагидек уйнинг деворларини, шифтини бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Бошини чайқаб, томоқ қирди:

— Болаларнинг ўқув қуролларидан бўлак китоб кўринмайди? Деворларнинг яланғоч. Шу пайтгача мендан нега гилам сўрамадинг?

Эски директорнинг феъл-атворини жуда яхши тушуниб олган Мамутов бир вақтлари гилам сўраганида, Завмагга айтиб, бергизмаганини ҳозир эсига солиб, ўтиб кетган гинасини қайта қўзғагиси келмади.

— Китоб ўқишга ҳам вақт ортмайди.

— Китоб тоқчага териб қўйиш учун ҳам керак! Давлатовнинг китоби жуда кўп экан. Шунинг учун юқоридаги бошлиқларнинг кўзига тушиб қолган бўлса ажаб эмас.

Мамутов бу гапдан энсаси қотиб, қовоғини уйди. Шержонов ички чўнтагидан газета чиқарди.

— Шарифа-Шержонова интервью берипти. Туғишган оғамнинг қизи бўла туриб, сен билан мен тўғримда роса алжибди,— деди газетани кўрсатиб.

Мамутов газетани қўлига олиб, ўша интервьюни ичидан ўқиб чиқди.

— Бундан на сизнинг, на ўзимнинг отимни топдим,— деди Шержоновга қараб. Шержонов кўзойнагини илиб, ўзича белгилаб қўйган ерини алоҳида қироат билан ўқиди:

— «Амударёнинг қуйи оқимида энг илғор саналган «Янгилик» совхозида бир центнер шоли учун олти юз эллик куб метрдан зиёд сув сарфланади...» Эсингдами, худди шунга ўхшаш фикрни Давлатов ҳам айтган эди.

— Айтган бўлса нима қилибди?

Шержоновнинг япалоқ юзи қизариб, газетани буклаб қўйнига тикди. Мамутов меҳмони нимадан ранжиганини тушунмай:

— У қиз совхоз анҳорининг атрофида кўп ўралашиб юрарди,— деди.

— Ўша пайтда нега менга айтмадинг?

— Илмий ходимларни ёмон кўришингизни билганим учун кайфиятингизни бузгим келмаганди.

— Мен умримда илмий ходимлардан иш ўрганиб кўрган эмасман. Илм бошқа, амал бошқа,— деб Шержонов аста изоҳлашга тушди.— Ҳақиқатини олганда, ҳар центнер шоли етиштириш учун бизда уч юз эллик-тўрт юз куб метр сув сарфланади. Ҳисобот докладыда ўзинг ҳам шу рақамларни айтгансан. Нотўғри ахборотни босгани учун газета редакциясига норозилик билдириб хат ёзиш керак. Агар ўзинг кўтариб чиқишга кўрқсанг, масалани райкомга қўй.

— Райком менга қулоқ солмас.

— Мана шу совхознинг райкоми ўзингсан. Катта райком кичкина райкомга қулоқ солса керак.

Партком секретарининг сийрак қошлари пир-пир учиб, пиқ этиб кулиб юборди. Шержонов ўзини ҳеч вақт бундай мазах қилганларини кўрмаган эди. Ғазаби қайнаб, мўйловининг четида тер томчилари йилтиради.

— Уйла, тушун, Мамутов! Ҳар бир ишни агрономия қоидаларига яқинлаштириш ва план бажариш йўлидаги чора-тадбирлар ёлғиз директорнинг обрўи ёки унинг қулоғининг тинчлиги учун яратилган эмас, бу ҳисобда партком секретари ҳам бор! Ҳа! Совхозимиз тўрдан жой олиши учун шундай қилинган, одамларнинг кўкракларига орден, медаллар тақиш учун шундай қилинган. Директор имзо чеккан кўп ҳужжатларда партком секретарининг ҳам қўли бор, бўлмаса, партия мажлисларингда, ўзининг ҳисобот докладларингда, райкомга ёзган справкаларингда менинг исми-шарифимни ҳамisha такрорлагансан! Демак, мен бўшашга ариза берганимда, сенинг оёғингдан чалмадим, энди мени ҳимоя қил!

Мамутов лом-мим деёлмай, шолғомдай қизариб кетди.

Демак, у тушунди. Ҳеч ерда миқ этиб оғиз очмайди.

— Гап шу ерда қолсин, интервью учун газетага кечирим сўратиш сенинг бўйинингда. Энди турайлик!

— Сизга парткомнинг бюро аъзоси сифатида мол ферманинг битмаётган қурилишини, сабзавот ҳамда полиз экинлари бўйича бригадаларнинг ишларини назорат қилиш белгиланган эди.

— Директорнинг ўзи менга айтса тили йўқ эканми ё бўлмаса менга қарашга юзи куйган эканми? Ҳа, бети йўқ. Унинг мендай беғубор қуёшга қарашга кўзи қамашади,— деб жиртак отди Шержонов. У олдига қўйилган чойнақдан пиёлага чой ҳам қуйиб ичмади. Дастурхондаги нондан бир тишлам ушатиб, оғзига солди-да, ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб, ўйланиб қолди.

«Эгилган бошни қилич кесмас. Ҳаммасини қўйиб, Давлатовнинг ўзига маслаҳат солсам нима қиларкин? Совхознинг эртанги куни учун унга кўп нарса керак-ку, ахир».

У дадил қадамлар билан идорага борди, директорнинг қабулхонасига кирди, ҳали секретарь тушликдан қайтганига қарамасдан, ўзига қадрдон кабинетга журъат қилиб киролмай, эшикнинг тутқисидан аста тортди. Очиқ экан. Демак, директор ҳали тушликка чиқмаган. Ниҳоятда эпчиллик билан эшикни очди-да, мушукка ўхшаб лип этиб кириб олди. Давлатов икки қўлини столга устма-уст қўйиб, пешонасини остинма-устун кафтининг орқасига босганича жим ўтирарди. У оёқларини тап-туп босиб, сал

ичкари юриб борди. Директор ухлаб қолган чамаси, сезмади. Шержонов йирик гавдаси билан сал титраб кетди, турган жойида тўхтаб, гижинди-да, ичидан гўлдиради.

«Мен базама-база излаб, кўп машаққатлар билан топиб олиб келган юмшоққина креслода чираниб, эмандан ясалган столни ёстиқ қилиб ётишига қаранг! Дадасидан қолган меросидай! Мана шу юмшоқ мебелни топгунча оёғидан ҳориган Шержонов, мана, ўтиришга жой топмай, тик турибди... Эҳ, гавго кўтарсаммикан? Районда ишқал чиқишига сабабчи бўлиб қолиш ёмон-да. Райком секретари ўпкалайди. Беҳудага ўз бармоғини ўзи кесиши унга осон эмас! Бундай дейиш ҳам қийин! Райкомда бармоқ кўп, биттаси кесиб ташланса... Йўқ, бундай қилмайди. Битта бармоқ кесилгани билан бошқаларга оғирлиги тушади. Ақлли одам бундай, бармоқ кесишга йўл қўймайди».

Давлатов аллавақтда бошини кўтариб, кўзларини ишқалади. Шержоновни кўриб ҳайрон бўлмади.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди Шержонов, саломаликка ҳам фурсат бермай,— мен отдан йиқилган чавандозман. Отликқа, нега машинанинг тезлигида юрмадинг, дейиш жоҳиллик. Эсингизда бўлсин, бизлар ликбезда савод чиқарганмиз. Сизники университет! Лекигин шуни билингки, ликбезни битирганлар хоҳлаган раҳбарлик ишига яраб кетаверар эдилар. Ҳозир университетни битирганларнинг аксарияти ўз бурчини тўла тушунмайди. Чунки уларнинг кириш имтиҳонларини юз-хотирлар, обрў-эътибор топширади. Ҳозирги авлодни ношуд, саводсиз деб айтишдан ҳам узоқман. Беш яшар болагача телевизордан бутун оламини бамисоли кафтида кўриб яшаётир. Шунга қарамай, бугунги ёшлар эртанги кунни унча ўйламай, кекса авлоддан камчилик излашга ишқибоз. Катталар бизга нима берди, деб қарайди. Бирон-бир нарсада етишмовчилик юз берса, оталарнинг хатоси деб билади. Шофёрнинг феъл-атвори кўпинча машинасига ўхшаганидай, бу нарса ИТРнинг таъсири! Аслида эса ҳар авлод ўзидан олдинги авлоднинг фарзанди ва ўқувчиси, шуни унутмаслик керак. Баъзан ўйлаб-ўйлаб, бир авлод иккинчи авлодга яхшилиқ қилиш учун туғиладими, ёмонлик қилиш учун туғиладими, деб ўзимдан сўрайман-да, жавобига келганда боши берк кўчага кириб қоламан.

— Сиз билан биринчи учрашганимизда, ёмонлик бўлмаса, яхшилиқнинг қадри йўқолади, деган фалсафий гап айтган эдингиз.

Шержоновнинг чўккан кўнгли сал кўтарилиб, жилмайиб кулди-да, суянчиғига қўлини тираб турган креслога аста ўтирди.

— Менинг кўп фалсафий фикрларим унутилиб кетишидан қўрқаман, иним. Бугунги ёзувчилар ҳам, журналистлар ҳам одамларни тузук баҳолай олишмайди. Ҳозиргина ўзинг эсимга солган фалсафани сал-пал ўзгартириб, яхшилиқнинг яхшилиқдан фарқи бор, десак ҳам бўлади. Фарқи қорақалпоқ халқининг қўбизи билан дуторнинг айирмасидай. Қўбиз қайғули куйлар билан тўлғовлар учун чалинади, дутор эса қувноқ куйлар билан ишқий ашулалар учун хизмат этади.

— Ишқий ашулаларда ҳам қайғу бор, қайғули тўлғовларда ҳам шодлик, қувонч бор, оқсоқол.

Яхшилиқ креслога чалқайиб, ярим айланмоқчи бўлган эди, кресло ғичирлаб кетди.

Шержонов томоғини қирди.

— Олдинги йиллари бир колхознинг раиси менга сирини айтиб: «Уйимга эга бўлиб қолиши эсимга тушса, якка-ёлғиз ўғлимни ҳам ёмон кўриб кетаман», деганида, «аҳмоқ экансан», деган эдим. Энди ўйлаб қарасам, уни ноўрин ҳақорат қилган эканман.

— Ёмон ният ҳам, ёмон одат ҳам юқумли касаллиқнинг бир тури.

— Яхши фалсафа! Ҳар бир бошлиқда икки хил манфаат бор. Бир шaxс манфаати, иккинчиси — ижтимоий манфаат. Сизда қайси бири кўпроқ?

— Иккаласи тенг!

— Оқибат-натихада мамлакат манфаати сеникимиз? Йўқ, ўртоқ Давлатов, биз ҳали коммунизмнинг дастлабки босқичидамиз.

Яхшилиқ индамай, дераза томон бурилди. Шержонов бир фурсат кутиб, охири сабри чидамай, жиртак отди:

— Сиз нима учун одамларнинг одам эканлигини тушунмайсиз? Нега сизда революцион руҳ йўқ? Районда ҳар гектардан йигирма беш центнер хирмон кўтариш керак бўлди. Кўтардим. Шоли экишни бошла дейишди. Бошладим. Ундан ҳам белгиланган ҳосилни олиш керак эди, олдим. Чорвачилик совхознинг энг даромадсиз тармоғи. Шунинг учун, қўйнидан тўкилса қўнжига, деб бошқа тармоқлардан чорвачилиқдаги зарарларни ёпиб келдим! Силос учун маккажўхори экиш ўрнига пахта экдим. Мол даладан тамадди қилади. Тушундингизми? Совхоз директори бамисоли резинка. Бу, демак, юқоридаги бошлиқларнинг бир гапини икки қилмаслик, қаёққа қараб тортса ўша томон чўзилиш, лекин узилиб кетмасликдир. Бугун пахта парваришини яхшила, десалар, пахтага эътибор бердим, шоли десалар, шolini яхшиладим. Бирдан чорвачилиқни ривожлантиришни талаб этсалар,

бир кучни чорвачиликка ташладим. Ҳали ёш директор-сиз, бора-бора сизда ҳам шундай инстинкт пайдо бўлади. Бугун тугул эртага кечқурун қандай маълумот талаб этилишини билиб иш тутишга ўрганасиз.

Очиқ эшикдан жуда эҳтиёткорлик билан Завмаг кириб келди. Шержонов шунча узоқдан гап бошлаб, кўнглини бўшатиб улгурмагани учун ўзини эмас, гапни белига тепган Завмагни ёмон кўриб, қовоқ-тумшуғи тушиб кетди. Завмаг эса бунга парво қилмади, парво қилмадигина эмас, балки ҳатто Шержонови кўрмагандек, унинг ҳамсухбатига мурожаат этди:

— Уртоқ Давлатов,— деди у ўпқаланиб,— мен партком бюро аъзоси сифатида баъзи бригадирларнинг илтимослари бўйича техника воситаларига, эҳтиёт қисмлар топиб келиш учун заводларга расмий ҳужжат олиб кетишим керак эди, бош инженерга йўлиққан эдим, сиз мени бормасин депсиз.

Яхшилик Завмагнинг сариқ бодрингдай афт-башарасига, дўнги пешонаси остидаги маккор кўзларига тик қаради:

— Уртоқ Завмаг, бундан буёқ юқумли касал микробини ҳеч қаёққа ташимайсиз. Харидорлардан бирон тийин юлиб-юлқийдиган бўлсангиз, судга бергизаман!

— Ихтиёр ўзингизда. Мен совхоз учун жон куйдираётган эдим...

Шу пайт эшикни шитоб билан итариб ҳовлиққанича идора қоровули кириб келди.

— Яхшилик, ўғлим, фалокат! Бечора Худойберганни машина уриб кетибди!

— Қачон, қаерда?— деб Яхшилик бир муддат довдираб турди-да, Шержонов билан Завмагни ҳам унутиб, қоровул чолга эргашиб чиқиб кетди.

Завмаг ҳам қўшилишиб югурди. Шержонов шошилмай уларнинг орқасидан юрди, ташқарига чиқиб, кўчада турган ГАИ ва «Тез ёрдам» машиналарини кўрди-ю, турган ерида қозиқдай қотиб қолди.

Орадан кўп ўтмай, унинг олдига Завмаг югуриб келди.

— Совхознинг битта кўз қорачиғи юмилди,— деди у.

Шержонов ачинганини ҳам, қувонганини ҳам сездирмади.

— Эржон оға, ҳали тушлик қилмаганга ўхшайсиз, уйга борайлик,— деди Завмаг кутмаганда унга ялтоқланиб.

У Завмаг билан шунча йилдан буён биргаликда ишлаган, совхозга тааллуқли масалаларни ҳамдамлашиб, у билан бамаслаҳат ечишган, обрў-эътиборда у билан би-

ринчи ва иккинчи ўринларга эга бўлган, унинг район советига депутат бўлиб сайланишида асосий ролни ижро этган бўлса-да, шу пайтгача уйига қадамранжида қилмаган эди. Бунга асосий сабаб — Завмагнинг тамахўрлиги, ялтоқлиги эди. У иркит, одамларга ўхшаб бундоқ тузукроқ кийинмас, ёқалари доим кир-чир, туфлисининг дастагини босиб, шими почаси билан ер супуриб юрарди. Шунинг учун ҳам Шержонов унинг отини атаб чақиришни ўзига эп кўрмай, «Завмаг» дер эди. Директор шундай деб атагани учун бошқалар ҳам «Завмаг» деб ўрганиб кетишганди. Завмаг ҳам ҳеч кимга ўз оти нималигини эслатишга қизиқмасди. Қим: «Ҳа, Завмаг!» деса, илжайиб юзига қараб тураверарди.

Завмагнинг уйи сиртидан қараганда кўримсизгина, сувоқлари қирилиб-кўчиб, шиферлари бугун-эрта тўкилиб тушадигандек бўлиб турарди. Шержонов уй эгасининг орқасидан эргашиб борар экан, уйга кўзи тушиб, фикран: «Лаънатининг уйи ҳам ўзига ўхшайди, тараққос», деб қўйди бурнини жийриб. Лекин орқага қайтишнинг ҳисобини тополмади. Шу пайт занжирдаги хирсдай ити ириллаб, жон-жаҳди билан бирдан ташланиб қолса бўладими! Шержонов ҳовлиқиб орқасига қочаман деб тахлаб қўйилган терак ходаларига туртиниб йиқилиб тушди. Итининг тумшуғи унинг оёғига етиб-етмай, нақ ғажиб ташлағудай бўлиб юлқинарди.

Итининг бу ҳаракатидан Завмаг завқланиб, икки ёнбошига уриб қотиб-қотиб куларди.

— Ҳа, аҳмоқ Завмаг! Итингни ушласанг-чи!— деди ер тишлаб ётган Шержонов.

Завмаг кулгидан ўзини тўхтатолмай, итига ўшқирди:

— Қир нинингга!

Ит эгасининг гапига тушунгандай, миқ этмай заңжирини шалдиратганича инига кирди.

Шержонов ўрнидан туриб, чанг-тупроғини қоқди. Завмаг унинг бу аҳволи билан иши йўқ, итини мақтаб кетди.

— Конфета жуда ясл зотдан!— деди у ғурурланиб.— Ёшлигимда Конфета исмли бир қизни яхши кўрар эдим. Уни унутиб юбормаслик учун итими унинг исми билан атадим. Қалай?

Шержонов жавоб бермасдан Конфетанинг инидан кўринган кўмирдай қоп-қора тумшуғига кўз қирини ташлай-ташлай, Завмаг панасида ичкари кирди. Остонадан ҳатлашданоқ уй ичига тўшаб қўйилган сернақш қимматбаҳо гиламларга кўзи тушиб, оғзи очилиб қолди.

— Мен сени...

— Тушундим, Эржон ога. Менинг кўчада юриш-туришимга қараб, зикна, беварака деб ўйлардингиз. Сиз ўйлагандай, одамларнинг ичини куйдирадиган даражада кийиниб жинни бўлибманми? Ечинмасдан тўрға чиқаверинг!

— Йўғ-э,— деб Шержонов баланд пошнали туфлисини даҳлизга ечиб, юқорига чиқди.

Тўрдаги хона уни яна ҳам ҳайратда қолдирди. Хонанинг уч томонидаги деворга қоқилган уч хил гилам уй ичига ҳар хил ранг тўкиб, электр нурида жилваланиб тургандай. Деворга қараб гилам тўқилганми, ё бўлмаса, гиламга қараб девор урилганми — ажратиб бўлмайди. Тўртинчи девор томон энг асл ёғочдан ясалган жавонлар билан қопланган. Жавонларнинг ҳар қайсиси бир турли рангдаги китобларга тўла.

Шержонов совхозда ўзиникидан озода, шинам, музей тахлитида безатилган уй йўқ деб ўйлар эди, бунинг эса ортиқроқлигини кўриб ичи куйса ҳам, сир бой бермади. Бари бир кеч бўлди, агар илгари билганида борми!..

— О, ўзимнинг Завмагим, қандай ишбилармон, дили баланд йигитсан! Китоб йиртиладиган нарса. Ҳеч қайсисига ҳеч кимнинг қўлини теккиздирмай, қотириб териб қўйишингга беш кетдим.

— Ошхонани кўрасизми?

— Келиннинг устига кирмай қўя қолайлик.

— У менинг ўрнимга дўконни очиб тургани кетди.

Ошхонадаги буфетларни, олтин суви югуртирилган ва биллур идишларни у ҳеч қаерда кўрмаганди, буларга қараб баттар ҳайратланди.

— Хотиним икковимизнинг ётоқхонамизни ҳам бир кириб кўринг.

Шержонов ётоқхонанинг эшигини тортиб, ичкарига кириши билан оғзи очилиб қолди. Икки девор орасига қўйилган диван-каравотларнинг устига нуқул қимматбаҳо енгил материаллардан қопланган кўрпа-тўшаклар йиғиб қўйилибди. Қарама-қарши деворга қоқилган гиламлар, кийим иладиганга илинган кийимлар кўзнинг нурини олади, бир деворда эркак, иккинчисида аёл кийими.

— Ўғлимнинг хонасига кирасизми? Айтмоқчи, у университетни ташлади, шофёрлик қиляпти.

— Шунчалик ўз ишингга пишиқ экансан! — деди Шержонов ички ҳасадини сездириб қўймасликка тиришиб.

Меҳмон ўғлининг хонасини ўзича кўриб чиққунча Завмаг ошхонадан икки қўлида икки кумуш ликоп кўтариб, чиқиб столга қўйди. Биттасида ҳар хил егуликлар, иккинчисида тўла қази билан товуқ гўшти.

Шержонов овқатларнинг қандай муҳайё қилиб қўйилгани хусусида ўйлаб улгурмаёқ Завмаг китоб жавонларидан биттасини очиб, орқасидан коньяк, ароқ, шампан олди.

— Ё тавба, мен китоб жавонлари экан, десам!

— Эржон оға, уйга чанг чақирришдан бўлак хосияти йўқ нарсани йиғиб жинни бўлибманми? Шунинг учун мен китобларнинг ўзини «алдаб», фақатгина сиртқи шакллари деворга ўйдирганман.

— Рассоми зўр экан.

— Буюртмачиси зўр. Ҳаёт шафқатсизликни талаб этади, шафқатсиз бўлмасанг, ҳаётда нонинг бутун бўлмайди. Ҳатто буюк ёзувчи Максим Горький: «Агар душман таслим бўлмаса, уни маҳв этадилар», деган. Душманларимиз йўқ бўлишлари учун ичайлик, оға!

Улар қадаҳларини бир марта жаранглатиб чўқиштиришди-да, ичиб юборишди.

Иккинчи қадаҳда Шержонов сўзлади:

— Мен гапингга қўшиламан. Ҳеч қачон ҳеч кимнинг кўзёшига ишонмаслик керак. Баъзилар эртага сени йиғлатиш учун жўрттага йиғлаб келиб, устингга чиқиб олади. Ҳаётдаги шафқатсизлик учун!

Завмаг ҳафсаласизлик билан чўқиштирди-да, култ эткизиб ютиб юборди.

Шержонов овқат еса, лабларини шалп-шулп эткизиб ер эди. Унинг бу одатини илгаридан биладиган, буни ҳеч қачон унинг юзига солмаган Завмаг кулди:

— Овқатни итялоқни ялаётган Қармисга ўхшатиб ер экансиз.

— Нима, нима?— деди Шержонов кўзлари олайиб.

— Кечиринг, сизнинг овқат ейишингизни кўриб ўлган дўстим эсимга тушиб кетди. У худди шунақа қилиб ерди овқатни.

— Мен сенга нинанинг кўзидек ҳам душманлик қилмаганман!

— Тўғри,— деди Завмаг, қадаҳларга яна қуяр экан.— Мен ҳам сизнинг кайфиятингизга қараб иш қиламан. Биласизми, ёшлигимда синфдошларим, муаллимларим, артистликка мойилсан, дейишар эди.

— Ҳаётдаги сендай артистлар учун ичайлик.

Ичишди.

— Эржон оға, эсим борнда сўраб олай. Бошлиқ халқнинг билганини билиши керакми ённки билмаганини билиши керакми?

— Ўзи нима гап, директор бўлгинг келиб қолдими? Бу саволни сен Давлатовга берган эдинг. Унинг жавоби

мутлақо нотўғри. Бошлиқ халқнинг билмаганини билиши керак.

Шержонов ўзининг жавобидан ўзи ҳузур қилди. Пешонасида йирик тер томчилари пайдо бўлди. Қадаҳлар яна тўлдирилди. Завмаг ошхонадан пахтагулли чойнакка чой дамлаб чиқди ва меҳмоннинг роҳатланганини кўриб, янги сочиқ билан унинг манглайини артди.

— Сиз билан бутун совхоздагилар бахтиёр эди, оға. Худо хоҳласа ўрнингизга ўтирасиз. Мен ҳаракат қиламан.

Шержоновга кейинги гапи хуш ёқиб, унинг столда турган рюмкасига ўз рюмкасини сал теккизиб ичиб юборди-да:

— Қандай ҳаракат қиласан?— деди газак ўрнига муштини ҳидлаб.

— Ҳозир нима кўп, тасодифий фалокат кўп.

Шержоновнинг юраги шувиллаб кетди. Худойберган, воқеасида унинг қўли борлигини гумон қилди, бироқ сўрашга ботинолмади, бари бир ростини айтмайди.

— Айтмоқчи, бугун газетани ўқидингми?

— Кўз югуртирдим, сиз ҳақингизда ҳеч нарса йўққа ўхшаган эди-ку.

— Менга Шарифа Шержонованинг уйини заказ қилиб бер, ўзи билан гаплашай.

— Нима тўғрида?

— Интервьюда хато гап айтгани учун газетхонлардан кечирим сўрасин.

— Ҳа, оға, қариндошсиз-да!

— Ундай эмас, ўзим шундоқ.

— Газетада ёмон нарса чиққан бўлса, Нишон Нажимовнинг ўзига айтинг, Шарифа экан-ку, редакторнинг ҳам ўпкасини босиб қўйсин!

— Ичиб ўтириб секретарга қўнғироқ қилиш уят!

— Майли. Уша Шарифа Шержоновага бир вақт нотўғри савол берган эдим, мен ҳам баҳонада кечирим сўраб оламан.

— Қочиб-қочиб ўришган хўроз енгади.

— Донолигингизга қойилман, оға!— деб Завмаг қадаҳларни яна тўлдирди.

• • •

Энди пенсияга чиқиш ниятида райсобесга қатнаб юрган Худойберган акани йўл бўйида машина уриб кетиб, вафот этиши Давлатов учун яна жумбоқ бўлиб туюлди.

Биров ҳасад қилади дейдиган ҳам оила эмас. Кўп болали. Узи кўп йил тракторчилик қилган, кўзи хиралаш-

гани учун ўтган йили шоликорлик бригадасига сувчи бўлиб ўтган экан.

Ота касби йўлидан борган Султон, Шамшод деган икки ўғли механизаторликни хоҳлабди. Иккови ҳам эретиб, уйланиб, бўлак бўлиб чиқиб кетган, улардан туғилган икки неварасини чол-кампир иккаласи бошқа болаларига қўшиб ўз бағирларига олишган экан.

Яхшилик Давлатов жасадини машинага ортишдан тортиб то дафн этишгача бўлган барча маросимларига бевосита қатнашиб, бош-қош бўлди.

Собиқ директор Худойберган акага ўхшаган оддий кишиларнинг ўлигини кўмишни бригадирга топшириш билан кифояланар, маросимда ўзи қатнашмасди. Шунинг учун ҳам янги директордан хурсанд бўлди ҳамма.

Совхозда юз берган бу ҳодисани исиз қолдириш худди шундай яна бошқа ҳодисага йўл очиб бериш бўлур эди. Шунинг учун Яхшилик вақтни ўтказмай, тегишли ташкилотларга ўша куниёқ ўзи хабар қилди.

Дастлабки пайтдаги жавоб унча умид туғдирмаса ҳам, ГАЙ ходимлари айбдорларни топишга ваъда беришди.

Унинг кўп марта эшитганларига қараганда, ваъда ҳам катта гап экан, буёғига сабр қилиш керак эмиш.

7

Яхшилик Шарифанинг область газетасида босилган интервьюсини шу куни ўқиб, Аму бўйида учрашганларида совхозда сув исрофгарчилигига йўл қўйилаётганлиги ҳақидаги огоҳлантириши асосли эканига ишонч ҳосил қилган эди. Орага ўлим аралашиб қолди, кўнглидаги гумонларини бошқатдан аниқлашга бугун киришди.

Ростдан ҳам далаларни оралаган биринчи кундан бошлабоқ унда шубҳа туғилган эди. «Янги бошлиқ ўзигача бўлган ишга шубҳа билан қараса, ҳатто оқкўнгил одамларни ҳам ўзидан бездириб қўяди», деган андишага бориб, унча-мунча нарсадан кўз юмиб юрди. Лекин ҳар сафар дала айланганида, алланарсалардан кўнгли тўлмайди. Қаноатланмайди. Шержонов билан ҳам бирга айланди, Мамутов билан ҳам айланди, бош агроном билан ҳам дала оралади. Унинг кўзига экинларнинг авжи паст кўринар, шундай бўлса-да бу йил план бажарилмай қолмаслигига ҳеч ким шубҳаланмасди. Бригадирлардан сўраганида, улар ҳам шундай фикрни айтишди. Шержонов яхши кўрадиган уч мушкетёр — бригадирлар бир оғиздан тасдиқлаб, барча экинлар ўтган йилгидан зўр эканлигига ишонтиришди.

— Бу йил ҳар қачонгидан қўлимиз баланд бўлишига асос бор,— дейишди.

Яхшилик ана шу «асос»ни кўрмасди. Лекин ҳеч қайси бригадада четга кетиб, бекорга исроф бўлаётган сув йўқ.

Бу ҳам унинг хаёлини банд қилган жумбоқ. Шубҳалана бериш ҳам яхши эмас. Унда кўнгил тўнғизнинг инига айланади. Эгри кўнгилдан тўгри ақл чиқмайди.

Ундай бўлса, Шарифа Шержонова интервьюсида кўрсатган ортиқча сув қаерга сарфланган?

«Ўлкада ернинг устки тузилиши, яъни рельефи ўзгача, бунинг устига сув келадиган ер олис. Далаларга етиб келгунича ариқ ва пойнавлардан кўп сув буғланади, ерга сингади, четга тошиб кетади».

Мана шу фикрдан кейин у билан Шержонов орасида девор қад кўтарди, икковининг орасидаги деворни Шарифа тиклагандек бўлди.

Бугун эски «ГАЗ-69» ремонтдан / чиқди. Олдингидай ёнига шотир олмай, бутун экин майдонларини ёлғиз ўзи айланиб чиқиши керак. Директор шошилмай айланиб, ҳар бир далани ўз кўзи билан кўрмагунича унинг қанча гектарлигини ҳам билмайди, бригадирларидан бундай дурустроқ талаб ҳам қилолмайди, барчага баробар ғамхўрлик ҳам бўлмайди.

Йиғилишларда ҳам, якка учрашувларда ҳам кўп гапирмайдиган, ўзи бошқарган шоликорлик бригадасига керакли нарсаларни сўраб келганида, кўпларга ўхшаб ялиниб-ёлвормайдиган, саломлашганида икки букилмай мардона қўл қисадиган, соддадил, очиқ кўнгил Оролбоевнинг бригадасидан бошлади ишни.

Деҳқон учун шолининг ўсиш даврини кузатишдан қизиқ нарса йўқ. Шоли кундузи ҳам ўсади, тунда ҳам ўсади, бу жараёни кўриш учун кечагисидан кўра бугунгисидан қувона билиш учун фақат деҳқон бўлишнинг ўзи кифоя эмас, фаросат ҳам керак. Яхшилик ҳар иккисидан ҳам қуруқ қўл эмасди. Яна бунга қўшимча ўлароқ одамларни, шароитни, аҳволни, ерларни ўрганмоқда.

Қай бир шолিপояга олисдан қарасанг, бериги чети қамишзор бўлиб кўзга ташланади. Бу — дала бошида ўсган ёл-ёл қамишлар. Ичкарироқ кирсанг, ҳар бир дала ўзича кўзга ўхшаб, пол четидаги қамишзорлар киприкларни эслатади, ён томондан ўтган ариқ бўйидаги қамишзор қошни кўз олдинга келтиради.

Яхшилик машинанинг олдинги ойнасидан қараб келатиб, қамишзор орасидан югуриб бораётган Оролбоевни бир кўришданоқ таниди. «Ақлли бригадир,— деган фикр

ўтди кўнглидан.— Сувни ўзи олади. Қад-қоматига қараганда, ҳақиқий югурувчи».

Катта ариқдан шолিপояларга қараб кетган бетон новнинг кўтаргисини кўтараётган бригадир анча уриниб, ишини битирди. Директор шошилмай, машинасидан тушиб, унинг қошига борди.

— Ҳорманг! Совхозда югурувчилар командаси тузилса, биринчи ўрни сизники бўлиши тайин экан-ку!

Оролбоевнинг қуёшда қорайган қайроқдай юзиде кулги аксланди.

Бетини сув тўла қоплаб олган бўлиқ пайкаллар дафъатан кўзни қувнатиб юборди. Бундан уч-тўрт кун олдин келганида бунчалик эмасди.

— Шоли тез ўсадиган экин,— деди Оролбоев, Яхшилиқнинг кўнглидан ўтган гапни пайқагандек.— Лекин сув етиб турса бўлгани. Бир оз гербицид керак.

Директор жавоб беришга шошилмай, энсиз пол тепасида ўсган қамиш орасидан навбатдаги дала томон юрди. Бригадир эргашди. Далаларни ёқалаган сувчилар директорни кўриб, салом бериб ўтиб кетишарди, қай бирлари уни унча менсимагандек юқоридан қарашарди.

— Бу йил план бажариладими?— деди у, биттасини тўхтатиб.

— Бажарилади,— деди сувчи.— Ҳар йили шундай ортиги билан бажариб келяпмиз.

Яхшилиқ унга миннатдорчилик билдириб, ўзини сувчининг гапидан қаноатланган қилиб кўрсатди-ю, лекин кўнглининг қаеридир тўлмади.

У ҳар галги сафариде далаларни пайкаллар сиртидан ўтадиган йўл билан машинада кўрарди. Пайкалдан пайкалга ўтиб, ичкарилаган сайин, Яхшилиқнинг кайфияти бузила бошлади. Уртароқдаги пайкалларнинг майсаси сийрак. Планда белгиланган ҳосилни олиш учун ҳар туп кўчат ўз ўрнида бўлиши керак. Қайбир пайкаллар сийраккина эмас, юз-икки юз квадрат метр келадиган уй ўрнидай лахтак-лахтак парчалар тап-тақир бўлиб ётибди.

— Сув текис ёйилмаганлигидан,— деди Оролбоев, директорнинг кайфиятини уқиб.

Навбатдаги пайкалнинг эни ўттиз-қирқ метрча, бўйи уч юз метр чамаси келади, сув текис, шундай бўлса ҳам, бўлиқсиз, ялтиллаган сув юзиде калнинг сочидай сийраклина кўк кўринади.

— Бунга совхоз раҳбарлари айбдор,— деди бригадир.

— Нега?

Директорнинг қисқа ва кескин саволи Оролбоевни довлдиратиб қўйди.

— Мەن асли пахтачилик буйича агроном эдим,— деди у палагда овоз билан.— Лекин шолени ҳам ўрганса бўлар экан. Урганиб олдим. Мана бу кичик бўлтакнинг кўки олачалпоқлиги — экиш олдида ер бир мартагина сурилуvidан.

— Бўлмаса бошқа пайкалларнинг олалигига сабаб нима?

— Бизнинг ерларимиз ҳар бир далани бир йил, икки йил эккандан кейин қайта текислашни талаб қилади.

— Қўшимча чиқим бўлади-ку унда.

— Тўғри. Бироқ текислаш ҳар гектарга энг камида яна ўн, ўн беш центнердан ҳосил қўшади. Бахтга қарши, Шержонови энди ёмонлашнинг фойдаси йўқ.

Яхшилиқ, бу янгиликдан ҳайратланиб, ўзича ўйланиб қолган бўлса-да, кўзлари олачалпоқ кўкарган далаларда эди.

— Кўчатнинг бундай олалиги планни бажаришда таъсирини кўрсатмайдими?

Бригадир илжайди:

— Ҳали хабарингиз йўқми?— деди бригадир, Яхшилиққа қараб кинояомуз. Лекин директорнинг ўткир кўзлари қадалиб жавоб кутиб тургани учун гапни айлантириб ўтирмади, дангалига ўтди.— Совхозда нима кўп, фойдаланилмай ётган ер кўп. Мана бу далаларнинг оласини тўлдирадиган қўшимча гектарларимиз бор!

— Нима, нима?!

Бригадир енгиллик қилиб қўйганига ичидан пушаймон бўлиб, қип-қизариб кетди. Яхшилиқ сир бой бермади, уни сўраб-суриштирмади, қистамади ҳам. Ўзича Шарифа айтган ортиқча сувнинг қаерга кетаётганини топди. Бирдан хулоса чиқариш ҳам енгилтаклик. Бу масала устида ҳали чуқурроқ ўйлаши лозим.

— Айтинг-чи, ўртоқ Оролбоев, сизнингча, бригадаларни йириклаштириш фойдалими ёки майдалашми?

— Жуда ҳам йирик бригадалар керак эмас,— деди Оролбоев ўйланиб турмасдан.— Шолিপояларнинг сувини бригадирнинг ўзи қаттиқ назорат қилгани мақсадга мувофиқ.

Яхшилиқ кўнглида пайдо бўлган туйғусини билдиришга шошилмади. Бошқа бригадирлар ва мутахассислар билан ҳам фикрлашиб, ақл элагидан ўтказуви лозим.

— Иккинчи марта текислаб экиш буйича ҳали ўзингиз айтган фикрни тасдиқлайдиган тажриба қилиб кўрдингизми?

Бригадир кулди:

— Бу менинг сирим эди. Майли, сизга кўрсатаман. Ичкарироқда у ер.

Оролбоев агроном сифатида тажриба учун икки йил экилгайдан кейин ўтган йили кузда грейдерчи билан келишиб, ўн гектарлик бир бўлак ерни иккинчи марта те-кислатган эди, ўша ерга бошлаб борди.

Ростдан ҳам бепоён ернинг ўртасида, ўз олдига мана мен дегандек ажралиб, қулф уриб ётган яшил дала на-моён бўлди. Сув юзи ям-яшил, бирон ерида оласи йўқ, кўчат бир текис.

— Оҳо, ана буни иш, буни тажриба деса бўлади! Ил-тимос, дўстим, бу пайкалнинг ҳосилини кузда алоҳида топ-ширинг.

Бригадир директорнинг севиниб кетганидан ичида қу-вониб, унга яна бир нарсаларни айтгиси келди-ю, лекин ўзини тутди.

Олисдан пот-пот қилиб пайкалларни оралаб келаётган мотоцикл уларнинг олдида тир-тир қилиб, тўхтаб қол-ди. Эгаси педалини ҳарчанд босди, ўт олмади. Яхшилиқ мотоцикл эгасининг анча кекса эканлигини кўриб, яқини-га бориб, саломлашди-да, мотоциклни орқасидан итариш-ди. Ун метрлар чамаси чопиб итариб боришгач, мотоцикл потиллаб ўт олди.

— Раҳмат, директор,— деди қария Яхшилиққа мин-натдорчилик билдириб.— Эски моторни уёқ-буёғини ёғ-лаб, тузатиб юргизса бўлади, янги мотор брак чиқса ёмон экан.

Оролбоев мийиғида кулди.

— Қария тагдор қилиб гапиради-а?— деди Яхшилиқ.

Моторнинг гуриллашидан директорнинг гапини эшит-маган чол унга яқинроқ борди-да, овозини қаттиқ кўтариб мурожаат қилди:

— Директор, сенга айтадиган бир гапим бор эди.

— Айтинг, ота, айтаверинг.

— Совхозга келишингдан ҳар уйнинг газ ўчоғидан иш бошлаганингга офарин! Энди ўзинг девор айлантиргизган қабристонга тушмай яна ўттиз йил яшашимга илож бор-микан?

— Шунда тўппа-тўғри бир аср бўладими?— деди Ях-шилиқ кулиб.

— Топдинг, директор! Завмаг менинг ҳам пенсиямни оширишга ёрдам қилди. Унинг жиғига тегавермаслигинг-ни сендан ўтинаман!— деди-да, мотоциклга ўтириб, жўна-ганча бадар кетди.

— Ҳаётни севиб яшаш кишини қаритмас экан,— деди Оролбоев, унинг орқасидан қараб туриб.— Шу чол мен

бола кезимда ҳам худди ҳозиргидай чол эди. Ҳаётидан ҳаминша рози бўлиб яшайди.

— Ҳар кимнинг ҳаётга муҳаббати, умр ўлчови унинг шахсий тақдирини бошқаришига боғлиқ...

Бўлиқ даладан кейин олачалпоқ пайкаллар яна қайтадан давом этди. Яна кайфият бузилди.

У бригадирга муваффақиятлар тилаб, далаларнинг нариги бетига кутиб турган машинасига ўтирди-да, навбатдаги шоли бригадасига йўл олди.

Бу уч мушкетёрнинг новчаси Далибой Султоновнинг бригадаси эди. Қамишзорнинг орасидан бошини чиқариб, йўлга қараб турган Далибой бирдан кўринмай қолди. Узоқдан кўриб келаётган директор бу беркинишнинг боиси нима эканлигини билолмай ҳайрон бўлиб, шофёридан тезроқ ҳайдашини ўтинди.

Яхшилик уч мушкетёрнинг тушлик овқатлари устига келди. Урталарига ёзилган дастурхонда нон, товуқ гўшти, олма ва катта бир термос. Чеккада сариқ «Москвич» турибди. У Элбой Қўшжоновники, ўзи ҳайдайди. Давлатов бир фурсат ҳайрон бўлиб ўйланиб қолди: «Холбой Жамолов билан Элбой Қўшжонов пахтачилик бригадилари. Бу ерларда нима қилиб юришибди?» деган гап ўтди кўнглидан.

— Кечирасиз, ўртоқ директор,— деди Элбой оғзини артиб.— Гоҳида тажриба алмашиб турамыз.

— Пахтакор билан шоликор қандай тажриба алмашади деб ўйламанг. Кичик бошлиқларнинг ҳам ўзаро тажриба алмашувлари бўлади,— деди Холбой.

Яхшилик машинасидан тушиб, уларнинг дастурхони тепасига бориб ўтирди-да, шофёрига сумкани олиб келишни буюрди. Сумкадан нон, колбаса, пишган тухум олиб, ўртага қўйди.

Энди бригадилар ҳам очилиб кетишди. Уларнинг термосидаги чой эмас, арақ экан, бўлишиб ичишди.

— Яхшилик Давлатович,— деди Холбой Жамолов, бир оз дадилланиб.— Кўп идора бошлиқлари нима учун хафақон билан оғришларини биласизми? Тажрибангиз кам. Бошлиқларнинг гипертония билан оғришларига катта амалдорлар, телефон, машина айбдор. Юқоридагилар телефонда: анавини нега ундай қилмадинг, манавини нега бундай қилмадинг, деб тежаб-тергайверишади. Энди важ кўрсатаман деганида, телефонни шартта босиб қўйишади. Машинада келиб камчилигингни топишса, сен гапирман деб турганингда шофёрининг орқасидан туртади, машина ғириллаб жўнаб қолади. Шундан кейин у бечо-

ранинг бунақа қийин-қистовлардан гипертония бўлмасликка нима иложи қолади?

Яхшилик унинг гапини индамай эшитди, тугагач, ҳазиломуз гап қотди.

— Уч мушкетёрнинг гипертония бўладиган сиёқини кўрмадим, — деди термосга ишора қилиб.

Холбой пиқиллаб кулиб юборди. Яхшилик ўрнидан турди-да, уч улфатга қаради.

— Юринглар, қайси бирингизда гипертония бошланаётган бўлса, тузатиб кетайин.

Бу бригадада ҳам худди Оролбоевдаги аҳвол. Кўчат олачалпоқ: Бундан ташқари у пайкалларни кўзлари билан ўлчаб, ўзича яна кўп нарса очди. Бригадирнинг ўзидан тасдиқлатиб олиш учун: «Сизнинг планингиз юз гектар эмасми?» — деб ўсмоқчилаб сўраган эди, «Ҳа, худди ўзи, юз!» деган қатъий жавоб олди. «Кўчати ола ерларнинг ўрни нима билан тўлдирилади?» деган саволга: «Кузнинг яхши келиши биледи буни, сиз фақат ўғит топиб беринг», деган жавоб олди.

...Пахтачилик бригадаларида бутунлай бошқача аҳвол. Уни айрича ташвишга солган ҳодиса — пайкаллар оралигининг қочиқлиги. Икки-уч гектарлик пайкал учун беш-ўн километрлик алоҳида ўқариқлар тортилган. Бунинг устига ғўзалар шимолий районлардагидай энг камида белбоққача, бўлмаса одам бўйи бўлиб ўсмайди. Зўр деганда тиззага аранг етади, рахит билан оғриган боладай мажмағил. Кўчатларнинг хатосини кўрган одамнинг юраги орқага тортиб кетади. Элбойнинг саксон гектари ўн саккиз бўлак эди. Ҳаммасини оралади, ташвиши яна ортди.

Директорнинг қош-қовоғидан ишдан норозилигини пайқаган бригадир унинг хафа бўлмаслигини, планни сўзсиз бажаришини айтиб, кўнглини тўқ қилишга тиришди. Ленин экин майдонининг умумий миқдори пландагидан ортиқроқ кўринаётганлиги тўғрисида берган саволига иккиланмасдан:

— Экиш кампанияси қизғин давом эттирилади, — деди Қўшжонов, бўйи кичкина бўлса ҳам, йўғон овоз билан. — Ҳа. Кун-тун ишлаймиз. Гоҳо гектарлар билан ҳисоблашиб ўтирмаймиз. Энг муҳими — ерга уруғ қадаб улгуриш.

— Пишмай қолса, план нима бўлади?

— Бажарамиз, ўртоқ директор. Сиз вақтида ёрдамингизни аямасангиз бўлгани.

— Аямаймиз, албатта!

Улар ягана қилаётган ишчилар қошига келиб, «ҳорма, бор бўл», деб ҳол-аҳвол сўрашди. Ишчилар икковига ҳам

мамнуният билан жавоб қайтаришди. Бир аёл қаддини кўтариб, Яхшилиқ билан саломлашди.

— Раҳмат, директор, газ ўчоғинг учун!

— Сизга ҳам раҳмат!— деди директор.— Қани, қандай камчиликларингиз бор, сизлар учун хизматга ҳамisha камарбастамиз!

— Асосий камчилигимиз минерал ўғит бўлиб турибди,— деди бригадир ҳаммадан олдин отни қамчилаб.— Тракторлар тўла куч билан ишламаяпти, эҳтиёт қисмлар тўғрисида партком аъзоси Завмагга айтсак, директор шахсан ўзимга буюрсин, дейди.

— Унинг эҳтиёт қисмларга нима алоқаси бор?

— Алоқаси зўр. Эртақлардагидек, агар топаман деса, эҳтиёт қисмларни ҳатто осмондаги булутлар орасидан ҳам топади.

— Сув талаб этаётган пайкаллар кўп экан,— деди Яхшилиқ.

— Ҳа, барақалла,— деди бригадир.— Ерга экин экилса, экин кўкариб чиқса-ю, уни парвариш қилинмаса, бу — янги туғилган гўдакка қарамай қўйгандек бир гал.

— Қиёсларингиз менга ёқди, ўртоқ Қўшжонов!

— Ҳурматли директор,— деди Элбой ўзини учадиган қушдай тутиб.— Шу пайтгача ҳеч ким қулоқ солмаган бир армонимни айтай. Нахтага яқин ерга шоли экиш зарарли. Турган-битгани зарар! Шолига самолётдан сепилган гербицид бизнинг даламизга тушади. Кўкариб турган гўза ниҳолини нобуд қилади.

Бу фикр Яхшилиқ учун янги эди. Уйланиб, шу вақтгача нега эътибор берилмаганига афсусланди, кўнглидаги тугун янада чигаллашди.

— Менга жуда кўп нарса тушунарли эмас,— деди у, даладан чиқиб бораётиб.

— Ҳали ҳаммасини тушуниб оласиз. Кузги йиғим-терим пайтидаги шошилич бос-бослар пайтида яхши чийиқасиз. Ҳатто совхозингиз планни бажарганини ҳам сезмай қоласиз. Бригадирларингиз биридан бири чаққон, биридан бири ақлли, уддабурро! Уларга ишонинг, уларни суянг, ардоқланг!

Яхшилиқ Давлатов бугун ҳар қачонгидан қаттиқ чарчади, танаси оғирлашиб, юраги куйиб чиқди. даладан.

У қаттиқ чарчаса, шофёридан радио овозини баландроқ кўтариб қўйишни илтимос қиларди. Бу гал ўша одатини такрорламади.

Шофёр олдидаги кўзгудан директорнинг лаблари пичирлаб, нималарнидир ҳисоблаётганлигини, баъзан узоқ

хаёл суриб, ўйига етолмаётганини кўриб, ҳатто ақли ҳам чарчаганлигини фаҳмлади. Шу сабабли машинани бир текисда ҳайдашга тиришди.

«Экиш даврида ҳар бир квадрат метр ер устида етти думалаб, талашишади. Ҳориб-чарчаган асабий механизатор тракторнинг ҳар бориб келганини ҳисоблайди. Шундай вазиятда улар ортиқча экканини қандай қилиб билмайди?..»

Рўпарадан келаётган кузови брезент билан ёпилган каттакон машина буларнинг олдидан ўтаётиб тўхтади. Рухсат бўлмаса-да, унинг шофёри ҳам тўхтатди.

— Ҳа, Райимбой, нима гап? — деди у тушунмай. У кабина эшигини очиб, катта машинанинг кузовидан сакраб тушган бир аёл томон ишора қилди. Яхшилиқ қараб улгурганича бўлмай Шарифа келиб, унинг очиқ ойнасидан бош суқиб, салом берди.

— Ҳа, Шарифа, йўл бўлсин?

— Орол бўйига экспедицияга кетяпмиз.

Яхшилиқ ўзининг қиз болага ҳурматсизлик қилиб ўтирганини фаҳмлаб қолиб, машинадан тушаётган эди, Шарифа тўхтатди.

— Тушманг, овора бўлиб, ўтираверинг, — деди. — Биринчидан, мен сиздан беш ёш кичикман, яна ожизаман. Бу туфайли Шарқ анъанасига бўйсунимиз лозим. Иккинчидан, сизни мен биринчи кўрдим.

Қиз ҳозирги учрашувни назарда тутдими ёки Тошкентни назарда тутдими, бусиз ҳам хаёл суриб келаётган Яхшилиқ дафъатан билолмади.

— Шарифа, интервьюнинг учун раҳмат, кўп жумбоқларни ечишга даъват этипти.

— Шу интервью Эржон оғага ҳам, Мамутовга ҳам, райком секретари Нажимовга ҳам унча ёқмапти. Қўнгироқ қилишди.

— Факт ҳаммавақт ҳам фактлигича қолади.

— Лекин сиздан бир илтимосим, интервьюнинг Эржон оғага алоқаси йўқ, унга зарари тегиб ўтирмасин. Нима бўлганда ҳам у амаким, агар у ўзидаги шухратпарастлик уруғини бошқаларга ҳам экишга улгурган бўлса, сиз, албатта...

— Достоевскийнинг тили билан менга: одамлардан одамгарчилик изла, демоқчисиз-ов?

— Ўзингиз билинг, сабаби — сиз китоб ёзаётганингиз йўқ.

— Маслаҳатинг учун ташаккур. Сафарларингга муваффақият тилайман!

Шарифа кичкинагина кафтини унинг сержун биллагига

шап этказиб тегизиб, ўз лабига босди-да, кийикдай ди-киллаб, машинаси томон кетди.

Бу учрашув унинг кўп ғам-ташвишларини унуттиргани билан ўрнига бошқача ўй солиб кетди. Уйининг адресини сўраб қолмаганига ачиниб орқасига қараган эди, экспедиция машинаси аллақачон жўнаб кетибди...

* * *

Давлатов ўша шахти билан, ёлғиз юриб бутун экин майдонларини қайта кўздан кечириб бўлгандан кейинги куни мол ферма қурилишига қараб йўл олди.

Мол фермаси экин майдонларидан бир четда эди. Асфальт йўлдан чиқиб, фермага бориладиган айланма йўлдан кетаётган эди, ўша томондан кузовига тўла қилиб тахта ортиб келаётган машинага кўзи тушиб тўхтади.

— Йўлдан адашмадингми?

— Ҳа, Яхшилиқ оға, ассалому алайкум,— деб машинанинг кабинасидан қотмадан келган ёш йигит тушди.— Элбой Қўшжоновнинг табелчисиман-ку, ахир.

— Табелчи бўлсанг, нима қилибди, ферма қаёқдалигини билмайсанми?

— Сотиб олиб келяпман.

У табелчини қўйиб, шофёрига буюрди:

— Машинани орқага қайтар!

— Ҳай, Яхшилиқ оға, илгари шундай қилишаверарди, ҳеч гап бўлмасди-ку, энди нима, мен айбдорманми, қурувчилар айборми? Қурувчиларга ёлвориб, зўрға олгандим, уларни айбдор қилманг! Қолаверса, улар бошқа совхознинг одамига сотгани йўқ-ку. Мен олдим. Ўзингизнинг совхозингизнинг табелчисиман. Пешайвон қиялган эдим, шунга зарур эди!

Яхшилиқ унинг гапларига унча қулоқ солмади.

— Раймбой, олдинга туш!— деди-да, тахта ортилган машинанинг кабинасига ўтиб ўтирди.

Қурувчилар аллақачон тушликка тарқалишибди. Ўр-тароқда тахлаб қўйилган шифер устида қовун еб ўтирган қоровул директорнинг машинасини таниб қолиб, милтигини елкасига осиб, пешвоз чиқди. Салом берди. Директорнинг йўқлигини кўриб, оқсоқланиб орқасига қайтди.

— Епирай, директорнинг шофёри ҳам одамнинг каплагини учуриб юборди-я!

— Директор орқадан келаётган машина кабинасида,— деди Раймбой.

Қоровул қайтадан қоқиниб, суриниб, қўлидаги қовун ширасини икки ёнбошига артиб:

— Буни нега қайтарди? — деди.

— Узидан сўранг.

Давлатов кабинадан сакраб тушиб, сўради:

— Одамлар қаерга кетишди?

— Тушликка.

— Буни сиз сотдингизми?

— Бизда ПМҚнинг бошлиғисиз битта пайраҳа ҳам йўқолмайди.

Давлатов шофёрларнинг ёрдами билан тахталарни туширишиб, қурилиш майдончасини оралади.

Чала тикланган деворларнинг айланасида ҳар турли қурилиш материаллари тартибсиз сочилиб ётибди. Темир-бетон деворлар, плиталар, қум-шағаллар тўғри келган ерга ағдариб кетилаверган. Аксарияти бузилиб-ёрилган, синган. Тахталар аралаш-қуралаш. Тайёр ром-эшиклар ҳар ерда қуёшда қовжираб, тоб ташлаб, шалоғи чиқиб ётибди. Гишт самосвалдан қандай ағдарилган бўлса, шундайлигича уваланиб ётибди. Тайёр қорیشмаларни айтмайсизми, ҳар ер-ҳар ерда уюлиб тошга айланиб қолган.

Шу орада прораб келиб қолди.

— Нега бундай? — деди Давлатов ғазабнок.

Боши сариқ қовундай, қорни — кўйлаги ичига баҳайбат тарвуз яшириб юргандек — қаппайиб чиққан, бўйни қисик, дўнги манглай прораб, директор тахта ўғирлаб сотаётганидан сўз бошлар, деган хаёл билан жавоб тайёрлаб турган эди, савол бундай бўлгач, жиддий тус олиб, бамайлийхотир гап қотди:

— Чиройли қилиб тахланса ҳам, бари бир қурилишга ишлатилади-ку.

— Уртоқ директор, бу бепарволикка прораб айбдор эмас, ҳамма касал ташувчиларда, — деди қоровул, орага қисилиб. — Улар фақат планни бажарсалар бўлгани, бошқаси билан ишлари йўқ. Синадими, бузиладими — уларга бари бир.

Директорга бу важ-карсонлар ёқмай, олдинроққа юриб, каттакон яшикда усти очиқ ётган цементга энгашди.

— Уртоқ директор, кечирасиз, материаллар шу аҳволда ётгани учун ҳам бу ерни «қурилиш майдончаси» дейди-да, — деди прораб, тили остидаги носвойни билдирмай йўқ қилиш учун оппоқ дастрўмолини оғзига тутиб, унга туплаб, оғзини ачиштириб ётган заҳардан билдирмай қутулганига севиниб. Қора қалам билан тешилгандай кичкина кўзларини бир юмиб очди. — Нафсиламрини айтганда, бизнинг совхозгина эмас, бутун районимиз, бутун ўлкамиз, ҳатто бутун СССР қурилиш майдони. Газеталар

шундай деб ёзади. Сизнинг ўйингизча, бутун территория-си қурилиш майдонига айланган СССРни ифлос майдон деб тушунамизми?

Яхшиликнинг лўппигина юзи қизариб, остки лаби пирллаб учди:

— Қурилиш майдони деганда ифлослик тушунилмайди!

Прорабнинг дўнги манглайи терчилади.

Яхшилик уёқ-буёққа қараб, девор тагига брезент тўшаб, устида қарта ўйнаб ўтирганларга яқин борди:

— Брезент цементнинг устини ёпиш учун берилса керак?— деди у киноа билан.

— Одамдан брезент азиз бўптими, ўртоқ директор!— деди қартабозлардан биттаси, ўрнидан қўзғалмай.— Ҳозирги атом даврида энг қимматбаҳо олтин — инсон! Заҳда ўтириб бўлмайди!

— Худойберди отани ким уриб кетган экан?— деди улардан биттаси Яхшиликқа ногоҳ қараб.

— Айтмайди,— деди ёнидаги шериги.

— Аниқланса айтилади, текширилмоқда,— деб Яхшилик прорабга бурилди:— Икковимиз цементнинг устига бостирма соламиз.

У қартабозларнинг ёнида ётган белкуракни илдам олди-да, цемент туширилган ернинг айланасига устун кўмиш учун чуқурча қазишга киришди.

Прораб қараб тура олмади. Унинг қорни бесўнақай кўринса ҳам, анча чаққон, абжир экан. Қўлига болта олди, чочилиб ётган тахталардан сақкизтасини танлаб ажратди. Қартабозлар уларнинг ишларига томошабин бўлиб қараб туришга уялиб, ишларига тарқалишди.

Бир соатга бормай цементнинг устига чайла қурилиб, брезент билан ёпилди.

Аллақайёқдан Шержонов етиб келди. Яхшилик уни гап билан узиб олди:

— Эржон Шержонович, қурилиш нега оқсаб ётибди десам, материаллар пуллаб юборилаётган экан-ку! Бу қанақа бўлди?

Директорнинг гаплари ёқмаса-да, факт устида айтилаётгани учун ҳеч ким ҳеч нима дея олмади. Шержонов уни бола фаҳмлагандек тилини чиқарди.

— Тилингизга пашша ўтириб кетмасин, Эржон Шержонович!

Шержоновнинг ранги бўзариб, бурни устида тер томчилари пайдо бўлди.

— Қани, прораб, анави табелчининг пулини қайтарчи!— деди Давлатов жаҳли оз-оздан авжлана бораркан.—

Ҳой, табелчи! Қўшжоновга бориб айт, ўз уйини ўзи ўғирлайдиган табелчининг унга кераги йўқ!

Директорнинг кескин гаплари, дарғазаб буйруқлари бошқа қурувчиларга ҳам таъсир қилиб, уларни қўзғатиб юборди, ҳаммаси ёппасига иш-ишига киришиб кетди. Энди уларга қурилишнинг аҳамияти тўғрисида насихат қилиб ўтириш ортиқча кўришиб, у машинаси томон юрди.

Шержонов унинг орқасидан эргашиб бориб:

— Бирпас тўхтаг, — деди бир оз илтижо билан.

Шержонов билан гаплашиш қуруқ панд-насихатдан иборатлигига тушунса-да, у тўхтади.

— Қисқачароқ бўлсин.

— Ҳали менга ҳам, совхозга ҳам, одамларга ҳам ўрганишиб кетолмаяпсиз, — деди у, илгаригисидай шошилмай, бамайлихотир. — Совхозни бошқариш жуда оғир. Ҳар кун юзларча турли иш топилади. Бошлиқ — бамисоли рўзгор бекаси бўлиши керак. Нишон Нажимов бу жиҳатдан моҳир бека.

Давлатовнинг ҳорғин, ғазабнок кўзлари унинг япалоқ юзига, қулоқ-чаккасигача тушган ўсиқ оппоқ сочига тушиб, ичида унга ачинди. «Шунча йилдан буён эгаллаб турган тепалигидан тушиб кетиш унга ҳам осон эмас...»

Хўрсиниб қўйди.

— Яхшилиқ Давлатович, сенга ҳам осон эмас, — деди у ҳам хўрсиниб. — Идора бекаси бўлиш — қўл остингда чақимчилик, жанжал, аризабозлик туғдирмаслик демак. Бунинг учун айрим бетайинларга шафқатсиз бўлиш керак. Қаторингдагиларнинг айримларига ялинасан. Маошини оширсанг юпанадиганлар бор, бировларига ишчилар комитети орқали путёвка топиб берсанг, юзингга ҳеч оёқ тирамайди. Мартабасини юқорилатмасанг тинчимайдиганлари ҳам учрайди. Буйруқ билан миннатдорчилик эълон қилиб, пулдан ҳам озгина ёрдам кўрсатсанг, олган пулига сенга совға олиб келиб, буйруғингнинг нухасини уйда махсус ромга солиб осиб қўядиганлар ҳам кўп. Ҳеч нарсага овунмайдиганлар, алданмайдиганлар бўлса, уларни бошқа ерда ишлайдиган ёр-дўстларига мақтаб-мақтаб, ўзингга иситасан. Ҳа.

— Жуда тажрибалисиз, — деди Яхшилиқ киноя билан.

Шержоновнинг нозик ерига игна теккизилгандек бўлса-да, бўй бермади. Аксинча, эркинроқ гапирди.

— Менинг оғалик, устозлик маслаҳатларимга қулоқ сол. Бу йил давлат планлари бажарилмаса, ҳовлиқма. Айбни менга ағдар. Мен, бари бир бўшаган одамман.

— Ўзингизга ачинмайсизми?

— Үзи униб чиққан уруғнинг ривожлануви учун эскисини нима қилса ҳам айби йўқ.

Давлатов гапирмади. Бу, айниқса, Шержоновга ёмон таъсир этиб, пешонасининг терини кафти билан артди:

— Экинлардан кўнглинг тўлмайтими?

— Олачалпоқ. Кўчатлар бут эмас. Пландаги центнер олиниси учун ҳар туп кўчат ўз ўрнида бўлиши керак.

Шержонов ер остидан кузатиб, унинг кайфиятини тўла фаҳмлаганга ўхшарди, умуртқасидан илон ўрмалаб бораётгандек эти жимирлашиб кетди. Шундай бўлса-да, кўп йиллик тажрибасига кўра нафасини ичига бир тортиб, ўзини босди.

— Юқоридаги бошлиқлар оқ кўнгил, ваъдага ишонадиган одамлар бўлади. Икки йил чидашинг мумкин.

Давлатов орқасига ўгирилди.

— Яхшилик Давлатович,— деб Шержонов ўни яна тўхтатди.— Бугун тахта сотганни ҳам, олганни ҳам ўзинг уялтирганлигинг етарли. Идорада кўпчиликка эълон қилишининг кераги йўқ.

— Нега?

Директорнинг кескин саволи Шержоновни довдиратиб қўймади, аксинча қувонтирди.

— Мен сенга Нишон Нажимовнинг яна битта хусусиятини айтайин. У ниҳоятда талабчан, район маданияти, экономикасини беш бармоғидек биладиган аъло даражадаги қурувчи одам! Оқ кўнгил, кишиларга меҳрибон. «Райондаги ҳар бир одам менинг кўз қорачиғим», дейди. Бир гуруҳ ўқувчини олиб кетаётган машина авария бўлганида, на шофёрни, на ГАИ ходимини жазолатди. ГАИ ходимларининг Худойберган акани уриб кетган шофёрни изламаётганининг сабаби ҳам мана шунда. Утган йили битта дўкон тафтиш қилиниб, магазинчи баъзи нарсаларнинг баҳоси устига устама нарх қўйиб сотганлиги натижасида икки минг сўм пул ортиқча чиққанда, «районда битта хўжалик бойса ёмонми», деб жавобгарликка тортирмади. Уч йилча илгари бир пахта пунктининг қабул қилувчиси устидан жиноий иш қўзғатилиб, туз халтага яшириб қўйган салкам юз минг сўм пули топилганида, «у бу жинояти учун қаттиқ жазо олиши мумкин, «олибсотар» деган модда билан қамалсин», деб район прокурорига кўрсатма берди. Уша «олибсотар» икки йилдан сўнг қутулиб ҳам келди. Сен совхозга келиш олдида район газетасининг нодон мухбири бир ПМК бошлиғининг бировга тахта сотганини ёзган экан, «у бошқа районга, бошқа совхозга сотмаса бўлди, сен, бефаҳм, районнинг тинчлигини буздинг», деб

мухбирни ишдан ҳайдатди. Хуллас, район фаровонлигининг бош тарафдори у. Эҳтиёт бўл.

У ҳар сафар ростини айтадими ёки янги директорга ёқиш учун кўп нарсани бўрттириб кўрсатадими — тушуниш қийин эди. Маслаҳатлари чўпчакка ўхшайди. Давлат мүлкени талон-торож қилишга ким йўл қўйиб қўяркан? Магазинчиларга ким ундай эрк бериб қўяр экан? Одамларнинг тийинлари ҳисобига бир хўжаликнинг бойиши ҳозирги замонга мутлақо ёт нарса.

— Эржон Шержонович,— деди у қовоғи уюлган ҳолатда.— Бундан буён фермага ўзим келиб тураман, сиз сабзаёт ва полиз экинлари билан шуғулланаверинг.

Совхознинг ички ишларига қанчалик киришгани, Шержонов билан гаплашгани сайин Давлатов ечиши лозим бўлган жумбоқлар тобора кўпая борарди.

Бугун яна қўшилди. Боши ғувиллаб, хаёл денгизига чўмиб келаётиб, йўлни кесиб ўтган коллектор кўпригига чиққан эди ҳамки, бирдан ён томонга оғиб, шофёр ўриндигининг суюнчиғи темиридан икки қўллаб ушлаб қолди. Ўзига келиб қараса, машинаси кўприкдан тушаверишда йўлнинг четида бир томонига ёнбошлаб ётибди. Шофёр ўзини ўнглолмай турганида, тепадаги эшикни очиб, Завмаг энгашди.

— Омонликми?

Райимбой бир амаллаб ўзини ўнглаб олди-да, ўрнидан туриб ташқарига чиқиши билан ҳе йўқ, бе йўқ, Завмагнинг қўлоқ-чаккасига мушт солиб юборди.

— Ҳа, падарлаънат!

Завмаг қип-қизил бўлиб, жавоб қайтариб улгурмай Яхшилиқ қаддини тиклади. Қараса, йўлда ЗИЛ машинаси кўндаланг турибди. Унинг шофёри тушиб келарди. Завмаг олдига бориб, унинг қўлидан калитини юлиб олиб, орқасидан итариб юборди.

— Бор, машинада ўтир, айб сенда!

Яхшилиқнинг юраги ҳали ҳаприқиб турар эди, вазиятга энди тушунди. ЗИЛ йўлнинг ёнидан кесиб чиқибди. Агар Райимбой чаққонлик қилиб, бурилиб улгурганида, бир фалокат юз бериши аниқ экан. Шунда ҳам тасодиф натижасида омон қолибди. Бўлмаса улар бурган томон сув йиғилган кўл экан. Бураман деганда запти билан ағанаб кетса, сувга ботиб кетишлари турган гап экан.

— Завмаг, қаёққа кетяпсиз?— деди Давлатов ўзини босиб.

— Биласиз, халқ ора-сира балиқни қўмсайди. Дўконга балиқ олиб келиш ниятида Орол ёққа кетаётган эдим.

— Шофёрингиз ичганми?— деди Давлатов.

— Үз ўғлим-ку. Ичмайди. Заруратдан ўзим билан олиб юраман баъзида. Омон қолганимиз учун бир шишани бўлиб ичиб юборайлик. Газаги ҳам топилади.

Яхшилиқнинг қорни оч, бунинг устига юраги ҳамон қаттиқ урар, босолмай турарди, рози бўлди.

Завмаг ЗИЛнинг кабинасидан қаттагина эски сават олди. Яхшилиқнинг қийшайиб ётган машинаси олдига олиб борди. Райимбой жаҳлини босолмай судралиб, кўприкнинг устига чиқиб кетди. Нонуштага ҳам келмади.

— Одамнинг аҳволини қийинлаштирадиган ва енгиллаштирадиган бир ҳолат хаёлимга кириб эди, сира чиқмайди,— деди Завмаг, арақни иккита пластмасса стаканга қуяётиб.— Бу нима дерсиз, балким? Бу нарса фалончидан орқада қолдим ё писмадончидай бўлолмадим, деган ички ҳасад экан. Баъзан ўйлаб ўтириб, ўзинг билан бир қишлоқда туғилиб ўсган, кейин ўқий олмай, дурустгина пахтакор бўлиб сендан ўзиб кетган, бирдан Меҳнат Қаҳрамони бўлган тенгдошингни эшитсанг, бир оз ичинг куяр экан.

— Ҳаётнинг маъноси ҳам, қизиғи ҳам бировдан олдин, бировдан орқада бўлиб яшашда эмасми?— деди Давлатов.

Завмагнинг така-пука бўлиб турган кўнгли тинчиб, турган ери тинч ва бемалол бўлиб туюлди.

— Қани, нимага ичамиз?

— Соғлиққа.

Ичишди. Завмаг саватидан пишган товуқ чиқариб, икки оёғидан ушлаб иккига ажратди-да, бир томонини Яхшилиққа узатди.

— Киши жамиятдан ўзига ўрин излаганда, асосан оиласининг моддий манфаатдорлиги масаласини назарда тутса кераг-а?— деди Завмаг, оғзини кафти билан артиб.

— Давлат биринчи масала қилиб экономикани қўяди.

— Бу йил планлар бажарилмаса яхши бўлмас.

Завмагнинг тешадай дўнги пешонаси тиришиб:

— Қани энди, киши ўзининг бир идорада узоқ ишлашига кўзи етса а?— деди.

Яхшилиқ киприкларини ўқ қилиб отгиси келгандек унга ўқрайиб тикилди.

Завмаг пастга қараб, қадаҳларга яна қуяётиб ғудранди:

— Эзгулик ишда аввало сарф-харажатни режалаштириш пастдан юқорига кўтарилишнинг асосий омили. Марксча билим мана шуни далиллайди. Менинг хавфим, юқоридагилар сизни тушунмай, совхознинг олдинга қараб

ривожланишини бир йил орқага сурганингиз учун бўша-тиш ҳақида ўйлаб қолишмасин-да ишқилиб.

— Мен бўшаш тўғрисида ўйлаб кўрганимча йўқ.

— Ўйлаб кўриш керак, оилангиз учун, қолаверса, биз-дай жони ачирларингиз учун бу ишда мустаҳкам туришин-гиз шарт. Сиз кўпроқ ишни ўйлайверинг. Оилангизга қа-рашиб туриш менинг вазифам бўлсин.

Давлатов унга ҳайратланиб, жаҳл билан олайди. Ҳеч нарсани сиртига юқтирмай, ҳеч нарсани билмагандай бў-либ, назарини қадаҳдан олмай ўтирган Завмаг уялмади:

— Мана, олиб қаранг, Яхшилиқ Давлатович. Киши ўзи-ни бошқалар учун қурбон қилса яхши, бироқ бизнинг сов-хоз одамларининг психологияси бошқача.

— Чунончи?

— Бир ғариб сотувчини турткилаб, чиқитга чиқариб нима қиласиз?

Давлатов жилмайиб кулди:

— Қани, ичдик.

— Сизнинг суюкли, сулув қизингиз Ойлар учун!

Завмаг газагига ҳеч нарса емади.

— Сиз ниҳоятда покиза директорсиз. Барча ишда пок-ликни, ҳақиқатни яхши кўрасиз. Бу бизнинг бахтимиз!— деб у иккинчи шишани очаётган эди, Давлатов унинг қў-лидан ушлаб тўхтатди.

— Раҳмат, энди бас. Қани, машинани турғизайлик.

Завмаг қаршилик қилмади. ЗИЛнинг ёрдами билан ма-шинани турғизиш қийин бўлмади.

Завмагга нисбатан ғазаби ҳали босилмай, у билан арақ ичгани учун Давлатовни ёқтирмай, жаҳл билан ке-лаётган Райямбой ички нафратини узоқ яширолмади.

— Лаънати Завмаг чорраҳадан атайин кесиб чиқди.

— Мумкин эмас,— деди Яхшилиқ.— Урилганда унинг ўзига ҳам, ўғлига ҳам зарар етарди! Ўзи майли, ким ўз боласини бундай фалокатга рўпара қилади?

— Машинасига ишонади-да.

— Райимбой, одамлардан шубҳаланиб ўрганма.

Райимбой хўжайини билан бошқа бахшлашмади, ле-кин кўнглида пайдо бўлган гумон ичида қолди.

Яхшилиқ ечиши лозим бўлган жумбоғи яна кўпайиб, нима қилишни билмай, хуноби ошди.

— Райимбой, «Ойлар кампирнинг қуми»га бур!

Шофёр ҳар қачонгисидай ҳеч нарса демай, машинани у айтган ерга олиб бориб тўхтатди.

Яхшилиқ шофёрига ҳеч нима демай, машинадан туш-ди-да, тикка бувисининг қабрига борди.

— Оҳ, бувижон!— деди у мунгли пичирлаб.— Жуда

мушкул аҳволда қолдим. «Бизнинг қишлоқ ёмонликларнинг ҳам ўчоғи» деганингизда, нега бундай дейишингизга тушунмасдим. Ёмонлик ўз-ўзидан туғилмай, одамлар кўра-била туриб бир-бирига нисбатан қилса керак уни. Мен ҳам энди бир оз ёмонликларга сабабчи бўламан. Совхозга келиб кўп шумликларга тушундим. Яхшилик йўқ ерда ёмонлик ҳукм суради. Менинг отимни «Яхшилик» деб ўзгартирганингизга пушмон бўлманг, буви, кечиринг. Ҳа, яхшилик йўқ ерда ёмонлик ҳукм суради.

Қумнинг устидан нари-бери чанг кўтараётган енгил шамолнинг хиёлгина шувиллашидан бўлак сас-садо эшитилмасди. Йўл томонга назар ташлади у. Асфальт йўлда ГАЗ-69 машинаси кутиб турибди... Ана ўша машинанинг филдираклари турган ерда бир оқсоқ аскарга қўл чўзиб, нон тилангани худди куни кечагина юз берган воқеа сингари кўз олдига келди... Очликда еган талқоннинг тўқликда мазаси кетмайди. Ўша аскар ҳозир қаерда экан? Унинг ярим буханка нонини тамадди қилмаганида ҳоли не кечарди?..

Қутилмаганда шамол кучайиб, қалпоғи бошидан учиб тушди. Энди ҳамма нарсани унутиб, қалпоғининг орқасидан югурди. Қалпоқ юмалаб бориб, эски қабр устида ўсган бир туп янтоққа илинди. «Жонсиз қалпоқнинг ҳам охириги тўхтар ери — қабр!» деб кўнглидан ўтказиб, чангини ҳам қоқмасдан бошига кийди.

— Менга нима бўлди? — деди у яна ўзига-ўзи. — Жумбоқ кетидан жумбоққа дуч келяпман. Еча бошлаш керак! Бўлмаса яшаш қийин!..

* * *

...Светлана эрини бўсағада кўришданоқ кайфиятини англаб, пешвоз чиқди-да, пешонасига қўлини босди.

— Озгина иссиғинг бор, жоним, ечин. Ош дамлаб қўйганман, еймиз.

Яхшилик ошни яхши кўрар эди, бугун ҳатто ҳидини ёқтирмай, хотинидан тезроқ ўрнини солиб беришини илтимос қилди.

У директор бўлганидан буён бугунгидай эрта ётмаган эди. Светлана қизи Ойларни ҳам хонасига тез ётқизиб кела солиб, эрининг кўрпасига кирди. У Яхшиликнинг бугунгидай кайфиятини кўрмаган эди. Қандай қилиб тинчитиб, қандай ухлатишнинг ҳисобини топмай гаранг бўлди. Гоҳ бошини силайди, гоҳ оёқ-қўлларини уқалайди, гоҳ юзига энгашиб, ўпади. Бу ҳаракатлар эрига бир қадар таъсир қилиб, совий бошлаган эди, Светлана унинг қулоғига қайноқ лабларини теккизиб мақтанди:

— Битта қыздан кейин бола кўтарувни қўйганим учун жуда хафа бўлгандинг, жонгинам. Мана кўрдингми, оқибати, қандай яхши бўлди! Ойлар ўз хонасида, иккаламиз хоҳлаган вақтимизда биргамиз.

Аллақачон битиб кетган яранинг кўзи қайта кирчилаб, эрига яна қўшимча ўйлар келганидан беҳабар келин индамагани учун ухлаб қолди деган хаёл билан унинг қўлтиғига бошини тикди-ю, худди мушук сингари, «хур-хур» ухлай кетди.

Яхшилиқ Давлатов шу ётганидан қимирламади, бироқ тонг отгунга қадар киприклари илинмади, ўй ўйлади, хаёл уммонига чўмди...

8

Глобус бўйича орқага қадам ташлаш — аслида юқорига ўрмалаш демак. Амударёнинг охирида эса бутунлай бошқача ҳолат. Орқага қадам ташлаганинг — пастликка бораётганинг. Амударё сўл томонига қараб сурилган эмас, неча-неча мароталаб ўнг томонига тошиб кетган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича ҳам, афсоналар бўйича ҳам бу тасдиқланган ҳақиқат.

Бу ўлканинг тупроқ тузилиши ҳам ўзгача. Хоҳлаган ерингга белкурак урсанг, белкурагинг майда тошга теккандай ғичирлайди. Кафтингга солиб эгилиб қарасанг, у тош эмас, майда суяк эканлигини кўрасан. Бу суякларни ҳалига қадар тарихчилар ҳар хил изоҳлайдилар. Баъзилари: «Ўз маконини ҳимоя қилиш учун жангда ҳалок бўлганларнинг суяклари» деса, бошқалари: «Туғилиб ўсган маконини гуллатиш йўлида олов селини пурковчи қуёш остида оғир меҳнатдан вафот этганларнинг суяги», дейди. Учинчилари эса: «Бу атроф сув ости бўлиб, унда балиқ овлаганларнинг суяги», деб ишботлайди. Ер рельефидаги яна бир ўзгачалик — тақирликлар, далалар ўртасида, кутилмаганда, ҳажми ўн-ўн беш, баъзан қирқ-эллик гектарлик қумлик ёки шўрхоқлик учрашида. Бу ўлкани кезган киши ҳозиргина қумга думалаган бўлса, бир оздан кейин товонига чағир тошлар ботади, яна оздан кейин ботқоқлик учрайди. Бу ерлар қадимда кўл ости экан, деган хулосага келиб-келмай, бирдан бепоён ялангликка чиқади, ундан сўнг, ҳатто одамнинг иштаҳасини қитиқлайдиган барра ўтлоққа дуч келиб кўзи қувнайди. Бу манзаралар алмашиб, такрорланаверади. Шунинг учун унинг қадимий Турон пасттекислиги деган атамасига ҳеч ким ҳеч нарса қўшмайди. Шундай бўлса-да, бу тупроқ ҳали тадқиқ қилиб бўлинган эмас!

«Янгилик» совхозининг территорияси бепоён, Европанинг кичикроқ бир мамлакати бемалол жойлашади унга. Мана, кенг далани қайта кўздан кечириш учун Давлатов билан Шержонов бирга юришибди. Давлатовнинг машинаси яна ремонтга қўйилгани учун иккови Шержоновнинг машинасида, биттаси кўрсатувчи, иккинчиси ўрганувчи. Давлатовга бу атроф болалигидан таниш булсада, энди совхознинг чегарасини аниқламоқчи эди.

Улар бир маҳал Орол бўйидаги баланд рошнинг тепасида тўпланиб турган одамларни кўриб, у ерга боришди, улар орасида Шарифа ҳам бор эди. У шерикларига ниманидир уқтирар, пастга қўлини чўзиб, қаернидир кўрсатарди. Экспедиция аъзолари орқасидан келишди-да, улар тикилиб турган чуқурликка булар ҳам қарашди. Кўз олдидарида харобага айланган эски қишлоқ: йиқилган кўралар, рўзгор анжомлари, тешик қайиқлар, эски қамиш кўраларнинг бошларида илиғлиқ қолип, қуёшда қувраб чириган тўрлар... Бу — Шарифанинг отаси Нуржон аканинг, унинг боболарининг туғилиб ўсган овули. Шарифа шерикларига тушунтирарди:

— «Жойнинг файзи эл билан», дейди халқимиз. Мана, одамлар кетиб, ташландиқ бўлган овул, энди файзи-футуҳи йўқ, ҳувиллаб ётибди. Отамнинг айтишига қараганда, одамзод ҳаёти учун учта нарса зарур: биринчиси — ҳаво, иккинчиси — сув, учинчиси — озиқ-овқат. Бу овулда илгари учаласи ҳам мўл бўлган. Ўз вақтида бу овул теварак-атрофи учун маёқ бўлган экан, энди кўриб турибсизлар, бу атрофдаги пилиги ёниб, мойи тугаган чироқ — мана шу овул!

— Илгари у қандай қилиб атрофга маёқ бўлган? — деди экспедиция аъзоларидан бири.

— Оролнинг шимолидаги энг биринчи балиқ музлатувчи омборни руслар мана шу овулда қуришган. Ўрни ҳў анови бузилган қамиш ертўла, — деб гапга аралашди Шержонов. Ҳамма у кўрсатган томонга ялт этиб қаради. Шарифа уларнинг олдига келиб саломлашди. — Бу атрофда уйининг сиртини оқлашни биринчи бошлаган ҳам мана шу овул эди, — деб давом этди Шержонов. — Доҳиймиз Лениннинг Орол балиқчиларига ёзган хати биринчи марта шу овулда ўқилган. Буюк Лениннинг хатига жавобан балиқ ортилган баржа мана шу биз турган ердан лангар кўтарган.

— Қаранглар, денгиз томондан тутун бурқсида, — деди машинанинг кузовига миниб турган шофёр.

Ҳамма ўша томон ўгирилди.

— Бу тутун эмас, қуюн, — деди Шарифа. — Денгиз со-

ҳилидаги ўт қўйилган қамишзор кули ўрнидан кўтарилди.
— Ундай бўлса, пастга тушайлик,— деди ҳали қўллари ни ишқалаб турган Александров.— Чамамда, биз қуюннинг йўлида турибмиз.

— Кўзга эҳтиёт бўлайлик,— деди экспедиция аъзоларидан бири.— Иван Семёнович, қаёққа қараб қочганимиз маъқул?

— Овулнинг ўрнига.— Дурбини билан қараб турган Александров қўшимча қилди:— Кулга соҳилнинг қуми қўшилди!

Ҳамма шошилиб, машинани паналай бошлади. Александров билан Шарифа қимирламади.

Энига бир километрча ерни тўзитиб келаётган қуюн уларни ҳам йиқитгиси келгандай, тепаликда алоҳида кучга минди. Лекин чўп-хасни кўтаргани бўлмаса, ҳеч нарса қилолмай ўтиб кетди.

— Шарифа,— деди Александров, кафтини оғзига олиб бориб.— Пайқадингми, соҳилнинг қумига қўшилиб туз ҳам кўтарилган.

Қиз қуюнга тутган қўлларига тилини теккизди.

— Тўғри! Иван Семёнович, қум тузли — шўр!

— Тез машинага миниб, қувла, қизим!— деди Александров.

Шарифа унинг нима демоқчи бўлганини уқиб, дарҳол машина томон югурди.

Илмий ходимларнинг бирдан шошиб қоладиган одатларига ўрганиб кетган шофёр кўз очиб юмгунча машинасини юргизди.

— Мен ҳам борай,— деб Давлатов унинг изидан югуриб бориб, Шарифанинг ёнига ўтирди-да, Шержоновга: Сиз орқамиздан юринг, ўшанақаси қайтамиз,— деб қичқирди.

Шарифа шофёрдан машинани ҳар километрда тўхта-тишни ўтиниб, ўзи тушиб, ер устидан тупроқ олар, уни қоғозга ўраб, устига алланарсаларни тез-тез ёзиб борарди.

У саккизинчи мартаба тушди, олган тупроғини қоғозга ўрашдан олдин кафтига ёйиб, лупа билан қаради, кейин тилини теккизди.

— Туз камайди.

Яхшилиқ унинг жавобидан қаноат ҳосил қилиб, энди қолмоқчи бўлиб кабинадан тушаётганида қизнинг портфелидан сирғалиб тушиб, оёқ остида йилтираб турган кичкина думалоқ кўзгучани, синиб қолмасин деган хаёл билан аста олиб, сиртини артмоқчи бўлган эди, унинг орқасига ёпиштирилган суратни, қўлёзма хатнинг фото-

нухасини кўриб, таниб қолди — ўзиники! Шофёр энди қизнинг шошилмаслигини билиб, машинасидан тушди-да, четда ўсиб ётган бир туп қийшиқ тўронғил томон юриб кетди.

— Ҳа, Яхшилиқ, нега тўхтаб қолдингиз? — деди қиз.

У ойнани кўрсатди:

— Ушанда нега жавоб бермагандинг?

— Ҳар бир қизнинг ўзига яраша ғурури бўлади.

Яхшилиқ ўкинч билан пастки лабини тишлаб, қизга яқинлашди.

— Ушанда мен сенинг кўнглингни билганимда эди...

— Қизларнинг асосий ҳасрат-надомати — ўз туйғуларини йигитларга тушунтиролмай кутаверишида-да!

— Сўнган ўчоқнинг ўти қайта ёнади шекилли, битта ўпиб олайми?

— Илмнинг кетидан қувиш мени кўпгина ёшлик гаштини суришдан маҳрум этди, шу билан бирга ёшликнинг кўп хатоликларидан қутқариб қолди.

Яхшилиқ машина панасида уни бағрига босиб, икки бетидан бир жуфт бўса олди.

— Ҳозир юз-кўзинг очилган, Яхшилиқ, — дея хўрсиниб қўйди қиз. Бу хўрсиниқдан у нима учундир ёнгил тортгандек ҳис қилди ўзини.

— Самолёт! — деди Шарифа болаларга хос қувончли овоз билан. Уларнинг тепасидан АН-2 самолёти учиб ўтиб, жуда пастлаб бир айланиб келди-да, яқиндаги тақирликка қўнди.

Шу орада Эржон Шержонов ҳам етиб келди. Улар ўз машиналарига бўлиниб ўтириб, самолёт қўнган ерга келганларида, ундан область партия комитетининг секретари билан Нишон Нажимовга қўшилиб учинчи бир киши тушиб келмоқда эди.

— О-о, Эржон Шержонович, — деди обком секретари. — Ёш директорга территорияни таништириб юрган экансиз-да! Яхшилиқ Давлатович, кайфиятлар қалай?

— Яхши, — деди у мулойимлик билан.

— Бу қиз илмий ходим Шарифа Шержонова бўлади, — деди Нажимов, бир четда турган Шарифага яқин бориб. — Бизнинг районда туради.

— Совхозга ёрдамга келдингларми? — деди обком секретари.

— Академик Иван Семёнович Александров бошчилигида Оролнинг суви пасайиб кетаётганлигидан келадиغان зарарнинг баъзи томонларини аниқлашга чиққан эдик.

— О-о, зарари жуда катта, — деди обком секретари, оққубадан келган юзи бирдан ташвишланиб.

— Орол мамлакатга ҳар йили қирқ-эллик миллион сўмлик балиқ берар эди,— деди Нажимов.— Агар ўрни экин майдонга айланса, албатта, ундан кўп даромад беради.

— Нишон Нажимович! Денгизнинг ўрнисизоқ кўп маблағ сарфланмасдан фойдаланса бўладиган неча миллион гектар еримиз борлигини билсангиз эди!— деб обком секретари сал ачиққанган тус олди.— Биз яшаётган регион тўрт зонага бўлинади. Биринчиси — «Аму бўйлари» деб аталади, унда икки миллион гектарга яқин экишга яроқли ер бор. Сизнинг совхозингиз мана шу территорияга киради. Иккинчиси — «Қизилқум яйлови», у уч ярим миллион гектарга яқин, бу зона йилига олти-етти миллион тонна табиий ем-хашак беради. Учинчиси — «Орол соҳиллари», ярим миллион гектардан зиёд қамишзорлар, балиқ урчитадиган кўллардан, бир қанча йирик қорамол яйловларидан иборат. Тўртинчиси — «Устюрт» деб аталади. У етти миллион гектарга яқин, шундан олти миллион гектари мол боқиш учун яроқли яйлов бўлиши билан аҳамиятли. Ана, ўртоқ Нажимов, ўн бир миллион аҳолиси бор Белгиядан беш яримтасини жойлаштира бўладиган бизнинг областимизда неча миллион гектар ер ўзлаштирилиши навбатини кутиб ётибди. Фақат сув керак. Сув!

— Шунча кенгликни эгаллаб Октябрь революциясигача етиб келган ота-боболаримизга ҳар қадамда битта ёдгорлик ўрнатса арзийди,— деди Шержонов.

— Шарифа Шержонова қуюн билан кўтарилган тузли чанг-тўзон неча километргача ёйилганини ҳозир менга тушунтириб турганди,— деди Яхшилик, Шержонов хаспўшлаб ўтмоқчи бўлган асосий масалага раҳбарларнинг диққатини янада чуқурроқ тортиш учун.

Обком секретарининг юзида яна ташвиш аломати пайдо бўлди.

— Орол йўқолмаслиги керак,— деди Шарифа.— Орол, ёзувчиларнинг образли тили билан айтганда, шу атрофни бамисоли қўриқлаб турган соқчининг кўзидай ҳамиша бедор, очиқ кўз! У юмулса... икки тарафдан хуруж қилишга тайёр турган ёвлар бостириб келади. Бу ёвлар — Қорақум билан Қизилқум.

Обком секретарига олима қизнинг далиллари ёқди.

— Академик Александровга шогирдлигингизга ишонч ҳосил қилдим, қизалоғим,— деди у мамнуният билан.— Уша жуда теран билимли, ўта мулоҳазали тадқиқотчи Александровнинг илмий далиллари бўйича Эрон, Арабистон, Гоби, Саҳройи Қабир чўлларига қараганда бизнинг Устюртимиз, Қорақум билан Қизилқумимиз ўсимликлар-

нинг турига, ниҳоятда бой ва ғоят ҳосилдор. Афсуски, бу бой ерларда ҳозирча қудуқ асосий роль ўйнайди.

— Устюртда Ватан урушидан кейинги йиллари қазилган беш юзга яқин қудуқ санаганмиз.

— Табиий сув етишармиди-я!—деди обком секретари жўшқин бир армон билан.— Устюртда ўттиз-қирқ совхоз ташкил қилиб, икки-уч миллион қўй асрар эдик!

— Ичмас жойда сув бор, емас ерда ўт бор,— деди Шержонов ўкиниш билан.

Нишон Нажимов фақат эшитувчи бўлиб туришни ўзига эп кўрмади. Шарифага мурожаат этди:

— Шарифа Шержонова, дунёдаги сув запаси тўғрисида нима дейсиз?

У саволни олимага бергани билан икки кўзи обком секретарида эди.

«Ҳар бир тадқиқотчи ўз соҳаси бўйича мутахассис олим. Дунёнинг сувини ким ўлчаб, ёдлаб юрибди».

Яхшилиқ Давлатовнинг кўнглига шу ўй келиб, қизнинг ёнини олмоқчи бўлди. Жавоб беролмай қолса ноқулай. Айниқса, обком секретарининг олдида. Лекин қизнинг жавобига обком секретарининг қизиққанини кўриб, ноилож индамади, Шарифанинг жавоб беришини кутишга мажбур бўлди.

— Илмнинг тасдиқлаши бўйича дунёдаги сув запасининг тўқсон фоизи океанларда, қолган ўн фоизи қуруқликда,— деди Шарифа вазминлик билан.— Бизга керак чучук сув ана шу ўн фоизи ичида. Шунинг учун ҳам дунёда чучук сувни тежаш, исроф қилмаслик, қадрлаш устида ҳозир катта гап бормоқда. Утган йили бизлар академик Иван Семёнович бошчилигида Англияда бўлдик. У ерда чучук сувга ваҳшийларча муносабатда бўлинаётганини кўрдик. Лондон, Оксфорд, Ковентри шаҳарларини сув билан таъминлайдиган Темза, Северян дарёлари бутунлай ифлосланиб кетган.

Қиз саксовулнинг пўстидай қип-қизил лаблари орасидан нуқрадай оппоқ тишларини кўрсатиб, кулимсираб гапирарди. Унинг билимига яраша ўзини тутиши ҳаммага ёқди.

— Бизда Қорақум каналининг сувидан нотўғри фойдаланиш фактлари борлиги ҳақида «Правда»дан ўқидим,— деди Шержонов.

— Энди экспедициямиз Қорақум каналига бормоқчи,— деди Шарифа.

— Шарифа Шержонова, академик Александровнинг экспедициясини самолётдан кўрдик. Мендан унга салом айтиб қўйинг. Орол денгизи бўйича олдинга сураётган

ғояси бизга жуда ҳам маъқул,— деб обком секретари Шержонов билан Давлатов томон бурилди.— Артезиан қудуқларининг аҳволи билан танишмоқчи эдик, ёнимизда мутахассис ҳам бор. Афсуски, яқинларингга самолёт қўнолмас экан.

— Машинада борамиз,— деди Давлатов.

Нажимов барчани кўздан ўтказиб бўлиб, ичида санади-да:

— Ўртоқ Давлатов, сиз ёшсиз. Шержонованинг машинасига ўтириб бора қолинг,— деди.

Яхшилиқнинг нияти ҳам худди шу эди, индамай келиб Шарифанинг ёнига ўтирди.

Қизнинг бўртиб турган қайроқдай қаттиқ кўкраги елкасига беҳос тегиб, қарама-қарши тоқ ургандай, иккаласи ҳам сесканиб, бир-бировига қаради, ҳар бири ўзича миёнида кулиб қўйди.

Туғилган масканини эъозламайдиган инсон бўлмайди. Ҳатто ҳайвонлар ҳам туғилган ерини ҳеч қаерга алишмайди.

Амударёнинг этагида, Оролнинг шимолий соҳилларида истиқомат қиладиган одамлар ўз ерларининг кенглиги билан алоҳида ғурурланадилар. Йил сайин янги тураржойлар пайдо бўлиб, янги колхоз ёки совхоз тузилганини эшитганида қувонмайдиган одам йўқ. Уларнинг тушунчасича, фақат бахтли элгина ўсиб-улғаяди, бахтли элга эл қўшилади.

Улар бахтли! Мамлакат техникани етказиб берса бўлгани, янги экин майдонлари, боғлар кенгайтирилаверади, элга эл қўшилаверади.

Бахтга қарши, сўнгги йилларнинг ҳар баҳори сув танқислиги билан бошланади. Бутун Ўрта Осиёнинг, Қозоғистоннинг табиатини белгиловчи ернинг бир кўзи — улкан кўзгу — Орол тобора кичрайиб бормоқда. Орол қуриса, ўрни экинзорга айланишини эслаб, кўз олдида бепоен пахта, шоли майдонларини тасаввур қиладиган Давлатовни Шарифанинг бугунги янгилиги ҳайрон қилиб қўйди: сув остидан чиққан қум тузли, у шамол билан кўтарилиб атрофга туз сепади, демак, ер бузилади.

— Қудуқ суви бир метр пастга тортиб кетган,— деб хабар қилди мутахассис.

Бу хабар ҳамманинг кўнглини музлатиб, ҳафсаласини пир қилди. Обком секретари ичида нима бўлаётганини сездирмасликка тиришди:

— Регионни обод этиш йўлини топамиз, ўртоқлар!— деди машина томон йўл олиб.

— Яхшилик Давлатович, бу муаммо сиз учун ҳам проблема, — деди Шарифа.

— Бу масала билан шуғулланадиган илмий муассасалар бор, — деди Шержонов ниҳоятда бепарволик билан. — Давлатовнинг проблемаси совхоз проблемаси.

Яхшилик унга, «мен учун нега сиз жавоб берасиз?» деган маънода хўмрайиб қўйди-ю, бошқа гапирмади.

Буни сезган Нишон Нажимович обком секретарининг Шарифа ва артезиан қудуқлари бўйича мутахассис билан нима ҳақдадир қизгин баҳслашиб туришганидан фойдаланиб, Шержоновни имлаб чақирди.

— Эски ва янги дўстлар, орангизда аҳиллик керак! — деди у шивирлаб. — Обком секретари ҳам одамлар аҳил бўлишининг тарафдори. Яхшилик, Шарифага айт, интервьусини бекор қилмаса ҳам, текширишавермасин. Сен янги бошлиқсан, ҳали дурустроқ иш кўрсатмай жанжал кўтарсанг уят бўлади.

Бу гапга Давлатовнинг жаҳли чиқиб кетди, лекин ўзини босди. Нажимов унинг кайфиятини дарҳол уқди.

— Дўстлик ўзаро тенг хизматни талаб этади. Самолётдан мен сизларнинг машина панасида нима қилганларингни кўрдим, Давлатов.

— Нима бўлибди?

— Ешсан, қизишма! Аммо сендан жуда оқил бошлиқ тарбиялаб чиқараман.

Яхшиликқа унинг бу гаплари сохтадай, елкасига ташлаган қўллари дарахт шохидай туюлиб, гаши келса ҳам индамади.

— Уртоқлар, кетдик, — деди обком секретари. — У самолётга чиқиш олдидан Шарифа билан Яхшиликнинг қўлларини галма-гал қисиб:

— Уртоқлар, ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Вақт назария билан амалиётнинг бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда ишлашини талаб этади, — деди.

Самолёт учиб кетгач, Яхшиликнинг Шержонов билан машинада бирга юргиси келмай қолди, лекин кенг далада қиз билан ёлғиз қолиш ҳам ноқулай эди.

Ноилож машинага чиқди, аммо қайтишда гаплашишга ҳафсаласи бўлмади. Индамай кетаверишга Шержонов чидамади, чайналиб гапни айлантирди:

— Территориямизнинг кенглигини билар эдим-ку, лекин тўрт зонага бўлинишини билмас эканман. Обкомга ҳар ким ҳам секретарь бўлавермайди. Партия анойи эмас.

— Албатта, — деди Яхшилик.

— Нишон Нажимов ҳам кўнгли кенг йигит!
Яхшилиқ яна унсиз қолди.

Шофёр қалпоғини тормознинг ричагига кийдириб, машина бузилиб-нетиб қолмасин учун олдиндаги даштга қараб бир текисда ҳайдаб борарди. Машина кенг залнинг бир бурчидан чиққан сичқондай ғизиллаб бораётган бўлса ҳам, бепоен қирнинг нариги четига ҳали-бери етадиганга ўхшамасди. Гоҳи-гоҳида қуёнлар сакрашиб, бўрсиқлар билан шақаллар тирақайлаб қочади. Ҳар ер-ҳар ерда япалоқ, қуш учади, юмронқозиқлар бу атрофнинг эгасидек баъзи ерда иккита, учта бўлиб қўнқайиб ўтирганча йўлга тикилади, баъзан эса машинанинг тезлигидан ўзгиси келгандай ёнма-ён югуради. Шержонов бу манзараларни кўп кўрган бўлса ҳам, кўзини атрофдан узмасди.

— Биз бола кезимизда бу ерлар тутзор эди,— деб қўйди у.

Яхшилиқ эса ўз хаёллари билан банд эди.

Даштликдан сўнг тепаси қайчи билан атайин қирқилгандай учлари бир текис, бирваракайига махсус экилгандай жингилзор билан сийрак чангалзорлар бошланди. Ҳар ер-ҳар ерда, бамисоли қўй суруви ичида ўтлаб юрган туялардай, гердайган тўронғилар орқада қолиб бормоқда.

— Қирқ-эллик йил илгари анови тўронғиларнинг бошларида қирғовуллар қўноқлашар эди,— деди Шержонов.

— Энди йўқ улар,— деди гапга аралашмай келаётган шофёр.— Сабаби, яқин ерда сув қуриди, тўқай қолмади, қушларга емиш қолмади. Қирғовулларни бераҳм овчилар отиб бўлишди.

Ким нимадан гап бошласа, табиатнинг ўтмишига соғинч, бугунига ўкинч уйғонади. Бу ҳол Яхшилиққа ёқимли эшитилмади.

— Эржон Шержонович,— деди у кескин овоз билан.— Совхоздаги ҳозирги энг биринчи ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа — бутун экин майдонларини ўлчаш учун комиссия тузишдан иборат.

Шержоновнинг қўлига ногоҳ илон ушлатиб қўйилгандай бир сапчиб тушган бўлса-да, сабр сақлади.

— Мақсад?

— Кўчатларнинг хатоларини қоплаш учун қанча ортиқча ер экилганини аниқлаш.

— Ҳеч ким унақа ҳисоб юргизмайди, бироқ адашиб, қизиқ устида экиб юборилган майдонлар бўлиши мумкин.

— Ҳар бригаданинг неча гектарга адашишини билиш ҳам иш.

Шержонов баҳслашаверса сири фош бўлиб, оқибати яхши бўлмаслигини сезиб, индамай қўя қолди.

— Шу комиссияга сиз, албатта, киритиласиз.

— Майли.

Шержонов Яхшиликни идора олдида туширди-да, тўпа-тўғри уйига келиб, Завмагга қўнғироқ қилди, уни чойга таклиф этди.

У билан шум нияти юзасидан маслаҳатлашиб оладиган гаплари бор эди.

* * *

Яхшилик Давлатов кабинетига кириб, столга секретари қўйиб кетган почтани, қўл қўйиши лозим бўлган турли ҳужжатларни энди кўра бошлаган эдики, эшикни қоқмай, салом-алик ҳам йўқ, иккита давангир йигит кириб келди. Булар вафот этган Худойберган қариянинг тракторчи ўғиллари Султон билан Шамшод эди. Давлатов уларнинг турқ-тусларидан жаҳллари маъносини уқиб, ўрнидан туриб, уларга пешвоз юрди.

— Тушунаман, йигитлар, ГАИ ҳали айбдорни топгани йўқ.

— Қуруқ тушунишнинг фойдаси йўқ,— деди Султон тўнглик билан.— Қирқи яқинлашяпти, маъракага йиғилганларга нима деймиз? Шу пайтгача сирнинг очилмай келаётгани милиция ходимлари учун ҳам, сиз учун ҳам айб эмасми?

— Ичмайдиган, сабрли одам эдилар, шундай бўлса ҳам ўзлари бориб урилибдилар, деймизми? Совхозга ҳали ўрнашиб олмай туриб, ишга бундай бепарво қарасангиз, узоқ яшамайсиз!

— Йигитлар, илтимос,— дея директор ёлборишга ўтди.— Учаскавойни яна қаттиқроқ қистаб тураман.

— Бизга районнинг, совхознинг жиноятларни ёпиш билан эришган тинчлиги керак эмас!— деди-да, иккаласи эшикни қарсиллатиб ёпиб, шартта чиқиб кетди.

Давлатов район милиция бўлимига қўнғироқ қилиб, «Худойберганнинг иши» нега ҳаракатсиз ётганини суриштирди. Қаноатланарли жавоб ўрнига қистай бергани учун койишнамо таъна эшитди. Ҳайронликда тирсақларини столга тираб, иягини кафтига қўйганича бир муддат ўтирди-да, ўрнидан туриб, партком секретарининг кабинетига кирди. Мамутов трубкани қулоғига яқинлатиб аллакимнинг гапини эшитар эди, халақит бермай, олдида жимгина ўтирди. Трубкадан Шержоновнинг жаҳлли овози аниқ эшитилиб турарди.

— Кишини қаттиқ қийнайдиغان нарса — хатоликла-

рингни бошқаларнинг билиши эмас, билганларнинг нима демоқчи эканликларини билмаслигингдир. Қачонгача бўғинларимга чега тушгандай бутун танам сирқираб кун кўраман? Сени партком секретарлигига таклиф этиб, яхшилик қилган эдим-ку, ахир! Яхшиликка нега яхшилик йўқ? Ишлагин-да энди!

Давлатов гапга аралашмади.

Мамутов Шержоновнинг жавоб кутмай илгаригидек ғазаб билан ёғдирилган таъналаридан аччиқланмай, эҳтиёткорлик билан трубкани ўрнига қўйди. Директорга ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб ўтираркан:

— Шержонов-да!— деб қўйди.

— Мён навбатдаги партия мажлисимиз қачон бўлишини сўрагани кирган эдим.

Мамутов ҳайрон бўлиб, унга ялт этиб қаради.

— Сиз айтинг, қайси вақт қулай?

— План бўйича график йўқми?

— Планда белгиланган кунга директорнинг шароити тўғри келмай қолиши мумкин.

— Унча тушунмадим.

— Ўзингизга маълум, райком секретари совхозга келса, парткомни изламайди, директорни излайди. Аслида совхозда хўжайин битта бўлиши керак. Менинг вазифам коммунистларни ана шу битта хўжайин атрофига жипс-лаштиришдан иборат. Директорда вақт топилмаса, у ўтказган «беш минутлик» мажлислар партия мажлиси қилиб расмийлаштирилади. Ҳайрон бўлманг. Директор бир бригаданинг камчилигини айтса, шу бригадир партия мажлисида танқид қилинган деб кўрсатилади. Уёғи осон.

— Унда протоколлар...

— Биласизми, ҳозир қоғоз асри. Энг муҳими, ҳужжатлар бўлса бас. Бугун мен райкомда бўлдим. Ташкилий бўлим протоколларимни кўздай кечирди. Ҳаммаси жойида эди. Ҳаммага мени ўртак қилиб кўрсатди. Кўп партком секретарлари ўтказган мажлисларнинг протоколлари расмийлаштирилмаган. Уларни сиқиштирди, албатта.

Давлатовнинг ичагига заҳар ёпишгандек ачишиб, олдида ўтирган ҳам ювош, ҳам райком олдида кўзбўямачи партком секретарини ёмон кўриб кетди. Қайтатдан гапга солиш гуноҳи азимдай туюлди.

Мамутов ўз ишидаги ҳақиқатнинг устки пардасини сидириб олгани учун директор индамай қолганидан хавфланди. Йўл қўйиб келаётган хатоликларини яширолмай, ишни пала-партиш бажариб юрган одам партком секретари бўла оладими? Янги директорнинг ҳам ўргатадиган қинғир ишлари бўлса керак. Фақат ўзига маълум сири

йўқ бошлиқни топиш ҳам қийин, топилса нур устига нур!

У шуларни хаёлидан ўтказди.

— Кечирасиз, Яхшилик Давлатович,— деди Мамутов ноқулай аҳволга тушиб.— Сиз ҳали янгисиз, аслида мақсадимиз бир. Сизга тушунарли бўлсин учун гапнинг пўскалдасини айтдим-қўйдим-да.

— Мен учун жумбоқлар кўпайиб кетди, дўстим.

— Нима масалани қўймоқчи эдингиз?— деди Мамутов бир вақт бошини кўтариб.

— Менинг ҳисоботимни қўй.

— Бу мумкин эмас!

— Нега? Коммунист Давлатовнинг совхозга келганига анча вақт бўлди. Шу вақт ичида нима ишлар қилди? Нимани қилолмади? Коммунистлар олдида ҳисоб берсин.

Таклиф партком секретарига ёқди. Лекин у астойдилми ёки киноя билан айтяптими — тушунмади.

— Шунақа, ўртоқ Мамутов. Районда райком қандай кучга эга бўлса, совхозда партком шундай нуфузга эга бўлиши лозим.

Мамутов анчадан бери кўнглини хира қилиб келаётган бир армони юзага чиқадигандек ичи ёришиб, кўнгли сал кўтарилди.

— Парткомнинг кучига расмий ўхшатишлар излай берилади.

— Совхозда экин майдонларининг ҳажми пландагидан ортиқ кўринади. Шуларни аниқлайдиган комиссия тузиб, состави парткомда тасдиқланиши шарт,— деди Давлатов.

— Ариза тушдимми?

— Ариза тушиши шартми?

— Ўзимизни ўзимиз фош қилишимиз керакми?

— Айрим бригадирлар экиш кампаниясида қизиқишиб кетадиганга ўхшайди. Қим қанча гектарга қизиқишиб кетганини аниқлаш керак.

Мамутовнинг кўнглида ҳам шу гап юрарди, ичида маъқулласа ҳам, ҳозирча сабр қилиб туришни афзал кўрарди.

— Менимча, комиссияни ўзингиз бошқарганингиз маъқул,— деди Давлатов.

— Шундай бўлса ҳам қўяверайлик. Бўлмаса бошқа бирон иложини топармиз.

Партком секретарининг шунчалик тутуруқсиз, қўрқоқ, ҳеч қандай курашга ярамайдиган лапашанг бўлиб қолганига, бир томондан аччиқланди, иккинчи томондан раҳми келди. Шундай бўлса-да, уни гапиртириб, қўйнига қўл солиб, ҳақиқий қиёфасини, хулқ-атворини, орзу-армонини,

эътиқодини билиб олиш учун очиқчасига гаплашиб олгиси келди.

— Қани айт-чи, дўстим, сен нима учун бунақа бўлиб қолгансан? .

Мамутов унинг кўзларига қараб, ҳақиқий ниятини билмоқчи бўлди, юзини пастга қаратиб, ўзини бепарволикка солиб ўтиргани учун, шу вақтгача у ҳақда кўнглида шаклланган фикрларни хулосалади. Давлатов, унинг ўйига кўра, одамни бегуноҳ айблайдиган, берган ваъдасига бепарволик қиладиган бошлиқлардан эмас.

— Ростини айтсам, таъна қилма, Яхшилиқ, — Мамутовнинг чўтир юзи қизариб, сал кўксини кўтариб, қўлларини қимирлатмай керилди.

Давлатов унинг гапиришини жимгина кутди.

— Мен совхоз марказидаги мактабнинг тарих ўқитувчиси эдим. Ҳақгўй эдим. Ўқитувчиликнинг иккинчи йили Шержонов ҳузурига чақиртириб олиб, «бизга партком секретари бўлиб кел, райком билан ўзим келишаман», деди. Ростини айтсам, мен у билан ишлашга қўрқдим. Сабаби, унинг даврида мен тўққизинчи партком бўлардим. Бари бир райком Шержоновнинг айтганини қилди. Қарасам, ойлигим муаллимликдан бир ярим баробар ортиқ. Шержоновни кейинчалик тушуна бошладим, пачакилашиб ишласам, янги маош даражасида еб-ичиб ўрганган олти боламнинг ризқини қиядиган бўлдим. Ойликни райком бергани билан менинг тақдирим Шержоновга боғлиқ эди. Сен ўша сафар қурултойда Шержоновни танқид қилганингда, мен ҳам бўшатиш керак, деган ўй билан сени ёмон кўриб ҳам юрдим.

Бу гапларни эшитиш нақадар аянчли бўлишига қарамасдан, Яхшилиқ худди булут ичидан чиққан қуёшдек яшнаб, у томон ўгирилди.

— Ростини айтганинг учун раҳмат. Тушундим. Менинг эндиги тилагим — инсоний виждонинг бўйича ҳақиқатга, партия уставига суяниб иш юргиз.

Мамутовнинг сийрак қошлари чимирилиб, оёқлари остидаги тубсиз жарликдан мардона ҳатлаб ўтгандай енгил нафас олиб, қаддини тиклади, қўлини чўзди.

— Бер қўлингни, дўстим. Ҳақиқий, партиявий йўлда бизларнинг ўйларимиз ҳаммавақт бир ердан чиқишига ишонаман!

9

Амударёнинг қуйи соҳилларида ёз ҳақиқий ёзга, куз ҳақиқий кузга ўхшаб, ҳар бир фасл ўзини тўла кўрсатар эди. Бу йил бошқача бўлди. Ёз охирлашиб, қолганига қа-

рамасдан, бир куни ёз энди кириб келаётганга ўхшаса, иккинчи куни баҳор шамоли елпийди, яна бир куниси саратоннинг жазирама иссиғи, эртаси куни бамисоли куз ўз салтанатини қуриб, йўқ ердан тўзон кўтарилади.

Табиатнинг бۇ ўйинлари деҳқонларни бир куни қувонтирса, иккинчи куни ҳовлиқтиради. Экинлар пишмай қолиши хавфи билан бирга пишай деб турганини совуқ уриб кетиш хавфи ҳам туғилади.

Бу ҳолатлар Давлатовнинг кўп режа ва орзуларини остин-устун қилиб, бемалол қилинадиган ишларни жадаллаштиришга мажбур этди. Совхозни айтарли даражада катта эмас, ҳайратда қоларли кўп тармоқли деб ҳам бўлмайди, ўртамиёна, сирасини айтганда, баъзи бир ишлари билан мамлакат ичидаги мўъжазгина мамлакатга ўхшайди. Совхоз учун пахта экиш фойдалими, шולי фойдалими? Ҳозирги боришидан бир нимани аниқлаш қийин. Икковининг ўғитлари бир-бирига зарарли. Далаларга борадиган ариқ-зовурларнинг қадди узунлиги сабабли йўл-йўлакай буғланиш анча-мунча фоизни ташкил этади. У кўп ҳисоб-китоб қилди, солиштирди. Аввалги совхозлар тўғрисида ўқиди. Агар тўғри фойдаланилса, ҳар кубометр сув йигирма беш-ўттиз тийин фойда келтирар экан.

Ҳаёт жумбоқларга шу даражада тўлиб ётибди. Одам-зод дунёга келганидан буён умрида энг камида битта жумбоқ ечмаган инсон бўлмаса керак. Бари бир жумбоқ адоғ бўлмайди, биттаси ечилса, ўрнига иккитаси туғилаверади. Бировнинг ечгани иккинчиси учун ечилган бўлмаслиги ҳам мумкин. Оламда башарият ечуви лозим бўлган жумбоқлар ҳозир озайди дейиш — одам авлодини чалғитишдир. Аксинча, жумбоқ кўпайиб бормоқда.

Одам сезган жумбоқни одам ечиши мумкин бўлгани билан, бу осон эмас. Кўп ўйлаш, керагида ўринсиз қурбонлар бериш талаб этилади.

Давлатов энди совхоз партия комитетининг ярим соатдан кейин бошланадиган мажлиси тўғрисида, кўп нарсалар ҳақида чуқур ўй суриб ўтирибди.

Кун тартибини Мамутов ўзича белгилаган эди. Биринчиси, совхозда хўжалик ишларининг аҳволи тўғрисида партком секретарининг ахбороти; иккинчиси, экилган майдонларни қайтатдан ўлчаш бўйича комиссия тузиб, уни тасдиқлаш.

Яхшилиқ қўшимча ўзгариш киритмади. Унинг ўйича, Мамутов ишчан, мулоҳазали коммунист кўринди, агар унга эрк берилса, хатога йўл ҳам қўймайди. Энг муҳими мутеъликдан қутулиш. Шунини удаллаши керак!

Илгарилари партия йиғилишлари директорнинг кенг-мўл кабинетида ўтарди. Давлатовнинг таклифи билан мажлис партком секретарининг ўз кабинетида ўтадиган бўлди. Қайси кабинетда энг яхши курси, креслолар бўлса, унинг кабинетига йиғиб, у ерни муносиб жиҳозлашга ҳам кўрсатма берди.

Совхоздаги энг яхши анъаналардан бири — коммунистлар ўзларининг мажлисларидан бесабаб қолмайдилар.

Бугун мажлиснинг жойи партком секретарининг ўз кабинетига кўчирилиши ҳаммада яхши ҳис-туйғу уйғотди, кўпчилик бундан мамнун бўлди. Ҳатто Шержонов ҳам бундан қувонгандек кўринди.

Одатда, партком мажлиси бўлган пайтда, уни Мамутов очгани билан биринчи сўз директор Шержоновга берилар эди. У эркин сўзлаб, совхоздаги баъзи оқсашлар учун олдидан парткомни, ундан сўнг рабобкомни танқид остига оларди.

Бугунги ўзгачалик — мажлисни Мамутов очди. Кун тартибини ўзи эълон қилди ва биринчи сўзни ўзи олди. У, шу вақтга қадар баъзи бировлар ўйлаганидек, бўшанг ва сўзга нўноқ эмасди. Шошилмай сўзлаб, совхоздаги хўжалик ишларининг бугунги аҳволини тасвирлаганида, ундан кўп биладиган ва ундан баланд нотиқ йўқдек туюлди. Ҳалигача ишга тўлиқ киришиб кетолмай, хўжаликнинг айрим масалаларини ҳал қилишни кечиктириб келаётгани учун ҳатто директор Давлатовни ҳам танқид қилиб кетди.

Коммунистлар партком секретарида илгари кўрмаган журъат пайдо бўлганига ҳайрон бўлишиб, гоҳ унинг, гоҳ Давлатовнинг юзига разм солишар, лекин уларнинг бир-бирларига кўз қарашларидан ҳеч нарса билолмасдилар.

Шержонов мўйлови орасидан илжайиб, партком секретарининг дангал гаплари учун ичидан офтоб чиқаётганига қарамасдан, маърузага биринчи бўлиб чиқиб, ўрганиб қолган одатига кўра Мамутовнинг баъзи гапларини ғаламслик деб айблади, янги директорнинг обрўсига доғ туширмаслик кераклигини эслатди. Унинг сиртдан пахтадек юмшоқ сўзларининг орасида Давлатовга қаратилган тиканларнинг учи ҳам тирттайиб турди. Ундан кейин сўз олган айрим коммунистлар Мамутовга ҳам, Шержоновга ҳам, янги директорга ҳам алоқаси йўқ гаплар билан, ҳар вақтдагидек, ўзларига топширилган ишлар тўғрисида қисқа баён қилиб, бу йилги планни бажаришга ваъда беришди.

Элбой Қўшжонов ўз бўйига ўхшатиб калта сўзлаш мақсадида Давлатовга тик қараб гап бошлади.

— Яхшилиқ Давлатович, август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи. Пахта то теримга тушилгунгача парвариш, ўғит талаб қилади. Далаларни қайта-қайта оралаб кўргансиз, кўп тракторлар ҳаракатсиз ётиб қолган. Кўпчилик механизаторлар сизни сиртингиздан сўкиб юришибди. Сабаби, эҳтиёт қисмлар топиб беролмаяпсиз, таниш-билишингиз йўқ, ошна-оғайнилардан фойдалангингиз келмайди. Сизга яна маслаҳат — ўғит топишни бригадирларнинг ўзларига, эҳтиёт қисмлар топишни Завмагга топшинг. Директорсиз ахир! Буюринг!

— Совхоз планли экинлари учун тегишли ўғитларни олиб бўлган, — деди Давлатов салмоқли овоз билан. — Эҳтиёт қисмлар юзасидан «Облсельхозтехника» билан гап-лашдим. Ваъда беришган.

— Ҳали тумшугининг сариғи кетмаган полапон кўринасиз, — дея ўрнидан турди Холбой Жамолов. — Замон оқимидан ортда қолибсиз.

— Қайси замоннинг? — деди Давлатов ҳайрон бўлиб.

— Эшитдингларми? «Қайси замоннинг?» дейди-я! Совет замонининг!

— Совхозимиз — замонасининг илғор совхозиди, — дея ўрнидан туриб келди Далабой Султонов. — Совхозимиз билан ҳамқадам бўлиб кетолмаганингиз замондан орқада қолиш деб ҳисобланади.

Завмаг секин қўл кўтариб, Мамутовдан қондаси билан сўз сўради. Унга сўз берилгач, шошилмай, босиқлик билан аста гапирди.

— Масалан, мен ўртоқ Давлатовдан миннатдорман, — деди у сал қизарган кўзларини ишқалаб қўйиб. — Янги директор мени Тошкентнинг, РСФСРнинг айрим заводларидан эҳтиёт қисмлар ташиш ташвишларидан халос қилди. Жуда мушкул иш эди. Аммо совхоз ватанпарвари сифатида, ростини айтишим керак, эҳтиёт қисмларга одам бормаса бўлмайди. Уйлаб кўринглар! Энди кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан икки оғиз сўз. Биринчидан, кун тартиби овозга қўйилмади. Иккинчидан, ўртоқ Давлатов обком секретарига: коллективга ишонч билан ишлайман, деган эди-ку, ахир! Эсингиздами? Бу гапни Нишон Нажимович айтди. Яхши, ўзларингиз ҳал қилинглари, менимча, икки масала юзасидан икки марта сўзлагандан кўра биргаликда қўшиб сўзласак нима қилади?

Таклифни кўпчилик овоз қувватлаб чувиллаганидан Мамутов ўрганиб кетган одати бўйича директорга бир назар солиб, у бепарво ўтиргани учун ўзи кўпчилик билан келишди-да, совхознинг бутун экин майдонларини ўлчашнинг аҳамиятини қисқача тушунтирди ва комиссия

аъзоларига кимлар таклиф қилинганлиги юзасидан тузилган рўйхатни ўқиди.

Завмаг жим қололмади, қайта сўзга чиқди.

— Демак, ўртоқ Давлатов беқарор. У директор бўлгач, совхознинг экинзорлари ҳажминини тасдиқловчи ойлик ҳисоботларига чеккан имзоларидан энди воз кечишни мақсад этган. Бундай беқарор одам қандай қилиб бошлиқ бўлиши мумкин? Комиссияда Далабой Султонов, Холбой Қўшжонов, Элбой Қўшжоновлар нега йўқ? Улар айбдор сифатида назарда тутилган бўлса, ўртоқ Шержонов нега комиссияда бор? Менимча, ўртоқ Давлатов бу мақсадлардан воз кечиши лозим. Одамларга гумон билан қарамаслик керак. Бошқаларга баҳо беришда ҳар ким ўзидан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан Давлатовнинг ўзи шубҳали!

Завмаг бутун мажлисларда оғзига толқон солиб ўтирар, мўмин эди. Унинг чечанлиги, далиллари тингловчиларни ҳайрон қолдирди, ҳамма жимжит бўлиб қолди.

— Яна бир гап,— деди Завмаг.— Бечора Худойберган авариядан ўлди. Давлатов бўлса бу воқеани яшириб юрипти. Айбдорни нега топтирмайди?

Мамутовга йиғилишни қандай хулосалашнинг оғирлиги тушиб, яғрини терлай бошлади.

Давлатов ҳар бир коммунист кўнглидаги муддаосини тўла айтиб олишини кутиб, гоҳ одамларга, гоҳ олдида ёйилиб ётган оқ қоғозга қараб, ора-сира бир нималарни туртиб ўтирарди.

Далабой Султонов қайтадан сўз сўради.

— Ўртоқлар, Завмагнинг пишиқ фикрлари орасида хоми ҳам йўқ эмас. У комиссия аъзоларидан ўртоқ Шержоновни олиб ташлашни таклиф қилди. Бу нотўғри. Шунча йил унга ишониб келиб, бугунги кунда ишонмаймизми? Ишонамиз! Айтганча, экинзорларни ўлчайдиган комиссия тузишнинг нима кераги бор?— деган гапни айтиш керак. Биз бир коллектив бўлатуриб бир-биримизга ишонмаймизми? Ишонайлик, ўртоқлар! Дарё шу пайтгача қай тарафга оққан бўлса, уни тескарисига оқишишни таклиф қилиш энг ярашмаган иш! Иккинчи масала кун тартибидан олиб ташлансин!

— Ўртоқлар, бу масаланинг киритилиши кўп ўртоқларга шубҳа билан қараганликдан эмас,— деди Давлатов.— Балки бунга мажбур бўлганликдан. Шошилишда чалалик бўлади.

— Райкомдан сўраб кўрилсин!— деди кимдир.

Бу таклифни кўпчилик маъқуллаб гуриллади.

Мамутов кун тартибини олдин қатъийлаштириб олма-

ганига ичидан қаттиқ хижолат бўлди, бироқ ўкинчини сездирмай, талаб бўйича райком билан маслаҳатлашишни ваъда бериб, ҳозирча бошқаларнинг гапиришини илтимос қилди. Бюро аҳли яна гулув кўтарди, ҳозироқ кўз олдидарида қўнғироқ қилишни талаб этишди.

Мамутов телефонга ёпишишга мажбур бўлди.

Нишон Нажимович жойида экан. Гаплашишга халақит қилмаслик учун ҳамма нафасини ичига ютди.

Мамутов трубкага комиссия тузишдан кўзда тутилган мақсадларни тушунтира бошлаган эди ҳамки, юзи бўзариб кетди. Ўзи кўпроқ эшитиб, трубкани аста жойига қўйди-да:

— Яхши, комиссия тузиш масаласи кун тартибидан чиқади,— деди номаъқул иш қилиб, уялиб қолган боладай кизариб.

Мажлис қатнашчиларидан кўпчилиги елкаларидан тоғ қулагандай енгил тортишди.

Ёш механизатор Султон Худойберганов чидаб туролмай, Завмагнинг Давлатовга нисбатан айтган илмоқли гапларига зарба бериш мақсадида сўз олиб, отасининг фожиали ўлими масаласи билан Давлатов шуғулланаётганини, бу иш юзасидан район милиция бўлими жиддий иш олиб бораётганини тушунтирди. Тингловчилар ҳам, Давлатов ҳам ўзларини бир қадар енгил ҳис қилишди.

— Энди экин ерларини ўлчаш бўйича комиссия тузишни ким қўзғатган бўлса ҳам жуда тўғри қилган!— деди у қизишиб.— Бизлар кўп ер ҳайдаймиз, кўп ерга ишлов берамиз, бахтга қарши, меҳнатимиз миқдори мўлжалимиздан оз ёзилади.

Яна иккита механизатор ўрнидан туриб уни қувватлаган эди, тўр томондан кимдир:

— Унинг ҳиссасини йиғим-теримда олиб юрибсизлар!— деб бақирди.

Завмаг таклифини овозга қўйишни талаб этди. Уни кўпчилик овоз яна қувватлади. Мамутов уларнинг талабларини бажаришга мажбур бўлди. Экин ерларининг ўлчаш бўйича комиссия тузишни тўхтатиш тарафдорлари кўп овоз олди.

— Туғишганлар,— деб Шержонов ўрнидан турди. У ҳар бир таклифини ўткази олишга ишониб, бемалол гапирди.— Ҳаммага равшан бир факт, пайкалларнинг кўпчилигида кўчат бут эмас, ола. Айниқса шолিপояларда бу ҳол кўзга яққол ташланади. Ғўзалар ҳам хато ва сийрак. План бўйича белгиланган центнер туплардан унади. Ана шу хатоларнинг ўрнини қоплаш учун ҳар бир ғунча гулга, гул кўсакка айланиши ва у яхши етилиши лозим. Бунинг

учун ўғит керак. Акс ҳолда совхоз областимизнинг гарбий зонасида энг орқадагиси бўлиб қолади. Уртоқ Давлатов, сиз ўз мавқеингизни биринчи йили мустақамлаб олишингиз керак. Кўпчиликнинг ватанпарварлик ташаббусларига тўсиқ солинмасин, бригадирлар ўғит излаб кетсин, Завмаг эҳтиёт қисмлар топишга ёрдамлашсин. Экинларни парвариш қилмасдан ташлаб қўйиш — зараркунандалик. Маълумки, халқни ўйлаган одам бундай қилмайди.

— Директорнинг қўли етмаган ерларга Завмагнинг қўли қандай етади? Бригадирларга ким ҳам берарди ўғитни?— деди кекса коммунистлардан бири.

— Лекин пул бўлса, чангалда шўрва!— деб ғудранди кимдир. Кимлигини ҳеч ким билмади, лекин ҳамманинг қулоғи диккайиб, қоронғи ўрмондан йўлга чиқиб олгандек, юзларда ёруғлик пайдо бўлди, кўзлар жавдиради.

— Магазинлардаги молларнинг нархи устига қўйиб, бригадирлар қилинмаган ишларнинг отини атаб, одам топиб ёзиши керакми?— деди Султон Худойберганов.

— Қисқа қил! Бас!— деди бир неча овоз биргалашиб.

— Уртоқлар!— деди Давлатов.— Султон Худойбергановнинг гапида жон бор. Пул, пора касалининг микроби ниҳоятда юқумли бўлади. Коммунистлар бундай иллатларга қарши кураш олиб бориши керак.

Ҳар ер-ҳар ердан таҳдиднамо овозлар чиқди:

— Директорга эмас, прокурорга ўхшайсиз, Давлатов!

— Совхозни қуритишга келгансиз, Давлатов!

Шержонов тубсиз чоҳга йиқилиб тушиб кетаётганида ёрдам сўраб чўзилган қўли бировлар томонидан ушлаб қолингандек, енгил нафас олди, бироқ яғрини терлаб, кўйлагини жиққа ҳўл қилди.

— Мажлис тарқатилсин!— деди аллаким ғовур-ғувур ичидан.

Одамлар ўз-ўзидан қўзғала бошлади.

Мамутов директорнинг терчилаган пешонаси ўзига қаратилганини пайқаб, ноилож:


— Бу боши берк кўчадан чиқиб олишнинг йўлини тажрибали Эржон Шержонович топсин!— деди.

Давлатовнинг жони яйраб, креслосига кифтини ташлади.

— Ҳар масалага менинг ечим топаверишим...— деб чайналди у.

Бировларнинг қўзғалганини, иккинчиларнинг томоқларига суяк тиқилгандай ҳиқиллашларини кўриб, Давлатов ўрnidан турди:

— Уртоқлар!— унинг товуши титраб чиқди.— Сизлар



мени яхши кутиб олдинглар, раҳмат. Мен шу бугунга қадарли ҳаракатларимни ўзимча баҳолаб, бу совхозга директор бўлишга тайёр эмас эканман, деган хулосага келдим. Қарши бўлмасанглар, райкомга, обкомга ариза бериб, бўшаш ниятида ўтирибман.

Ҳамма лом-мим деёлмай қолди.

Шержонов ички тантанасини бекитгиси келса ҳам, юзи булут остидан югурган қуёшдай гоҳ ярқ этди, гоҳ ўчди. Унинг бу ҳолатини биронта одам пайқамади. Ҳамма ўз-ўзи билан овора эди.

Давлатов чин кўнглидан айтганлигини уқдириш мақсадида уларга гапи қандай таъсир қилганлигини кузатмаслик учун пастга эгилган бошини кўтармади. Уй ичини қоплаган оғир вазият бир ўзининг бўйнига мингандай, Мамутов оғир хўрсинди, томоғини қириб бир йўталиб, қаддини кўтарди:

— Яхшилик Давлатович, агар сиз, шундай қарорга келган бўлсангиз, номард коммунистсиз! Ҳаялламай ҳозироқ кетаверишингиз мумкин. Кўчириб келиш учун райкомнинг кўрсатмаси билан мен борган эдим, энди совхоз парткомининг кўрсатмаси билан ўзингиз кўчиб кетаверасиз.

Мамутовдан бундай кескин гап чиқади, деб ўйламаган эди ҳеч ким, унга қараб ҳайрон қолишди. Шержонов айрича мамнун бўлиб кўзлари кулимсиради, унга миннатдорлик кайфияти билан қаради. Давлатов бошини кўтарди:

— Мен бундай ишда биринчи бор ишляпман.

— Ҳеч ким онасининг қорнидан иш ўрганиб тушган эмас,— деди Мамутов, илгари ўзида ҳеч кўринмаган қаҳр билан.— Ким биринчи эмас? Одам боласи ҳаётида нима қилса, ҳаммасини биринчи бор қилади. Биринчи бор туғилади, биринчи бор оёғини босиб қадам ташлайди, биринчи бор уйланади, биринчи бор ўлади...

Партком секретари бўлгандан буён бундай қаттиқ гапирмаган Мамутовнинг бу ҳаракатларига, ҳатто унинг йўл бошловчилик даражасига етганига кўп коммунистлар ҳам ҳайрон қолишди, ҳам қувонишди.

— Мамутов тўғри айтади!— деб бақирди бир товуш.

— Сиз ўз ўрнингизда ишлайсиз!— деди Султон Худойберганов.

— Айтмоқчи, ўртоқлар, битта масала унутиб қўйилмоқда,— дея ўрнидан туриб кетди Давлатов.— Биз яқинда Эржон Шержонович билан Орол бўйларигача айланиб бориб, жуда кўнглисиз ҳодисанинг шоҳиди бўлдик. Оролнинг остидан чиқиб келаётган қуюн билан кўтарилган тузли қум яқин атрофга сепилмоқда. Бу офатнинг олдини олишни эслатиб Марказий Комитетга хат ёзишимиз керак.

— Илмий ходимларнинг ўзлари исботлашмайдими?

— Овознинг қўп бўлгани яхши, бунинг устига биринчи галда бизнинг территориямиз зарар кўради.

— Езилсин! — деб гулдиради ҳамма.

Мажлис давомида баҳсга аралашмай, бурчакдаги курсида туятовуқдай гердайиб, унсиз ўтирган Тўлибой Тўраевич аста қўл кўтарди.

— Мумкинми? — деди у овози хириллаб.

— Бор экансиз-ку! — деди Мамутов. — Гапиринг!

— Кўпчиликка мен ҳам қўшиламан! Хатнинг текстини ўртоқ Давлатов тайёрласин!

Таклиф энди кўп муҳокама қилинмади. Хатни тайёрлаб, совхоз партия мажлиси номидан тегишли жойга юборишни Давлатовга топшириш бўйича бир оғиздан қарор қабул қилинди.

Мамутов мажлисни ёпди. Коммунистлар зўрға-зўрға тарқашса-да, ташқарига чиққандан сўнг тапир-тупир қилиб, ўзаро гурунглашиб уй-уйларига жўнашди.

Давлатов билан Мамутов жойларидан кўзгалишмади. Бутун воқеа икковининг кўз олдида юз бергани учун бир-бирини юпатадиган, кўнглини кўтарадиган гап топиш ҳам қийин. Бу овоза бўладиган воқеа тўғрисида юқори идораларга маълум қилиш ҳам ноқулай.

— Дўстим, — деди Давлатов, алламаҳалда тилга кириб. — Кўп вагон тиркалган поездни тасаввур қил. Ҳар бир вагонга битта совхознинг номини ёзиб кўз олдинга келтир. Улар тўхтамасдан олға бормоқда. Шулардан «Янгилик» деб аталган вагон составдан узилиб, фақат инерция билан эргашиб бораётганга ўхшайди. Сен билан биз уни фалокатдан сақлаб қолишимиз керак.

Мамутов унинг ўхшатишларига ҳайрон қолди.

— Қандай қилиб қутқариш мумкин?

— Иккаламиз комиссияни тузиб ишга соламиз.

— Райком эътироз билдирди, обкомга қўнғироқ қилиб кўраимизми?

— Бундай масала учун обкомни безовта қилишнинг кераги йўқ. Директорнинг кўп имкониятлари бор, фойдаланамиз. Яъни буйруқ чиқараман.

— Ортиқча экилган ерлар топилса нима қиламиз?

— Планга киритамиз.

— Тушундим. Мени биринчи қилиб ёзиб қўйинг.

— Рабочком Тўлибой Тўраевич-чи?

— Кўрдингиз-ку, у ўзидан чиқариб янги фикр айтмайди, лекин кўпчилик қаёқда бўлса, у ҳам шу ёқда.

— Майли, ҳозирча тебранаверсин!

Экилган майдонларни ўлчаш комиссиясини тузиш бугундан кечиктирилса, келгуси ишлар учун тўсиққа айланиши икковига ҳам аён эди. Шунинг учун улар шу ўтиришдан қўзғалмай, ўйлашиб, коммунистларнинг орасидан

бу ғояни қувватловчилар, ўрта мактабнинг айрим муаллимлари, партияга кириш учун ариза бериб юрган ёшлардан таплаб рўйхат тузишди.

Эртасига азонда буйруқ чиқарилиб, бригадаларга тарқатилди ва ишнинг боришини назорат қилиш учун софдил коммунистлардан вакиллар белгиланди.

Тушдан кейин бригадаларда экин майдонларини ўлчаш бошланди.

Ҳамма жойларда ишнинг боришини ўз кўзи билан кўриш учун янги ағдарма машинада айланиб юрган директор баъзи ерларда бригадирларнинг қаршилиқ кўрсатишларига қарамасдан, кўп ишчилар, ўқувчилар далаларда комиссия аъзоларига ёрдам беришаётганини кўриб севинди.

«Халқ аралашдими, бас, ҳақиқат юзага чиқади!..»

10

Одатда кўриладиган масалаларга алоқаси бор бошлиқларгина район партия комитетининг бюро мажлисига таклиф қилинарди, бугунги мажлисга райондаги барча идораларнинг бошлиқлари чақиртирилди. Нишон Нажимовнинг бюро ўтказиш усулига ҳамма кўникиб кетган. У олдин бошлиқларнинг биттасини тикка турғизиб қўйиб, районда бугунги куннинг вазифалари нимадан иборатлиги ҳақида савол беради. Жавобга қаноатланса, давом этиб, қаноатланмаса, тўлдириш мақсадида гапириб кетади. Фақат эшитиш керак, гап қўшмаслик лозим.

Бугун кузги йиғим-теримга киришув масаласи диққат марказида турди.

Биринчи гапни ўзи бошлади.

Баҳор деҳқонни қай даражада шошилтирса, куз ундан бешбаттарлиги, баҳорда кечиксанг ҳам, қопда қолгунча сафда қолсин, деб далага уруғ экса бўлавериши, оқибат-натижа ёзнинг яхши келишига боғлиқ эканлиги, кузнинг орқаси қишлиги, табиатдан ҳайру эҳсон кутиш қийинлиги, тўсагдан осмон булутланиши, момагулдурак гулдураб, чақмоқ чақса, яшин ҳамманинг бошига тушгандай қўшимча ташвиш орттириши, чунки ёгингарчилик куни терилган пахтагани қабул пунктлари олмаслиги, шопиоялардан тракторлар юролмаё қолиши, энг ёмони, ёгин шопи похолини йиқитиб кетиши, ундан сўнг фожиа юз бериши, яъни узун, нимжон поя қайта тикқая олмаслиги, пишган бошоқлар ботқоққа ётиб нобуд бўлиши, полиз экинларининг тақдири ҳам бундан яхши бўлмаслиги тўғрисида узоқ гапирди. Қор ёғиб қолгудек бўлса, ёз бўйи қилинган меҳнатга кўйиб қолмиш мумкинлиги, ҳосилнинг бара-

каси учиши, иш ҳам унмаслигини айтиб, билимдонлик билан огоҳлантирди. Ҳаммани судралмай, чаққон ҳаракат қилишга чақирди, шаҳар ва район марказининг меҳнаткашлари деҳқонларга ёрдам беришга тайёр туришларини, мактабларда ўқиш тезлатилган программа асосида олиб борилиши кераклигини таъкидлади. Гапнинг охирида:

— Хуллас, районда яшайдиган ҳар бир одам энг камидан бир ярим ой ўзини деҳқон ҳис қилсин,— деди.

У бундай фикрларнинг аксарият қисмига хулоса ҳам чиқармоқда эди, аммо хулосаси киришга айланиб кетганини кўриб, тинглобчилар энди мажлиснинг тугашини кутишди. Лекин мажлис ҳали-бери тугайдиган эмас эди.

Нишон Нажимович бюро қатнашчиларини бирма-бир кўздан ўтказиб чиқар экан, Яхшилққа келганда тўхтаб, унга тикилди-да, овозини кўтариб, зарда қилди:

— Айтинг-чи, олдинги директорнинг номини кир латтага ўраб кўрсатишни қачон тўхтатасиз?

Давлатов саволга тушунмаганлигини англатиш учун елкасини қисди. Нажимов яна бир парда юқори кўтарилди:

— Забон йўқми сизда, ўртоқ Давлатов? Нима, толқон еганмисиз?

У район статистика бошқармаси бошлиғига зарда қилди:

— Райстат, тур ўрнингдан! «Янгилик» совхозини экни майдонини қанча кўпайтириб ҳисобга киритишни илтимос қилди?

Райстатнинг бошлиғи семиз келинчак ҳандалакдай келадиган бўқоғининг терларини четларига гажим тикилган қизил дастрўмоли билан артиб туриб жавоб қилди:

— Пахта, шולי экинлари бўйича йигирма-ўттиз процент кўпайтиришни сўради, сабзавот-полиэ экинлари бўйича қирқ беш процент кам!

— Шу тўғрими, ўртоқ Давлатов?

— Тўғри!

— Демак, ҳар гектарга олинадиган центнер бўйича олдинги совхозини масҳара қилибгина қолмай, районни орқага тортишни ҳам ўйладингизми? Биз сиздан бундай лодонликни кутмаган эдик, ўртоқ янги директор!

— Ортиқ экилган гектарлар «қўшимча»га чиқиб кетадими?— деди район газетасининг муҳаррири.

Райком секретарининг гапини бўлиб, унга берилган кинояомуз саволдан Шержоновнинг жаҳли чиқиб кетди-да, ўрнидан учиб турди.

— Нишон Нажимович, мумкинми?— деди секретарга қараб ялтоқилик билан.

— Гапиринг! — деб Нажимов шошилмай ўрнига ўтирди.

— Ўртоқ Нажимов, ўртоқ бюро аъзолари, — деди Шержонов дабдабали қиёфада. — Бу ерда ўтирган айрим ўртоқлар ўйламай-нетмай «қўшимча» деган сўзни айтиб юборишди. Бу яхши эмас. Эсингиздами, бундан бир неча йил бурун «қўшиб ёзиш» деган мақола бўйича қўшни район партия комитетининг биринчи секретари жавобгарликка тортилди. Энди ўша машъум мақола билан ҳурматли Нишон Нажимовнинг асабига тегмоқчи. Менга қолса, районнинг ҳеч бир хўжалигида қўшимча экилган ер ёки қўшиб қўйиш деган гап йўқ. «Янгилик» совхозида ҳам бўлган эмас. Бироқ экин планини тезроқ бажариш учун шошилиш патижасида қизиқиб кетиб, ортиқча экиб юборилган ерлар бор. Қадрли Нишон Нажимович, бошида айтганларидай, баҳорда деҳқон ерга уруғ қадашга ошиқади. Шу пайтда ҳеч ким орқасига қараб, неча гектар экдим, деб экин майдонларини ўлчаб ўтирмайди, ўлчашга вақти йўқ, қўли тегмайди!

— Бу жонли далил эмасми, жиноят устида қўлга тушиш деб яна нимани айтилади? — деди кимдир, орқада.

Нажимов унинг кимлигини билгиси келиб, хона ичини назардан ўтказиб чиқди — топмади.

Шержонов, бу гапларнинг унга гўё алоқаси йўқдек, бепарволик билан давом этди.

— Биринчи секретарни камситишга, сўзини бўлишга уриниш районнинг бирлигини, одамларнинг ҳамжиҳатлигини бузишга уринишдан бошқа нарса эмас, — деди тирноқ ичидан кир қидириб. Унинг овозида ғазаб-нафрат оҳанглари яққол сезилиб турарди. Бу ғаразли гапга коммунистлардан кимдир чидолмади.

— Бу ерда гап биринчи секретарни камситиш, унинг гапини бўлиш устида эмас. Гап кўп ерга экин экиб, шундан бир қисми юзасидан план бажаришнинг нотўғрилиги устида кетяпти!

Шержонов яна ўзини гўлликка солди. У гўё бу гапни эшитмади, давом этиб, анча бекорчи гапларни вайсағач, редакторга ўзини кўрсатиб қўйгиси келиб, ўзича мақол ишлатди:

— Ақли йўқнинг шумлиги йўқ, шумлиги йўқ бошдан ақл чиқмайди. Булар маънодош сўзлар. Ана кўрдингизми, биз ҳам биларканнизми ўша грамматикани?

— Биларкансиз.

У яна газета редакторига қаради. Кўнглида уни райком секретарига орқа қилиб ер чиздирмоқчи, кимдир, нималар учундир ундан ўч олмоқчи, бу билан коммунистлар орасида ўзини кўрсатиб қўймоқчи эди.

— Уртоқ редактор,— деди у таънаомуз оҳангда,— ҳар бир гапни ўйлаб гапириш керак!— Кейин у бир оз паства тушиб, насиҳатга ўтди.— Ҳаммамиз Нишон Нажимовичнинг асабига тегишни мақсад қилиб олаверсак, бу — районнинг оғиздек қаттиқ ивиган бирлигини бузишга интилиш бўлур эди.— Шержонов энди редактордан бошқа нарсани бутунлай унутди.— Уртоқ редактор,— дея сўзини давом эттирди у,— сиз менингча, ғоят ақлли, билимли йигитсиз, ҳа! Шундай бўлатуриб қишлоқлардан газетага ёзадиган мухбирлар кам деб нолийсиз. Ҳа. Нотўғри нолийсиз! Ҳар ёққа ариза ёзадиган одамлардан кўра, кўпроқ далада ишлайдиганлар керак бизга. Ҳа. Ҳар томонга аризавозлик қилиб хат ёзган Асановнинг ҳоли нима бўлгани эсингиздами? «Бизнинг совхозимизда қўшиб ёзиш бор, терим пайтида пахтани тайёрлаш пунктдан сотиб олиб топшириш фактлари учрайди», деб ёзиб, тухматчилик қилгани учун партиядан чиқарилди. Жазога тортилди. Ана сизга ғаламисликнинг, аризавозликнинг оқибати. Ҳа. Буюк Карл Маркс, одамни меҳнат яратади, деб таълим беради. Газетанинг куни кечаги сониди яна муҳаббат ҳақида шеър босилган. Одамлар бир марта уйланганидан сўнг муҳаббат тамом эмасми? Ё газетангиз район бўйдоқларининг органими? Пахта ҳақида, меҳнат ҳақида, партия ҳақида шеър босинглар. Баъзи мухбирларингиз ўз районимизда тузатиш мумкин бўлган нарсани область, республика газеталарига ёзади. Кўпчилиги ғирт ёлғон гаплар тағин. Ўзингиз ҳам мухбирларингизга ўхшайсиз, ўртоқ редактор. Бўлмаса, бултур, бир килограмм қанднинг баҳосига ўн тийиндан қўшиб сотди, деб бизнинг совхозимизнинг Завмагини фельетон қилиб, шунча шов-шув гапларга сабаб бўлармидингиз?

Нишон Нажимович ёнида ётган район газетасининг боғламини кўтарди-да, у ҳам редакторга эдрайди.

— Кейинги пайтларда мenden рухсатсиз мақолалар босадиган бўлиб қолдинг. Шу учун ҳам газетанг ёмон чиқади. Мана, манави газеталарингда одам қизиқиб ўқийдиган бирон дуруст материал йўқ. Ростдан ҳам пўконингдан ел ўтмаган экан. Фельетонни тўхтат, десам, ўжакишасан.— У район радио тармоқлари бошлиғига қаради. Ўзича редакторнинг танбеҳини бериб қўйиш учун коммунистлар орасида район радио бошлиғини мақтаб, миннатдорчилик билдиришни лозим топди.— Уртоқ радио ташкилотчи, тур ўрнингдан. Сен маладессан! Сенга ҳар кунги эшиттиришнинг йўл-йўригини ким бериб турибди.

— Сиз, ҳурматли Нишон Нажимович!

— Утиринглар! Давом эт, ўртоқ Шержонов!

— Районда савдо ишига РайПО раисн дуруст қарамайди. Менга унинг қадди-қомати ёқмайди, физкультура билан шуғуллансин ёки овқатни камроқ есин!— деди у томдан тараша тушгандек қилиб. Шержоновнинг бу гапидан кейин Нажимов РайПО раисига қаради-да, уникка турғизиб қўйиб, сўроққа тутди. Йиғим-терим пайтида қайси дўкон қандай ишлашни аниқлаб, унинг «Янгилик»даги дўкон мудири тўғрисидаги ижобий фикрини эшитгач, гап мавзунини район маориф мудирига қаратди.

— Уртоқ зав. райОНО, қадди-қоматингиз келишган ҳурматли раҳбарсиз,— деди у.— Уртоқ Шержонов сизни танқид қилмади. Мен танқид қиламан. Сиз, ҳар йили мактаб ўқувчиларининг билими пастлашиб кетяпти деб нолийсиз. Бу гапларни тўхтатинг. Бу йил баҳор оғир келди, сув кам, керак пайтида етишмади... Мактаб ўқувчиларининг ёрдами кўп керак. Ана, район шифохонасининг бош врачини кўриб турибман, мийиғида кулиб ўтирибди. Ишонаман, у, албатта, районнинг патриоти, шунинг учун бутун медицина ходимларини йиғим-теримга тўла сафарбар қилади.

— Уртоқ Нишон Нажимов,— деб Шержонов яна ўрнидан турди.— Менинг эшитишимга қараганда, касаллар кундузи, врачлар тугал пайтида кўпроқ қазо топарканлар. Демак, қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади. Ҳа! Шунинг учун шифохонада бир-икки навбатчидан бўлак ҳамма врачларни йиғим-теримга чиқариш фойдали.

Залда у ер-бу ердан сийраккина кулги кўтарилди.

— Уртоқ Нажимов,— деб Шержонов яна гапириб кетди.— Маданият бўлимининг бошлиғига эслатиш керак, кутубхоначилар китобларини далага олиб бориб, дала шийпонига териб қўйишсин-да, ўзлари пахта теришсин. Йиғим-терим пайласида ҳеч ким китоб ўқимади. Халқ театри артистларининг бўлса ашулани қишда айтганлари ҳам кифоя. Қисқаси, районнинг шаъни учун бутун тадбир, ақл ва имконият ишга солинсин!

— Ақл халқ манфаати учун ишлатилса ақл, шахсий манфаат учун ишлатилса, фирромлик,— деди Давлатов.— Бундан буён йиғим-теримда фирромлик ишлатилмасин.

Шержоновнинг кичкина кўзлари баттар қисилиб, бурнининг учи терлаб, бирдан ўрнига чўкди. Нажимов қайтадан ўрнидан турди.

— Уртоқ Давлатов, сиз баҳслашишни яхши кўрар экансиз. Йиғим-терим ўз йўлига бамисоли фронт, кўп гапни ёқтирмайди. Қани, Мамутов, ўрнингдан тур! Нима учун менинг кўрсатмамни бажармай, совхозда комиссия тuzдиларинг?

— Мен директорлик ҳуқуқимдан фойдаландим,— деди Давлатов ўрнидан туриб.— Комиссия партбюронинг қарори билан эмас, директорнинг буйруғи билан тузилди ва бутун жараёни шахсан ўзим кузатдим.

— Энди сизнинг бизга нима арзингиз бор?— деди Нажимов унга, бир оз шаштидан тушиб, ювошланган тур билан.

— Нишон Нажимович, йиғим-терим агрегатларининг ремонтини тугаллашга эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Сизнинг ёрдамингиз керак!

— Эшикни очишданоқ ичкарига йиглаб кирманг, ўртоқ директор, ўзингиз топасиз! Хўш, қани, сиз нега ўзбошимчалик билан иш қиласиз?

— Қандай иш?

— Орол проблемасига нега бизсиз аралашасиз?

— Бу иш бугунги куннинг талаби бўйича совхоз коммунистларининг қўллаб-қувватлаши билан қилинди.

— Коммунистларнинг қўллаб-қувватлаши қонун эканлигини эътироф этасиз-а?

— Албатта,— деди Давлатов.

— Менга совхознинг ўнта бригадирдан олтитаси, уларнинг олти табелчиси, ҳурматли Шержонов, Завмаг ва бошқа ўртоқларнинг ёзиб, қўл қўйган хати тушди, пўлат сандиғимда турибди. Сизнинг устингиздан! Коммунистларнинг кўпчилиги қувватламаган «Танобчилар комиссиясини» нега тузиб, нега ўзингизча ишга солдингиз?

— Ҳозиргина тушунтирдим, Нишон Нажимович! Бу ишда директорнинг буйруғи роль ўйнади.

— Сиздек директорни кўрмаганман,— деб Нажимов ёқтирмаган кайфиятда мушти тугилган қўли билан ҳавони кесди.— Шоирларнинг тили билан айтганда, элга муҳаббат ўчоқ бошидан бошланади. Районга патриот бўлиш учун ўз совхозига, областга патриот бўлиш учун районга патриот бўлиш керак. Сизда эса мана шунчалик ҳам патриотлик белгиси кўринмайди,— деб бош бармоғи тирноғининг учини кўрсатди Нажимов.

Давлатов директорлик лавозимига келганидан буён у ҳақда Шержоновдан кўп эшитган, ўзи билан ҳам ораси ра учрашувлардан маза топмаган эди. Уларга қўшимча бугунги ҳаракатлари, гаплари сабр косасини тўлдириб юборди.

— Ўртоқ Нажимов,— деди ўрнидан аста туриб.— Ватанпарварликни бошқалардан эмас, олдин ўзингиздан излашингиз лозим эканлигини англаб турибман. «Янгилик» совхозини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўяёзган одам ўзингизга ўхшайди.

— Ҳа, ўртоқ Давлатов!— деди Нишон Нажимович, бирдан қизишиб кетиб.— Қурултойда Шержоновни танқид қилиб, ўрнини эгаллаган эдингиз, энди менга оғиз солмоқчимисиз? Утиринг! Бу гаплардан кўра совхознинг бу йилги давлат планларини бажариш тўғрисида ўйланг! Бошлиқнинг қадр-қимматини, патриотлигини, сиз айтгандек, баландпарвоз қуруқ гаплар эмас, планларнинг бажарилиш процентлари белгилайди. Ўртоқлар!— деб Нишон Нажимович овоз пардасини бир оз пасайтирди.— Ўртоқлар, эндиги бош вазифа йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаш,— деб киришда айтганларини қайта такрорлаб, бюро аъзоларидан бошқаларнинг тарқашига рухсат берди.

...Қайтишда Давлатов Мамутовнинг машинасига ўтирди.

Рулни ўзи бошқараётган Мамутов, директорнинг кўнглига қараб машинасини текис ҳайдашга ва бир оғиз ортиқ сўз айтмасликка тиришди.

— Менинг у билан келишиб кетишим қийинга ўхшайди,— деди райондан чиққандан буён унсиз келаётган Давлатов, совхоз территориясига кирганларида, узоқ ўйларини хулосалаб.

— Сиз эҳтиёт қисмлар сўраганингизда ўртоқ Нажимовнинг нима учун рад қилганининг маънисини айтайми? У ортиқча таклифни ёқтирмайди. Ҳар ким ҳар томондан аралаша берса, районни бошқариш анархияга айланади, деган ўз фалсафаси бор. Шунинг учун ҳар кимдан илтимосини, керакли нарсасини ёлғиз ўзига, кабинетда айтишни талаб қилади. Гувоҳ бўлмаслиги керак. Ана шундан кейин у мажлисларда бошқаларнинг кўз олдида муҳтож нарсангиз тўғрисида савол берса, «ҳурматли Нишон Нажимович, районда сиз билмаган, сизга маълум бўлмаган нарса бораканми», дейсиз. Шундан кейин, у бошини чайқаб кулади. «Мана, кўрдингизми, ҳаммангизнинг оғзингизга мен чайнаб солиб қўймасам, ўзларинг ҳеч бало қилолмайсизлар», деб ўзингиз унга овлоқда айтганларингизни такрорлайди. Шундай қилиб, ҳатто бюрони тўхтаиб, тегишли жойларга зудлик билан кўнғироқ қилади.

— Ғалати ватанпарвар-а?

— Районда вазият мана шу, дўстим. Совхозда янги қурилиш бошлаш ниятинг бўлса, ўз қулоғига айт. Келаси йиғилишда у: «Ҳой Давлатов, сен совхозда бундай қурилиш бошла!» деб билагонлик қилмагани тақдирида ҳам, ёрдам бермаса менга гапир. Райондаги ҳамма бошлиқлар унинг мана шу характерини тушуниб қолишган. Ахир гап ишингни битиришда эмасми?

Давлатов ўзини эшитмаганликка олди. Улар яна жим бўлиб қолишди. Бундай пайтда ҳар икки томонга ҳам қийин. Бири иккинчиси ҳақида хаёлга чўмади. Ҳозир улар ўз олдиларига хаёл суришарди. Давлатов Нажимов тўғрисида, Мамутов Давлатов тўғрисида...

Яхшилиқ чарчаб, кўп хаёл сурганидан боши лўқиллаб оғриб келса, уйда ҳайратда қоладиган байрам тантаңаси. Столда учта вазада уч хил гулдаста. Унда гладиолус ҳам, хилма-хил атиргуллар ҳам, чиннигуллар ҳам бор, ял-ял ёниб, товланиб турибди. Бундай гулларни совхоз уёқда турсин, район марказидан ҳам топиш қийин. Қаердан олиб келишган? Нима учун?

— Яхшилиқ, бугун қизимиз Ойлархоннинг туғилган куни!— деди Светлана ошхонадан чиқиб.

Оппоқ пахтадек шоҳи кўйлак устидан пахта кўрағидай кўнғир ранг костюм кийиб олган саккиз яшар қизи Ойлар ичкари уйдан чиқди. Яхшилиқ уни кўлларида ушлаб кўтарди, пешонасидан, кўзларидан ўпди.

— Кечир, қизим, ишларим кўплигидан туғилган кунингни ҳам унутиб қўйибман.

— Раҳмат Завмагга!— деди Светлана.— У билар экан. Манави гулларни атайлаб Тошкентдан олдириб келибди. Ана, Яхшилиқ, сенинг бу совхозга қадрли бошлиқ эканлигинга ҳозир ишондим. Молодец!

У нима қилишини билмай, бир фурсат ўйланиб турдида, қизини қучоқлаган ҳолда ошхонага кирди. Светлана газ плитанинг бир ўчоғида бутун бир туя товуқ қовуриб, иккинчисида палов дамлаб, учинчисида чой қайнатаётганди. Эрининг яна таажжубланганини сезиб, мийиғида кулди.

— Буни ҳам Завмаг олиб келди, Яхшилиқ. Ойларга ирим деб бир қўчқорнинг қулоғини тишлатди. Кўриб келақол, товуқхона олдида бойлоғлиқ турибди.

— Унинг бунчалик сахийлигини билмас эканман.

Эрининг кесатиб жўрттага шундай деганини Светлана тушунмай, Завмагни мақташда давом этди.

— Билсанг, бунинг ҳаммаси сенга чинакам ҳурмат! «Кўчиб келганингизда совға бера олмадик, қизингизнинг туғилган кунида сиз ҳам бир қувониб қолинг», деб менга узук олиб келибди. Светлана уйлик халатининг чўнтагидан қутича чиқариб, эрига узатди.— Мана, кўр. Бриллиант кўзли олтин узук.

Яхшилиқ қутичани кўлига ушламай, кўз қирини ташлаб қўяркан, бирдан ачинди:

— Эҳ, нима бало қилиб қўйдинг, ахир? Бундай узукни бир-икки мингнинг нарёқ-берёғига бермайди.

— Мен қаёқдан билай? Ювелир магазинга бош суқиб кўрибманми? Совға дегандан кейин олавердим. Совғанинг нархини сўраш уят-ку, ахир!

— Ўзи қаёқда.

— Қамтаргина кўринди. Эркаксиз уйда кўп ўралашиб ўтиришга андиша қилди шекилли, кетди. Овқат ҳам пишди, кўнғироқ қил, келсин.

— Йўқ, Света. Унинг матоҳларини қайтариш керак. Ифлос одам.

— Йўқ, Яхшилиқ, мен одам танисам, шу совхозда сени қаттиқ ҳурмат қиладиган иккита бўлса — биттаси, агар битта бўлса, худди унинг ўзгинаси шу.— У телефонда Завмагнинг уй телефони номерини терди-да, «алло» деган товушни эшитиб, трубкани тутқазди.— Ўзинг гаплаш.

Яхшилиқ унинг қўлидан трубкани юлиб олди-да, ўрнига қўйиб қўйди.

Светлана жаҳл билан қайтадан кўнғироқ қилди.

— Яхшилиқ келди. Завмаг, етиб келинг, овқат ҳам тайёр бўлди,— деди.

Яхшилиқ эса тез-тез кийинаверди.

— У билан ўзинг базми жамшид қурарсан!

— Ўзинг базм қурарсан?!— Светлананинг кўзларига ёш қуйилди.— Етимликдаги етишмовчиликларимни энди унутганимда шундай дедингми-я? Менга узукнинг кераги йўқ!

У газўчоқдан чойгумни олиб, унинг ўрнига узукли қутичани ташлади.

Яхшилиқ унинг нима қилаётгани билан иши бўлмай, уйдан бошини олиб чиқиб кетди.

Улар эр-хотин бўлганларидан буён бундай қаттиқ аразлашмаган эдилар, бирини бири қайтармади, тўхтата олмади.

Саккиз яшар Ойлар бўйига ҳўп ярашган чиройли кийимларини қайтадан кўриш учун катта тошойна олдида ўзида йўқ қувонч билан илжайиб ўйнаб турарди.

Шарифа Орол экспедициясидан келганидан буён уйда. Кичик-кичик дафтарчаларига шошилиш ёзган кузатишларини кўздан кечириб, хулосалаштириш билан банд. Навбатдаги экспедиция Қорақум каналига бўлади, шунга

қадар хулосаларини кўчириб, экспедиция раҳбарига топшириши лозим.

Отаси қизига халақит бермаслик учун чошгоҳда уйдан чиқиб кетади. Лекин олисга бормайди. Эшиги олдида ётган қайиққа ўтириб, кўзойнагини тақиб олади-да, газета, журнал ўқийди. «Яхшиям озгина саводи бор», дейди ичида Шарифа.

Кейинги кунлари у ўзига улфат топиб олди. У кўрпачасини қўлтиқлаб чиқиб, қайиққа ўтириши билан қўшни подъезддаги ўзи тенги, қордай оппоқ белкуракдай соқоли кўкрагини ёпган нуроний бир қария ёнига келади. Унинг эргаштириб юрадиган майда-чуйда набиралари қариялар суҳбатни бошлашлари билан қайиқнинг бир бурчида ўзларига ўйин топиб оладилар, уларга бошқа қўшнилари билан болалари келиб қўшиладилар.

Шарифа кечки овқатнинг ғамида ошхонага кириб, деразанинг иккала қанотини очди. Қайиқ худди ўша деразанинг тагида эди. Қариялар чақчақлашиб ўтиришганини кўрди. Гўшти тўғраб қозонга солди-да: «Қизиқ, бу қариялар ҳар кун нимани гаплашишар экан?» деган хаёл билан дераза олдига курси қўйиб ўтирди.

— Сиз ҳам урушда «Сталин учун олға!» деб қичқирганмисиз? — деди қўшни қария.

— Мен кўпинча ўз тилимда «Орол учун!» деб бақирар эдим. Бошқаларга «доҳий учун» дегандай эшитилармиди, билмайман, ҳар қалай ҳеч ким менга дакки бермасди.

— Нуржон, кечирасиз, мен саломатлигим заифлиги сабаб бўлиб урушга боролмадим. Бироқ битта жўрамнинг урушдан келиб мақтанганини ҳеч унута олмайман! У ярадор бўлмай, соппа-соғ қайтди. «Сен қандай қилиб омон келдинг?» деб эдим: «Сўрама, жўра, — деди. — Урушда ўқ уст-устига зув-зув қилиб келиб туради, эпчиллик билан бундай чап бераман, ундай чап бераман. Бир кун генерал Рокоссовский сиртдан кузатиб турган экан, «ҳа, молодец, чаққон қорақалпоқ!» деб елкамга қоқди», дейди. Болаларим маршал Жуковнинг суратини деворга осиб қўйиб эди. «Мана бу киши ўша Рокоссовский-ку», деб жўрттага деворга қараб эдим, у ўрнидан туриб: «Ҳа, Рокоссовский дўстим, раҳмат сенга!» деб Жуковнинг суратини пешонасидан силади.

Нуржон қария ичаги узилгудай қотиб-қотиб кулди. Шарифа ҳам уларга эшиттирмаслик учун оғзини кафти билан ёпиб пиқ-пиқ кулди.

— Айтмоқчи, қизингиз Орол экспедициясидан нима янгилик олиб келди? — деди қўшни қария, бир муддат жимликдан кейин.

— Узингизга маълумки, Орол қуриб бормоқда.

— Бу маълум-ку, бўлмаса сиз билан биз Оролни ташлаб шаҳарга кўчармидик!

— Одамнинг ишонгиси келмайдиган битта янгилик айтиб келди. Биз турадиган ўша қишлоғимиз этагида денгиз ичга қараб сурилиб, ўрни қумлоқ бўлиб қолган экан, ана ўша жойдан қуюн туз аралаш қумни учуриб, саккиз чақирим масофагача сепиб-чочқилабди.

— Нега одам ишонмайдиган дейсиз? «Известия» газетасида бундай хабар ўқидим. Каспий денгизи бўйлари-дан кўтарилган чанг-тўзон ўзи билан туз кристалларини кўтариб олиб кетиб, бир неча юз километрлик олис Татаристондаги юқори вольтли симларга даф қилган ва электр линияларига зарар етказган. Орол қуриса, ўртасидан қумга аралашиб кўтарилган туз атрофидаги ерларни ишдан чиқаради, деган гапларга ишонаман мен!

— Мен қизимга ишонаман!

— Қизингизни одамлар мақташади. Яхши олима дейишади.

— Биз, Оролда балиқ кўпайса, буни Амударё олиб келади, деб юраверган эканмиз. Аму Оролга тоғ жинсларининг зарраларини олиб келар экан, ҳозир ер ости конларининг дунёда энг камёб турларини топаётган олимлар билан ҳам учрашибди.

— Ҳа, ҳозир илм дегани ўсиб кетди,— деди қўшни қария таңглайини такиллаштиб.— Яқиндагина деҳқонлар, «биз ойдинда ер ҳайдардик», деб мақтанишар эди, энди бўлса, «ой устида ер қазииш ишлари олиб бордик», деб барча одамзод мақтана олади.

— Шарифа! Ҳой Шарифа!— деб чақирди қария юқорига қараб.

Қиз гапга қулоқ солиб ўтирганини сездирмаслик учун бир муддат индамай туриб, кейин деразадан бошини чиқариб овоз берди:

— Дада, мен бу ерданман!

— Одам ўз умрида ўрта ҳисобда неча тонна сув ичди дегандинг?

— Етмиш беш тонна!

Бу жавобга иккала қария ҳам кулиб юборишди.

— Бўлди, қизим,— деди Нуржон қария юқорига қараб.

Шарифа биқирлаб қайнаётган шўрваннинг тузини кўрди-да, яна жойига ўтирди.

— Астаффируллоҳ!— деди қўшни қария кулгисини бошиб.— Сиз билан мен қанчадан сув ичдик экан-а? Энди

бир хўплам сув ҳисобли бўлиб қолган бўлса нима қила-
миз?

— Кўниш керак,— деди Нуржон қария.

Қўшни қария набиралари чўллаганда бериш учун бит-
та чойнакка қайнаган сув тўлдириб олиб келиб қўярди,
ногоҳ тўкилиб кетганини кўриб, ёнбошига урди.

— Ол-а, шу етмай турган эди, менинг ваҳимамдан
кўрқиб тўкилди-ёв.

Иккала қария яна кулишди.

— Рост, сувни тежаш керак,— деди Нуржон қария.—
Бир стакан сув одам умрини бир неча йилга чўзадиган
пайтлари ҳам бўлади. Маршал Жуковни Рокоссовский
билан адаштириб юрган жўрангизга ўхшатиб, мақтанди
демасангиз, мен сизга ўз кўзим билан кўрган воқеани ай-
тиб берардим.

— Мақтанмайдиган одам бўлмайди, айтаверинг.

— Бу воқеа Улуғ Ватан уруши пайтида бир кичик те-
палик учун шиддатли жангдан сўнг содир бўлди. Тепа-
ликдан душманни қувиб «ура!»лаб бораётсак, мен сакраб
ўтган окопда бир немис офицери қонсираб, «сув-сув» деб
ётибди. Немислар сувни нима дейишларини ўрганиб ол-
ган эдим. Ярадор бўлиб, қонсираган пайтда, одамнинг
оғзи қурийди, сув ичгиси келади. Раҳмим келиб, таққа
тўхтадим. У мени кўриши билан оғзи тўла олтин тишла-
рининг ҳаммасини қўпориб (суғурма тишлар экан) мен-
га ташлади-да, устма-уст қон туплаб, сув сўради. Кўнг-
лим эриб кетди. Флягамни бердим. У гўлқ-гўлқ қилиб
ичиб, қора терга тушди-да, икки оёғимни кучоқлаб олиб,
ботинкамни ўпаверса бўладими! Баттар раҳмим келди.
Бир амаллаб ўрнидан турғазиб, командиримга олиб бор-
дим. Яраси енгил экан, тезда тузалди. Ўз ўртоқлари сув
бермай ташлаб кетганларини ҳеч унутолмади, менинг
ярим фляга сувим учун бизларга қўшилди, биз билан
бирга душманга қарши жангларда қатнашди.

— Бунга ишонаман.

Шарифа ўзгаларнинг гапларига қулоқ солишни мада-
ниятсизлик деб биладиганлардан эди. Шунинг учун ҳам
энди ўрнидан туриб кетаётган эди, қўшни қариянинг:

— Нуржон, «Янгилик» совхозига, сенинг укангнинг ўр-
нига бўлган директорни танийсанми?— деганини эшитиб,
яна тўхтади.

— Йўқ,— деб жавоб қилди Нуржон қария.

— Ғайратлига ўхшайди. Райкомнинг бугунги бюроси
тез тамомланишига сабабчи бўлипти. Қизим айтиб келди.

— Қизингиз райкомда ишлайдими?

— Модалар ательесининг бошлиғи. Ўзи ёшлигидан

чеварликка қизиқар эди, ҳозирги райкомга ёқиб қолган. Афсуски, куёв болам лапашанг, бўш. Хотинига шофёрлик қилишни аранг эплаштиради.

Шарифа мийиғида кулиб қўйди, деразаларни аста ёпаётиб, қарияларнинг олдида Эржон Шержоновнинг тўхтаганини кўрди-да, ўзини сал ичкарига тортди.

Орадан кўп ўтмай, йўлакдан ўпир-дўпир оёқ товушлари эшитилди, отаси гапириб кириб келди.

— Укажоним-эй, сен нега бунчалик манмансан? Ахир сени бўшатган одам бизга қўшни қария эмас-ку? Мен билан саломлашиб, у билан нега сўрашмадинг? Ҳеч бўлма-са ёши катталигини сийласанг бўларди!

— Қўйинг, огажон,— деди Шержонов сал эркаланқираб.— Катта ёшдагиларни кўрсак эгилаверамизми? Совхозда бундай қарияларнинг ўзлари менга салом беришадди, директорликдан бўшасам ҳам, саломларини ўзгартирганлари йўқ. Урнимни ҳам қайтариб оламан ҳали.

— Кексаларга берган саломинг — сен омонатга топширган қиёмат қарз. Ўзинг қариган чоғингда сендан ёши кичиклар қайтаради.

— Қўйинг-чи, ога, бунақа сафсатанинг миллионини биламан. Ҳа, Шарифа, нега ёмон кўз билан қараб турибсан?

— Эржон, барака топкур, кўнглингни сал кенг қил, захрингни сочаверма кўринган кимсага. Сени биз бўшатиб юбормаганмиз-ку, ахир!

— Бўшаганимни нега юзимга солаверасиз? Яшин кўпинча баланд дарахтга тушади.

Шарифа индамай, унинг ўтириши учун курси қўйиб берди.

— Жуда чарчадим,— деди Шержонов, пешонасининг терини артиб.— Райкомнинг дачасидан келяпман. Анча ичкилик бўлди. Сабаби, бугун Нажимов ёмон дакки еди. Менинг ўрнимга бўлган Давлатов танбеҳини берди. Бу ҳам менинг бахтим. У менинг қадримни билмай, Давлатовнинг директор бўлишига розилик берган эди.

Қизи уни ёқтирмаганини кўрган қария ўртадаги ноқулай вазиятни текислаш мақсадида:

— Эржон, бизлар янги колхоз қурган йили Эржонов деган янги бошлиқнинг «этик тақсимлаш» мажлиси эсингдами?— деди.

Шержонов энсаси қотиб, эсидан чиқариб қўйганини баҳона қилди.

Нуржон қария қизиди ошхонадан чақириб:

— Шарифа, буёққа кел, ўтир, сен ҳам эшит,— деди.

Қария ҳикояни бошлаш олдидан илжайиб кулиб қўй-

ди, унга қизи ҳам қўшилишиб кулди, иниси ҳам сал илжайди.

— Эржонов деган колхоз бошлиғи бир кун ҳаммани чақриб, йиғилиш қилди. Келдик. «Ўртоқлар, кун тартибида этик тақсимоти масаласи», деди.

Шержонов негадир ҳайкалдай қотиб қолди.

— «Ҳа, ўртоқлар, колхозга этиклар олиб келинди», деди бошлиқ. «Яхши бўлибди», деди ҳамма. «Мен, масалан, сизларнинг бошлиғингизман, эртадан то кечгача тинмай юрганим-юрган. Мен бир жуфтани кийсам арзийдику», деди у. «Албатта, албатта», деди ҳамма. «Унда қўл кўтаринглар», деди. «Аёлим ҳам колхозчи,— деди у яна.— Юмуш орасида у бошлиғингизга овқат пишириб беради, унга бир жуфтани берсак бўладими, ўртоқлар?»— деди бошлиқ. «Бўлади, бўлади», деди ҳамма. «Унда қўл кўтаринглар», деди у. Ҳамма қўл кўтарди. «Менинг катта ўғлим ҳам колхозга аъзо. Кечқурун ликбезга қатнайди. Бунинг устига, уйнинг ўтин-чўпи ҳам унинг гарданида. Шунинг учун унга ҳам бир жуфт этик берсак, нима дейсизлар?» «Берилсин! Берилсин!»— деди ҳамма. «Унда қўл кўтаринглар!»— деди. Ҳамма қўл кўтарди. «Ўртоқлар, шу билан этик тақсимлашга бағишланган мажлис тамом, этиклар тугади», деб бошлиқ йиғилишни ёпди.

Шарифа ичак-силласи қуригунча кулди. Қария илжайди. Аламзада Шержоновнинг кулгидан икки елкаси силкинди.

— Ана, Эржон,— деди қария.— Сенинг бўшатилишингда ҳам шунга ўхшаш бирон нарса сабаб бўлгандир.

— Мен ҳақимда ҳам афсона кўп, бироқ ундай эмас. Одам ўзини яхши билади-ку, ахир. Менда гуноҳ йўқ.

Шарифа унга ер остидан бир қараб қўйиб, раҳми келди, лекин гап қўшмади. Бу орада телефон жириглаб, Шарифанинг ўзи кўтарди. Яхшилиқ Давлатов қўнғироқ қилиб, уйининг адресини сўради. Қиз унинг овозини аниқ таниб, ичидан офтоб чиқиб кетган бўлса-да, анча совуққонлик билан:

— Эшигининг олдида қайиқ ётган уй,— деб трубкани тақ этиб қўйиб қўйди.

Шержонов унинг кимлигини сўрашни мўлжаллаб турди-да, кейин аҳдидан қайтди. Андиша қилди.

— Нуржон оға,— деди у ғоят мулоимлик билан.— Мен сизни уйга олиб кетгани келдим. Кенг қишлоққа ўрганган одамга шаҳарнинг ҳавоси етмайди. Бизникига бориб, икки-уч кун меҳмон бўлиб, яйраб келинг.

Унинг гапларига, чиройига қараганда жигари учун астойдил жони ачиётгани аниқ эди.

— Хабарингиз бор, оға, олти қизим бор. Олтови олти миллат йигитига турмушга чиқди. Шунча жойда фақат Фарида икковимиз қолдик.

Нуржон қария укасига раҳми келиб, индамасдан ки-йинаверди.

— Шарифа, сен ҳам бора қол, қизим,— деди Шержонов, ниҳоятда мулойим тортиб.

Шарифа унинг кўнглидаги ғарзини сезмади, буни хаёлига ҳам келтирмади.

— Экспедиция материални ўрганиб чиқишимга бир кун вақтим қолиб эди, оға.

— Майли, ишингни битказавер. Қўлинг бўшагандан кейин кўнғироқ қил, машина юбораман,— деди Шержонов кетишга отланиб.

Қўшни қария билан қайиқ устида ўтириб гаплашиб келсагина чиройи очиладиган, бўлмаса уйга сиғмай хўрсиниб, танининг носоғлигидан нолийдиган отаси ҳозир ҳар қачонгидан ҳам яйраб кетганди. Бундан Шарифа ҳам севинди, ошхонада гўшт пишай деб қолганини айтган эди, икки ака-ука энди тўхтагиси келмади.

— Тайёр овқатдан юз ўгирмайлик,— деб қария ошхонага кириб, қозонда милдираб турган шўрвадан бир қошиқ олиб, лабини теккизди. Шержонов ҳам худди шундай қилди.

Бадфеъл Шержоновнинг бу ҳаракати ҳам уларга ёқди.

Қайтадан топишган икки ака-укани кузатиб, уйига кирганида, Шарифа кенг далада йўлсиз қолган йўловчи-дек ўзини ёлғиз ҳис қилиб, умидвор кўзларини телефонга тикди. «Сал юшоқроқ жавоб қилишим керак эди», деди пичирлаб.

У хонасига кириб, юмалоқ кўзгучани қайта артиб, орқасидаги суратга қайтадан тикилди, хатни қайта ўқиди. Укинч билан бошини чайқади-да, суратли томонини орқасига айлантириб, кўзгу томонида ўз аксини кўрди.

«Ун бир йил ўтди. Унинг уйланганини эшитдинг, шунда ҳам кутасан, фарзанд кўрганини эшитдинг, шунда ҳам умидингни узолмайсан. Бу ишинг нотўғри! Тенгдошларинг аллақачон турмуш қуришиб, уйли-жойли бўлиб кетишди. Энди ё хотини ўлган, ё хотини билан ажралишган одамгина келади сенга! Эҳ, Шарифа, ёшлигингда ақлли эдинг, севадиган одамнинг топгандинг. Яхшилар ҳаммага керак. Уни ўғирлашди, сендан ўғирлаб кетишди».

Кейинги сўзлари қулоғига эшитилиб, дик этиб туриб кетди.

«Лодон Шарифа, нима қилмоқчисан? Аҳил бир оилани

бузмоқчимисан? Ораларидаги норасиданинг кўз ёшлари тутади-ку сени!»

Эшик тақиллади. Бамайлихотир бориб очди.

— Бевақт келдимми?— деди остонада турган Яхшилиқ, қизнинг каловланиб қолганини кўриб.

Шарифа индамай уни ичкарига киритди-да, бўй-бастига разм солди.

— Ташвишли кўринасиз?

— Отанг қаёқда?

— Нишон Нажимович билан айтишиб қолибсиз деб эшитдим. Орол муаммосини ёқлаб, совхоз парткоми номидан ёзган хатингиз юзасидан бўлса, ҳам еманг. Қувватлаганингизни академик Александров маъқуллади, менга ҳам ёқди. Бу соҳада бирга ишлашамиз. Бошқа нима керак?

— Ёлғиз, уруш инвалиди дадам бор деган эдинг, у қаёқда?

— Ҳозиргина Эржон оға уйига олиб кетди.

Яхшилиқ ўзини бир оз эркин тутиб, олдинга юрди-да, Шержонов ўтирган курсига ўтирди.

Шарифа ошхонага кирганича, пишиб турган гўшти ликопчага кўтарди, чой қайнатди, дамлади, бир йўла қозон-товоқларини саранжом-сарипшталаб, кейин чиқди.

Чой қайнаганча ўтган вақт Яхшилиққа чеки йўқ мангуликдек туюлди.

Шарифага келиши сабабини айтишни ҳам унутгандек эди. Асосий мақсади Светланага аччиқ қилганини айтиб, сирлашмоқчи эди, бундай қилмади. Чунки у излаб келган суянадиган устун, кенглик, одамгарчилик шу уйдан топилгандай, ўзининг кимлиги уёқда турсин, Шарифа билан икковидан бўлак олам борлигини кам-кам унута бошлади... Жони роҳатланиб уйқу элитаётган пайтда, гўзал Шарифа овқат олиб кириб келиши уни қайта жонлантирди, девор ташқарисидан нима синоату қандай одамлар борлиги бутунлай эсидан чиқди.

— Шарифа,— деди ўзини янада эркинроқ ва дадилроқ тутишга тиришиб.— Шунча йил бу кўзгуни сақлаб келиб, ўзимни нега қабул қилгинг келмайди?

— Одамда чарчаш деган туйғу борлигини биласизми? Чарчадим.

Шарифа кўзлари пардаланиб, йиқилиб тушай-йиқилиб тушай деб тургандай эди, унинг ҳолатини Яхшилиқ тушуниб, ўрнидан турди-да, суяб, ёнидаги диванга ўтқазди.

Шарифа нозик қўллари билан унинг сочларини силади.

— Нега келдингиз?!

Қизнинг айриқча нозик, ҳорғин товуши қулоғига ёқиб-гина қолмай, вужудини жўштириб юборди.

— Ун бир йил кутдим шу кунни!— деди қиз яна ҳам алоҳида ноз билан.— Қорнингиз оч эмасми тагин?

Яхшилик бош чайқади.

— Кел, жоним, соғинганман, бир ўпай!

Яхшилик секингина энгашиб, қизнинг гунча лабларига қайноқ лабларини босди. Кучли, чидамли Шарифанинг кўнгли эриб, ихтиёрини бора-бора йўқотди-да, унинг оғушига сингиб кетди...

* * *

Тун ярмига қараб оғиб қолганида, Шарифа ўзига келиб, ўрнидан учиб турди.

— Вой, Яхшилик, менга нима бўлди?

Яхшилик индамади.

Қиз деразадан ташқарига кўз ташлаб «ГАЗ-69» машинасини кўрди.

— Яхшилик, машинада келибмидингиз?

— Ҳа.

— Шоферингизни шунча куттиришга уялмадингизми?

— Сендай фариштани ўн бир йил куттирган одам кимни аяйди.

Шарифа унинг бўйнидан қучоқлаб, юз-кўзларидан то ҳоври босилгунча ўпди-да, кийимларини олиб бера бошлади.

— Туринг энди, Яхшилик, сизнинг ёвузлигингизга фақат мен чидайман ва кечираман. Уят бўлади, кетинг! Ҳозир кетинг! Светлана ҳам кутиб ўтирган бўлса керак, қизингиз Ойлар ҳам отасини соғиниб ўтиргандир.

Яхшилик қимирламади. Шарифа унинг қўлидан тортиб, дивандан турғазди-да, апил-тапил ўзи кийинтира бошлади.

— Тез бўлинг, Яхшилик! Ўғрининг вақти тугади! Хафа бўлди деб ўйламанг, мен сиздай ўғрига қойилман!

Яхшилик кийина туриб қизни қучиб ўпди.

— Сендан хурсандман, Шарифа!

Шарифа уни ўз ҳолига қўймай итармалаб, эшиккача олиб борди.

— Қувлади деманг, жоним. Шоирлар одам ёстуқнинг яримталигидан бошқа яримталikka кўнмаслигини таърифлашади. Мен сиз учун шундай яримта бахт — яримта кечаларга ҳам розиман!

У Яхшиликнинг гапришига фурсат бермай, эшикни очди. Унинг ҳамон кетгиси келмаётганини сезиб, қўлидан стаклади-да, йўлагининг эшигидан олиб чиқиб қўйди.

— Яхшилиқ, ёш бола эмассиз, кетинг! Бузуқ бўлиб кўзга тушишга ҳаққингиз йўқ. Сиздан бир совхознинг халқи ибрат олади, ёш оилалар сиздан ўрнак олишади. Элни бузманг, мени кечиринг. Кетинг, жоним, тезроқ кетинг! Мен энди бир ойга Қорақум каналини текширгани кетаман.

Яхшилиқ индамай машинаси томон бурилди. Қиз унинг яғринидан итариб, юришини тезлатди-да, изига қайтиб, уйига кириб кетди...

12

Шержонов нима учун ҳаловатидан айрилганлигининг сабаби ёлғиз ўзига маълум. Қимга, қандай гапирса-да, юрагида бир тугуни бор. Уни Нишон Нажимовичга ҳам очмайди. Унга фақат Давлатов керак, унинг очилиб-ёзилиши, унинг сири керак. Шундагина бу тугун ечилади. Бутун ғам-ташвиш, ўй-хаёл мана шу ҳақда, шуни деб хаёл суради, тунлари ухламай тўлғанади.

Агар унинг қўлига ҳақиқатни ушлатиб қўйилса, эгаси билан қўшиб, ўтга ташлаб юборишга виждони йўл қўярмикан? Унчалик тошюракка ўхшамайди, унда яхшилиқнинг оти доим ловиллаб ёниши лозим. Ловиллайди. Бошқалар қатори мен ҳам алангасига исинармиканман? Исиниш оз, шу аланганинг мой қуювчиси бўлиши керак. Ҳозир мой қуювчи ким?.. Совхозда бундай одам борми? Нишон Нажимович билан очиқ гаплашиш керакмикан? Йўқ, у ўзига кўзгудан яланғоч кўрингандай бўлиб қолган-ку. Унга ишониб бўлмайди. У шундай тутуруқсиз, амалпараст, шуҳратпарастки, ўз районининг айби бир одамни қурбон қилиш билан ёпилишига ишонса, албатта, шундай қилади. Буёғи қандоқ бўлди? Жувонмарг Давлатов билан орамизда эски адоватимиз бўлмаса, ота-боболаримиз ҳам таниш-билиш бўлишмаса. Нега изимдан қолмайди. Жўрттага панд бериб юрганмикан? Нажимов ҳам ичидан пишган!.. Мен билган Нажимов ундай бетайинлардан эмас. Ҳар балони Давлатовнинг ўзи бошлаб юрибди. Нима гина-кудурати бор экан? О, аҳмоқ Шарифа, айтганига қўнмай, шаън-шавкатли, баобрў амакисини мот қилсам, у ялинади, деган ўйда бўлмасин? Бунда жиндак ростлик борга ўхшайди. У чиройли, билимдон қиз, ўтган гал Орол бўйида иккаласи битта машинага чиқди. Орқаларидан борганимда, машинасининг панасида қучоқлашиб турганга ўхшовди. Тўхта, тўхта... Тошкентда ўқиб юрганида отаси билан уйга келди... Шунда Фарида унинг кўзгусининг орқасида Яхшилиқ деган йигитнинг суратини, хатини кўрганини айтган эди-ку...

Оҳ, умр! Телва-тескари ишларинг учун жавоб беришдан ортиқ зулминг борми? Нима бўлса ҳам қийин! Шарифа ҳали кўп ишлар кўрсатса керак. У совхоз учун, Давлатов у тадбиқ қилиб юрган Орол ва сув муаммоси учун фидойига айланиб бормоқда. Икковининг ишлари бир от юганининг икки жилови. Баробар тортилса, от қийшаймай-қайилмай чопади. Шунинг учун ҳам у совхоз номидан Орол ва сув муаммосини маъқуллаб хат ёзди. Бу муаммога аралаштириш билан у ютиб чиқади. Улканнинг озиб-тўзувине, сувсиз қолишине ким қувватлайди? Шунинг учун ҳам совхознинг бутун коммунистлари уни ёмон кўришларига қарамасдан таклифини бир оғиздан маъқуллашди. Обком секретари ҳам шу ғоянинг тарафдори. Артезиан қудуғи бошида икковининг қўлларини икки қўлида қисиб туриб, областни гуллаштириш учун назарийчи билан амалиётчининг ўзаро мақсадларини яқинлаштиришни насиҳат қилгани бежиз эмас...

Шержоновиинг ўйлай-ўйлай топган ақли — ақаси билан борди-келди муносабатларини қайта мустаҳкамлашга олиб келди. Унга Шарифа керак бўлади ҳали.

...Нуржон қария укаси билан унинг уйига бирга келиб, бутун рўзғор-тйрикчилиги, мол-матохлари билан танишиб чиққандан кейин унга нозик савол берди.

— Эржон, шунча бойликни қаердан йиғиб улгурдинг? Еки олти қизингга ҳам қалин олдингми?

Саволнинг иккинчи бўлими Эржоннинг ҳам, хотини Фариданинг ҳам мушкулини осон қилди.

— Туғиб, катта қилиб, шунча ўқитиб, қизларни аллакимларга қуруқдан-қуруқ етаклатиб юбориб, жинни бўлибмизми? — деди Фарида.

— Мен ҳам аҳмоқ эмасман, — деди Шержонов. — Узларидан тушган пулга ўзларининг хоналарини эсдалик — музей қилдим. Ҳар бир одам ўзига хотира ўрнатилишига етадиган пулни тўплаб қолдириши лозим!

Қарияга жавоб ёқмади, шундай бўлса ҳам тортишмади. Бирон кимса уларнинг бойлиги тўғрисида сўраса бундай жавоб бериш эр-хотиннинг хаёлларига ҳам келмаган эди. Қариянинг терговга ўхшаган саволидан хафа бўлиш ўрнига хушкўнгиллик билан хизмат қилиб, катта уйга бир ўзига қалин қилиб ўрин солиб беришди. Эртасига уни совхознинг ҳурматли одамлари билан таништириш нияти борлигини эслатиб, розилигини олди.

Нуржон қария кўкраги урушда олган орден-медалларга тўла мовий ранг костюмини ўзи ётадиган каравот тепасидаги кийим илгичга илиб, ҳар куни бир марта чўткалаб кўйиши бўлмаса, уни киймас эди. Кеча, инисиникига ке-

лаётганида, қизи зўрлаб, шу пиджагини кийдириб жўнат-ганди. Совхознинг энг ҳурматли одамлари олдида шу костюмда ўтириш унга фахрли туюлиб, ақлли маслаҳати учун ичида қизидан миннатдор бўлди.

Кечқурун энг биринчи бўлиб Завмаг йўқлаб келди. У негадир ҳурматли меҳмонга ўхшамай, дастурхонни бош-қатдан тузатишга киришди. Баъзи нарсаларнинг жойи-ни ўзгартирди, бир неча ликопчани олиб қўйиб, янгилари билан алмаштирди.

Чор бурчак шаклида буюртма қилиб ишлатилган катта стол устига терилган хилма-хил таомларга қараганда, йигирмага яқин одам чақирса керак, деб ўйлаган қария олтига стулни кўриб ҳайрон бўлди. Лекин индамади. Иниси кўрсатган фахрий ўринга ўтирди. Қолган ҳурматли меҳмонлар келмай қолишса-я, деган гумон билан соатига қайта-қайта қараб, типирчилаб юрган Шержонов акасининг олдида қувонч билан «келишди» деди-да, ҳовлиққанча ташқарига югурди. Кўп ҳаялламай, у Яхшилиқ Давлатовни хотини Светлана билан бошлаб кириб, тўрда ўтирган қария билан таништирди.

Яхшилиқ қария билан қўл қисишиб кўришар экан, кўкрагидаги орден-медалларидан кўз узолмай қолди. Бунга кўрган қария:

— Кўп нарсаларни унутдим, бироқ уруш туфайли ўртага тушган айрилиқ, сарсон-саргардонликдан кейин юртимга қайтиб, элга оралаган биринчи куним қумтепадан битта оч етим бола олдимга югуриб тушиб, қўлини чўзганида, нарса соладиган қопчиғимдан ярим буханка нон топилганига севиниб кетганим эсимда,— деди.

— Ота, сиз ўша, армиядан қайтиб келаётиб «Ойлар кампирнинг қуми»да бир оч етим болага ярим буханка нон берган одам эдингизми?— деди Яхшилиқ Нуржон оғага меҳр билан тикилиб.— Раҳмат сизга! Уша ярим буханка нонингиз мени ҳаётга йўллаган, жонимга ора кирган. Гоҳо сизни хаёлан излар эдим. Қаранг-а, ҳаётда тасодифий воқеалар бўлиб турар экан.

— Ҳозир у пайтдаги келбатим йўқ, қандай қилиб танидинг?

— Ушанда сиз шу костюмни кийиб, иккита «Шуҳрат» орденингизни медаллар билан қатор тақиб келаётган эдингиз, ҳали ўзгартирмабсиз, ўшанда қандоқ бўлса ҳозир ҳам шундоқ турибди!

— Уйга қайтаётганимда балиқчи эканлигим эсимга тушиб, денгиз ранг бўлгани учун шу костюмни сотиб олиб, орден-медалларни турига, даражасига қараб тақиб олган эдим.

— Ҳаммалари кулишди.

Остонани ярим ҳатлаб турган Завмагнинг кулгиси кўксов сигирнинг йўталидай жонсиз эшитилди. Яхшилик унга томон ўгирилди-ю, бирдан кайфи учиб кетди. Қария билан суҳбати тугалланмай, Светлана билан ўртасида битта бўш стулни қолдириб ўтирди. Светлана хомушлигини сездирмасликка тиришиб, бўш стулга сурилиб, эрининг ёнига ўтирди.

Яхшиликнинг ҳар бир ҳаракатини кўзлари билан суратга олиб турган Шержонов Завмагга қараб сиртидан тиржайса-да, «кет, кўринма» деган ишорат билдириб, кўксига қўйилган бармоғини қайта-қайта эгди.

Яхшилик ўзини хурсанд кўрсатишга қанча уринмасин, барча ҳаракатлари ясама, сохталиги билиниб турарди. Буни фақат Нуржон қария сезмасди. У Яхшилик билан апоқ-чапоқ сўрашиб, танишиб, ўтмишни хотирлади:

— Отанг яхши муҳбир эди, бизнинг овулга бориб, мен тўғримда газетага ҳам ёзганди. Ўша мақоласини кўз қорачигидек эҳтиётлаб, сандиқнинг тагида сақлаб қўйибман. Туз-насиб бўлиб уйга борсанг кўрсатаман, — деди-да, унинг ишларига муваффақиятлар тилади. Кўпчилик у ҳақда яхши фикрда эканлигини айтди, инисини ҳам ҳатлаб кетмай, ўрнини ёшларга бўшатиб бериб, яна нон-туз билан зиёфат қилаётганини айтиб, уни ҳам олқишлади.

Дастурхонда энг камёб коньяк турлари бор эди. Яхшилик уларнинг ҳеч қайсисига эътибор бермай, араққа қўл узатиб, биттасини очди.

— Нуржон ота, сиз учун бир қадаҳ ичйшга тўғри келади.

Қария ичмаса-да, унинг кўнгли учун чойли пиёласи билан чўқиштирди. Шержонов билан Фарида ўзларига француз коньягидан қуйиб, Светланага «ичмайман» деганига қарамасдан унинг олдидаги қадаҳни тўлдирди.

Ҳеч ким қадаҳини тўла ичмади.

Зиёфат жуда совуқ бошланди.

Нуржон қария бундай бой дастурхонга ўрганмаганлиги учунми, унча ёзилиб ўтиролмади, чарчаганини, тўрдаги уйда озгина дам олмоқчи эканлигини айтиб эди, Фарида жой қилиб бериш учун турди. Шержонов уни суяб олиб кетди.

— Сен кечаги лаш-лушларни Завмагга қайтармадинг? — деди Яхшилик Светланага.

Улар кеча аразлашиб қолганларидан буён гаплашмай, бугун собиқ директор чақиргани учун битталарининг келмай қолишини ноқулай ҳисоблаб, бирга чиқишган эди.

— У ҳам эркак одам-ку, аёл кишининг муродига кўнармиди?— деди Светлана.

— Олиб бориб беришинг керак эди.

— Узугини жаҳл устида оловга ташлаган эдим, қутиси ёнди, узуги патир-путир қилиб эриб кетди, ахлатга ташладим. Қўчқор кечаси ечилиб, итлар қувиб кетибди, изламадим...

Бировнинг уйида яна ёғжиллашиб, уришиш ноўрин. Завмағни ўзи уйга чақириб, қизи Ойларга олиб келган кийим-кечакларини қайтариб бергани билан муддао битмайди. Ундай қилсанг, «бриллиант узугимни қўшиб қайтар, қўчқоримни етаклат» деса нима дейди? «Узугинг ўтда ёнди, бриллиант эмас экан», деёлмайди. «Бриллиант бўлганида олар эдинг», деган гап чиқади...

Яхшиликнинг бутун вужуди ёниб, хотинининг қулоқ-чаккасига тортиб юборгиси келса-да, ўзини зўр-базўр тутди.

Меҳмоннинг машқи-шашти пастлигига Шержоёвнинг кўнгли хижил бўлиб, ўрнига қайта ўтирди-да, қадаҳларни тўлдирди. Кейин бамайлихотир гап бошлади.

— Яхшилик иним, бизлар бир отадан икки ўғилмиз. Менинг олтита қизим бор. Олтови ҳам ўз тенгини топиб кетди. Мени «интернационал ота», Фаридани «интернационал она» деса ҳам бўлаверади. Бир қизим украинга, бир қизим молдованга, биттаси арманига, биттаси осетинга, яна бири ўзбекка турмушга чиқди,— деб у хотинига бурилди.— Мен бештасини айтдимми?

— Олтинчиси татарга,— деди Фаридани.

— Ҳа, татарга. Манави янганг: «Мен сенга тегиб, татарнинг олтита қизи бўлиши мумкин бўлган бир оиласига зомин бўлдим», деб биттасини ўзининг уфалик татарларидан бирига берди. Турмушдан нолийдиган ерим йўқ, қизларим жуда ақлли, ҳаммаси ҳам олий маълумот олди. Хат орқали ўзаро келишиб, ҳар йили ёзда бир ой отпусканин ҳаммаси бизникида ўтказишади. Набиралар ҳам бор. Бу йил келишмади. Кўнглингга келмасин-у, мени ишдан бўшагани учун хафа бўлиб юрибди, кўнглига меҳмон сиғадими, деган андишада бўлишса керак. Хафа эмасмиз, деб хат ёзсак, отпускарлари тугаб қолибди.

— Қисқароқ қилиб гапирсанг бўларди,— деди Фаридани.

— Хуллас, бизнинг уйимизни кичкина СССР деса бўлаверади. Чунки фарзандларимиз СССР бўйлаб тарқаган. Улуғ рус тили ниҳоятда бой, қулай тил, унда худди ўз она тилимиздек сўйлашамиз. Баъзилар, одамзоднинг бирлашиши учун дунёда ҳар хил миллатларининг мавжудлиги халақит беради, дейишади. Менингча, бу нотўғри.

Шержонов гапни чўзиб юборгани ҳам майли-я, китобий иборалар билан меҳмонларни зериктириб қўйди. Яхшилиқнинг ёнида ўтирган Светлана кафти билан оғзини тўсиб, ҳомуза тортди. Шержонов буни кўрмаганга олди.

— Бироқ,— деди у, бамаъни гап гапирётганига шубҳа қилмай,— ҳар йили улар йиғилишганида калламга бир ўй келади, ҳеч кимга айта олмайман. Сўнгги гал келишганида куёв болаларимга айтиб эдим, ўзаро тортишиб, миямни қоқиб қўлимга беришди.

Фарида қадаҳдан бўш қўли билан унинг кифтига туртди.

— Ҳозир,— деди-ю, лекин бамайлихотир давом этди.— Аммо бу ўй ўзингга ўхшаган ақлли ёш бошлиқнинг оғзидан чиққанида, балким қулоқ осишармиди.

Яхшилиқ унинг муддаоси нималигини тушунолмаётган эди, назарида ўша «муддаосига» яқинлашиб қолгандай туюлиб, диққат қилиброқ қулоқ берди.

— Сен қандай ўйлайсан, Света келин?— деди Шержонов.

Эри билан ўртада бўлиб ўтган аччиқ-аразни қандай қилиб ўртадан кўтариб юбориш, Завмаг билан гаплашиб, бутун ҳодисани қандай қилиб бости-бости қилиш тўғрисида ўйга чўмиб ўтирган Светлана уйқудан уйғонгандек чўчиб тушди.

— Гапингни тўла айтмай, нимани сўраяпсан сен ўзинг?— деди хотини.— Қани, директор қайним, ичайлик. Сизларнинг қизингиз учун! Бахтли бўлсин!— Фарида ҳеч кимни кутиб ўтирмай, лиқ эткизиб ичиб юборди-да, Светланага ҳам зўрлаб, ёлғиз фарзанди учун ичкизди. Шержонов ўрнидан туриб, Яхшилиқнинг рюмкасига рюмкасини уриштириб, кўтарди. Яхшилиқ безрайиб ўтира олмади, ичди.

— Менинг айтмоқчи бўлаётган гапим мана бундай эди,— деди Шержонов, дастурхондаги ноз-неъматга тегмай, муштини ҳидлаб.

— Ҳозир биз аҳил бўлишимиз керак. Бир ёқадан бош чиқариш — бош вазифамиз. Коммунистик партия бизга ҳамиша шундай таълим бериб келмоқда...

Шержонов шундан кейин чалкашиб кетди, ўзича ақлли гап айтиб, меҳмонларни оғзига қаратмоқчи бўлди шекилли, барчага бир хил ахлоқий тарбия берадиган аллақандай кодекс, жаҳондаги барча одамларга бир хил тушунча, бир хил одоб-ахлоқ ўргатадиган ўқув қуроли яратиш ҳақида алжиди. Ҳар бир халқ ўзининг ёзма адабиётининг бошланиш нуқтасини археологик, топилдиқ тош-

лардаги нақшлар, папирусга ёзилган хатлар, ер остида асрлар бўйи чириб ётган темир-терсақлардаги белгилар, шакллардан излаб ўтирмаслиги ёки сўнгги асрларда қайта кўчирилган китобларга ёпишиб олиб, бундан фалон аср бурун ёзилган деб ўз миллий маданияти, ёзма адабиёти тарихини кўҳна қилиб кўрсатиш учун асрларнинг чуқур қаърига саёҳат қилиб юришининг кераги йўқлиги тўғрисида сафсата сотди.

Табийки, бу пойма-пой гаплар ҳеч кимни қизиқтирмади. Яхшилиқ эса, бу қуруқ, баландпарвоз гаплардан ҳеч нарса тушунмади, зеркиб, сиқилиб ўтирди. Шержонов қизиб олиб, «билимдон»лигини кўрсатиб қўйиш учун яна ўша қуруқ аравани олиб қочди. У ўзича қанча жон куйдириб, ҳеч кимнинг хаёлида йўқ «назарий» фикрларни ўртага ташлар, ёзма адабиётларни «муқаддас» китобларга олиб бориб боғлашга уринар, бундан «илмий» хулосалар чиқармоқчи бўлар эди.

Светлана бошда унинг бу нутқиغا қизиқиб қулоқ солди. Лекин кейин ҳеч нарса тушунмай, кафтини оғзига қилиб, эснади-да, Яхшилиққа кўз қирини ташлади...

Ичкаридан Нуржон қария чиқиб келди.

— Кексаларни кечирасизлар-да,— деди у жойига ўтириб.— Яхшилиқ, ҳали қизимабсизлар-ку, болам?

— Жуда яхши ўтирдик, ота. Энди турсак дегандик...

Завмаг ошхонадан қўйнинг пишган калласини кўтариб чиқиб келди. Светлананинг чиройи очилиб кетди, Яхшилиқ, аксинча, пастга қарамасликка тиришди.

— Каллани отанинг олдиларига қўйинг.

Завмаг иккиланиб уй эгасига қараган эди, у ўзини кўрмаганга олиб, қадаҳларга қуя бошлади. Қария каллани удум бўйича тақсимлаб, қўлини, мойли бармоқларини ялади-да, ўзи емай, лагани бир четга суриб қўйди. Унга ҳеч ким фалон-тугон демади.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди Завмаг, анқовсираб.— Бизда маъмурий органлар ёмон ишлайди-ёв. Худойберган отанинг ўлими сабаби номаълумлигича қолавермаса керак? Бироқ Америкада президентнинг ҳам ўлими номаълум қолаверади-я! Бизда ҳақиқат, поклик, тўғрилиқ ҳукм суради.

— Тост айт!— деди Шержонов унга.

— Мен Нуржон отанинг ҳали узоқ яшаши учун, қизини узатиб, набирасини ўпиб эркалаши учун, ҳурматли меҳмонларимизнинг ўтган куни саккиз ёшга тўлган ойдай сулув, ниҳоятда чаққон, одамгарчилиги баланд, оқила, Ойлар исмли қизларининг бахтли бўлиши учун ичаман!

Яхшилиқ билан Светлана қадаҳларини лабларига ҳам яқинлаштиришмади.

— Раҳмат, Эржон Шержонович, — деди Давлатов, қўларини артиб. — Энди бизларга рухсат, турайлик.

Фарида эшигига парда тортилган уйдан қоғозга ўраб боғланган совға олиб чиқиб, биттасини Светланадининг, иккинчисини Яхшилиқнинг, учинчисини Нуржон отанинг олдига қўйди.

Яхшилиқ олдидаги совғани Нуржон отанинг олдига сурди.

— Ота, буни мен олиб кетмасам уй эгалари хафа бўлишади. Сизга меннинг совғам бўлсин!

— Йўқ, йўқ! — деди Фарида. — У қайнағамга сиғмайди. Бу сизга, инглизларники, сизнинг размерингиз!

Яхшилиқ совғанинг ўрамини ечдирмасдан, унга Светланадиникини ҳам қўшиб Фаридага тутди.

— Қўй сўйиб, иззат қилиб хизмат этганингиз учун миннатдормиз! Бизни олди деб ҳисоблайсиз. Булар энди биздан ўзларингга совға!

Улар уй эгаларининг ёлборишлари, тушунтиришларига ҳам қарамай, эшикка қараб юришди.

Бу орада Давлатовнинг ўткир кўзлари тўрдаги хоналардан биттасига ўтиб бораётган Далибой Султоновни таниб қолди, лекин тўхтамади.

* * *

Улар Шержоновичидан тотув эр-хотинга ўхшаб чиққан бўлишса ҳам, уйларига худди бир-бирини танимайдиган одамлардай бўлиб кириб боришди. Ёлғиз ўзи телевизорга тикилиб ўтирган қизи Ойлар аввал опасининг олдига кирди, у ердан югуриб чиқиб, индамай кириб бораётган дадасининг орқасидан тўнғиллади:

— Феодал папа!

Яхшилиқ унинг гапига парво қилмай уйига кириб, ечинмасдан каравотига чўзилди.

Уйлигини кийиб, қўлида альбом, Светлана кирди, чироқни ёқди-да, унинг каравоти четига омонатгина ўтирди. Эр-хотин ўртасида сал тушунмовчилик пайдо бўлиб қолса, иккови ана шу альбомни варақлашар эди. Альбомда уларнинг турмуш қургунга қадар бир-бирларига хатлари тикилган, суратлари ёпиштирилганди.

Светлана альбомни эрининг кўкрагига қўйиб, билмай қилиб қўйган ишлари учун кечирим сўради.

Яхшилиқ унга ўгирилиб қаради, кўкрагидаги альбомни ушламади ҳам, тепага қараб ётаверди.

— Энди Завмагга нима деймиз? «Узугинг бриллиант

эмас экан, шунинг учун ўтга ташлаб юборилди», деймизми? «Қўчқоринг сузагон экан, ўзи қочиб кетди», деймизми? Яхши, қўчқор ҳеч гап эмас, сотиб олиб берсак бўлади. Лекин узук-чи! Асл бриллиант олиб бериш керак. Ундай пул йўқ-ку бизда босиб қўйган.

Светлананинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

Яхшилиқнинг унга раҳми келди, лекин бир нарса деб юпатишга эркаклик иззат-нафси йўл қўймай, тескари ўгирилди-да, кўкрагидаги альбомни олиб, қоқ ўртасини очди.

«Кундуз қуёшим, оқшомда ойим, Света! Сени жонимдан ортиқ севаман. Мен учун сен кўзларимнинг қорачиғидай азизсан. Менинг оламга қараб, уни кўрадиган ойнагимсан! Бутун жаҳонни фақат сен орқалигина кўраман...»

«Яхшилиқ! Мени жонимдан ортиқ севишингга ишонаман. Бироқ кўзларингнинг қорачиғи бўлишни хоҳламайман. Ер юзида нечта одам бўлса, дунёга баҳо берувчи шунча турли кўз бор. Менга сенинг ўз кўзларинг ёқади, дунёга сенинг ўз баҳонг ёқади, дунёда ҳеч такрорланмас одам бўлиб яшашинг ёқади. Бир вақтлари бир нарсага икковимиз икки хил қараб қоламиз, деб қўрқма. Битта-мизнинг қандай кўришимизни иккинчимиз тўғри тушунимиз — ҳаётимиз учун шу кифоя...»

Яхшилиқ яна бир саҳифани очди.

...«Ёруғ юлдузим Света! Мендан анча ёшсан, шунда ҳам мендан ақллисан! Бу дунёда иккинчи марта яшаётган онадай фаросатлилигинг, ҳаёт ҳақидаги фалсафий тушунчаларинг ғоят теран... Ёқади. Бир-биримизни йиғлатмайлик, шунга мен ишонаман. Мабодо янглишиб ранжитиб-койитгудек бўлсак, сени эмас, ўзимни айблайман. Чунки сен мени ноҳақ ранжитмайсан!...»

«Света! Ростини айтсам, саккиз ёшимдан кейин меҳрга ёлчиган эмасман. Узимча тўйиб овқат ҳам емаганман. Севганингга ишондим. Бу дунёдан кўз юмгунча сени кўз қорачиғим деб биламан. Икки етим бир оила қурайлик. Тенгдошларинг қатори қимматбаҳо кийимларинг йўқлигига ўксинма. Уксинма! Менинг ҳам устимдаги кийимимдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Келажагимга ишонаман! Сен ўз тенгдошларинг ичида энг бахтли хотин бўласан. Ҳали сени шундай кийинтирайки, кўрганларнинг оғзи очилиб қолсин, сен менинг бахтимсан, сен менинг одамларнинг яхши томонларини кўрсатадиган кўз нурымсан!»

Эшик тақиллади. Светлапа индамай ўрнидан туриб чиққан эди, Фарида экан. Қўлида қоғозга ўроғлиқ иккита нарса.

— Света,— деди у шивирлаб.— Сизларга одамларнинг кўз олдида сарпа ёйиб, уятга қолдирибмиз. Совхоздаги янги одамларсиз, бир томони, ёшсизлар ҳали. Буларни ол. Сенга уч кўйлақлик материал бор. Уч жуфт туфли, учови ҳам импортний.

Светлана уни ёқтирмай:

— Керак эмас, опа,— деди. Унинг қайтиб кириб кетмоқчи бўлганини сезган Фарида дабдурустан ялинишга ўтди.

— Айланай синглим. Эржон оғанг директор бўлганида мен сендан ҳам ёш келинчак эдим. Эл олиб келган нарсани олмасам, ёмон бўлишини мен ҳам кейин тушундим. Шу йўл билан халққа яқинлашасизлар-да, ахир. Эржон оғанг бундан кейин Яхшилик билан дўстлашиб кетади. Ўзинг биласан, эркакларни биз аёллар йўлга солишимиз, бир-бирига яқинлаштиришимиз керак.

Светлананинг кўнглини эритолмаганини сезган Фарида аста-аста қистай бошлади:

— Ол, синглим. Бу халқимизнинг қадимги одати. Эрларимизнинг миллий удумларини қувватламасанг, халқ бизни масхара қилади. Рост, шундай, синглим. Қорақалпоқлар меҳмон худодан бир ёш кичик, дейди. Олмасанг, бизнинг ўчоғимизга худо туфурган бўлади. Илойим бир умр бахтли бўлинглар. Яхшиликнинг мартабаси ошаверсин, қизларингиз Ойларнинг орзу-ҳавасларини кўринглар.

Хаёл суриб, нима қилишини билмай, пастга қараб турган Светлана бир оз юмшаб, бошини кўтарди.

— Майли, Фарида опа, менга атаганингизни олсам олақолай. Яхшиликқа атаганингизни олиб кетаверинг, у эшитса баттар ғазабланади.

— Уникини ҳам олавер, орадан икки-уч ой ўтгандан кейин ўзинг сотиб олган бўлиб кийдирарсан. Хотинларда эркакларидан зиёд бир буклам сир юриши керак-ку, ахир. Сени Нишон Нажимовнинг хотинидан камчилик еринг борми? У ҳатто материалларнинг рангига, сифатига қараб довлашади-ю!

— Фарида опа, Яхшиликқа тегишлисини қайтиб олиб кетаверинг. Ололмайман, олсам яна уришади.

— Майли, сақлаб қўяман.

Светлана ошхонадаги ойнанинг олдига бориб, қоғознинг ичини очди, ҳар бир кўйлақликни кифтига бир-бир ташлаб, жилмайиб турди-да, дарҳол йиғиштириб, тумбочкага тикди.

У ўзининг очкўзлиги билан уч турли чет эл матосини эмас, эрининг доғсиз юзига яна уч турли чет эл қора бўёғини чаплаётганини фаҳмламай, унинг олдига кириб, ка-

равотининг четига қайта ўтириб, қалин сочларини бармоқлари билан таради.

— Кечир, жоним, етимликдан, етишмовчиликдан энди гина қутулиб келаётибмиз-ку, ахир!

Бу унинг эрини биринчи марта алдаб, ундан сир яшириши эди. Пешонасида мунчоқ-мунчоқ тер резаланди.

Яхшилик унга альбомни қайтариб берди-да, қайтатдан ётиш учун бошини кўтарди.

13

Яхшилик Давлатов йиғим-теримга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрганига қарамай, ҳали чала ишлари кўпга ўхшар, ўз ишидан ўзи қаноатланмасди. Нега экани фақат ўзига аён.

Унинг унча кайфияти бўлмай азонда Мамутовнинг кабинетига кирган эди, партком бир неча ёш механизаторлар билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Директорни кўриб, механизаторлар бараварига ўринларидан туришди. Мамутов ҳам турди.

— Утираверинглар!— деб Давлатов Султоннинг қўлини қисиб, юқорига ўтди.

— Уртоқларнинг ҳаммаси ҳам кейинги янгиликлардан хурсанд,— деб хабар берди Мамутов.

Партком секретарининг нима ҳақда гапираётганини директор олдин тушуниб олсин дедими:

— Экинзорлар тўғри ўлчанди,— деди Султон.— Бизлар олдин ишлов бериш пайтида қанча кўп ишласак ҳам, камайтириб ёзилар эди.

— Нега?— деди директор.

— Сифатсиз деб қисқартириларди,— деб жавоб берди Шамшод.

— Ҳар қалай баҳона топиларди,— деб ғўлдиради яна биттаси.— Энди қанча ерга ишлов берсак; шу ёзилади.

Яхшиликнинг кўнгли бир оз кўтарилиб, Мамутовга мамнунлик билан қаради.

— Яхшилик Давлатович,— деди партком секретари.— Йиғим-терим ишларини ёғингарчиликка қолдирмаслик учун социалистик мажбурият тайёрлаяпмиз.

— Яхши, муваффақият тилайман,— деб директор ўрnidан турди.— Мен ҳам шу масала юзасидан маслаҳатлашгани келган эдим.

У эшикни ташқаридан ёпгунча механизаторлар яна ўринларидан туришди.

Давлатовнинг кабинетида Шержонов билан икки нотаниш одам кутиб ўтиришган экан. Биттаси — мўйловдор,

новча, ўсиқ сочлари жингалак чиройли йигит, иккинчиси — сарғишдан келган, чағир кўзли, қотма. Шержонов ҳар кунгига қараганда эркин ва хўжайинга ўхшаброқ бемалол ўтирибди. Давлатов улар билан саломлашиб, тўрга, ўз ўрнига ўтиб ўтирди.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди Шержонов,— кечикишга ўрганиб қоляпсизми. Хў-ўш. Бу йигитлар Тошкентдан, лойиҳалаш институтидан. Йил бошида келишиб, совхознинг янги марказини лойиҳалашга келишиб кетишган эди. Азаматлар ишни битиришибди.

Мўйловдор, сочи жингалак йигит Давлатовнинг қўлига карнай қилиб ўралган қоғозни тутқазди. У қоғозни қўлига олди-да, ўровини ёзиб, стол устига қўйди.

Яхшилиқ бундай қурилиш лойиҳаларини тузишда кўп иштирок этган, ўзи ҳам чизганди. Шунинг учун чизмаларга тушуниши унчалик қийин бўлмади.

— Демак, совхоз ишчиларининг уйи шаҳарликларнинг уйларига ўхшар экан,— деди у чизмалардан кўзини олмай.

— Албатта,— деди Шержонов, лойиҳачилар учун жавоб бериб.— Шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқ бўлмаслиги лозим.

— Шундай,— деди сарғиш, чағир кўзли йигит.— Эржон Шержонович ўз вақтида шундай маслаҳат берганлар.

— Бахтга қарши, кўп нарса унутилибди,— деди Давлатов, лойиҳадан ҳамон бошини кўтармай.

Лойиҳачилар уни ўраб олишди. Шержондв Давлатовга олайди:

— Масалап?

Яхшилиқнинг икки кўзи ҳали лойиҳада эди, ўша ҳолатини бузмай Шержоновнинг «масалан»ига жавоб қилди:

— Бу лойиҳа бўйича ҳар бир хўжаликка қолдирилган томорқа ўша оиланинг машинаси учун гараж қуришга зўрга етади.

— Нима, сизнингча, деҳқонлар помешчикка айлануви керакми?— деди Шержонов жаҳл билан.

— Олти-етти сотих ер деҳқонга кўплик қилмайди ва уни помешчикка ҳам айлантирмайди,— деди Яхшилиқ қатъий қилиб.— Агар қийин бўлмаса, ўртоқлар, ҳар бир оиланинг молхонаси бўлишини назарда тутинглар! Совхоз марказида уй ҳайвонлари подаси ўтадиган кенг йўл бўлиши керак. Йўл атрофи чанг тутадиган қатор теракзордан иборат бўлсин. Бундан ташқари, ҳар бир оиланинг икки-уч сотих иссиқхонаси бўлишини ҳам ҳисобга олинглар!

— Бу қўшимча ҳақ тўлашни талаб этади,— деди мўйловдор йнгит.

— Социализмда меҳнат ўз баҳосини топади,— деб Яхшилиқ мийиғида кулди-да, лойиҳани қайта карнай қилиб ўради.

Шержоновнинг юзидан қон қочиб, титраб кетди, наза-рида уни еб юборадиган баҳайбат кимсага айланди. Лойиҳачилар вазиятга тушуниб, маслаҳатлашиб олишгандан сўнг яна кўришишларини айтиб, чиқиб кетишди.

— Менинг ишимни бузиш касалингни ташла, бола. Бу нима қилганинг?— деди Шержонов жиртак отиб.

— Қишлоқдагиларнинг уй-жойларини кўрганда шаҳарликларнинг ҳаваси келиб, ишқибоз бўлиб қолишсин.

— Тушунмадим.

— Сабзавот, мева ва полиз экинлари маҳсулотлари учун деҳқонни дўконга югуртириш шарт эмас. Хонадонда сигир бўлса, сут-қатиқ сотиб оладиган битта онла камайибгина қолмай, шаҳарга сут сотадиган битта онла ортади.

— Давлат ерини талон-торож этишга ким йўл қўяди?

— Ҳеч ким. Аммо бу хатолик ортиқча центнер учун баҳорги экиш пайтида йўл қўйилган хатолик олдида ҳеч гап эмас.

Шержоновнинг юзи кўкариб, ўрнидан сакраб туриб кетди.

— Сен, Давлатов, муз остидан оққан сувга ўхшайсан, ичингда нима борлигини билиб бўлмайди! Бунақада кўп хатоларга йўл қўясан.

— Ҳозирча йўл қўяётганим йўқ чоғи!

— Яхши ишлаган бошлиққина хатоликнинг нима эканини тушунади. Ноҳақликни сезишинг учун эса ўзинг ҳақ бўлишинг шарт!

Яхшилиқ баҳслашиб ўтирмай, столи устида очиқ ётган бугунги почтани индамай кўра бошлади.

— Ҳали ғўрсан, Давлатов! Бу дунёда яшаш икки нарсадан иборат. Биринчиси, дўстлар билан яшаш. Иккинчиси, дўст орттириш иштиёқида яшаш. Сенда иккови ҳам йўқ. Кеча бизникида мулойим эдинг, қачонгача сени овқатга тўйдириб, кейин яхши сўз кутамиз.

Яхшилиқ бошини кўтариб унга ғазаб билан шундай назар ташладики, Шержонов қочгани ковак тополмай, эшик томон йўрғалаб қолди.

— Пес одам экансиз!— деди Яхшилиқ жаҳлига чидамай.— Меҳмонга чақириб, берган овқатини мишпат қилган одамни биринчи кўришим.

Шержонов селкиллаб кулди.

Яхшилик жаҳл устида қаттиқ гап айтиб юборганини тушунди, бироқ айтилган гап, отилган ўқ, қайтариб бўлмайд.

— Давлатов,— деди Шержонов, эшикда бир лаҳза тўхтаб.— Мен жуда сабр-тоқатлиман. Агар менинг ичимдаги снаряд ёрилса, осмонга учиб кетасан!

У чиқиб кетиши билан планлаштириш бўлими бошлиғи гапириб кириб келди:

— Яхшилик Давлатович, сиз берган рақамларни яхшилаб ҳисоблаб чиқдим. Чорвачиликда бир гектар яйлов бир юз саксон сўмлик даромад беради, бир бош сигирни асраш учун бир ярим гектар ер керак.

Ҳамон жаҳлини босолмай, ҳансираганча тикка турган Яхшилик аста-секин чўкди.

— Юсуф Абдуллаевич, яна ёзиб олинг. Бутун шолিপояларни иккинчи марта текислаб экишнинг харажатларини планлаштинг. Ҳажми кичкина далаларни трактор ҳар йили ҳар томонга айланиб ҳайдай оладиган даражада кенгайтириш харажатларини ҳам ҳисоблаб чиқинг.

— Ортиқча харажат.

— Ҳисоблайверинг. Бизда ер рельефи бошқача, экин майдонлари иккинчи йили текисланса, ҳосил ҳозиргисидан бир ярим, икки баробар кўпаяди. Агар ер кенг бўлиб, трактор ҳар тарафлама ҳайдаса, экин майдони тез-тез алмашлашни талаб этмайди, демак, бунда ҳам кўп иқтисод мавжуд. Айтмоқчи, келаси йилги пахта майдонини озайтириб, шолини кўпайтириб план тузиш керак.

— Оҳ-қоо,— деди Юсуф Абдуллаевич ҳайратланиб.— Бу мутлақо мумкин эмас. Юқоридагилар тасдиқламайди.

— Сиз тайёрлаб бераверинг, тегишли ерларга ўзим олиб бораман. Бизнинг ер шаронтимизда пахта гектаридап ўн икки-ўн беш центнердан ортиқ ҳосил бермайди. Бунинг устига бир бригадада ўрта ҳисобда юз гектар ер бўлса, у ўн-ўн беш бўлтак, оралари очиқ, сув йўллари олисдан айланади.

— Совхозимиз пахтадан зарар кўргани билан, қайта ишлашдан мамлакат катта фойда олади.

— Бизда камайтирилган пахта майдонини шарқий районларга ўтказиб, уларнинг шолиторлигини оламиз. Шунда шарқий районлар учун фойда бўлади, биз учун ҳам. Ҳар гектар экинзор совхозимиз учун илгаригидай беш юз-саккиз юз сўм эмас, бир минг уч юз-бир минг беш юз сўм даромад беради. Бизда ҳар бир киши икки-уч гектардан ортиқ ерни уддалаёлмайди.

Юсуф Абдуллаевич директор айтган рақамларни ёзиб олиб, бир оз ўйланиб ўтирди-да:

— Шундай қилсак, ариқ қазишдан ҳам кўп иқтисод бўлар эди,— деди кўзойнакларини алмаштириб.— Аввало юқоридагилар билан маслаҳатлашиб олсангиз, тузган планимизни яна қайта тузиб юрмасдик.

— Қайта тузмайсиз. Керак бўлса бухгалтериядан ёрдамчилар қўшиб бердираман.

Юсуф Абдуллаевич бўлими уддалашини айтиб чиқиб кетаётганида, секретарь қиз телеграмма олиб кирди.

— Ошиғич!— деди у телеграммани директорнинг олдига қўйиб. Яхшилиқ ўқиди.

«Учинчи квартал учун сут топширишни нега сусайтирясиз. Бир ҳафта ичида план бажарилсин, рапорт кутаман, Нажимов».

У телеграммага энгашганича бошини кўтармади: кварталнинг икки ойида ўттиз фоизга зўрға етган план бир ҳафтада қандай бажарилади? Яширин сут ҳовузимиз борми? Бор сигирлар соғилмоқда, ҳатто ишчиларнинг хусусий моллари сўтини ҳам олишга рухсат этилди...

Телефон жиринглади.

— Яхшилиқ Давлатович!— Нажимовнинг сал ингичкадан келган заифона овози ғазабнок эшитилди.— Телеграммани олдингизми?

— Олдим!

— Сут топшириш суръатини нега кучайтирмайсиз? Нега? Нега, ахир?! Яхшиям Шержонов гўшт топшириш йиллик планини ярим йилда бажариб қўйгани. Бугунги аҳволда сен бу муҳим соҳа бўйича районнинг юзини ерга қаратиб қўйишнинг турган гап эди. Биласанми, халққа гўшт керак, сут керак, қатиқ, қаймоқ, мой керак. Сут топширишни тезлатиш учун совхоз партия комитетининг бюро аъзоларидан тўла фойдаланиш лозим. Ўзинг билмасанг, билганлардан ўрган. Бу ишни Шержоновга топшир!

— У сабзавотда...

— Бутун бир совхозни чорак аср давомида бошқариб келган одам бугунга келиб, сабзавот билан сутни бажаришни уддалай олмас эканми? Райкомнинг айтганини қил. Бир ҳафтанинг ичида рапорт бўлмаса, партбилет билан жавоб берасан!

Нишон Нажимов унинг арзи-ҳолини эшитгиси келмай, трубкани қўйиб қўйди.

Яхшилиқнинг пешонаси жиққа терлаб, секретари орқали Шержоновни чақиртиргиси келиб турди-ю, лекин ўзи чиқди. Партком секретари икковлари даҳлизда механизаторлар орасида туришган экан.

— Битирдингизларми?— деб сўради директор уларга яқинлашиб.

— Битирдик, ҳаммаси ҳам янги мажбуриятга қўл қўйди,— деди мамнунлик билан Мамутов.

Яхшилик телеграммани Шержоновга тутқизди. У ўқиб кўриб, ҳалиги жаҳлини унутган вазмин қиёфада директорга қаради.

— Бу соҳани ҳам гарданингизга оласиз,— деди директор.

— Сабзавот, полиз экинлари нима бўлади?

— Нишон Нажимовнинг илтимоси.

— Майли,— деди Шержонов энди иккиланмай.— Буларни ташийдиганларни ўзим белгилайман.

Яхшилик уни маъқуллаб бош ирғади-да, тўпирлашиб чиқиб бораётган ёш механизаторларнинг ҳар бири билан қўл қисишиб, муваффақиятлар тилаб, кабинетига қайтди. Орқасидан Шержонов кирди. Унинг юзидан ташвиш излари йўқолган, чиройи очиқ, ҳатто хушчақчақ эди.

— Яхшилик, иним,— деди у жуда мулойимлик билан директорнинг рўпарасидаги юмшоқ креслога чўкиб ўтираркан.— Кейинги пайтда салга қизишиб кетадиган бўлиб қолдим. Кечир. Ишчанликда, ҳалолликда беминнатсан. Ўз онанг муштини олисдан силтаса ҳам, қаттиқ урмайди. Нажимов ҳам шундай йигит, қаттиқ койийди-ю, лекин жазолашга келганда шафқат қилади. Шу районда бирон хонадоннинг бошига хафалик келса, у хафа. Ҳа. Жаҳл устида оғзимдан чиқиб кетгани бўлмаса, менинг ичимда сенга қарши снаряд уёқда турсин, ақалли жиндак ғараз ҳам йўқ. Сенга фақат яхшиликни ўйлайман, сен ҳам менга яхшиликни ўйлайсан, сабаби, отинг Яхшилик.

Шержонов ҳалигача бундай қилиб кечирим сўраб, ювошланмаган эди, Яхшилик буни, «довул олдидаги сокинлик бўлмасин», деган хаёлга борса ҳам, бундай ёмон хаёл бошига келгани учун ичида ўзини ўзи айблаб, жилмайиб, унга қулоқ тутди.

— Кеча сизларни кузатганимдан кейин туни билан киприк қоқмай, сен тўғрингда, Орол ҳақида кўп ўйлادим. Олдин Орол ҳақида. Оролнинг аҳволи ёмон. Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарларга совға қилиб олиб борилса манзур бўладиган сувон балиқ йўқ бўлиб кетишга келди. Аму суви камайиб кетганига Қорақум канали сабаб бўлганлиги сўзсиз. Қорақум канали тўғонини бойлатишни Марказий Комитет олдига масала қилиб қўй. Шарифанинг Александров деган одам билан ҳамкорликда ёзган мақоласини ўқидим кеча. Қорақум каналининг кўп суви қумга бефойда сингиб кетаётган экан. Шу масалани сен кўтарсанг, обрў-эътиборинг ортар эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон уёқда турсин, бутун СССРда шухрат қозонар-

динг! Ҳа! Үз вақтида мен ҳам масала кўтарганман. Унда Бош Туркман канали деган оти бор эди. Тўғони бизнинг территорияда эди. У пайт оғир йиллар эди, шунда ҳам кўрқмай айтган эдим. Шахса сифинишининг нима эканлигини ўзинг биласан-ку... Сенга шуҳрат олиб берадиган иккинчи нарса, кечаги мен айтган масала, яъни кодекс, барчага бир хил ахлоқий тарбия берадиган дарслик. Бу масалани Нажимовга айтмоқчи эдим, у ўта ҳушёр коммунист. Ўзим кўтариб чиқай десам, ёшим ўтган. Қариганда соз ўрганиб, ўлганимда чаламанми? Учинчи маслаҳатим фақат ўзингга тегишли. Сен Шарқ киши-сисан! Ҳа. Ишчан, ақлли отага сирлашадиган ўғил керак. Ўғил сен улғурмаган ишингни давом эттиради. Қизга ишонма, қиз бола бировнинг хасми, бизникига бориб кўрдинг-ку ўзинг. Чолу кампир сўппайиб қолдик. Ақллисан, ёшсан, билимдонсан. Ўзинг биласан, халқимизнинг сони озлигининг кўрқинчли жойи йўқ. Улуғ оила — СССРнинг кичик бир фарзандимиз, яъни ўз эрки ўзида бир оиламиз. Шу туфайли бахтлимиз, сабаби, бизни ҳеч ким куткиламайди, камситмайди. Шундай бўлса-да, Шарқ кишисига ўғил керак, ўғил!

Яхшилиқ қанча куч билан ўзини тўхтатишга тиришса-да, ички ҳаяжонларини босишга ожизлик қилди. Қовоғи осилиб, қизишиб гапирди.

— Сизда каллангизга сизмайдиган ортиқча ақл кўпга ўхшайди, бироқ ҳаммаси ифлос булоқдан чиқаётган сувдек лойқа. Сиз ўртоқ Нажимовни ҳам ҳимоя қилиб, ҳаммавақт яхши кўриб гапирасиз, лекин ўз ақлингизга ўзингиз ишонмайсиз. Нажимовни чинакам яхши кўрмай мақтайсиз. Булар сизга нега керак бўлиб қолди?

У Яхшилиқнинг бетига тикка қаролмай, дами ичига тушиб кетгандай бир муддат индамай турди-да:

— Мен топшириқларингни бажаргани кетдим, иним. Бош инженерга ўзинг эслатиб қўй, мен хоҳлаган аравакашлар ва шофёрларни берсин,— деди. У Яхшилиқда шубҳа пайдо бўлганини сизди.— Амалдан бўшамагин экан, бўшасанг, кўнишдан бўлак иложинг йўқ экан. Олдин ҳар бир гапингга «лаббай!» деб юрганлар қаршилиқ қилса, ичинг куяр экан. Шунинг учун иккинчи илтимосим — соғувчилар учун кассадан пул олишга рухсат бер, сут соғувчиларга олдиндан аванс берсанг рағбат билан ишлашади.

— Яхши.

Яхшилиқ Давлатов тушликка келса, Светлана шавла қилиб, энди лаганга сузаётган экан. У эрталаб азонда район марказидаги колхоз бозоридан керакли майда-чуйда олиб келаман деган эди, улгурганига ҳайрон қолди, бироқ сўрамади.

Светлана эрини эрталабкидан бирмунча юмшагандай ҳис қилиб, ёнига бориб елкама-елка ўтирди.

— Бугун Ойлар икковимиз бозорда бир ажойиб нарсага дуч келдик,— деди у лагандаги шавлани қошиқнинг орқаси билан ёйиб.— Катта тўрхалтани сабзи, пиёз, картошкага тўлдириб бозордан чиқиб бораётгандик, катта сават кўтарган бир киши бизга келиб туртилиб кетди.

— Мастми?— деди Яхшилиқ бепарволик билан.

— Хаёл суриб келаётган бўлса керак.

— Ёзувчи ёки бирон бир илмий ходимдир-да?

— Ёзувчи билан илмий ходимлардан бошқалар хаёл суриб юрмайдими? Мен ҳам хаёл суриб келаётгандим.

— Яхшиям икковларинг машина бўлмагансизлар,— деди Яхшилиқ совуққина қилиб.

— Машина авариясидан кам бўлмади буям,— деди Светлана кулиб.— Менинг тўрхалтам қўлимдан чиқиб кетиб, картошкам тўкилди. У сабзи олиб келаётган экан, савати қўлидан тушиб, ичидагиси сочилиб кетди. Қарасам, у менинг картошкаларимни териб, ўзининг саватига соляпти. Шундан кейин Ойлар икковимиз унинг сабзиларини териб тўрхалтамизга солавердик.

— Мамамдан мен кўп тердим,— деди қизи.— Анов киши менга ўқрайиб қараса ҳам теравердим.

Яхшилиқ қизининг бошини силади.

— Қандай қилиб бунчалик вақтли қайтиб келишга улгурдиларинг?

— Автобус бекатига келган заҳоти орқамиздан Завмаг етиб олди.

— Ҳам олиб бориб, ҳам олиб келиб қўйгандир?— деди Яхшилиқ қўлини артиб.

— Яна шубҳами?

— Света, икковимиз ҳам етиммиз, ҳамма нарсага ўзимиз етишдик, шундай эмасми?

— Шундай.

— Шундай бўлса ортиқча дунё йиғишга интилишнинг нима кераги бор? Тирикчилигимизни ўтказиб туришга қурбимиз келиб турибди, касал бўлсак, бюллетень беришади. Ойлар ҳам сен билан мендек ўз кунини ўзи кўради. Уҳҳ, Света, сен менинг ёруғ оламга қарайдиган кўзларимга қорачиқ эдинг, унга «гул» тушира бошладинг.

— Яна ўша гапни қўзгадинг.

— Мен Завмагнинг нима олиб келганини бўйнимга олиб, парткомга ариза бериш ниятида юрибман. Коммунистлар билиб қўйишсин. Ҳар ким ўз виждонига доғ туширмаслиги лозим.

— Ҳозир қонун бўйича пора берган ҳам, олган ҳам тенг жазоланади. Завмаг учун мени ҳам қаматмоқчимисан?

Яхшилиқ оғир хўрсинди.

Светлана гапирмади, ўрнидан туриб кетди.

Яхшилиқ қизининг пешонасидан ўпди-да, орқасидан астагина тўрдаги хонага итариб, пиёладаги совиб қолган чойни симириди. Чиқиб кетаётиб, ошхонада кўзларида ёш филқиллаб, қозон-товоқ юваётган хотинини кўрди-да, меҳри товланиб елкасидан қучди. Унинг танаси қимирламай қолди. У ташқарида шофёрини ўн минут чамаси кутди. Одатда Райимбой эртароқ келар эди, кечикиб қолганидан уялиб, ер остидан директорга кўз ташлаб, кўнгли эрталабкидан жароҳатли кўринди кўзига. Шунинг учун кечирим сўраш ҳам ярани тирнагандай бўлишини туйди.

— Фермага!— деди у машинага ўтириши билан.

Шофёр ора-сира олдинги кичкина ойнадан директорнинг авзойига қараб-қараб қўяди. Ҳамон қовоғи солиқ. Ҳаво етмай бўғилган каби ютоқиб нафас олади. Юрак сиқилиш касалига мубтало бўлмаганмикан?

Тоза ҳаводан нафас олсин деган хаёл билан у олдинги ўнг томон эшигининг ойнасини туширди.

— Райимбой, неча фарзандинг бор?

— Тўртта.

— Нечтаси ўғил, нечтаси қиз?

— Теппа-тенг,— деди у фахрланиб.

— Бахтли экансан!

Райимбойнинг тушунчасида совхозда Давлатовдан бахтли одам йўқ эди. Ҳамма салом беради, ҳамма маслаҳат сўрайди. У хоҳлаган одамига яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қила олади.

Бахт ҳар кимнинг тушунчасига кўра ҳар хил. Узини бахтли ҳисоблайдиган одам бўлмаса керак. У нега бугун шофёрининг болалари билан қизиқсиниб қолган экан? Тушуниш қийин. Тушунмаганингдан кейин юпатадиган тасалли бериш ҳам осон эмас.

Яна жимлик чўкди орага.

Яхшилиқнинг юрак-бағри ўбдан ачишиб борарди...

Куз кирди. Энди ҳар бир очиқ кун ғанимат. Фойдаланиб улгуриш керак, бўлмаса, деҳқоннинг тўққиз ойлик меҳнати куяди — пешона тер тўкиб етиштирилган ҳосил ёмғир, қор остида қолади. Бунинг устига кейинги йилларда табиат ҳам ўзгара бошлади. Шунинг учун Амударёнинг қуйнисида яшовчи ҳар бир инсон кузда ўзини энг камда бир ой пахтакор, шоликор деб ҳисоблайди. Олий ва махсус ўқув юртларида, мактабларнинг юқори синфларида ўқув машғулотлари бир ойга тўхтайтиди. Сабзавот ҳамда поллиз экинларининг ҳосилини йиғиштириб олишга ҳам ёрдам берилади.

Туғилган ўлкасининг бундай шароитини жуда яхши биладиган Шарифа Қорақум канали бўйлаб ўтказилган экспедициядан жуда шошилишч қайтди, қарн, мажруҳ отасини деб ошиқди.

Бу ёруғ оламда ёлғизликдан оғир нима бор? Умрингдаги ўкинчларининг ҳаммаси кўз олдинга эласлаб келиб, елкандан босади, ўкинчлар мулоим юк эмас, оғирлигига чидасанг ҳам, юрагинга қадалган тиканақларига чидолмайсан. Қим билсин, қизи билан бирга туриш учун район марказига кўчиб келган қария янги ўкинчлар қуршовида қолдими? Ҳали шаҳар ҳаётини ҳам яхши билмайди. Газ ўчоғдан фойдаланишнинг борди-келдисини ҳам тузук ўрганиб олмаган. Телевизорни штепселга тикаётган пайтда розетка ишляптими деб бармоғини теккизадиган одатини зўрға тарк эттирган эди, эсидан чиқариб қўймаганмикан? Ё деразаларнинг форточкасини ёпиб қўйишни эсидан чиқариб, елвизакда шамоллаб қолмаган бўлсин-да, ишқилиб. Қариган заиф танага ҳар бало ёпишади. Агар бирон ҳодиса бўлса, ёрдам берадиган ҳеч меҳрибони йўқ.

Ёнидаги қўни-қўшнилар ҳам пахтакорларга ё шоликорларга ёрдамга кетиб қолган бўлишса...

Яхшилиқ хабар олдимикан?

Қария укасининг уйига борганида, у билан қандай танишганини айтиб берган эди. Ақалли шу одамгарчилиги учун ора-сира бир келишни, жилла қурса телефон қилишни унутмаган бўлса, яхши бўларди-я! Қария зерикмасди, у бетобланиб қолса, шифохонага ўзи олиб бориб ётқизарди.

Мана шу ўйлар Шарифанинг кўнглини безовта қилиб, уйига жуда шошиб етиб келди. Қелса, ҳаммаси жойида, отаси уй олдидаги қайиқ устига кўрпача тўшаб, офтобрўяда қўшни чол билан суҳбатлашиб ўтирибди.

Урта Осиёдаги энг иссиқ ер — Қорақум бўйлаб экспедициядан қайтиб келган Шарифа қуёшда куйиб қоп-қора бўлиб кетган эди. Қариялар то олдиларига бориб салом бермагунича уни танишмади.

Ота билан қизининг соғинчли учрашувларини кузатиб туриб кўнгли бўшашиб кетган қўшни қария Шарифани жуда яхши кўриб қолди.

— Раҳмат, қизим! — деди у. — Отани шундай ҳурмат қилиш керак. Энди шу ернинг ўзида менинг икки-уч саволимга жавоб бер, шундан кейин уйингга чиқиб кетарсан.

Икки қариянинг ўртасида титилиб кетган эски журналлар, газеталар чочилиб ётарди. Шарифа жилмайди.

— Ота, сиз жуда кўп нарса ўқийсиз, жавоб бера олсам, майли, сўранг.

— Қорақум канали туркманларнинг минг-минг йиллик орзу-армони эди, ҳозир кайфиятлари қалай?

— Қорақумни ёриб сув олиб борган Совет Ҳукуматидан миннатдор бўлмаган одам йўқ.

— Йўқ нарса бирдан кўлайиб кетса, қадрини йўқотадиган ҳоллар ҳам бўлади. Мана шу ётган газеталардан Қорақум каналида секундига олтмиш беш-етмиш кубметр сув қумга сингади ва буғланади, деган хабар ўқиган эдим.

— Бу олдинги йиллардаги рақамлар. Ҳозир секундига қирқ-эллик кубметр сув бекорга кетяпти. Қумларнинг ораларида майда кўллар, ботқоқликлар пайдо бўлган.

— Унда сув олишга олдиндан яхши тайёргарлик кўрилмаган.

— Академик Александров ҳам шу фикрни айтди. У, агар Урта Осиёга Сибирь дарёларининг сувини олиб келиш ишлари бошланса, сувни қабул қилиш учун тайёргарлик ҳам бирга бошлаб юборилиши керак, дейди.

— Оролга ҳозир қанча сув қуйилиб турибди, қизим?

— Оролга қуйилиб турган сувнинг миқдори ҳар йили буғланадиган сувнинг миқдоридан ўттиз-қирқ фоиз кам.

— Раҳмат, қизим, энди боравер.

— Юринг, отахон, Гўна Урганчдан кунжутмой олиб келдим, палов қилиб бераман.

— Балли-е кунжутмой чиқараётган ўша туркманларга, уларга миндан-минг раҳмат! Яқинда набираларимни болабоғчага жойлашган эди, уларни олиб кела қолай, кейин кирарман.

Ота-бола уйларига чиққандан кейин ҳам бир-бирларига тўйишмай, қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрашди.

— Ҳайтовур, унча зерикиб қолмадингизми, ота? Эржон оға келиб турдимми?

— Яхшилиқ Давлатов яхши йигит экан, сен йўқ пайтингда уч марта қўнғироқ қилди,— деди қария.

Шарифа худди мана шу хабарни эшитмоқчи эди, отасини кучоқлаб ўпиб олгиси келди.

— Ота, кунжутмой паловига яна кимни чақирсак экан?

— Эржон билан Яхшилиқни чақирсак бўларди, лекин улар бир-бирларини яхши кўришмас экан. Одам қадрини биладиган Яхшилиқ кела қолсин.

— Унда ўзингиз чақиринг, ота,— деб Шарифа кийимларини алмаштириб, ювиниб, ошхонага кириб кетди. Бу орада ён томондаги оқ телефон аппарати жиринглаб қолди. Шарифанинг юраги ногоҳ уриб кетди, «Яхшилиқми-кан?» деган умидда трубкани кўтарган заҳоти аёл кишининг овози эшитилди:

— Шарифа Шержонова,— деди у.— Бу Нишон Нажимовнинг қабулхонасидан. Сиз билан у танҳо гаплашмоқчи эди, шошилинч ишлар чиқиб қолиб, совхозларга кетди. Менга тайинлаб кетган гапларини сизга етказмоқчиман.

Ўзи деб тушунинг.

Шарифанинг юраги ҳовлиқинқираб, кўзларига тушган сочларини бир қўли билан юқорига силаб қўйди.

— Шарифа Шержонова, экспедиция муваффақиятли тугалланган бўлиши керак, Орол бўйида кўрганданоқ сизнинг эридуциянгизга, камтарлигингизга обком секретари катта баҳо бериб кетибди. Районимиз марказидан сиздек истеъдодли, ғайратли, билимдон илмий ходимга уй бергани учун Нажимов хурсанд. Район меҳнаткашларининг тақдирига тегишли энг оғир юмушлар билан доимо банд бўлиш баъзан одамни дўст-ёрларидан жудо қилар экан, ҳурматли Нажимов сиз билан тез-тез учрашиб ё бўлмаса телефонда гаплашиб туришга сира фурсат топмайди. Шунини эслатиб қўй, дедилар менга.

— Айтиб қўясиз, нияти учун раҳмат. Ундай ишбоши одамга гоҳ-гоҳ ўзимиз салом бериб туришимиз керак.

Одамлар билан ишлашнинг ўзи бўлмайди. «Ҳар ким ўзига хон, кўланкаси майдон, шоирларнинг сўзи билан айтганда, ҳар бир одам ўз олдига бир сирли одам!»— деб тушунади у.

— Одамларнинг ҳолидан хабар олиб туришини айтмайсизми. Ҳар ким ҳам урдасидан чиқавермайди бунини.

— Ростдан ҳам шундай. Ҳозирги лавозимига боғлиқ ўлароқ республика партия Марказий Комитетида унга, «ҳар бир одам бу дунёнинг кўз қорачиғи, олам ўзига ҳам,

бошқаларга ҳам шу кўз билан қарайди, шу кўзнинг ҳар бири учун партия жавобгар», дейишган экан. Бу ғоятда яхши баҳо деб, райондаги ҳар бир кишини кўзнинг қорачиги деб билади. Унча-мунча енгил-елпи хатолар учун ҳеч кимни жазоламайди. ГАИ ходимларига, майда-чуйда авариялар учун хусусий машина эгаларини овора-сарсон қилаверманглар, деб қаттиқ тайинлаб қўйибди. Районда қарор топтирилган бундай тартибларга илмий ходимларнинг қарашлари қандай эканлигини сўра, деган эди.

— Мен бу ишларга унча эътибор қилмаган эканман.

— Ҳа, биологсиз-да, шунинг учун қизиқадиған ишингиз бошқача. Ҳурматли Нажимовнинг иши социологлар билан экономистларнинг тадқиқот объекти. Тарихчилар шуғуллансалар, районда жуда кўп янгиликлар юзага келтирилганини дарҳол пайқар эдилар.

— Албатта,— деди Шарифа гапни давом эттириш ёқмай қолган бўлса ҳам.

— Айтмоқчи, Шарифа Шержонова, одам қанча тер тўкиб меҳнат қилса, шунча яхши дам олиши шарт. У сизни шундай ҳордиқ чиқаришга чақирмоқчи эди, лекин бўйдоқлигингизни ўйлаб, буни ўзига эп кўрмади, ноқулай деди. Сезиб турибман, сиз замонавий қизлардансиз, нима дейсиз, денгиз томонларга бир бориб, шамоллаб келасизми?

— Керак эмас.

— Хайр, синглим, уйингизга Яхшилиқ Давлатов келгудек бўлса, райкомга қўнғироқ қилинг, яхшими?

— Агар келса.

— Келишини Нажимов сизларни Орол бўйида самолётдан кўргандан кейин билиб қолган.

Шарифа нима дейишини билмай лол бўлиб, қўлидан трубка тушиб кетди.

Унга энди уйнинг ҳавоси бузилгандек туюлиб, деразаларни очиб юборди. Ташқарида ипақдек майин шабада эсарди. Кўксини тўлдириб-тўлдириб нафас олди. «Бу ким бўлди?»

Қизини соғиниб, ҳамон дийдорига тўймай, четдан кузатиб турган қария унинг авзондан аллақандай хафалик содир бўлганини уқиб, кўнглини кўтариш учун сабзи тўғрашга киришди.

Шарифанинг диққати ошиб кетса-да, яримжон отаси олдида хафалигини кўрсатмасликка тиришар эди, дарҳол ўзини қўлга олиб, ошни бошлаш учун қозонга жувоз мойи қўйди.

— Нуржон!— деб чақириб келди қўшни қария.— Крандан сув ичиб, дўкондан тайёр балиқ сотиб оладиган

ҳозирги ёшлар Амунинг ҳам, Оролнинг ҳам қадрини билишмаса керак деб қўрқар эдим, сенинг қизинг ҳозирги ёшларнинг биттаси-ку, ахир. Ишқилиб кўз тегмасин!

Нуржон қариянинг кўнгли кўтарилиб кетди, унга мулозамат кўрсатиб, тўрга кўрпача солди.

— Ота-боболаримиз, қариндош-ўруғларимиз Оролдан бир умр миннатдор ва қарздор! — деди қўшни қария, юқорига чиқиб ўтираётди. — Шунинг учун невараларимга, мен ўлсам, жасадимни Оролга ташланглар, деб тайинлаб қўйипман. Шунча одамларни тўйдириб келган балиқлар авлоди ҳеч бўлмаса бир одамнинг лошини еб тўйсин!

— Қаёқдаги гапларни топасиз, — деб Нуржон оқсоқол кулди. — Сал сабр қилиб турунг, телефонда Яхшилиқ Давлатовни уйга таклиф қилиб олай.

— «Янгилиқ» совхозининг директорими? Чақир, бир гурунглашиб ўтирайлик. Бугун газетада область бўйича сут топширишнинг бориши ҳақидаги маълумот чиққан экан, у ҳам планни юз қилиб тўлдирибди. Кечагина район газетаси уни пахта, шоли топшириш бўйича энг орқада деб танқид қилган эди.

Чойнак кўтариб, Шарифа кириб келди.

— Қизалоғим, эзма қўшнига учраган эканмиз, деб хафа бўлма. Бизнинг уйда на газет, на китобга қизиқадиган банда бор. Ательенинг директори уйга келса, майда-чуйда чит-газмол модалар ҳақидаги гапдан оғзи бўшамайди, эри бўлса машинасини мақташдан нари ўтмайди. Уйда саводли бир мен, невараларимни боғчага қўйиб келганимдан кейин қиладиган ишим йўқ. Кўп ўқисанг кўп сўроқлар ҳам пайдо бўлавераркан.

— Сўрайверинг, ота.

— Бир илмий ходимнинг ёзганига қараганда, одамзод бизнинг мелодимиз бошида 230 миллион, мингинчи йили 305 миллион, 1800 йилда 952 миллион, 1900 йилда бир миллиард 656 миллион, ҳозир эса тўрт миллиарддан ошган экан. 2000 йилда инсоният олти миллиарддан ошади. Шунча одамга озиқ-овқат учун экин экиш керак, экин экиш учун эса ер керак. Шунинг учун Орол денгизининг ўрнини экин майдонига айлантириш лозим, дебди. Шу фикр тўғрими?

— Асло тўғри эмас, ота! Орол қуриса, ўн икки миллион гектардан зиёд экин майдони ва чорва яйловидан маҳрум бўламиз.

— Ҳа, ақлингга балли, қизим. Орол денгизи қуримасин! Орол сувининг кўклиги Эгей денгизига ўхшар экан. Қомусдан ўқидим.

— Тўғри, Орол ўзига хос денгиз, ота. Ёзи тропикага

ўхшаш, сояда қирқ-қирқ беш даража иссиқ бўлади, қиши салкам қутб қишидек.

— Бахтли бўл, қизим!

Нуржон оқсоқол телефонда гаплашиб бўлиб, бир соатга қолмай Яхшилиқ Давлатов келишини хабар қилди.

Шарифа ўзидаги қувончни сездириб қўймаслик учун ошхонага кириб, ошга уннади.

15

Бу йил куз Яхшилиқ учун имтиҳон кузи. Буни у яхши билади. Тинмай ҳаракат қилади. Эрталаб барвақт туради, кеч ётади. Далаларда етиштирилган ҳосил нобуд қилинмай йиғиштириб олиниб, давлатга топширилиши лозим.

Экин турининг кўплигига ўзи сабабчи. Энди ҳар гектардан унадиган центнернинг миқдори кам бўлгани билан, ялпи ҳосил бўйича план бажарилиши шарт. Шунда олдинги бошлиқларнинг ҳисоби қандайлиги аниқланади.

Йиғим-теримни тезлаштиришнинг бош омили механизаторлар. Шу туфайли уларни моддий рағбатлантириш бўйича директорнинг буйруғи ҳам чиқди. Партком мажлиси илғор механизаторларни партия аъзолигига номзодликка биринчи навбатда қабул этишга қарор қилди. Бундан ташқари, ҳар механизаторнинг ўз устига олган мажбурияти бор. Мана шуларга қарамасдан, ҳеч бир чоратадбир иш бермаётгандай, совхозда ишлар ўлда-жўлда, ҳар ким ўз олдига иш тутган, бош-бошдоқлик ҳукм сурарди.

Бунинг сабаби нимада экан? Ҳар йили терим палласида район бўйича энг илғорлар қаторида номи чиқадиган механизаторлар ҳам бу йил орқада. Сиртдан қараганда ҳаммаси ҳам ўлиб-тирилиб ишлаётганга ўхшайди-ю, лекин кундалик ўсиш кўтарилмайди. Ҳар йили кунга беш-олти тоннадан пахта терадиган механизаторлар энди икки-уч тоннадан оширолмаёпти. Директор ҳайрон. Айрим механизаторлардан сўрайди. Улар жавоб бериш ўрнига қовоқларнинг уюб жўнаб қолишади ёки ўзларини эшитмаганликка солишади. Нима учун? Бу саволга партком секретари ҳам қаноатланарли, жўяли жавоб бера олмайди.

Район партия комитетидан кеча яна телефонограмма олинди. Кундалик ўсишнинг пастлиги учун совхоз партком секретари, директорни энг охириги марта огоҳлантирилибди, уч кун муддат ичнда мавсум бошидан буён йўл

қўйиб келинаётган оқсашга барҳам берилмаса, директор билан партком секретари, ишчилар комитетининг раиси-га қўшиб, бригада бошлиқларининг барчаси бюрога чақиртирилиши, айбдорга энг сўнгги чора кўрилиши эсла-тилибди.

Партком райкомнинг бу телефонограммасини ҳам зудлик билан партком бюросида муҳокама қилиб, тегиш-ли тадбирлар белгилади: энг асосий тадбир — ҳар бир бюро аъзоси икки-уч бригадада бўлиб, бутун меҳнат ресурсларини йиғим-теримни тезлаштиришга қаратишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Давлатов бригадаларга чиқиб кетиш учун азонда соат бешда идорага келса, партком секретари ўрнида ўтирган экан.

— Мамутов, бу қанақаси, шу ерда тунаб қолмадинг-ми ишқилиб? — деди Давлатов кулиб.

— Сендан сал эртaroқ келдим, дўстим. Далада югур-югур билан юрган пайтда баъзи бир аризалар, ахборот-лар қаралмай қолади. Улгуришим керак.

— Светлана икковимизнинг аризамизни унутма.

— Кечир, Яхшилик, мен кўп ўйладим. Завмаг ниҳоят-да ифвогар одам. Тухматчи. Ў айбини бўйинга олиш уёқ-да турсин, директор билан хотини бирлашиб менга туҳ-мат қиляпти, деб ариза бермаган ери қолмайди. Ҳамма босқичларга танда қўйиб югуради. Бунга у олдиндан тай-ёрланиб, Светланаинг соддадиллигидан фойдаланган. Агар у ўшанда, «мана бу узугинг сохта бриллиант», де-ганида ҳам бирон нима ўйлаб топар эди. Узук чинакам бриллиант бўлиб, уни қайтарганда ҳам, «бундай нарса берганим йўқ, ўзларинг туҳмат қиляпсизлар», деб тонар эди. Қизингга атаб олиб борган кўк қўчқорини оқшомда итларга қувлатган ўзи бўлса ажаб эмас. Эсини танигани-дан буён чўпонлик билан кун ўтказиб келаётган, мол та-нийдиган иккита пенсионер қарияга излатдим, ўзим ҳам кўз-қулоқ бўлдим. Унақа қўчқор ҳеч қаерда йўқ. Шержо-новнинг уйида акаси Нуржон оқсоқол билан сенинг ҳур-матингга сўйилган қўчқор ўша бўлса, мендан кўрма. Те-рисини Ширкатдан олишни топширдим, шунда анигини биламиз.

Давлатов иягини ушлаб, партком секретарининг иш услубига мамнунлик билан жилмайди.

— Сен энди Завмагнинг устидан тушган мана бу ари-зани ўқиб кўр. Шошиб турибмиз-ку, ўзим ўқиб қўя қолай. «Уртоқ партком аъзолари, мен яқинда туш кўрдим. Ту-шимда ўлиб қолибман. У дунёда дўзах билан беҳиштга тақсимлаш учун тирикликда қилган гуноҳинг билан саво-

бингни ўлчайдиган тарозибон турар экан. Савоб ишларим офир чиқиб, мен беҳиштга кирадиган бўлдим. Администратордан беҳиштни калитини сўрасам: «Ҳозир бўш хона йўқ», дейди. «Нега?»— десам, «Сизнинг қишлоғингиздаги завмаг эгаллаб қўйинти, ҳатто қариндош-уруғлари учун ҳам банд қилиб қўйган», дейди...»

Яхшилик пиқ этиб кулиб қўйди.

— Завмагни чақириб, ўшани ўқитсам, нима деди денг: «Бўхтон! Мен ҳали беҳиштни банд қилганим йўқ, туҳматчи жавобгарликка тортилсин!»— деб шовқин кўтарди. Кабинетдан зўрға ҳайдаб чиқардим. Айтмоқчи, аризани, парткомнинг бюро аъзоси Шержоновнинг кўзича ўқиган эдим. Шержонов: «Мен худосизлар ташкилотидан» иш бошлаган одамман. Ҳозир худо изловчилар бош кўтариб қолмоқда, бу аризанинг эгасини жазолаш керак», деб қанча миямни қотирди десанг!

Яхшилик афсусланиб, бошини чайқади.

— Бизда жиноят қонуларининг айрим моддалари бўйича бериладиган жазо анча бўш, дўстим! Бўлмаса Шержоновнинг ҳар бир хонасидаги қимматбаҳо матоҳларнинг ўзи кўп нарсадан далолат бериб турибди. У биргина маошнинг ўзи билан уйларини бундай жиҳозлай олмайди. Хотини ҳеч қаерда ишламайди. Ҳозирги замонда ҳар битта қизнинг қанча кийим-кечак талаб қилади? У олти қизни катта қилган, ўқитган!

— Шубҳа билан гуноҳкор қилиш қийин, ўғрилик устида тutilмаган ўғри ўғри эмас. Бунинг устига, пора берган ҳам жиноятчи. Ҳеч ким бўйнига олмайди.

— Рост. Ҳозирча икковимиз ҳал қила олмаймиз, мен кетдим,— деди Давлатов.

— Сут топшириш плани-ку бажарилди, сут-мой заводидан сут қабул қилингани тўғрисидаги ҳужжатлар келиб тушдими?

— Сабзавот, полиз экинлари бўйича ҳам план бажарилди, тегишли маҳсулотларни қабул қилиб олиб, ҳатто реализация қилган савдо бўлиmidан ҳисобимизга пул келиб тушганини бухгалтер куни кечагина айтди.

— Яхши, бригадаларга тарқалишайлик.

— Мен бундай план бажаришларга энди ҳеч ишонмайман!— деди Давлатов.— Сабзавот ва полиз экинларининг миқдори пландан қирқ-эллик фоиз оз эди. Икки ой сут бермаган сигирларнинг елини ўн беш кун ичида қандай қилиб булоққа айланиб қолди экан?

Мамутов мийиғида кулди.

— Ҳаммаси ҳужжат билан расмийлаштирилган бўлса, ўзингни ўзинг фош қилишинг қийин. Кетдик.

Яхшилиқ тўғри Холбой Жамоловнинг бригадасига келди.

Пахта териш машиналари ҳали ишга тушмаган, механизатор Султон Худойберганов тракторининг тагига кўрпача тўшаб ухлаб ётибди.

— Султончик!— деди директор унга энгашиб.

Султоннинг уйқуси қуш уйқу эди, чўчиб кўзини очди-да, ёнида ётган калитни олиб, битта мурватни бурай бошлади.

— Султончик, сенда қашқирлик мижози устунми, ё қуён мижози устунми?

— Менинг чўпон тоғам бор. Ушанинг айтишича қашқир подага човут қилса, касалини, майибини олиб кетармиш. Мен ундай қашқир бўлишни хоҳламайман.

Яхшилиқ унинг товонидан қитиқлади. Султон ўрнидан сакраб турди.

— Ҳа, мен сизни бригадирми десам! Қечирасиз. Бригадир билан чиқишолмай қолганмиз.

— Нега?

— Бу йил бригадир жуда хасислашиб кетган. Бултур бир бункерни неча килограммга ёзса, бу йил ўшанинг ярмиси ҳам йўқ.

— Нима учун?

— Сиз рухсат бермаётганга ўхшайсиз.

Яхшилиқнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

— Унга ўчакишиб бир бункеримни ўлчатгандим, чиндан ҳам бу йил пахта енгил, рози йўқ. Шу сабабли план тўлиши қийин бўляпти. Ростини айтганда, бу йил аҳвол чатоқ. Пул шу ойда мойзаводга сут, шаҳарга сабзавот, қовун-гарвуз ташиганларда кўп бўлди.

— Улар кимлар?

— Ведомостларни ўзингиз тасдиқлайсиз, нега билмайсиз?— деди Султон таажжубланиб.— Масалан, бизнинг Шамшодимизни олайлик. Олдинги директор билан ўн беш кун юрди-да, уч ойлик маошини ишлаб олди.

Яхшилиқнинг кўнглида шубҳа пайдо бўлган бўлса-да, нарёғини сурштиравермай, мажбуриятни қачон бажариши билан қизиқди. Султон Худойберганов кўзларини ерга қадаб, бир оз ўйлаб тургач, ҳали бажаришдан умиди узилмаганини айтди.

— Султон, бажарасан,— деди бригадир Холбой Жамолов, уларнинг олдига яқин келиб, директор билан бамайлихотир саломлашиб.— Директор аванс бергизса сўзсиз бажарасан. Ўртоқ Давлатов,— деб тракторчини унутиб, директор билан яккама-якка қолгиси келганини бил-

дириб, сал секинроқ гапирди.— Ёшимиз тенг, шунинг учун сенсираб гапирсам бўлар?

— Албатта.

— Жаҳлинг чиқмаса, менга кейин тирғалиб юрмасанг, очикчасига гаплашамиз.

— Келишдик.

— Ҳар қандай коллективда бошлиққа обрў керак. Уртоқ Шержонов райкомга бюро аъзоси эди, яқиндан бери бюро аъзолиги бошқа совхоз директорига кетди. Бунинг устига ййғим-теримда орқадамиз. Бир мен эмас, ҳамма уялиб юрибди. Бу боришда совхоз тугаши мумкин. Одамларда кайфият йўқ. Нима учун? Директоримиз ишнинг кўзини билмайди. Билса, бугундан бошлабоқ кундалик ўсишни кўпайтириб, олдинга тушиб олса бўлади, дейишяпти. Мана шу айтганларимга, кўрдингми, оғзинг очилиб, анг-танг бўлиб қолдинг.

— Нима қилишим керак?

— Эртадан кейинги куни райкомда бюро бўладиганга ўхшайди, унга ҳаммамиз чақиртирилганмиз. Бу кўрқинчли. Ўзинг биласан, Нишон Нажимович жуда баджаҳл одам. Қўлига бир тушсанг аяб ўтирмайди. Шунинг учун мен эртага кундалик ўсишни кўпайтирай, беш минг сўм ёздириб бер.

— Қандай қилиб?

— Терилган пахта бор. Сенга аччиқ қилиб, ҳар кунги теримнинг ярмисинигина топширгизиб юрган эдим.

Султоннинг кўзлари олайиб кетди.

— Сенинг ҳам ҳар бункерингнинг салмоғини камай-тириб ёзиб юриб эдим,— деди бригадир, уни тинчитиш мақсадида.

— Ана, директор оға,— деди Султон севиниб.— Ҳайтовур бир балоси бор деб юрувдим-а ўзим ҳам.

Яхшилиқнинг кўнгли кўтарилди. Терилган пахта қаерда, деб сўраш ўрнига ҳозир пул нимага зарур бўлиб қолгани билан қизиқсинди.

— Нимага бўларди?— деб ҳайрон бўлди бригадир.— Ҳар килограмм пахта учун ўн тийин тўланади. Мен теримчиларга муштимни кўрсатаманми? Султонларга ҳам пул тўланиши лозим. Бу катта стимул.

— Социализмнинг принципи бўйича ишладикми, пул талаб қиламиз,— деди Султон.

— Яхшилиқ Давлатович, ана ўринбосарнинг, Шержонов келяпти. У келгандан кейин унутиб қўясан, кассирга қогоз ёзиб бер.

— Ведомость қани?

— Табелчимда, тайёр.

Яхшилиқ ўйланиб ўтирмай хат ёзиб, бригадирга тут-қазаётган пайтда Шержонов етиб келди.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди у машинасидан тушмай, олдинги эшигини очиб.— Рапортимни эшиттинг. Менга топширилган ишларингиз беш! Эртага райкомнинг бюросида сабзавот ва полиз маҳсулотларини топшириш бўйича танқид эшитмайсиз. Мана бу ҳужжатларга имзонингиз керак.

Яхшилиқ у узатган қоғозларни олиб, папкасига солди. Шержоновнинг киприқлари қоқилмай, кичкина юмалоқ кўзлари бақрайиб қолди.

— Туппа-тузук одам бошлиқлик лавозимга кўтарилса, бир қарасанг қашқир, бир қарасанг тулки қиёфасига кириши қийин эмас экан-да. Ақалли раҳмат ҳам айтмайсанми?

Яхшилиқ аччиқланди.

— Узингизнинг айбингизни бошқалардан изламанг.

Шержонов мана шу вазоҳатида тортиша берса, оқибати яхши бўлмаслигини фаҳмлаб, шофёрининг елкасидан туртиб, машинаснни орқага бурғизди.

Яхшилиқ Оролбоевнинг бригадасига келганида, у ҳар вақтдагидек баланд қиргоқ тепасида шולי ўриб-йиғаётган комбайнларнинг ишнни тепадан кузатиб турар эди. Директорнинг машинаси бурни остига бориб тўхтагандагина ўгирилиб қаради.

— Дўстим, апави иккинчи марта текисланган бўлиқ далаларнинг ҳосилни алоҳида йиғишни унутмадингми?

— Унутмадим.

Яхшилиқ бригадир билан тепаликдан тушиб, ўша бўлиқ далага боришди. Урилган пояларни тўплаб бораётган комбайннинг изидан юриб дасталарни кўтариб кўриб, юраги шув этиб кетди. Дастадаги дон ер билан битта бўлиб тўкилиб ётарди. У буни кўриб, бригадирга гинали қараб қўйди-да, комбайнчини қичқириб тўхтатди.

— Ҳай, жўра, кўзларинг борми?

Комбайнчи тормоз ричагини босиб, ерга тушди.

— Уртоқ директор, ҳалиям менга раҳмат айтнинг. Агар усталик билан ҳайдамаганимда бундан ҳам кўп дон нобуд бўлар эди.

Уни бригадир ҳам қувватлади.

— Тўғри айтяпти.

Директор ҳайрон бўлиб, бўйинни қисди.

— Уртоқ директор,— деди механизатор.— Бу комбайн шוליга мосланган эмас, паст бўйли буғдой ўришга мосланган. Узингиз кўриб турибсиз, шолининг похоли бир, бир ярим метрга етади.

Яхшилик комбайнчининг далилига эътироз билдирилмади.

— Ҳар гектарга неча центнер уруғ сепилади?— деб сўради бригадирга қараб.

— Уч центнер.

— Демак, мана бу тўкилишга қараганда, ҳар бир гектарда тўққиз-ўн центнер шоли қолиб кетяпти.

— Агар нобуд қилинмаса, бунақа майдоннинг ҳар гектаридан олтимиш центнер олиш ҳеч гап эмас,— деди бригадир.— Похолга қаранг, бўйини узунлигини. Бизнинг еримиз шолининг ери аслида.

Совхозда пахта билан шоли экишнинг қайси бири фойдалилиги юзасидан директорнинг шаклланиб келаётган тушунчаси яна битта фикр билан бойиди, лекин очиқ ҳеч нима демади.

Бошлиқларнинг индамаслигига ҳам, эзмалигига ҳам ўрганиб кетган Оролбоев ундан кескин жавоб талаб қилмай, комбайннинг изида ўйчан бораётган директордан орқада қолмай юраверди.

— Область партия комитетининг секретари менга шоликорчилик бўйича сводкасини кўрсатган эди. Сизнинг ўн гектарда ўтказган тажрибангизни барча шоли майдонида амалга ошириб, тегишли органларни махсус шоли ўриб-йиғиб оладиган комбайнлар ишлаб чиқариш зарурлигига ишонтира олсак, бизнинг совхозимиз жаҳон рекордини қўяди.

Оролбоев директорнинг бу гапини қувватлабгина қолмай, яна ҳам янги фикрлар бериб, баҳорда чучук сув озайган тақдирда коллектор сувларини аралаштириб суғориш мумкинлигини айтди.

— Шундай, Яхшилик Давлатович,— деб ишонтирди у бошқа бригадага ўтиб кетаётганида.— Сувнинг составида 0,10—0,15 фоиз туз бўлса-да, қисталанг пайтида шолини бир марта суғорсанг ҳеч зарар қилмайди. Бу йил баҳорда мен шундай қилдим.

Бу янгилик унинг совхозни тўла шолчиликка ихтисослаштириш ҳақидаги фикрини яна бир бор тасдиқлади.

Мотоцикл билан совхоз марказидан шошилишч келаётган Холбой Жамоловни таниб, терилган пахтаси қаердалигини сўрагани, бориб кўрмагани эсига тушиб, шофёрига машинани тезроқ ҳайдашнинг эслатган эди ҳамки, ГАИ машинаси яқинлаб келиб сигнал берди.

— О-о-о, ўртоқлар, ўз совхозимиз территориясида ҳам машинани сизларсиз буролмаймизми?— деди директор кулиб.

Рулда ўтирган ГАИ ходими машинадан тушиб ке-

либ, саломлашди-да, айтадиган янгилги борлигини эслатди.

Зийрак Райимбой машинасини бир четга қўйиб, наридаги шўразор томон кетди.

— Худойберган акани машинасида уриб кетган одам топилди.

— Мен сизларни, энди унутиб юборишди-ёв, дегандим.

— У қамоқдан чиқиб, озодликда юрган шофёр экан. Темир йўл вокзалидан қўшни совхозга юк олиб келаётиб, ароқ олиш учун магазинга қайрилганида Завмаг илтимос қилибди. Пул берибди. Бахтга қарши, ўша пайтда шўрлик Худойберган ога дўконда экан, таништирибди ҳам!

— Ғоят ҳайратда қоларли факт.

— Завмагни қамашимиз керак.

Яхшилиқ ўйланиб турди-да:

— Бўйнига қўйиш қийин бўлар, — деди.

— Ҳозир ўртоқ Мамутовни ҳам кўрдим. У ҳам сизни кига ўхшаш фикр билдирди. «Лекин Завмаг коммунист, шофёр бўйнида қамоқ жазоси бор одам», деб қўйди. Менимча, шофёр ёлғон гапирмади.

— Жинояти бўйнига қўйилса қамашингизга қаршиликим йўқ.

Участка милиционери энди кўп ҳаялламай, машинасига бурилди.

Яхшилиқ Холбой Жалоловнинг бригадасига бориш ниятини унутиб, шофёридан тўғри Шамшодникига ҳайдашни илтимос қилди.

Турқ-таровати отасига ҳам, акаси Султонга ҳам ўхшамайдиган алпқомат Шамшод аравасидан қовун тушираётган эди, дабдурустдан келиб қолган директорни кўриб довдираганидан саломлашишни ҳам унутиб, пешонасининг терини артди.

— Мазалироқ қовунинг бўлса сгани келяпман, — деди Яхшилиқ уни уялтирмай.

Шамшод севиниб аравадан тушди-да, уйдан янги кўрпача олиб чиқиб, араванинг соясига тўшади. Директорнинг хоҳлаганини сўйиш учун уч хил қовун олиб келиб қўйди.

— Биласиз, бунақа қовун бизнинг совхозимизда йўқ, — деди у илжайиб. — Биз бу қовунни колхоз бозоридаги битта дўкондан сотиб олдик.

«Ундай бўлса, план қандай қилиб бажарилди?» — деса, унинг бирдан ер чизиб қоладиган тури сезилди. Шунинг учун ҳали Шержонов олиб келган қоғозларни чиқариб, ҳар қайсисига бир тикилиб ўзи тушуниб олди-да, унга узатди.

— Бунга қара, дўкончининг имзоси йўқ.

Шамшод қоғозга олисданоқ назар солиб, бирдан қизишиб деди:

— Оббо тулки-ей! Дўконини очмасдан туриб, планини уч юз фоиз бажарди, бунга ҳам таҳаммул қилмай, совхоздан яна тамаси борга ўхшайди. Бермаслик керак. У бизга, «сабзавот, қовун-тарвуз қабул қилиб олдим», деб ҳужжат берган эди. Қўл қўймаптимми-а, муттаҳам! Биласизми, Шержонов унга пул берди. У нақд пулни ўша кунни банкка топшириб, планини бажарди. Кўрдингизми, еб тўймас лаънатини!

— Пул етдимми?

— Учма-уч етди-да, турди. Колхоз бозорида қовун-тарвуз сабзавот дўконниқига қараганда икки, икки ярим баравар қиммат, бизлар бозорда пуллаб, бутун пулни битта дангаса дўкончига топширдик. У дўконини очмасданоқ планини икки юз фоиз бажарди. Мукофот ҳам олади. Шундай бўлса-да қўл қўймайман деб туриб олганига қара! Ҳали унга...

— Мана бу қоғозда нега сени дўконга ўн беш марта келди деб ёзган?

— Шундай қилмасак, ким ишонади? Сиз менга ўн беш марта учун пул тўламасангиз, алдамчига айланасиз. Чунки шунча юкни етти-саккиз марта ташиди, десангиз ким ишонади? Ҳеч ким!

Яхшилик тишининг сувини сўриб, егиси келмаса ҳам яна битта қовунни сўйди. Шамшоднинг эртакнамо рост гаплари унинг ичини кемириб, елкасидан оғир юк бўлиб босди. Қаддини кўтариб, ўрнидан туролмай анча ўтириб қолди.

Шамшод директорнинг олдинги директорга ўхшаб қўйнинг калласини емай кетмайдиган нияти бор экан, деган хаёлга бориб, сўйиш учун қўрасидан қўзи олиб чиқаётган эди, у бирдан ўрнидан турди-да, хайрлашмай машинасига ўтирди.

Область партия комитетининг секретари қатнашганлиги учун район партия, комитетининг навбатдаги бюроси худди белгиланган вақтда, эрта билан соат ўнда бошланди. Ҳар гал ўзи очиб, ўз хоҳиши бўйича ёпадиган Нишон Нажимов бюрони очиш юзасидан бюро аъзоларининг розилигини сўради. Бари бир биринчи сўз ўзиники бўлди. Давлатга пахта, шолн, чорва ва турли деҳқончилик маҳ-

сулотларини топшириш бўйича район статистика бошқармасининг эрталабки ахборотини ўқиди.

— Мана, эшитдингиз, ўртоқлар,— деди иложи борича қисқа сўзлашга уриниб.— Районни «Янгилик» совхози орқага тортмоқда. Ўзларингизга маълум, бу совхоз ҳар йили карвонбоши бўларди, бу йил-чи?.. Олдин директори ўртоқ Давлатовдан эшитайлик.

— Айрим янги бошлиқлар, одатда, биринчи йили планни бажармасликка тиришадилар,— деди бюро аъзоларидан бири.— Сабаби у йилни ўзи бошламаган-да!

Ўзига ярашадиган кийимларни танлаб кийиб, ҳаммавақт қоматини сарвдек тик тутиб юрадиган обком секретари ҳолатини бузмади, ҳеч кимга гап қўшмай бамайлихотир ўтирди.

— Ўртоқ бюро аъзолари, ўртоқ область партия комитетининг секретари,— деб бошлади Яхшилик.— Пахта ва шоли топшириш планларини бажарилмаётганининг сабаблари кўпчилик ўртоқларга мен айтмасам ҳам маълум... Иқтисодий жиҳатдан олға кетиш учун орқага кетиш ҳам бўлиб туради. Мен бизнинг совхозимиз мисолида ўлкамизнинг кўп иқтисодий имкониятларини кўриб турибман. Амударё ғарбидаги ерлар Оролга қадар бир-бирига ўхшайди, пахта учун эмас, шоли учун мос. Пахтагани қайта ишлашдан тушадиган фойдани ҳисобга олган пайтда ҳам, еримизнинг рельефи, йил сайин ўзгаришга юз тутаётган ҳаво шароити хўжалик вазифаларига бошқача кўз билан қараб, ишни бошқача ташкил этишни тақозо этади. Бизда пахтабоп ерлар онда-сонда учрайди, беш-ўн гектардан ошмайди. Унга сув йўллари тортди келиш, техникани бир даладан иккинчисига ўтказишнинг ўзи кўп харажат талаб қилади. Ҳар бир кубометр сув йигирма беш-ўттиз тийин фойда беришини кўриб, била туриб, бундай узоқ сув йўлларида, қанча сув ерга сингишидан, қанчаси бекорга буғланиб кетишидан кўз юмиб бўлмайди. Шоли учун қулай бўлган беш минг гектарлаб ер топилади, бунинг устига, ҳар бир одам йигирма-йигирма беш гектар шолিপояни уйдлаш имконига эга. Бу, албатта, давлатга ҳам, деҳқонга ҳам баб-баравар фойда. Пахтада эса бизнинг шароитимизда бундай имконият йўқ. Шунинг учун биргина бизнинг совхозимизни эмас, ғарбий районларнинг ҳаммасидаги пахта экинларини жанубий районларга ўтказиб, уларнинг шоли экинларини ғарбий районларга бериб, областнинг ғарбий зонасини шолиторликка айлантириш керак, деган хулосага келдим. Бизда Оролбоев деган бригадир ўн гектар ерда ўзича тажриба ўтказди. Буни ҳамма экин майдонида қўллаш

қийин эмас. Шунда яқин йилларда бизнинг зона шоликорликда ҳар гектаридан олинадиган ҳосил бўйича жаҳон рекордини қўяди, бу соҳадаги олдинги мамлакатлар — Япония, Америка, Испаниядан ўзиб кетади.

— Ғарбнинг шунча кўп ерини ўзлаштириш қийин, — деди унинг сўзларига маҳлиё бўлиб кетган бюро аъзоларидан бири.

— Ҳа, осон эмас. Темир йўлдан узоқмиз. Шунинг учун ҳозирдан эътиборан Ғарбий зонага қаратиб, энг камда икки юз километр узунликда темир йўл ўтказиш ишнинг қўлга олиш керак. Ҳозирги темир йўл вокзалидан бизнинг районимизгача машинада юк ташиш учун икки йил сарфланадиган маблағга бутун Орол зонасига темир йўл ўтказиш мумкин. Мен ҳисоблаб чиқдим.

Обком секретарининг чиройи очилиб кетди:

— Демак, халқимизнинг, эртага тўядиган бўлсанг, бугунча очлигингга чида, деган донолигини қўлланма қилиб олишни таклиф этмоқчисиз. Афсуски, беш йиллик планлар тузилиб, тасдиқланиб кетган-да!

— 1947 йили, халқимиз ўрушдан кейин ҳали қаддини бутунлай тиклаб олишга улгурмаган бир пайтда, Чоржўйдан Хўжайлигача хашар йўли билан темир йўл ўтказган эдик-ку.

Обком секретари мийиғида кулди. Бу гап унга ёққан эди. Яхшилиқнинг кўнгли кўтарилди.

— Бу билан бир вақтда шоликор агрономларни ва механизаторларни тайёрлашни қўлга олиш керак.

— Уртоқ Давлатов, — деди Нажимов, жаҳл аралаш амирона товуш билан. — Яхши ташаббусларингиз устида таъбингизни тирриқ қилиш ноқулай. Лекин жуда эзма кўринасиз. Қисқа гапиринг, совхоз районнинг оёғидан орқага тортаверадими ёки бас қиладими?

— Бас қилишнинг йўлларини айтяпман.

— Бугунги гапни гапиринг!

— Бугун деганнинг ўзи эртанги кун, ўртоқ Нажимов! Эртасиз бугунги кун йўқ, кечаги кунсиз ҳам бугун йўқ!

— Бундай сафсатами кейин гаплашамиз, эзма директор. Ҳамма ишлар учун Шержоновга гуноҳни ағдариб, келаси йили олға чопиб кетамиз демоқчимисиз? Шержоновдан ибрат олиш керак, ундан ўрганишингиз лозим. У ўзининг эски обрўси билан сизга зарар қилмасин деб раёкомнинг бюро аъзоларидан ҳам чиқардик. Энди айтганингизни лаббай деб бажариб юрибди чоғи? Чорвачиликка қара дегансиз, сут топшириш квартал планингиз ўн беш кунда юз бўлди, сабзаёт ва полиз экинларига қара дегансиз, директор бўлишингиз билан унинг айбини из-

лаб, бу экинлар майдони миқдорини қирқ-эллик фоиз қисқартириб кўрсатганингизга қарамасдан, район бўйича биринчи бажарди. Шунда ҳам Шержонов ёмон сизга.

— Шержонов ҳамма ишга «хўжа кўрсин» қабилида аралашади, оқибат нима бўлади — буёғи билан иши бўлмайди.

— Битта ерда чорак аср ишласангиз, сиз ҳам «хўжа кўрсин»га ишлайдиган бўласиз!— деди бригадир Далибой Султонов.

— Йўқ, ўртоқлар!— деди Давлатов.— Ҳеч кимнинг ҳеч қачон «хўжа кўрсин» қабилида ишлашга ҳаққи йўқ. Яна айтадиган битта гапим — олимларни қўллаш масаласи. Илмга сарфланган бир сўм охирида жуда кўп сўм бўлиб қайтади. Мен Урта Осиёга Сибирь дарёларининг сувини олиб келиш масаласини эслатмоқчи эдим бу билан.

— Бас, Давлатов, мавҳум фикрларни, жумбоқ гапларни қўяйлик! План бўладими, йўқми?— деди Нишон Нажимович секретарь қиз ҳозиргина олдига олиб келиб қўйган қоғозга энгашиб.— Мана, бригадалар бўйича маълумот. Кеча сенинг совхозингдан Холбой Жамоловнинг бригадаси бир кунда ўн икки фоиз пахта топширган. Резервлар бор эканми? Бор. Тажриба борми? Бор. Утиринг ва ушбу тажрибани кенг қулоч ёйдириг!

Яхшилик нима дейишини билмай, хуноби ошиб, ўз ўрнига қараб юрди.

— «Яйгилик» совхозининг азаматлари,— деди Нишон Нажимов бир оз шиддатли овоз билан.— Мен яқинда битта олимнинг китобини ўқидим. Ҳалига қадар она тупроғимизда ўсадиган ўсимликларнинг кўп турларини яхши билмаслигимизга ҳайрон қолдим. Бизда моялаш деган ўсимлик бор экан. Унинг молга озуқа бўлиш хусусиятларидан ташқари, қалин қор ё ёмғирнинг остидан тортиб ола солиб ўтга ташласанг, гугуртдай лов этиб ёнаркан, қўга деган ўсимлик бўлса, ҳайвон зоти оғзига олмаслигидан ташқари, қанчалик қуришиб оловга ташласанг ҳам ёнмай, гулханни биқситиб тураверар экан. Табиатдаги хусусият ўша ернинг одамларида ҳам бўлса керак. Ҳаммангизнинг номингиздан директор сўзлади. Шунинг ўзи кифоя. Лойиҳа бўйича Давлатов ва Мамутов ўртоқларга қаттиқ огоҳлантириш эълон қилинган. Шу тасдиқ этилади! Маъқулми, ўртоқлар!— деб бюро аъзоларига бир назар ташлади-да, давом этди.— Ҳозир ҳар бир дақиқа ғанимат, ғайрат кўрсатинглар! Эндиги масала бўйича пахта тозалаш заводининг коллективи кирсин!

— Яхшилик Давлатович!— деди обком секретари.— Бюродан кейин менга учрашиб кетсангиз.

Совхознинг шаън-шавкати учун ҳар қандай оғир меҳнатдан қочмайдиغان ишчилар йиғим-терим ишларида жонжаҳдлари билан берилиб ишлашса-да, пахта ва шоли етиштириш бўйича йил бошида олинган мажбурият уёқда турсин, планни ўзини бажариш мушкуллиги кўриниб қолди. Шунга қарамай, далаларда етиштирилган бутун ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олиш асосий масала қилиб қўйилди. Иш бўшаштирилмади. Партком аъзоларни тиним билишмасди. Директорнинг боши кун чиққанидан кун ботгунигача эмас, у тонгдан-бу тонггача ёстиқ кўрмасди, гоҳ далаларда, гоҳ қабул пунктларида, гоҳ машина гаражида, гоҳ районга қатнайдиган йўлда, гоҳ қурилиш бошида ухларди у.

Далалар ҳам кетма-кет тозаланиб бормоқда. Уларни келаси йил учун шудгор қилиб қўйиш керак. Бу ишларни ташкил этиш ҳам қийин бўлди. Ўжар механизаторлар эҳтиёт қисмлар етишмаслигини ва ж қилиб, тракторларни ремонт устахоналарига олиб бориб тахлашди.

Бухгалтерия билан планлаштириш бўлимида ҳисоб чўтларининг шақ-шуқ қилиб қоқилиши тинмайди.

Шержонов ким кўрганга ўзини совхознинг жон ачири қилиб кўрсатишга уринади. Баъзида бухгалтерларга дакки берган бўлиб, «Дунёдаги ақлсизлар бухгалтерлар, улар кеча-кундуз пул ҳисоблашади, лекин бир сўми ҳамёнларига тушмайди», деб кетади. Унга эргашадиганлар, гапига ишонадиганлар кўп. Буларнинг ҳаммаси сиртдангина шундай кўринади. У ўзига топширилган участкаларда: совхознинг сут, сабзавот ва полиз маҳсулотлари топшириш планларини бажарган бўлса ҳам, янги директордан яхши гап эшитмади. Эрталаб кабинетига киргандан бошлаб, тумшуғини осилтириб ўтиргани-ўтирган. Стули ҳам мустаҳкам эмас, сал чиранса ё керилса, синиши турган гап. Қиладиган иш тополмай хўдди уя овлаган шақал каби, чап биқин томонига қўйилган қора телефон апаратига юмалоқ кўзларини қадагани-қадаган. Телефон эса стол устида ухлаб қолган қора мушукдай жим ётаверади.

Шержоновнинг бошқа совхозларда, район ва область марказларида ошналари бўлиб, уларни анча соғиниб қолган эди, бирмунчаси унинг қўлидан совға-салом олган, кўплари дастурхонидан тузини ичган. Бугунги кунда ҳеч қайсиси қўнғироқ қилмайди. Беўрин совға-саломлар баъзи ошналарининг ўзларини четга олиб қочишларига сабабчи бўлган бўлса ажаб эмас.

Тишини кавлашидан оғзига тўлган қон аралаш тупу-

гини ташқаридаги туфдонга ташлаб келиш ўрнига, пастга қараб ўтириб, икки оёғининг ўртасига шалп этказиб ташлади. Аллакимнинг қириб келишидан сесканиб, ботинкасининг таги билан артди. Хаёллари кўп. Кўп ўйларига ишончи ҳам мустаҳкам эди. Ҳозир ҳаммаси чокчокидан кетгандай туюлади.

Совхознинг янги директоридан бошқа кадрларнинг ҳаммаси унинг, Шержоновнинг буйруғига биноан қўйилган. Осонгина сотиб юборишармикан улар? Оч пайтнингда битта нон берганга тўйганингдан сўнг бир жуфт нон қайтариш керак. Бунн Шарқ донолари айтиб кетишган. Ғарб билан Шарқ бирлашгани билан яхши анъаналарни тугаллаш назарда тутилмайди, биридан иккинчисига ўтади, ўзаро бойитилади, мустаҳкамланади.

Сабри чидамай даҳлизга чиқди. Ҳаммаёқ тим-тирс.

Парткомнинг эшиги олдидаги янги иллинг эълонга кўзи тушди. Парткомнинг очиқ мажлиси белгиланган кунга эмас, кун тартибига қўйилган масалаларга алоҳида диққат бериб ўқиди.

1. «Янгилик» совхозда йнғим-терим суръатининг қаноатланарсиз аҳволи юзасидан район партия комитетининг бюро қарорларини ишлаб чиқиш.

2. Янги йил учун газета-журналларга обуна бўлишнинг бориши...

Бугун ойнинг нечанчи куни эканлигини хаёлан ҳисоблаб: «Қарор ўн кун кечикиб келибди-да!»— деб қўйди. Биронтаси эшитмадим деб сесканиб орқасига қаради. Ҳеч ким кўринмади. «Биринчи масала тўғри, деди эълон билан гаплашгандай. «Янгилик» совхозининг эмас, Давлатовнинг тақдири муҳокама қилинади. Иккинчисининг нима кераги бор! Ишчиларнинг сентябрдаги, октябрдаги ойлигидан ими-жимиди «газета-журналга» деб ушлаб қолаверса бўлади-ку! Шундай қилиб, йнғилишда «урра-урра»ни кўпайтирмай, район қайси газетадан ё журналдан планини бажармаётган бўлса, шунга пул ўтказ. Вассалом! Лодонлар!..»

Кабинетида телефон жириглади. Сал ҳаялласа қайта жиригламайдигандек, ҳовлиқиб ичкарига кириб кетаётиб, пешонасини эшикка уриб олди, югуриб бориб столга ўзини ташлаб, трубкани кўтаришга улгурди.

— Ассалому алайкум, ўртоқ Шержонов,— деди район партия комитети бўлим бошлиғининг унга таниш овози.— Ҳорманг! Тан соғлигингиз яхшими? Менга келиб йўлиқа оласизми?

У қимматбаҳо қундузли телпагини кабинетдаги ки-

йим илгичга илиб қўйишга ҳам кўзи қиймай, столнинг бир бурчига оқ қоғоз ташлаб, унинг устига қўйиб қўяр эди. Трубкадан бўшаган қўли билан телпагини ёғимлаб ушлаб, столга тап эткизиб урди.

— Охири худо етказди-я!

Телпак столдан сирпаниб, ўзининг тупуги устига тушса ҳам, уни қўлига олмасдан креслосига чалқайиб, икки оёғини чалиштирганча стол устига қўйди. Тортмасдан битта узун сигаретани чиқариб, лабига қистирди-да, гургурт чақди. У тамаки тутунини ҳеч қачон ичига тортмасди, бу сафар тортганини сезмай қолди, икки марта ўхчиб, кўзларининг ёшини артди. Оёқлари орасида ётган телпагини олиб, бошига кийди, уни қоқмади ҳам.

У шу бугун машинасини моторини алмаштириш учун устахонага топширган эди. Йўлдан тўхтаб: «Бу қарғиш теккан эски машинадан қачон қутулар эканман!»— деб қўйди фикран.

Деразадан ташқарига қараган эди, аллақердан келатётган Завмагнинг «Москвичи»ни таниб қолди, деразани тақиллатиб урди. Деразанинг икки кўзи жаранглаб синиб тушгандагина у қайрилиб қаради.

— Мени ҳозир райкомга етказиб қўй!— деди Шержонов ҳовлиқиб, Завмагнинг олдини тўсиб чиқиб.

Завмаг иккиланмай:

— Севинчли хабарми?— деди-да, машинасини тўғри район йўлига олди.

— Райком чақиртирди.

— Молодец, Эржон оға! Совхозга энг олдиндан ўрни олиб бергансиз! Кейинги бюрода Нишон Нажимовичнинг сизни мақтагани бежиз эмас. Обком секретарининг кўзи олдида мақтади. Лаънати Давлатов сизга ҳам кўп қитмирликлар қиляпти. Энди амал тегса, библиб ишингизни қилинг!

— Сени милицияга чақираётганмиш, деб эшитдим?

— Худойберганнинг ўлимини мендан кўришяпти.

— Қандай қилиб?!

Завмаг довдираб қолмади, бепарволик билан жавоб қилди:

— Нега бунчалик қуёп юраксиз? Узингизни босинг. Мен райсоветга депутатман, совхоз парткомнинг бюро аъзосиман. Ҳатто қишлоқ советига ҳам депутат эмас, ёки комсомол ёшидан ўтиб партияга кирмай юрган одамнинг чақирғига бормайман, албатта.

— Тўғри! Фарида янганнинг гапига қараганда, Давлатовнинг хотини анави учта импорт кўйлакни райондаги модалар ательесига олиб борганмиш.

— Пора олган одам биринчи галда хотинидан қўрқадди. Чунки қўпчилиги порани хотини орқали олади. Шундай эмасми?

— Сен файласуфсан! Давлатов ҳам хотинидан қўрқиб қолган.

— Қўрқмаса, ким кимни сийлайди, оға? Ростини айтганда, қўрқмасак, Нишон Нажимовни сийлармидик? Четга чиқиб қолса, менинг ўзим ҳам салом бермайман! У ҳам бизни бериб турганимиз учун қўллаб-қувватлайди. Давлатовдан қўрқмасак, нега шунча нарсаларни бердик? Сийласак, у областда ишлаб юрганида нега ҳеч нарса олиб бормадик? Булар резги гап, Эржон оға. Оҳ, қани энди, келгуси партмажлисгача модалар ателбеси буюртмани биткизиб, Светлана ана ўша ўчта импорт кўйлакни кийиб чиқса эди! Айтмоқчи, Давлатов сизнинг қариндошингиз Шарифаникига бориб турармиш.

— У Нуржон оға билан қалин. Бизникида иккови қандай танишганини унутдингми?

— Қариндошингиз бўлганидан кейин шаънига гард юқтиргингиз келмайди-а?

— Майда гапларни қўяйлик. Мени нима учун чақиртирган экан?

— Директорлик креслонингизга қайтадан ўтирасиз.

Шержонов унинг елкасига қоқди.

— Эржон оға, оз фурсатга ишдан бўшаганингиз ҳам яхши бўлди. Дўст билан душманни ажратиб олдингиз.

— Тўғри. Кимга отасини танитиб қўйишни энди билман!

Улар районга бирпасда етиб келишди. Завмагни машинасида қолдириб, Шержонов олдингисидек виқор билан район партия комитетининг биносига кириб, қўнғироқ қилган бўлим мудирининг эшигини тақиллатиб ўтирмай очди:

— Мумкинми?

Еш бўлим мудирни уни одоб билан кутиб олди, плаши билан телпагини вешалкага илишга ёрдамлашди.

Вазият Шержоновни яхшиликлардан умидвор қилиб, қалбидаги завқ-шавқни ишга солиб юборди, бўлим мудирни билан ҳол-аҳвол сўрашди, ҳар қачонги одати бўйича икки хил папирос чиқариб, биттасини унинг олдига қўйди:

Бўлим мудирни аллақандай шошилишча ҳаракатлар билан олдидаги қоғозларни йиғиштира бошлади.

— Эржон оға, сизни чақиртирганимиздан мақсадимизни оз-моз сездингизми?

Қоидага кўра бундай саволларга «билмадим» деб

жавоб берилуви лозим. Шержонов «билмайман» деган сўзни ўзига муносиб кўрмасди. Жўрттага илжайди.

— Тахминлайман. Нишон Нажимович шу ердамилар?

— У киши сиз билан шахсан учрашмоқчи эдилар, кутлмаганда обкомга чақириб қолишди.

— Мен билан гаплашишни сизга ишондиларми?

— Ишондилар.

— Ундай бўлса, мен ҳам ишондим.

— Сиз районга кўп хизмат қилган одамсиз. Иззат-хурматда бўлишингиз керак.

— Раҳмат. Нишон Нажимовичга мингдан-миг раҳмат. У катта-кичик ҳаммани тушунадиган одам. Марказком уни бизнинг районга секретарь этиб вақтида тўғри иш қилди. Умри узоқ бўлсин!

— Бу гапларингизни, албатта, ўзига етказаман. Уртоқ Нажимовнинг чақиртиришдан мақсади — сизни тантанали суратда пенсияга чиқариш юзасидан маслаҳат қилмоқчи эди.

Шержоновнинг вужуди титраб, ўрнидан туриб кетди.

— Эҳ, тумшугининг сариғи кетмаган полапон! Мен пенсияга чиқаришнинг нима эканини яхши биламан-ку, ахир! Шунақа экан, нега гапни узоқдан айлантириб, мужмал сўз қилиб ўтирибсан. Телефонда, ишдан бўшашга ариза ёз, десанг тилингга чечак чиқармиди?

Бўлим мудир мийиғида кулиб қўйди, оғир кулди.

Шержонов шартта ўрнидан туриб, вешалкадан плаши билан телпагини олиб кийди:

— Аризани сенга ёзаманми?

— Уртоқ Давлатовга топширсангиз ҳам бўлади. Эржон Шержонович, сизга яна битта маслаҳат. Сизга икки хоналик яхши уй берилди. Шунинг учун, ҳозирги уйимни совхоз болалар боғчаси қилсин, деб ўз ихтиёрингиз билан ариза ёзинг!

— Сен бола, унақа Давлатовнинг гапини гапирма. Қадрдоним Нишон Нажимович ундай кўрсатма бермайди.

— Ишонмасангиз эртага ўзингиз учарасиз.

Шержоновнинг ичи ёниб кетаётган бўлса-да, Завмагга тушунтириб ўтиргиси келмай, ўзини зўрлаб илжайиб чиққанидан фойда бўлмади.

— Эржон оға, — деди Завмаг сал қалтираб. — Тусингиз қора тутун, кўзларингиз ўт сочиб келяпти. Тинчликми ўзи?

Шержонов хўрсиниб, пастки лабини устки тилла тишлари билан тишлади.

Завмаг олдинги ойнадан унинг йиғламспраган кичкина юмалоқ кўзларини кўриб, раҳми келиб кетди.

— Эржон оға, пул ҳаракатга тушса пул, бўлмаса сичкон емасин деб салафанга ўраб туздоннинг тубига ташлаб қўйилган нақшли қоғоз холос.

— Файласуф бўлиб кетибсан-да ўзинг ҳам.

Завмаг талтайиб кулди.

— Ўзингиз ёмон тушунадиган одамсиз-да! Айтнинг, мендан нима ёрдам керак?

— Бир вақт авария ҳақида бир нима деган эдинг.

Завмагнинг ранги ўзгариб, унга бир бурилди-да, яна қаддини тиклаб, йўлига қаради.

— Лаънатининг шофёри жуда уста. Бўлмай қолди.

Шержоновнинг серажин пешонасини тер босиб, яна совуқ хўрсинди. Унга жавоби ёқмаганини сезса-да, Завмаг яна гапирди.

— Эржон оға, мен сизни яхши биламан. Плац бажариш учун бригадирларга сохта наряд ёздириб, уларнинг ҳар биридан оз-овлоқ бир нарса олар эдингиз. Шунинг учун бригадирлар сизни унча қувватлашмайди. Чунки сиз ўзларига сарқит қолдирмасдингиз.

— Уларнинг ўзлари берганларини олар эдим.

— Берганларини олган бўлсангиз ёмон кўришмайди.

Пора берган одам сенинг хоҳишинг бўйича юрадиган дўстингга айланади. Сенга бирон шикаст етадиган бўлса бергани куйиб кетади-да, ахир!

Шержоновнинг йирик гавдаси силкиниб, арслондек лоренллаб кулди.

— Ҳеч қачон ҳор бўлмайдиган йнгитсан-да!

— Пулининг кўплигини пеш қилиб, нуқул кийимга зўр берадиган сирти ялтироқларни ёмон кўраман. Эржон оға, жиндек мақтанаман, афв этасиз. Пора олган одам ўзидан юқоридагиларга ҳам бера билиши шарт. Башарти хотинларининг оғиз томонини билсанг-ку, бунга етадигани йўғ-а! Бизнинг халқимизда эркаклар ҳалига қадар хотинлари раъйига қарашади. Бошлиқлар орасида ким хотинидан кўрқиб яшаса, ўша порахўрликка мойил. Хуллас, бера билиш керак. Курортга кетишида, «дўстларингиз билан ресторанга борарсиз» ёки бўлмаса, «совғасалом олиб келарсиз бизга», деб кўп нарса ўтказса бўлади. Сиз ҳам бир оз бахилсиз... Йўқ, ўзимни айтақолай. Мен, масалан, райпонинг бошлиғига бермайчи, у мени ерга қозик қилиб қоқиб юборади. Бултур сизга ҳам айтганим йўқ, райпонинг бошлиғи менга энг қиммат сур қалпоқ топасан деди. Қизилқумнинг ичидаги чорвачилардан топдим. Яқинда ўша сурни Респода бировнинг бошида кўрдим. Энди у нима қилади? Бошидагиси учун бизнинг райпонинг бошлиғи олдида юзини пастга эгади,

бизлар райпо бошлиғи билан кулишиб, бир шишани бўлиб ичиб кетаверамиз. Чамалашимча, сиз юқорига қараб томир отолмагансиз, йўқ, хато айтдим, пастдан юқорига соя тушира олмагансиз.

— Жумбоқ айта берма, барака топкур. Авария!!

— Энди дангалини айтаман!

Совхоз идораси олдида турган Мамутов қўл кўтариб, уларни тўхтатди. Иккаласи ҳам қўйниларидан илон ўрмалаб ўтгандек бўлганини сездирмай, «нима гап?» дегандек, ойнадан бошларини чиқаришди.

— Завмаг, менга сиз кераксиз,— деди Мамутов, жиддий қилиб.— Балким партком секретарига қулоқ соларсиз.

— Тухмат бўлмаса!

— Танада битган хол бўлмаса, ташқаридан ёпиштирилган куяни ювиб ташлаш мумкин.

У Шержонови уйига тушириб, қайтиб келишга ваъда берди-да, машинасини тезлатиб ҳайдаб кетди.

— Бу ҳам тирилди!

Шержонов Завмагининг машинасига чиққанидан афсусланиб, ичакларига чўғ ёпишгандай бўлиб, пешонасининг терини артди. Муттаҳам Завмаг Давлатовга бир баҳо қилса, у билан бирга юрган ичкун душманларим не хаёлларга боришмайди. Мени унга шерик сифатида ушлашди. Уйининг олдида тушиб, ичкарига киргандан кейин ўқинди. Идорада тушиб қолавериши керак эди. Энди унинг уйига қўнғироқ қилиб, аҳволни билиш қийин. Алоқаси туширмагур ёмон ишлайди. Учинчи абонент қўшилишиб эшитса, ишининг пачаваси чиқади. Кечаси боришга ора олис, ёлғиз пиёда юриш хатарли. Сен авария ҳақида ўйлаганингда душманларинг қараб ётадимиз?..

Шержонов шу тариқа ҳар хил хаёлга бориб, хотини Фаридага билдирмай холодильникдан бир шиша коньяк олди, тик туриб оғзига тўнкарди, қулт-қулт ичди-да, эшикни ичидан заужирлади.

Совхозда партия йиғилиши яна торт-торт билан ўтди. Бу сафар ҳаммаининг сўзлашига асосий сабаб бор эди. Район партия комитетининг бюро қарори совхоз директорига ҳам, партком секретарига ҳам «қаттиқ уруш эълон қилган». Қарорни қувватловчилар кўп бўлди. Чиқиб сўзловчилар Давлатов билан Мамутовни бош ишон қилиб олдилар. Ҳамма гапларнинг суянган ўзаги битта бўлди:

«Янгилик» совхози областда машъал совхозлардан бири эди. Давлатов ишнинг кўзини билмай, уни ёқилгиси сарфланган тракторга айлантирди...»

Партком секретари Мамутов баъзи қизиққонлиларга тасалли бериш учун, «бу йил нима ютқизсак, келаси йили шуни қўшиб ютамиз», деса ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. Қайтага унинг шаънига танқидни кучайтириб, «Давлатовнинг чўқморига айланди», деб айблашди.

Йигилиш қарама-қарши бақириқ-қақириқдан бошқа ҳеч нарса бермади, лекин Яхшилиқ учун, совхозда активларнинг кўпчилиги Шержоновнинг иш усули тарафдори, деган сир очилди.

Яхшилиқ қанча таъналар эшитаётганига қарамай, Шержоновнинг сут топшириш, сабзавот ва полиз экинлари тайёрлаш планларини қандай бажаришга муяссар бўлганини ошкора қилмади. Олдин тагига етиш керак, бўлмаса ишонтира олмайди.

Кечаги йигилишнинг таъсири эртасига ҳам бошидан тарқамай, кабинетига кириб ўтирган заҳоти орқасидан эшикни мушукдай аста очиб, «уч мушкетёр»нинг биттаси — бригадир Элбой Қўшжонов изма-из кирди. Бўйи пақана, сарғиш юмалоқ юзли бу одамнинг каттакон кўзлари кичкина япалоқ бурнини ялпайтириб, нотаниш одамларга ғалати кўрсатар эди. Яхшилиқ уни ўғри мушукка ўхшаб кирганини ёқтирмагани учун баттолнинг юзи ҳам хунуклигини унча пайқамади. Совуққина қилиб саломлашди...

— Ёрдам сўраб келдим, — деди Қўшжонов, стулга ўтирар-ўтирмас, — кеча партия йигилишида, унга қадар райкомнинг бюросида гап бўлди. Сиздан ёрдам бўлмаса кундалик ўсишда бурилиш бўлмайди.

Совхоздаги ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари бир ҳафтадан буён унинг бригадасида эди. Яхшилиқ ҳайрон бўлди.

— Одам эмас, аванс керак, — деди у. — Беш-олти минг сўм!

— Терилган пахтагиз қани?

— Бўлади. Энг муҳими, ведомость тайёр. Табелчим ишчан бола. Эсингиздами, уни ўғирлик тахтани сотиб олгани учун бўшат, деган эдингиз. Бўшатмадим. Уша табелчининг чаққонлиги туфайли Холбой Жамоловга ўхшаб ведомость тузмасдан келмадим.

Яхшилиқ ҳеч нарсага тушунмай бўйинни қисди.

— Биласиз, ўртоқ директор, — деди Қўшжонов, чўчанглаб. — Теримчиларга ҳар килограмм пахтаси учун ўн тииндан тўланади. Пахта қабул қилиш пунктида шу пулни сўрайди. Мен Жамоловга ўхшаб ҳаммасини икки-уч

кунда олмайман. Сиз талаб қилган даражада процентни ошириб беравераман.

Шу пайт ичида гуфтигў бўлиб келаётган сирли жумбоқнинг бир учи топилишини тушуниб, Яхшилиқ жилмайди.

— Очиқроқ баён қилинг.

Қўшжонов уни тушунмайди деган хаёл билан ўрнидан туриб, эшикни қаттиқроқ ёпиб келди.

— Пулнинг ҳаммасини тарозибонга тугал топшираман. У олтмиш тонна пахта беради. Ана ўша пахтани терди деб ёзилган теримчилар, механизаторлар шу миқдордаги пулли олдик, деб ведомостга ҳам қўл қўйиншган.

— Термаган пахтасини тердик деб-а?

— Яхшилиқ Давлатович, халқ жуда раҳмдил. Аҳвол ёмон десанг, раҳм қилади. Ҳатто ҳар қайси ведомостга, исмларининг тўғрисида қанча пул ёзилган бўлса-да, олдим деб имзо қўяверади. Нега қўймасин, ишламай топилган пул бўлганидан кейин қўяди-да. Бунинг уларга фойдаси ҳам бор. Чунки йил охирида бригада пахта планини бажарса, устама мукофот чиқади. Мукофот унинг йил давомида ишлаб топган пулининг миқдорига қараб процент билан белгиланади. Мана шундай қилиб, ишласдан номига ёзилган пул учун қўшимча ҳақ олса зарарми! Албатта, одамлар орасида ўзини покиза тутадиганлари бор, уларга айтмаймиз, уларни зўрламаймиз-да, хулқ-атвори тракторнинг темиридай метин механизаторларга кўпроқ ёзамиз.

— Йил охирида мукофотларини йиғиб оласизми?

— Бундай деманг! Мукофотга тирғилиш — аҳмоқлик! Жанжал чиқади. Бусиз ҳам ўзимизга аталгани етади. Тарозибонда ҳам одамгарчилик бор, инсоф бор. Берган пулингизнинг ҳаммасини жигилдонига урмайди, бир қисмини қайтаради. Яرمىси меники, ярмиси директорники. Сиз ҳам меҳмон-излом кутасиз, ахир.

— Тарозибон шунча пахтани қаердан олади?

— Қаердан олиши билан бизнинг ишимиз йўқ. Ўтган бюрода район пахта тозалаш заводидан икки минг тонна пахта кам келгани ҳақида масала қўйинлибди-ку. Балким...

— Қани ведомостингиз?

Қўшжонов яна эшик томон бир назар ташлаб олиб, газетага ўроғлиқ ведомостни икки қўллаб унинг олдига ёйди.

Директор ведомостга энгашиб, фамилияларга кўз югуртира бошлади.

— Ҳаммаси тўғри, чатоғи йўқ, ўртоқ Давлатов. Ол-

динги йиллари қўшни район қўшиб ёзиш учун фош қилинганда, ҳужжати пухта бўлмагани учун қаттиқ гап эшитганди. Бу бизга сабоқ бўлган. Табелчим мияли йигит!

— Бригадангиздаги ишчиларнинг барчасини танир эдим. Таъзимов, Нурлепесова деганларни билмайман-ку.

— Сиз директор бўлиб келгандан буён бу биринчи ведомостни тасдиқлашингиз эмас. Ҳаммасида ҳам шу фамилиялар бор эди. Оз-моз лўлиликдан ҳам хабарингиз борми дейман. Бўлмаса, ҳар сафар сизнинг тасдиқлаганингиз бўйича уларга ойлик тўланади. Қўрқмай қўл қўяверинг, сизга гап теккизмаймиз.

— Сира кўрган одамларим эмас.

— Таъзимов районда битта каттаконнинг шофёри. Нурлепесова бўлса, район маданият уйида ишлайди. Совхозлараро бадий ҳаваскорлар тўгаранининг раҳбари, совхоз ишчиси бўлиб қўшиқ айтади.

— Уртоқ Қўшжонов!— деди Яхшилиқ бирдан қаҳр билан тикилиб.— Ҳозироқ ўрнингиздан турунг-да, кўзимдан йўқолинг! Агар далада бир мисқол пахта нобуд қилинса, судга бераман.

— Шунчалик эҳтиёткорликнинг нима кераги бор? Биз бригадирларга ишонганингизда, райкомдан бундай қаттиқ сўкиш эшитмасдингиз, партмажлисида муҳокама қилинмас эдингиз. Жўжаҳўроз директор!

Яхшилиқ ведомостни пора-пора қилиб йиртиб, ахлат пақирга ташлади.

Пакана бригадирнинг аччиғи қистаб, чўкигиси келган даканхўроздай тумшугини олдинга чўзди.

— Холбой Жамолов сенга кўпроқ оширганмиди?

— Чиқ бу ердан!

— Қувлама! Бу бино отанг қурдирган идора эмас!— деди Қўшжонов сарғиш юзи қизариб.— Керак десанг, икки минг алиштириб беришим мумкин. Тузукроқ гаплайшайлик! Утир! Бу совхознинг обрўси.

Тирноғидан сочиғача қизиб турган Яхшилиқ унинг кифтидан маҳкам ушлаб, эшикдан ташқарига итариб юборди. Шунинг устига лўп этиб Шержонов кириб келди.

— Ҳа, директор, нима бало, одам уришга ўтганмисан?

Яхшилиқнинг кўзлари ўт сочиб чақнади, пешонасидан мунчоқ-мунчоқ тер томчилади.

— Ана, Давлатов, бу совхозда мен қандай ҳақсизликларга чидаганман?— деди Шержонов кулимсираб.— Қийин!

Яхшилиқ гапирмади, ҳансираб ўрнига ўтирди. У яна битта сирли жумбўқнинг жавобини топганга ўхшади, ле-

кин бу ҳозирча ечим эмас, баттар чигаллашган, жуда чигаллашган жумбоқ бўлиб туюлди.

— Мен ҳозир партвзнос тўлаб чиқдим,— деди Шержонов бепарволик билан.— Взносни вақтида тўламасликдан бошланади барча интизомсизлик. Шунинг ўзи ҳам коммунистнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб қўяди...

— Уртоқ Шержонов,— деди Яхшилиқ унинг гапига парво қилмай,— сиз ҳалиги Қўшжонов билан гаплашиб келинг. Кейин кирарсиз.

— Элбой ҳам ўзбошимча бўлиб кетган, танбеҳини бериб қўяман,— деб гердайдди Шержонов.

Яхшилиқ яна ёлғиз қолди. «Тушимми, ўнгимми? Қўшжонов ифвогарлик қилиб юрмаганмикан? Бундай бўлиши мумкин эмас. Холбой Жамолов беш минг сўм олди, чиндан ҳам кундалик ўсиш бирдан ортди. Қандай қилиб? Хўш, қандай қилиб?.. Тарозибон пахтани қаердан олган экан?.. Тўғри, райкомнинг ўтган бюросида пахта тозалаш заводидан икки минг тонна пахта кам чиққани учун кўп одам жазоланган».

У кабинетида уёқдан-буёққа бориб кела бошлади. «Термаган пахтани тердик деб, олмаган пулни олдик деб қўл қўйганларга нима дейсан? Одамлардаги виждон қани? Майли, директор бригадирларни мажбур қилган бўлсин, ё бўлмаса нуқул ўзига тобе, ҳамфикр одамлардан бригадир танлаган бўлсин. Табелчилар-чи, нега сохта табель тузади? Шунча одам нега қилмаган нарсасини қилган бўлиб қолади? Ёки халқдаги меҳрибонликнинг маъноси шуми? Баъзи ҳурматли одамлар ҳам ўзини буни кўрмаганликка олган, ҳеч нарса деб тиш ёрмаган! Ҳеч ким эътироз билдирмаган-а? Биргина директорни, ё бригадирларни, бўлмаса табелчиларни айблаш билан иш битмайди. Шунча одам жавобгарликка тортилса, айбланса, совхоз янги одамларни туғармиди?.. Қўй ҳам омон бўлиши керак, қашқир ҳам тўқ бўлиши лозимку-а? Бу принцип нотўғри! Тўғрилик қаерда бўлмаса? Шов-шув кўтариш керакми?.. Пойдевори чириган томда яшайвериш ҳам яхши эмас. Ахир бир кун қулайсан! Фақат бригадирлар янгиланса, ҳақ жойига қарор топадими? Уларни бир чеккадан буйруқ бериб бўшатиш ҳам осон бўлмайди.

Шержонов бошқарган даврдаги совхознинг «ойдин» йўли эгри-бугри, ўнқир-чўнқир бўлиб кўз олдига келди.

Қилмишлар... Мана шу қилмишларга алоқаси бор оилаларнинг аксариятида олти-тўққиз бола бор. Улар йиғлаб қолади, севикли дадаларига нисбатан нафратлари уйғонади. Ҳаммасини ёпиқ қолдириб, янгитдан бошлаб

кетаверилса нима бўларкин? Булар бунга ҳам йўл берадиган эмаслар... Талашиб-тортишади, эжакилашади.

Қандай йўл бор яна?

Одам хаёлга эрк берса, ўзини қаёқларга олиб бормайди? «Директор резинкадек бўлиши лозим». Буни ким айтган эди? Ким бўлса ҳам доно гап айтган...

Қандай бўлса ҳам, бу фикрлар юзасидан олдин Нишон Нажимович билан маслаҳатлашган маъқул.

У шу қарорга келиб, ортиқ ҳаялламай, машинасига минди.

Райком биносининг олдида ичкаридан чиқиб келаётган Шарифага дуч келди.

— Ҳа, тадқиқотчи, жуда ташвишли кўринасан?

— Ҳеч гап йўқ,— деди қиз кулимсирашга тиришиб.— Нишон Нажимовичда ишингиз бўлса ҳозир кирмаганингиз маъқул. Мартенда эритилган чўяндек қизариб, ёниб турибди. Яқинига борсангиз куйдиради ҳозир.

Яхшилиқ нима қилишини билмай, иккиланиб қолди.

— Юринг, бизникига кириб чой ичинг, унгача совиқди.

Ҳар кунги одатича, иккита қария бино олдидаги қайиқнинг устига кўрпача тўшаб, суҳбатлашиб ўтиришарди. Яхшилиқнинг саломига иккалови баравар алик олиб, яйраб кетишди.

— Яхшилиқ болам, зап вақтида кўриндинг-да,— деди қўшни қария.— Районнинг бир йиғилишида менинг чиқиб гапиришимга имконият яратиб бер.

— Нима учун?

Қария ёнидаги журналларнинг биттасини олиб, хатчўп солиб қўйилган саҳифасини очди, ёнига қўйиб қўйган кўзойнагини тимискиланиб топгунча ҳам бўлмай, кўнглига тугиб қўйган гапини гапирди.

— Ҳозир ҳаммаёқда янги ер ўзлаштириш одат. Ўрмонларни асраш керак. Ўрмон одамларнинг нафас олишлари учун кислородни кўп чиқаради. Бировлар сувнинг бўйи яхши дейди, бу нотўғри. Бир гектар дарахтзор ўн гектарлик ҳовуздан ортиқ, дераза олдидаги бир туп тўронғил бинога ўрнатилган ўнта кондиционердан афзалроқ!

— Яхши, ота, амаллаймиз.

— Уйга бораверинглар,— деди Нуржон қария уларнинг йўлини тўсавермасликни ўйлаб.

Ичкарига қадам қўйишлари билан улар қучоқлашиб, ўпишиб, ошхонага бараварига кириб боришди. Бири газни ёқди, иккинчиси чойгумга сув тўлдирди.

— Яхшилиқ,— деди Шарифа, дастурхон ёзиш учун стол устини тез-тез артаётиб.— Сиз анави креслога ўти-

ринг, мен кинолардагидай бўлиб сизнинг пинжингизда ўтирай.

Яхшилик креслонинг суйанчигини деворга теккизиб қўйди-да, кейин унга чўкди. Шарифа ишни тез-тез тугатиб келиб, эркаланиб унинг пинжигга ўтирди.

— Кечиринг, Яхшилик, туғилиб қолган озгина имкониятдан жуда кўп фойдалангим келади. Шундай ўтиришни орзу қилардим.

— Қушдексан, салмоғинг йўқ.

— Унда оғирлигимни солай,— деб қиз унинг бўйнидан қучоқлаб, пастки лабидан ўпди.— Ҳали Нажимовнинг олдига кирма дейишимнинг сабаби бундай эди. Мени кабинетига чақиртириб: «Уртоқ тадқиқотчи, сиз районни бузманг!» деди. «Далиллаш билан уришлар ҳам тўхтайти», дедим. «Баъзан кўз юмиб ўтса ҳам бўлади», деди. «Ундай бўлса, ўтинг!» дедим-у, чиқиб кетдим. У орқамдан: «Тўхта, қиз, Давлатов ҳақида ёзиб бер», деб бақириб қолди. Жонгинам, хато-камчилигини изловчиларнинг борлиги ҳам яхши, бўлмаса одам дўстларининг қандайлигини билолмас эди. Оҳ, сизни шундай яхши кўраманки, жоним,— деб қиз уни яна ўпди-да, кўксига бошини қўйиб, жим бўлиб қолди.

Яхшиликқа қиз йиғлаётгандай бўлиб туюлди. Шу туйғу файли гапни айлантдиришни маъқул кўрди.

— Шарифа, эсингдами, бир сафар сен менга, бизлар яшаб турган Турон пасттекислиги бир вақтлар сув ости бўлганини айтган эдинг. Бунга ҳар ердаги номсиз тепача-тепача қумларни далил қилдинг. Устюрт билан Белтоғнинг жиякларигадаги чизиқларни Турон пасттекислигини босган сувнинг бўйини белгилайдиган излар дединг. Ушанда мен сени оғзаки маъқуллаган бўлсам ҳам, ичимдан ишонмаган эдим. Кейин тушундим. Орол аста-секин қуриса, ўрни, сўзсиз, кўчма қум бўлиб қолади. Узимни келгуси асрда яшайдиган бир одамнинг ўрнига қўйиб, бу қумлик бурунги Орол денгизининг ости бўлган деганида, ишонмасдим, деб ўйлайман.

— Оролингизни қўятурсангиз-чи! Иккаламининг бир-биримизни севиб, бахтиёр ўтирганимизни замондошларимиздан икки оёқли бирон бандаси биладими, деб сўраинг. Билса, эшитса, бизларнинг бахтиёр эканимизга ишонадими, деб сўраинг. Бечора отам ҳам ҳеч шубҳаланмайди.

— Бошқаларнинг билиши шарт эмас, жоним.

Шарифа жавоб қилиш ўрнига аста хўрсинди: .

— Инсон фақат бахтсизлигини яширишга уринади. Мен бахтлиман.

У қизнинг хаёлини уқса ҳам, яна гапни айлантди.

— Энг ачинарлиси, энг ёмони, бизлар яшаб турган иқлим шароитида келажак авлод яшай олмайди. Сибирь дарёлари бизга қараб оқса, Сибирдан совуқ келармиш...

— Яхшилик, ҳаммаси миш-миш. Менингча, келаси авлод бизлардан ақлли бўлади. Узига жуда яхши шароит яратиб олади, бўлмаса табиий шароитга мослашади.

— Мен бир фантаст-ёзувчининг интервьюсида, одамзод ёввойиликдан ҳозир ярим ёввойилик даврига етди, деганини ўқидим.

— Одамлардаги ярим ёввойилик нимадан иборат деб ўйлайсиз?

— Оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариб, бири-бирига пеш қилишлар, қирғинбарот урушларни қонуний зарурат сифатида исботлашлар ёввойиликнинг кўриши.

— Бунга нилм ва олимлар айбли эмас. Одамларнинг ҳали тузатилмаган хулқ-атворлари, одоб-ахлоқ тушунчалари айбдор.

— Инсон ҳаётидаги энг қувончли дамлар — бу ёруғ дунёнинг ташвиш ғалваларини унутган дамлар бўлса керак,— деди Яхшилик.

— Менга ҳам шундай.

— Ҳар қандай қийин шароитда сен эсимга тушсанг, вужудимга шу заҳоти куч қўйилади. Чарчамайман. Муҳаббат билан яшаган одам чарчамайди, деган ривоятга ишонаман.

— Мен бўлсам, сизни ўйласам, аллақандай суянчигим, ишонган тоғим бордек руҳланиб кетаман. Ўз пайтида Светлана ни шундай севганмисиз?

— Яширмайман, уни севган пайтимда ақлу ҳушимни етимликдан тезроқ қутулиш, бошпанам бўлиши, тезроқ ота бўлиш туйғуси эгаллаб олган эди. Энди ўйлаб қарасам, жуда шошқалоқлик қилган эканман. Сен билан бирга бўлсам, оламда қишғирликлар, ўғирлик-ғарликлар, хиёнатлар борлигини унутаман. Теран ақлингни, билимингни севаман.

— Ўзимни-чи?

— Ўзинг бўлмаганингда, ақлинг ҳам, билиминг ҳам бўлмас эди-да. Сени ўйласам, кўз олдимга Оролнинг тақдири ҳам қўшилиб келади. Бизнинг совхозимизда аҳвол яхши эмас, лекин Орол масаласи ҳаммасидан ҳам долзарб, она масала. Бунинг менга сен уқдирдинг, Шарифа. Обком бизнинг Орол ҳақидаги хатимизни қувватлади.

— Яхшилик,— деди Шарифа эркаланиб.— Энди сиз ҳайрон қоладиган битта янгиллик айттайми?

— Ҳайрон қолмасам-чи?

— Ҳайрон қоласиз. Сиз тугул бутун район, ўлка ҳайратланиши мумкин.

— Қизиқсан-да,— деб Яхшилиқ уни тиззасида ёш боладек силкитиб, қаттиқ қучоқлади.— Шунчалик қизиқ воқеа бўлса айтмай қандоқ чидайсан?

— Менинг янгилигим қувонч ўрнига ташвиш олиб келиши ҳам мумкин. Чунки атом, водороднинг кашф этилиши олимлар учун қувонч эди, бошқаларга ташвиш бўлди.

— Эҳ, яна қандай мудҳиш хабарни айтмоқчисан.

Шарифа унинг бўйнидан қучиб, нозик бармоқларни билан сочларини тараб эркаланди:

— Агар қиз бола бўлганингизда йигитлар сочингизга ошиқ бўлишарди.

— Янгилигингни айтсанг-чи, жонгинам.

Шарифа уялиб, пешонасининг терини артди-да, қаймоқдай майин лабларини унинг қулоғига тақаб, очиқ форточкадан кирган шаббода товушини аллақасеққа олиб кетишидан қўрққандай, шивирлади:

— Кеча докторга кўриндим, ҳомиладорсан деди!

Яхшилиқнинг оёқлари остида бомба портлагандек, мияси карахтланиб, кўзларининг олди тиниб кетса ҳам, ўзидаги бу ўзгаришни сездирмасликнинг иложини ўйлади, бир фурсат унсиз қолиб, зўрға тили калимага келди.

— Тиззаларим уюшиб қолди, Шарифа, ёнма-ён ўтириб гаплашайлик.— Қиз аста турди.

— Отам билиб қолишидан қўрқаман.

— Светлананинг-чи?

— Йўқ.

— Оҳ, Шарифа,— деб Яхшилиқнинг чиройи бир оз хиралашиб, билагидаги соатига энгашди.— Райкомга боришим керак эди-ку.

Шарифа унинг ишларига жиндек халақит берганини билиб қолса, ўзини гуноҳкор ҳисоблаб, жиғибийрони чиқар эди. Унинг ерга тушиб кетган қалпоғини бошига кийгизди.

— Чойга қарамайсизми?

— Кета қолай. Ташқаридаги қарияларнинг кўнглига ҳам бирон гап келиши мумкин...

Шарифа уни тўхташга энди қистамади.

Яхшилиқ кексалар билан хайрлашди-да, ҳеч гап бўлмагандек йўлига кетди.

Ҳали жаҳлдан тушмаган Нишон Нажимович Давлатовнинг киришига рухсат этган бўлса ҳам:

— Сиз олималар билан учрашни олдидан партбилетингизнинг уёқ-буёғига қараб қўйинг,— деди.

— Мен сиз билан маслаҳатлашгани келган эдим,— деди Яхшилик, унинг гапини эламай.

— Сенга қулоқ солиб ўтиришга менинг тоқатим йўқ. Совхоз давлат планларининг барча турларини бажаргани ҳақида рапорт билан бугун келсанг, бугун, эртага келсанг, эртага гаплашамиз!

Унинг товушидаги қаҳр ва кескинликка қарамай, Яхшилик:

— Одамларнинг тақдирлари юзасидан кенгашмоқчи эдим,— деди жуда мулойимлик билан.

— Энг муҳим нарса — план, одамларнинг тақдири шу планларнинг бажарилишига боғлиқ. Тамом!

— Бу йил зўрлаб рапорт олиб, келаси йили ўз-ўзимдан кўз юмиб план бажаришни менинг одатимга айлантирмоқчимисиз?

Нишон Нажимовичнинг қовоғи ёғадиган булутдай уйлиб, ёнида тахланиб ётган газеталарнинг биттасини олдида, юзига ёпиб ўқий бошлади.

— Эҳ, районнинг сохта гамхўри!— деб Яхшилик ўрнидан турди.

Нишон Нажимович парво қилмай, шахт билан чиқиб кетаётган ғазабнок директорга газетанинг устидан аччиқланиб қараб қолди.

Яхшилик район партия комитети секретари кабинетидан чиқиши ҳамон у билан ораларида ўтган ҳодисани унутди. Машинасига ўтириши ҳамон Шарифа билан ўрталарида юз берган ҳодиса тунги чақмоқдай кўз олдида бир ялт этиб, бутун хаёлини эгаллаб олди. «Энди бари тамом, ишлар расво! Кейин нима бўлади?! Шўрлик Шарифага қийин. Эрсиз болали бўлишдан оғир шармандалик борми?! Энди ҳамманинг олдида юзи қора, бети шувит, ҳоли аянчли. Бечора ҳалигача ёш боладай, кўнгли беғубор. Қувлик-шумлиги ҳам йўқ. Бундай соф кўнгилли, нолик таъб одамни қандай қилиб ҳасрат-надоматда қолдириш мумкин? Емоқ бўлди, жуда ҳам хунук иш бўлди! Унинг янгилигидан сўнг менинг тиззаларим эмас, юрагим уйишиб қолганини сездимикан? Уятсизлик қилдим. Уни юпатадиган сўз ҳам топиб айтмадим-а! У менга ишонар эди, покликка, яхшиликка, келажакка ишонарди. Қаллоблиги йўқ-да! Шунинг учун ҳам у яқинлигимиз бундай фожиага олиб келиши мумкинлигини ўйламади. Ҳаммаси унинг ёшлигидан, софдиллигидан. Қийин бўлди...»

Яхшиликнинг ўзига осонми? Светланага-чи? Ёлғизгина қизи Ойларга-чи? Оҳ, нонтепки! Бундай номаъқулчиликни икки оёқли ҳеч бандаси эшита кўрмасин! Унда ўт бошланади! Учириш жуда мушкул бўлади. Орзулари, сов-

хознинг келажаги ҳақидаги энг яхши ўйлари кул бўлади, совхоз ишчиларининг янги директорга бўлган умидлари шамолга учади...

У шу тариқа тубсиз хаёл уммонда гоҳ сузди, гоҳ чўмди. Бу ўйларининг туби ёки охирига етолмади.

Шофёри ҳеч нарсадан хабарсиз, ҳеч нарсага эътиборсиз, фақат олға, йўлга қараб ўтирарди.

— Райнмбой,— деди у охири чидамай.— Айт-чи, барака топкур. Сен, директорнинг дуп-дуруст хотини бўлатуриб, нега бошқа қиз билан учрашади, деб сира қизиқмайсанми?

— Мени қизиқтирадиган нарса — меннинг ишим. Мана,— деб у руль баранкасини кафти билан шап эткизиб урди.

— Унда маслаҳат бер: Шарифа билан муносабатимни узайми?

— Олдин «бошлайми?» деб маслаҳат сўраган бўлганингизда ҳозир жавоб топиб берган бўлардим.

Яхшилиқ унинг илмоқли ва айни чоқда тўғри жавобига тан бериб, бошини таассуф билан чайқади.

— Шарифа ёмон қизми?

— Зўр.

— Света-чи?

— Зўр.

— Нимаси зўр?

— Шофёрларнинг ўз тарозиси бор. Бир ерга тўпланишсак, хўжайинларнинг хотинларидан гаплашамиз. Шофёрларга қайбирларининг ўзлари эмас, хотинлари хўжайин. Светлана янга ҳеч қачон машина сўрамайди.

У бошқа гапирмади.

Яна пахта пунктига қайрилиб, бугунги терим натижаси билан танишди. Шоли қабул қиладиган омборга ҳам борди. Ҳамма жойда кундалик ўсиш қаноатлантирмади.

У ғамгин бўлиб, уйига икки хуфтонда қайтди.

Светлана уни ҳамиша кутиб ўтирар эди. Бу гал эшикни ичидан қулфлаб, ухлаб қолибди. Ёнидаги иккинчи калит билан очиб, эҳтиёткорлик билан ичкарига кирди. Чироқни ёқди. Хотини ҳеч нарсадан беҳабар, чалқасидан маст уйқуда ётарди. Ўрнига ётишдан олдин лабларига қизил, юзларига упа сурганми, ғоят сулувланиб кетгандай эди. Кўксига тўнкарилган марварид тусли икки пиёла сингари кўкраклари кўнглини қитиқлаб, эҳтиёткорлик билан энгашди-да, оҳистагина ўпди:

— Оҳ, бечорагинам-а, қандай сулув эдинг. Ҳозир кузги гулга ўхшаб боряпсан.

Ечиниб, трюмоннинг олдига борди:

«О, Яхшилиқ Давлатов! Йиллар сенинг ҳам сочларингга оқ бўёғини сура бошлабди. Эҳ, йиллар, йиллар! Бизлар сени ўзимизга бўйсиндириб қанча ишларни қилиб улгуришга тиришамиз, сен бўлсанг бизни ўзингга бўйсиндириб, сочларга оқ туширасан, қаритасан... Йўқ, Давлатов, сенинг сочларингга битта-яримта оқ туша бошлагани бўлмаса, кузги гулга эмас, иккинчи ғунчаси энди очилган гулга ўхшайсан».

У ўзини ўзи мақташ билан чироқни ўчирмай, Светлана­нинг қўйнига кираётган эди, муздек бадандан у уйғониб, кўзларини очди.

— Соат неча бўлди?

— Икки.

— Кечир. Ун иккигача кутдим. Овқатингни иситиб берайми?

— Кераги йўқ.

Светлана қўлини чўзиб, чироқни ўчирди-да, эрининг бўйнидан кучоқлаб бағрига олди, бу дунёдаги керак нарсасига етишганидан ҳузурланиб:

— Оҳ, жоним, жуда озиб кетдинг, умуртқаларинг саналиб, қўлимга бота­диган бўлиб қопти,— деди.— Нега индамайсан? Ё бўлмаса, мендаги сенга керак нарсалар камайдимми?

У шундай деди-ю, жавоб бўлмагач, ҳафсаласи пир бўлиб жимиб қолди. Сал фурсат ўтар-ўтмас мушукдек хуриллаб хуррак ота бошлади.

Яхшилиқ унинг бўйнига қўлини ташлаб, кўзини юмгани билан, минг турли ўйлар миясига адоғи йўқ ғулғула солди. Қайтадан турди. Ошхонага кириб, газга чой қўйди. Чой қайнагунча ошхонада уёқ-буёққа юриб, чироқни ўчирмай ухлаб қолган қизининг тепасига бориб, пешона­сидан ўлган эди, қизи кўзини очди.

— Ҳа, папа, келдингизми?

— Келдим, қизим. Бугун нечта беш олдинг?

— Иккита беш.

— Молодец.

— Папа, бугун мамам учта қўйлак тиктириб олиб келди.

— Қаерда?

Ойлар туриб, дадасини ошхонага бошлаб борди-да, тумбочкани очди.

— Мана бу ерда.

Яхшилиқ тумбочкага қўл суқиб, дазмолланиб тахлаб қўйилган учта қўйлакни олди. Шу пайтгача у ҳеч кимда кўрмаган оқ, кўк, қизил ранг импорт матодан тикилган қўйлаklar.

Яхшилиқ шақиллаб қайнаётган чойгумнинг овозини эшитмай, тумбочканинг олдида чўнқайиб ўтирган ҳолатида муштларини пешонасига босди.

— Папа, нега йиғлаяпсиз?— деди Ойлар.— Фақат добрый дадалар йиғлайди деб эшитдим, папа, йиғламанг.

— Йўқ, қизим, йиғлаяпганим йўқ, бир оз кўзим тиниб кетди, чарчаганман,— деб у қизининг бошини сислади.— Урнингга бориб ёта қол. Мен ҳали чой ичаман.

— Мамам мана бу кўйлакларни дадангга айтма деб эди, мени айтди деманг.

— Ҳар қандай вақтда ҳам ёлгон гапирмаслик керак, қизим. Сен ҳам тўғрисини айтишни одат қил. Мен ҳеч ёлгон гапиролмайман.

Қиз йиғлаб-юборди.

Яхшилиқ уни юпатиб, бағрига босди.

Ота-боланинг гангур-гунгурига Светлана уйғониб келиб, тумбочкадан ташқарида ётган кўйлакларни кўрди-да, сочлари ёйилган ҳолда тош ҳайкалдай қотди.

Яхшилиқ қизини кўтариб, хонасига олиб кириб кетди.

19

Яхшилиқнинг эрталабки иши яна жанжалдан бошланди. Қабулхонасида кутиб ўтирган учта механизатор уни кўриб, ўринларидан баравар туриб, учаласи бараварига чувиллашди:

— Бошқалардан иш талаб қиласиз-у, ўзингиз ишга ярим соат кечикиб келсангиз ҳам майли-а?

Уларга бугун оқшом ухлолмаганини важ қила оладими? Бундай вазиятлар кимнинг ҳаётида бўлмайди. Ҳар ким хонадонидagi арзимас кўнгилсизликни олиб келиб давлат ишига аралаштираверса, нима деган одам бўлади.

Механизаторлар у билан бирга ичкарига киришди, стол устига зарда билан аризаларини ташлашди.

Яхшилиқ аризаларни ичида ўқиди. Совхоздан кўчиб кетамиз, деб ёзишибди. Бу учаласидан бошқаларининг ҳам қўллари қўйилган. Буни ўқиди-ю, директорнинг бошидан яшин ургадек довдираб қолди. Кўзлари тиниб, бир муддат тили калимага келмай, боши айланиб кетди.

«Механизаторлар етишмай турганида бу қанақа ўйин бўлди?»

У вужудида пайдо бўлган жаҳл туйғусини ва ички аламинини енгиб мийиғида кулинқиради-да, креслосининг суянчига кифтини ташлаб чалқайди.

— Йигитлар, нега бундай қарорга келдинглар?

Учаласи ҳам индамади.

Яхшилик саволини яна такрорлади, овозида беғараз оҳанг аксланиб турарди.

— Шержонови ўринбосарликдан ҳам қувлаясиз. У бизнинг болалигимиздан шу бугунимизгача юртни бошқариб, кимимизнинг тракторчи бўлишимизга, кимимизнинг оила қуришимизга ёрдам берган одам.

— У совхознинг донғини чиқарган!

— Буни сизларга ким айтди?— деди Яхшилик совуқ назар билан.

— Ҳой, директор, бизда сўз эркинлиги бор,— деди Айтжон деган қотмадан келган ориғи.— Бундай дағдага қилиб қўрқитманг бизни!

— Ўртоқ Шержонови ҳимоя қилишингиз менга ҳам ёқади, чунки эртага бир нарса бўлса, мени ҳам шундай ҳимоя қиласиз. Шундай эмасми?— деди Яхшилик жилмайиб.

Механизаторлар бир-бирига қарашди. Уларнинг кўзларидан, ўзаро имларидан бир нима демоқчи бўлаётганларини директор сезса-да, қистамади.

— Ўртоқ Давлатов,— деди Султон.— Кўп гап эшакка юк, деган. Ҳали сиз ундай ҳурматга сазовор бўлганингиз йўқ, бу боришингизда бўлолмасангиз ҳам керак.

— Бўлоламан!

Асфальт йўлдан физиллаб келаётиб, кўприксиз анҳорга рўпара бўлган машинадай учаласи нима қиларини билмай гангиб қолди.

— Сиз мени гапга солиб, ҳурматли Эржон оға тўғрисида кавлаштираётган экансиз-да!— деди Шамшод.

— Менга ёлғон айтганмидинг?— деди Яхшилик янада мулоимлик билан.

— Рост эди.

Яхшилик ўрnidан туриб, уларнинг ўртасига ўтирди.

— Йигитлар, менга чин кўнгилларингизни очганингиз учун миннатдорман. Мен энди сизлар билан бирга бўламан.

Механизаторлар ҳайрон бўлиб қолишди.

— Сизларга кичкина эртақ айтиб бераман, қулоқ солинглар. Илгариги замонда бир уруғбоши бўлган экан. Бадани қўланса ҳид чиқариб сасир экан. Уруғдошлари унинг ҳидини сезмасликлари учун меҳрибонлик қилган бўлиб, уларни бирма-бир қошига чақириб, суйканишиб ўтириб, қўлансасини юқтириб юбораверибди. Бора-бора бутун уруғ кимдан қандай ҳид чиқаётганини ажратмайдиган бўлиб қолибди. Ташқаридан соғлом бир киши келиб ҳидни сезибди-ю, уларни даволаш кераклигини эсла-

тибди. Ҳамма уни туҳматчига чиқарибди. Ноилож табиб дори топиб, олдин уруғбошини даволашга киришибди. Бошчи касалини бўйнига олмай, иғво чиқарибди. Бошчининг ғазабнок товушини эшитган уруғдошлари табибга келиб: «Бизнинг соппа-соғ бошчимиздан қўланса ҳид келади деганинг нима қилганинг, йўқол бу ердан!» деб қишлоқдан қувлашибди. Қўланса ҳид бора-бора қишлоқнинг ёшларига ҳам юқиб, бир уруғ бутунлай касалланибди.

— Охирида ҳамма ўлибди денг,— деди Айтжон.

— Абатта, ўлади! Уша уруғдан бизнинг замонамизга саноқли одамларгина етиб келган. Улар бирлашиб бир ерга макон қуришга бир-биридан ҳайиқармиш, қисқаси, ўтмишини бирон кимса эслаб қолишидан қўрқармиш.

— Бу эртақнинг маъноси бизни ўйлантириб қўйди-ку,— деди Султон.

Айтжон уни чимчилади, Шамшод тўртди. «Яхшилик ҳеч қайсисини сезмаганликка солиб:

— Дўстлар,— деди илтижоли кайфият билан.— Тажрибали йигитсизлар. Совет ҳукуматининг донғини юсакка кўтарувчи, қаерда юрсангиз ҳам ҳамма нарсага беминнат аралашадиган, бу фазилатларингиз билан «мана, совет кишиси бунақа бўлади!» деб кўрсатса бўладиган азаматларсиз. Маслаҳат беринглар, ёшлар механизаторлик касбини кўпроқ эгаллашларига қандай эришса бўлади?

— Бунинг учун энг биринчи галда ёшларни қишлоқда қолдирадиган шароит яратиш лозим,— деди Айтжон.

— Ёшлар учун қишлоқда спорт майдони йўқ,— деди Султон.

— Жуда яхши гап бошладингиз,— деди Шамшод,— шу масала юзасидан менинг кўнглимда кўпдан битта гап ҳеч тинчлик бермай келади. Қишлоқларда ўн йиллик мактабларни камайтириш керак.

Директор секретарини чақириб, чой дамлаб беришни илтимос қилди.

— Менимча, ҳозирги ёшлар қишлоқда шуҳрат топмасликларини тушунишади,— деб Султон фикрини чуқурлаштиришга уринди.— Шуҳрат касалини бу оламда ҳаммадан топса бўлади.

Айтжон жилмайди. Шамшоднинг синчков кўзлари кулимсиради.

Секретарь қиз тўртта пиёла билан битта каттакон чойнакда чой олиб кирди.

Директор ҳамсуҳбатларига бир пиёладан чой қуйиб узатиб, Султондан эшитиш учун унинг юзига қаради. Султоннинг ўрнига Айтжон гапирди:

— Ростдан ҳам ҳаммамиз яхши яшаяпмиз, фақат шуҳрат етишмайди.

— Қуруқдан-қуруқ чувиллашманглар,— деди Шамшод.— Чапаевни такрорлайман десанг, энди йигирманчи йиллар қайтиб келмайди. Матросов билан Гастелло бўлиш учун 1941—45 йиллар керак, лекин энди у зинҳор такрорланмасин!

— Космонавтлик ҳам етишмайди,— деди Айтжон.— Шундай бўлса ҳам ёшлар қаҳрамонлик кўрсатишлари учун бирон йўл ўйлаб топишлари керак.

— Менимча, мактабларда ўқув программасига ўзгариш киритиш керак,— деди Султон.— Ҳаммамиз ҳам ўн йилликни битирганмиз. Эсингиздами, мактабларда нуқул олимлар, шоирлар билан ёзувчиларнинг таржимаи ҳоллари ўқитилади. Ёшлар қишлоқни ташлаб шаҳарга кетганларида, ўшалардек, келажакда таржимаи ҳоллари мактабда ўқитиладиган одам бўлишни орзу қилиб кетишади. Менимча, мактаб программасига машҳур ишчилар, деҳқонлар, қурувчиларнинг таржимаи ҳолини қўшиш керак. Ҳозир бутун меҳнатнинг асосида техника ётибди. Яхши механизаторларнинг таржимаи ҳоли мактабларда ўқитилса, ёшларга «қишлоқда қол, механизатор бўл» деб насиҳат қилишнинг ҳожати йўқ.

— Ростдан ҳам Королев машҳурми ё Гагарин. машҳурми?— деди Шамшод.

Рухсат ҳам сўрамасдан, эшикни қаттиқ итариб дабдаба билан Шержонов кириб келди.

— Шунча узоқ гаплашиб, қандай қарор қабул қилмоқчисизлар? Қабулхонада ўтириб сарғайиб кетдим-ку! Ма, Давлатов, аризамга қўл қўй. Бўшайман! Сенинг найранглариңга чидамайман!— деди у, томдан тараша тушгандек қилиб.

Яхшилик ҳеч нарса демай унинг қўлидан аризасини олди, имзо қўйиш мақсадида тўрга, ўз ўрнига ўтди.

— Оқкўнгил, лекин фаҳмсиз механизаторларни йўлдан уриб, авраб, пинҳона узоқ гаплашганиңга қараганда менинг устимдан материал тўплаётганга ўхшайсан-а?

— Ўртоқ Шержонов,— деди Яхшилик, вазминлик билан.— Чарчагансиз, даволанганиңиз келса, курортга путёвка топиб берайлик.

— Унақа оғиз мойлаш бизга тўғри келмайди.

Шержонов креслога чўкиб, энди ўрнидан турмайди-гандай, ўрнашиб ўтирди:

— Амал баланд бир минора. Унга нарвон билан чиқасан. Чиқиб олганиңдан кейин нарвон тилсимдай, ўзидан-ўзи йўқолади. Анда ундан кейин тушиш қийин. Менга

ҳеч нарса эмас, нарвон билан тушдим, аста тушдим. Сен оёғинг осмондан бўлиб тушасан! Ҳа, шундоқ. Ҳалоллик йўқ ерда фирромлик ҳукм суради. Сен келдинг-у, совхоз ҳалолликдан жудо бўлди!

— Фирромлик ўрнини ҳалоллик эғаллади,— деди Яхшилиқ.

Шержоновнинг дами ичига тушиб, бурнининг учи қумга ташланган помидордай қизарди:

— Ҳалол бўлсанг, нега менинг уйимдан қўй единг? Хотининг нега учта импорт қўйлақ сўраб олди?

Механизаторлар ҳеч нарсага тушунмай, оғизлари очилиб қолди. Шундай бўлса ҳам, Давлатов нима жавоб берар экан, дегандай бутун вужудлари қулоққа айланиб, кутиб туришарди.

— Бир вақт менга, ичимда ёрилмаган снаряд бор, дегандингиз. Ериб, хотирингиз жам бўлдимиз?

— Ҳалиям бор. Кучлиси бор.

— Эҳ, алжиган одам! Ешингизни сийлаб, икки букилиб ялингизнингиз учун уйингизга борганда, одамгарчилигингизни ўйлабман-у, қўлаңса ҳидингизни юқтириш ниятингизни билмаган эканман! Хотинингиз хотинимга учта қўйлақлик импорт мато олиб келиб, ташлаб кетибди, рост! Қайтариб берилади, тахи бузилмай турибди.

— Ошкора бўлгандан кейин қайтарганингни фойда-си йўқ.

Яхшилиқ пастки лабини бир бор тишлаб, ўзидаги қизиққонликни босиб, жуда бамайлихотирлик билан сўради:

— Ҳовли-жойингизни ўз эркингиз билан болалар боғчасига беришга аризангиз қани?

— Э-воҳ! Ноинсоф, пораҳўр! Ушанда меҳмондорчиликка келди десам, ҳовли-жойимни текширишга борган экансан-да!

Механизаторлар эски директор билан янги директорнинг машмашасини ёқтирмай чиқиб кетишди.

Яхшилиқ Шержоновнинг аризасига қўл қўйди-да, секретарини чақирди.

— Бунни кадрлар бўлимига олиб бориб беринг, буйруқни ҳозир тайёрласин, бухгалтерияга эслатинг, буйруқ билан бирга қўлига ҳисоб-китобини ҳам тутқазсин!

Шержонов икки муштини пешонасига босганича бир оз ўтиргандан кейин бошини кўтарди. Яхшилиқ кабинетидан уёқдан-буёққа бориб келаётганини кўрди-да, ўрнидан сапчиб турди.

— Шахсга сизиниш давридагидек иш тутасан-а?

Телефон жиринглади. Истар-истамас трубкани олди.

— Яхшилик Давлатович,— деди трубкадан Шарифанинг овози.— Кеча сиз шошиб, энг муҳим нарсангизни унутиб қолдирибсиз, шофёрингиз олиб кетсин.

— Нима нарса экан?

— Телефонда айтиб бўлмайдиган нарса.

Яхшилик гапни кўп чўзмади, дераза олдида турган шофёри билан форточка орқали имлашиб, районга, эшиги олдида қайиқ ётган уйга бориб келишини тайинлади.

— Суягингиз билан бирга ақлингиз ҳам қартайибди,— деди Шержонова.— Қани, жўнанг!

— Эҳ, бузуқи! Упкангни бос! Бу совхоз энг орқада қолган колхоз эди, мен тузатдим, мен тикладим. Энди осонгина кетаманми? Пушкиннинг, мутлақо ҳокимлик харобасига исмимизни ёзишар, ҳал билан, деганини ўқиганмисан? Ўғри, тайёрхўр. Холбой Жамоловга ҳам мен пул бериб, процентини оширтирдимми?

Яхшилик аччиғидан вужуди титраб кетди, уни уриб юборадиган важоҳат билан бостириб бораётган эди, Шержонова кўрққан илгари мушт кўтарар дегандек, у томон юрди.

— Ҳа, кўрқитмоқчимисан? Ўзинг кўрқ! Шарифа Шержонова менинг огамни қизи! Ҳа, ўзинг кўрқ! Ҳеч бўлма-са, ўша беради адабингни.

Шержонов секин-секин юриб бориб, эшикдан чиқди.

Яхшиликнинг бугунги режаси бўйича, план бўлимининг бошлиғи билан ўтириб, келгуси иш режаларини тузиб олмоқчи эди. Ичкарида одам борлиги учун ботинолмай турган Юсуф Абдуллаевич кириб, Шержонов туриб кетган креслога ўтирди.

Ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган директор дераза ёнидаги доира стол устида турган графиндан бир стакан совуқ сув ичди.

— Яхшилик Давлатович,— деди Юсуф Абдуллаевич унинг ўтиришини кутмай.— Илгари экилган ерларни иккинчи марта текислаш харажатига министрлик рухсат этмаяпти.

— Нима сабабдан?

— Шошилмас эмишимиз.

— Ошиқиб яшаш керак, Юсуф Абдуллаевич! Сиз планлаштиришни тамомланг, қолган оғирликларни ўзим гарданимга оламан.

Шу пайт Давлатовнинг кабинетига партком секретари билан ишчилар комитетининг раиси кириб келди.

— Кечир мени, дўстим,— деди Яхшилик Мамутовга.—

Олдинга энди ўзим кирмоқчи эдим, ҳозир баъзи ўртоқлар гапни сал меъеридан узоққа чўзиб юборишди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ,— деб Мамутов раб-комни имлади.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди Тўлабой Тўраев.— Ўртоқ Мамутов билан кўп иш қилиб қўйдик. Энди совхозда спортчилар, бадний ҳаваскорлар тўғарагини ташкил этамиз. Таъзимов, Нурлеспесовалар штатдан ўчирилди.

— Шуларни билиб туриб, ишчилар комитети раисининг розилик берганига ҳайронман.

— Кўзимиз энди очилди, ўртоқ Давлатов! Шержонов бизларни ҳид билмайдиган даражага етказган экан.

Яхшилиқ унинг қўшалоқ помидордай юзининг терчилиганини кузатиб ўтириб жилмайиб кулди.

— Энди Ватан харитасига янги ўзгартиришлар киритишининг кутамиз,— деди ишчилар комитети раиси, бодом қовоқлари остидаги тер томчиларини бир бармоғи билан артиб.

— Ватан? Сенинча, Ватан деган нарса қаердан бошланади?

— Ватан!— дея Тўлибой Тўраевич бир муддат ўйла-ниб қолди.— Ватан, шоирларнинг ифодалашича, ўчоқнинг бошидан буёғи Арктикага, буёғи Антрактидагача кета-веради.

— Одамнинг хаёли қанча юксак бўлса, ватани шунча кенг. Масалан, космонавтлар учун бутун ер шари ва-тан,— деди Мамутов.

— Мана шу нуқтаи назардан қарасак, ҳар бир совет кишиси космонавт. Чунки бизда бутун ер шарининг га-мини ўйламайдиган одам йўқ,— деди Тўлибой Тўраевич.

— Совет кишиси бўлишнинг асосий ўзгачалиги ҳам ана шундан иборат!— деб аниқлик киритди Мамутов.

— Уй-фикримизни бир-биримиз тўлдиришимиз мени қувонтиради,— деб Яхшилиқ қўйини чўнтагидан блокнот чиқарди.— Совхозимизнинг бахтли истиқболига ақл кўзи-ни юритиб, область партия комитетига илтимос ёзсак, де-ган ўйим бор. Шолини ўриб-йиғадиган комбайннинг кон-струкциясини қайта кўриб чиқиш ҳақида, областнинг ши-молий зонасига темир йўл ўтказиш ҳақида, пединститут университетга айланса, шолчилик агрономларини тай-ёрлайдиган факультет очиш ҳақида.

— Шунга қадар шолчилик бўйича махсус техникум очиш тўғрисида,— деб қўшиб қўйди Мамутов.— Яхшилиқ Давлатович, шолিপояларнинг сувни электрон-ҳисоблаш машинаси билан бошқаришнинг истиқболларини ҳам ҳо-зир эслатишимиз лозим. Айтмоқчи, энг муҳим нарса реги-

он бўйича шолчиликни лойиҳалаш институти зарур бўлиб қолди ҳозир.

Қамгап, ташаббуссиз Мамутовнинг фикр-мулоҳазалари Давлатовни қувонтирди.

— Мабодо, Сибирь дарёларининг сувидан бизга берилиши ҳақидаги масала ҳал бўлган вақтда довдираб қолмай, етти миллион гектарлик Устюртга сув чиқаришга тайёргарлик масаласини ҳам эсга солиш зарар қилмайди.

— Тўғри,— деб қувватлади Мамутов.— Сибирь дарёларидан Ўрта Осиёга сув олиб келиш проблемаси КПСС Марказий Комитетининг диққат марказида экан. Лекин бу масала бизнинг фойдамизга ҳал қилингунгача маҳаллий коллекторларнинг сувидан чорва яйловларини кенгайтиришда фойдаланиш масаласи ҳам бугунги куннинг масаласи бўлиши лозим.

— Барча касабаси союз аъзоларининг орзуси Сибирдан бизга сув етказиш,— деди Тўлибой Тўраевич.

Улар шу тариқа бир-бирининг фикрини тўлдириб ўтиришганида Райимбой эшикдан бош суқиб, битта конверт кўрсатди. Яхшилик туриб бориб, уни олди ва ўрнига бориб ўтиргунча ҳам бўлмай очди. Тилдек қоғозга майдалаб ёзилган хат чиқди.

— Баъзи қомунистларнинг даромадларидан тўлиқ взнос тўламаслик фактлари сезилади,— деди Мамутов, ўртада ҳукмронлик қилаётган бир муддатли сукунатни бузиб.— Масалан, взноси бўйича ойлигини аниқласанг, уйдаги шунча бойликлар, хотинларидаги қимматбаҳо олтин-кумуш, бриллиант тақинчоқлар қаердан келади?— деган савол туғилади.

Яхшилик уни тузукроқ эшитмади. Шарифадан олган хатни ўқиш билан банд эди. Хатда шундай деб ёзибди:

«Ҳурматли Яхшилик Давлатович!— деб расмият билан бошлаганини кўриб, охиригача ўқишга ошиқди.— Мени афв этинг. Кўп вақтингизни олдим. Қадим Шарқ эртақларини ўқисангиз, биласиз. «Бир хотиннинг макри қирқ эшакка юк» деган эртақ бор. Бу бўлган воқеа, менимча. Мен ҳам маккорлик билан сизнинг мартабангизга, машинангизга қизиқиб, озгина кунлик лаззат изладим. Ҳозирги ёшларда бу хусусиятлар йўқлигини инкор қилиш ҳам қийин. Аммо мендаги одамгарчилик голиб чиқиб, ҳақиқатни бўйнимга олгим келди. Сиздан ўзга менинг севган йигитим бор. Шундан ҳомиладорман. Унга биров сиз ҳақингизда етказибди. Ўртада рашк қилиб, жанжал чиқаради, деб қўрқаман. Шунинг учун энди ҳеч қачон кўришмаганимиз маъқул».

Яхшилиқнинг устидан оғир юк олиб ташлангандек бўлса ҳам, бир нафас ўтар-ўтмас юрагига найза санчилгандек, нафаси бўғилди. Пешонаси терлаб, галстугини бўшатди. Уйқуси қочиб, уйғонгандек сергакланди. Яна бир минутдан кейин ташвиш босиб, кўзлари тинди. Қалтиради. Бир муздек сувга, бир қайноқ сувга ботириб олгандек қалтиради. Ақли, ўйи қарор топмай, ҳар минутда ўзгариб, ҳар муқомга тушди.

У Шарифани чиндан севар экан. Буни энди тушунди. Кабинетида ўтирган партком секретари билан ишчилар комитетининг раисини унутиб қўяёзди. Бирдан эс-хушини йиғиштириб олди-да:

— Коммунистнинг ҳалоллиги взноси билан белгилади,— деди.— Масала, ўртоқ Шержоновнинг уйидаги ўлик мол-дунёси унинг олган ойлиги ҳисобидан йиғилган деб айтиш қийин. Ота мероси бўлган дейилса, оғаси Нуржон отада ундай нарса йўқ. Лекин ҳар кимга бундай шубҳа билан қараш ҳам яхши эмас!

Эшикни довулдай забт билан очиб, «уч мушкетёр» кирди.

— О, партком ҳам, рабочком ҳам шу ерда экан!— деди Элбой Қўшжонов.— Биз ўртоқ Давлатовнинг уйини қараймиз. Завмагдан у порага бриллиант узук, қўчқор олганмиш, ўртоқ Шержоновнинг хотинидан учта импорт кўйлак олибди.

Яхшилиқ эти жимирлашиб, тили танглайига тиқилди, ичида олов ёниб, кирганларнинг юзларига ялт этиб тикилди-да, ёғоч бўлиб қолди.

Элбой Қўшжонов унинг даҳани тагига келиб, жўжа-хўроздек бўйинини чўзди.

— Ҳалол директормиш! Бошла уйингга, Завмагдан олган бриллиант узукни топиб бер! Сенинг уйингда қўчқор сўйилди деб эшитмадик, балким тирикдир. Шержоновнинг учта импорт кўйлагини кўрсат!

— Юринглар!— деди Яхшилиқ кўзларига тер қуйилиб, қўлидаги Шарифанинг хатини мижиғлаб оғзига солди-да, чайнаб-чайнаб туплаб ташлади.

Мамутов ҳеч кимни ташқарига чиқармай, эшикни ичидан қулфлади.

— Утиринглар! Мен аҳволни тушунтирмаман!

Партком секретарининг чечакдан бужир бўлган юзи кўкаринқираб, кўзларидан ўт чақнади. Ҳеч ким бу ўтга қаршилиқ қилолмади.

Қора рангнинг қоралигини кўрсатадиган оқ ранг бўлганидек, яхши одам ёмоннинг тарозиси, ёмон одам — яхшининг.

Шарифа бировга баҳо бермоқчи бўлса, отаси ёшлигида айтган мана шу ҳикматли гапга суяниб, шундай иккита одамни кўз олдига келтирарди.

Одам боласининг ҳаётидаги хатоликларнинг кўп қисми ёшлик чоғига тўғри келади. Энг оғир хатолик муҳаббат билан боғлиқ. Буни Шарифа китоблардан кўпроқ билди. Ногоҳ янглишмаслик учун у йигирма саккиз ёшигача ўзининг биринчи муҳаббатига атаб бутун туйғуларини жиловлаб, талай қийинчиликларга дуч келганди.

Мана энди оқибати... Ўзи қўнғироқ қилиб, шофёри орқали хат юборди, шундай қилмаса, уни севган юраги торс ёриларди...

У эрталабдан буён ошхона деразаси олдида ўйга чўмиб ўтирибди.

«Ҳар бир уйнинг деразаси ўзича бир телевизорнинг экрани. Дунёнинг ярмиси кўз олдиндан ўтиб тургандай. Ҳамма ҳам ўзи билан ўзи овора. Ё олиш учун, ё бориш учун, ё аллакимни алдаш учун шошилиб бормоқда, ё алданиб келмоқда. Оҳ, одамлар қанчалик анқов, қанчалик беғам-а... Ташқаридан ким кузатиб, ким қизганч назар билан қараб турганини сезмайди... Ёмонлик қилади деган шубҳалари ҳам йўқ. Одамлар ана шу хусусияти билан жуда яхши-да! Аммо ҳамма бу ёруғ дунёда, ўзи яшаб турган жамиятда фақат поклик, адолат ҳукм суришини хоҳлайди. Бу энг олий тилак. Бутун олам, жамият пок бўлишида ҳар бир кишининг улуши бўлиши кераклигига у ақл юборадими? Покликни, одилликни ўзгандан талаб қилишдан олдин ҳар ким уни ўзидан излаб кўрадими? Бу ёруғ дунёда ўзидан поклик, одиллик изламайдиган бир одам пайдо бўлса, оламни ёритувчи битта чироқ, яъни бир кўзнинг қорачиғи сўнгани. Олам қоронғи тортади, оғирлашади... Ноҳақларнинг овози баралла эшитилади, ҳаммаининг остида қолгандек чинқириб эшитилади...»

Сўнгги пайтларда бир оз озиб, тажанг бўлиб кетган қари отаси эшикдан кира солиб нолиди:

— Вой, қизим, аъзойи баданим увишиб, қақшаб кетяпти!

Шарифа дераза форточкасини ёпаётган эди, ташқарида, қайиқ устида набиралари билан ўтириб қолган қўшни қария чақирди.

— Шарифа, қизим, Нуржонга қалампир қўшилган чой бергин!

— Яхши, ота,— деди Шарифа деразадан қараб.

— Қизим-ов,— деди яна қария.— Сени ҳамма катта олим дейди. Амунинг сувини кўпайтиришга нега илож топмайсан? Ночорлигинг учун бўлса керак-а? Иккита симни туташтириб нур ёқиб қўйган ҳукумат, осмондаги ойнинг устига трактор чиқариб, ҳайдаган ҳукумат Оролнинг қуришини нега тўхтатмаяпти? Мен олим бўлмасам ҳам, табиатнинг бундай инжиқлигини тушунаман. Орол кичрайса, ён томонида ёгин-чочин кўпаяди.

Газ плитага суяниб турган қария чидамай деразадан пастга қаради.

— Бугунгина бир мақола ўқидим,— деди қўшни қария унинг белкуракдай соқолини кўриб.— Шимоли-ғарбдан, Урта денгиз томондан оқиб келган булут Оролнинг устига етганда яна тўлишиб юқори кўтарилади. Оролнинг буғи катталашади. Шундай қилиб булут яна олисроққа кетади. Орол кичрайса, булут тўла кўтарилмай, ярмиси яқин ўртага ёгин бўлиб ёгилади. Кўп ёгин экинга зарар!

Қариянинг далиллари ростга чиқадигандай туюлиб:

— Янгилигингиз учун раҳмат, ота!— деди Шарифа.

— Помир тоғининг тепасида Сарез деган чуқур кўл бормиш. Ушани буёққа оқизса, Амударё тўлиб оқармиш, Орол қайтадан тўлармиш. Шу ростми, қизим?

— Сарез кўли тадқиқ этилди,— деди Шарифа.— Амударёни фақат бир йил тўлдириб оқизишга етадиган сув запаси бор.

— Аму тўлиб, айқириб оққанини кўрсам, ийиримига бир шўнғиб олишга рози эдим.

Шарифа деразани беркитиб, ўйланиб қолди.

— Ўйланма, қизим,— деди Нуржон қария.— Кексалар ҳар бир гапни унча-мунчага гапиравермайди. Сенинг тилинг билан айтганда, табиатнинг ўз нарсаси ўзига қайтса — олам гулистон. Тириклар ўликларнинг ёдгорлиги. Одамзод бино бўлгандан буёнги даврни ўйлаб қарасак, ўликлар кўплигини кўрамиз. Уларга эсдаликлар ози! Қабристонларни кўпайтира бермай, ўликни куйдириш керак ёки балиқларга ем учун денгизга ташлаш керак. Оролда балиқ қирилганини кўргандан, уларга ем бўлишни афзал кўрмайдиган қария йўқ бу ўлкада. Асрлар оша боболарнинг Оролдан бўлган қарзини ҳеч бўлмаганда бир авлоди тўлаши керак-ку.

Шарифа отасининг жуда қаттиқ ва шафқатсиз ўйларга нима учун бунчалик кўнгил беришини ўйлаб кетди. Бу орада Нуржон қария давом этди:

— Бу дунёда одамзод пайдо бўлишининг ҳам қайғули, ҳам қувончли томонлари бор!

Улар баъзи кечаларда она-болага ўхшаб бир-бирини суяб, эркалаб суҳбатлашишарди-ю, бунақа мавзуда гап қўзғашмасди. Отасининг гапи ноқулай туюлса-да, қиз индамай қололмади.

— Менинг тушунишимча, бу дунёда янги одам пайдо бўлиши фақат қувончли ҳол, ҳар бир инсон ўз янгилиги билан келади.

— Қайғули томони, қизим, дунёда сув сўрайдиган яна битта сувхўр пайдо бўлади.

— Ҳар ким ўз насибасини ўзи топади,— деди Шарифа.

Нуржон қария диванга чиқиб ўтирди-да, хўрсинди.

— Минг ёмон бўлса ҳам, Эржон билан туғишганман. Давлатов унинг амалини тортиб олгани билан чекланмай, ишдан бутунлай ҳайдаб юборганмиш.

Шарифа унинг бўшатилиши яхши бўлганлигини тасдиқловчи далиллар келтирмоқчи эди, отасининг раъйига қаради, унинг қовоғи тушиб, мунғайиб ўтирарди, бу ҳолатини кўриб, унга қўшилишиб амакисига ачинишга мажбур бўлди.

— Эржон, бари бир, ўша Давлатовни аярди,— деди қария яна.

— Нима учун?

— Уни шофёри ҳам ёмон кўрармиш. Бу кетишда шофёри Давлатовни авария қилиши мумкин, деган гапни айтди ўтган сафари.

Шарифа бир хил бўлиб кетди, аъзойи бадани титраб, кечаги ҳодисаларни эслади-ю, кўнглида унга нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Демак, Яхшилиқ одам таний олмайди, тошюрак. Шофёри хафа бўладиган хиёнат иш қилган. Одамларга тушуниб бўлмайди. Бир муддат муҳаббат юзасидан сирлашдик, бир лаҳзада айниди. Бевафо.

У индамай хонасига кирди-да, каравотига юзтубан тушиб ётди. Йиғлади, унсиз йиғлади, негадир кўзларидан ёш чиқмади. Бир фурсат шундай ётгач, ўрнидан турди. Ишга бориш керак. Трюмонинг олдида сочларини тараб, қайта ўрди, қовоқлари шишганини кўриб қолди. Бу аҳволда одамларга кўриниши уят. Биров бир нима демаса ҳам, ўзига эҳтиёт бўлиб юриши керак. Бундай кайфиятга рост гапдан бўлак қандай жавоб бўлиши лозим. Мана, ҳақиқатни айтиш ҳам қийин. Бугундан бошлаб у ёлғонларга суянмаса, сири ошкор бўлади. Ана, ҳаётда қорбнгликнинг ҳам кераги бор бўлганидай, ёлғон ҳам гоҳида жонингга ора кириши мумкин. Отасиз бола туғиш қайси

аёл учун яхши? Бошқалар қаторида бу ёруғ оламда ҳаёт кечириши лозим бўлган тирик жонни олдириб ташлаши ҳам увол!

У ёзув столида ётган оқ қоғозларни кўриб, бошига келган хаёлларини, пушаймонларини Яхшилиққа ҳозир ёзиб юбориш ниятида қўлига қалам олиши билан тана-си титраб кетди. Қалласига на битта сўз келди, ўйлар тўлқини тошиб, на қайси бирини ёзишни билди. Лаблари пичирлаб узоқ ўтирди. Одам туғилиши керак! Унга тўс-қинлик қилиш бу дунёга зиён-заҳмат етказадиган бир ҳашаротга айланишдир...

Телефон қаттиқ жиринглаб кетди.

«Яхшилиқ бўлса керак. Эҳтимол, шошқалоқлик қилганини бўйнига олиб, кечирим сўраш учун излаётгандир. Севгилисини икки ўт ўртасида ёлғиз қолдириш кимга ҳам яхши?! Утни ўчириш йўлини биргалашиб излаш осонроқ. Чунки икки томон ҳам гугурт чаққан...»

Шарифа телефонни кўтармоқчи эмасди, иш жойидан бўлса айб бўлади, деган хаёлга бориб эҳтиёткорлик билан трубкани аста қулоғига босди-да, беморга ўхшаб, товушини жуда нозик чўзиб, овоз берди:

— Аа-ло-оо!

— Шарифа Шержоновамисан?— деди аёл кишининг овози.

Қизнинг ранги ўзгариб, қўлидан трубка тушиб кета-ёзди.

— Мен Давлатовнинг хотини Светланаман. Тўсиндан кўнгироқ қилиб, ноқулай темада гаплашмоқчи бўлганим учун кечир.

— Ҳечқиси йўқ, гапингизни айтаверинг.

— Ҳар бир аёл ёниб турган битта сайёра, синглим. Буни тушунмайдиган тўқимтабиатлар бизнинг районда ҳам пайдо бўлиб келяпти деган гапни эшитганман. Мен сени уларнинг қаторига қўшиш фикридан узоқман. Шундай бўлса ҳам, эшитган қулоқда айб йўқ. Ичакларимга кўр ёпишди, синглим. Эримнинг бошини айлантирма!

Қизиб турган темир сувга ташлангани сингари Шарифанинг вужудидан ўт югуриб, бирдан шамдай серрайиб қолди.

— Ҳеч кимнинг гапига ишонмас эдим. Эржон Шержоновнинг хотини Фарида бугун учинчи бор мана шу гапни телефонда айтди...

Светлана жавоб кутмай трубкани қўйиб қўйди.

Шарифа уйнинг ўртасида тик турганча лол бўлиб, анграйганича қолди.

У ҳаёт ҳақида, ўзига ўхшаганлар ҳақида ўйласа, одам

одамга ўхшаса ҳам, ахлоқ-одоби ўхшамаслигига ҳайрон қоларди. Отаси совхоздан нима учун Давлатовни ёмон кўриб қайтганининг маънисига энди ақл юборди. Ҳаёти бугунга қадар кўтарилган чўққисиди тўхтаб қолгандек, ўша анграйган ҳолатида ўзининг ҳаёт йўлига назар ташлади. Олдинда ҳам, орқада ҳам паст-баландликлар, тошли, чангалли, ғадир-будирликлар кўринди.

— Э-воҳ, потекис йўллар!

У ҳаётда ўзини бутун тенгдошларидан ортиқ ҳисоблар эди. Улар ўнинчини битиргандан кейин, бамисоли узоқ йўлга ярамайдиган йўловчидай, ўқишни давом эттира олишмади... Бирй шошилиб эрга тегди, бириси институт даражасидаги билим билан чекланди-да, олға қадам ташлашга ҳоли келмаган югурувчилардай, ярим йўлда тўхтади. Бироқ ҳаммаси ҳам турмуш қурди, олди ҳозир учтўрт боланинг онаси. Шарифа-чи? Ҳаммадан ўзиб кетган енгилтак югурувчи! Ягона юпанчи — фан кандидати. Матбуотда битта мақоласи босилса, дугоналарининг бири бола туққани учун севинганидан кам севинмасди. Энди ҳаммаси пучга чиқди! У енгиллоёқ!

Унинг оёқлари танасини кўтаролмай, ёнига гурс этиб йиқилди.

Таниш товуш: «Ҳар бир аёл ёниб турган битта сайёра...» — деб шивирлагандек бўлди. Бу шивирлаш қизнинг ёш, парвозли кўнглига бўғов солди.

«Сайёра ҳаёт бахш этиши лозим, — деди ўзича ғурурланиб. — Мен-чи? Сўнган сайёраманми? Йўқ, ҳомиладорман! Демак, ёниб турган, ҳарорати сўнмаган сайёраман. Қулган кулаверсин, ўчмайман, ўчирмайман!»

Бу ҳаёллари уни бешикда тебратгандек аллалаб, шу ётишида кўзи уйқуга кетганини сезмади...

Отаси уни кўтара олмай, устига кўрпа ташлаб, бошига ёстиқ кўйди.

— Ақлйигим, — деди эрта билан отаси. — Сен хасталандинг, мен тузук бўлдим. Боғбон ўзи эккан ниҳолчанинг нега тебранганини сезади. Лекин мен қари боғбонман.

Шу пайт эшикни тапиллатиб қоқиб, Шержонов билан Завмаг кириб келди.

Уларни кўриб, Шарифанинг энсаси қотди, отаси ҳам ёқтирмаганини пайқади. Шундай бўлса ҳам, келган меҳмонни кўкрагидан итариб бўлармиди. У ошхонага кириб, учта чойнакда чой дамлаб кирганида, икки ака-ука бир-биридан аразлашган ҳолатда бир-бирига тумтайишиб олган, Завмаг уларга қозилик қилиб ўтирарди.

— Туғишган инингиз Эржон оғанинг оёғи таги мустаҳ-

кам ва баланд бўлиши учун қилинаётган эзгулик ҳаракатдан қочиш сизга ярашмайди, оқсоқол!

Шарифа кириб бориши билан улар тим-тирс бўлиб қолишди. Отасининг юзида мунг кўргиси келмайдиган Шарифа чидаб тура олмади:

— Ота, нега хафа кўринасиз?

Амакиси унга ўгирилиб эдрайди:

— Уни мунгайтириб қўйган сенсан!

Шарифа дамланган чойларни ошхонага олиб кириб, ташлаб чиқди.

— Эржон ога, уйимизга келиб фисқ-пасод кавлайдиган одамларни меҳмон қилолмаймиз.

Шержонов унга эмас, Нуржон қарияга ғазаб билан саволмуз назар ташлади.

— Агар унга осилиб олмаса, сенинг ўлганинг яхши!

Уларнинг кетишини кутиб тургандек, эшик бекилиши билан телефон жириглади. Хатини ўқиб, Яхшилик бир нарса дейишини чидамсизлик билан кутаётган Шарифа яна трубкага ёпишди.

— Шарифа Шержоновна,— деди Нишон Нажимовнинг ғоят мулоим, аёлларникидай беозор товуши.— Сиз кўтариб юрган Орол проблемасига қўшимча фикр бермоқчиман. Биласиз, бутун одамзоднинг буюк доҳийси Владимир Ильич Ленин йигирманчи йиллари Орол балиқчиларига хат ёзган, Волга бўйида юз берган очарчиликдан азоб тортаётганларга ёрдам сўраган. Агар шундай Орол денгизи қуриб кетадиган бўлса, келажак асрда яшайдиган авлод, улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин Орол балиқчиларига хат ёзди, деган тарихий фактга ишонмай қолади. Бу, албатта, яхши эмас. Ленинга алоқадор битта факт бекорга чиқса, бошқа фактларга ҳам шубҳа туғилади. Ана, Орол проблемасига алоқадор бир янгилик бердимми? Районимизда олим яшаса-ю, у келиб маслаҳатлашиб турмаса биз билан..

— Утган сафар секретарингиз билан гаплашган эдим.

— Упкаладингизми? Менинг секретарим эрқароқ қиз, унинг ҳамма гапларини кўнгилга олавермаслик керак. Мен сизга айтмоқчи бўлган гап шуки, ёшлигимда олимларни, ўзбошимча ақллилар, дер эдим. Шу бугунги кунгача ҳамон ўша фикрдаман. Лекин, турмуш тажрибаси илмдан қолишмаса керак?

— Сиз айтганга ўхшаш фикрлар район газетасида босилиб туради.

— Район газетаси асосан менинг ўйларим, менинг гапларимни бош масала қилиб олади.

Шарифа уни ёқтирмаганини яшира олмай:

— Қозоним қайнаб кетди, узр,— деди.

— Ҳозир ҳар бир инсон районнинг ва дунёнинг муаммосига аралашуви шарт. Менинг сиздан сўрайдиган нарсам — ҳозир сув танқислиги бошланаётган пайтда сувни ҳозиргидан ҳам кам талаб этадиган шоли навини топиш эди.

— Қумда ўсадиган шоли навини излаганингиз яхшироқ.

— Сизнинг сочингизнинг майнадай қоралиги, жингалаклиги кўзимга кўриниб турибди.

Шарифа трубкини ташлаб юборди.

Телефон яна жиринглади, у трубкини кўтармади.

Нуржон отанинг руҳи тушиб кетса, тиклаш унча қийин эмасди. Ҳаётидаги энг яхши пайтларини эслайди. Одамларга қилган яхшиликлари кўп. Шу нарсалари уни ёмон ҳаёллардан бир неча соатлар давомида қутқариб, руҳсизлиги унутилади. Ўзини юпатишга уста бўлишига қарамай, қариллик асар қилганиданми ёки саломатлиги ночорлигиданми, бугун укаси келиб кетганидан кайфияти тушиб кетди. Чунки кизи ҳақида қулоққа ёқмайдиган ҳақиқат очилиб қолди. Шу сабабдан у қизининг тақдиридан хавотирга тушди. Ёшлар ориятли ва қизиққон бўлишади. Жаҳл устида жонига қасд қилиб қўймаса эди. Агар шундай қилгудек бўлса, осмон узилиб ерга тушгани. Қария учун ҳаёт тамом деган гап. Насл-насаби қурийди. Худо кўрсатмасин!

Ер остидан қизининг авзойини кузатиб ҳеч нима демади. Аксинча ўз-ўзидан қувонди. Бува бўлишдан, набира эркалашдан ортиқ нима бор бу оламда? Оққўнги, соддадил, одамларга ишонадиган қизни бадният бир каззоб йўлдан урган. Майли, алдаган ҳам бўлсин. Алданиш ҳисобига дунё яна бир инсон билан тўлишади. Ер юзидagi ёлғончиликни, алдамчиликни тўхтатадиган одам номаъқул отадан туғиладиган унинг набираси бўлиб эр етса ажаб эмас!

Шарифани ҳам боққан отаси унга таъна қилмаслик учун ўзини ниҳоят оғирликка солади. Афсус, ҳомиладорлиги ҳақида унга шама қилиб — оғиз очиш мумкин эмас. Лодонлиги учун мақтаган бўлади.

Ота-бола шу тарзда кечгача сир сақлашиб, ўзларни ўзлари алдаш билан кун ўтказишди.

Кўп ғам кимни эзмайди? Қария эртасига бетобланиб қолди. Шарифа унинг тоби қочганини ўзича тушунди. «Ичи тўла шубҳалар билан яшаш осон эмас! Ҳар қандай шубҳа — оғир жароҳат. Кучайса, охири ўлим».

У отасининг тепасида ўтириб, нима бўлса ҳам ўзи ҳа-

қидаги бор гапнинг ростини айтгиси келди, лекин унинг ўзи суриштирмагани учун тортинди.

Чошгоҳга бориб қариянинг ҳарорати кўтарилди. Шарифа доктор чақиртирмоқчи бўлиб эди, у ўзидан-ўзи тузалиб кетишига ишониб, розилик бермади.

Улар бир-бирига қанча меҳр тўкмасин, бир хил унсиз сирлар икковининг ҳам кўнглига қулф бўлиб, ҳар қайси-си ўзича сирли сандиққа айланди.

Қария кутилмаганда ўлимни бўйнига олиб, агар кўз юмса, Орол бўйидаги қабристонда ётган ёстиқдоши билан ёнма-ён қўйишни васият қилди.

Қиз отасидан жудо бўлиб қолса, бу дунёда якка, дўстсиз ёлғиз қоладигандай юраги увишиб кетди.

— Ундай ёмон ният қилманг, отажон. Ҳали буёқда қанча қувончлар бор.

У қизининг энди кўнглини очишини уқиб, ичида, «ишқилиб ҳозирча очмасин», деб тилак тилади. Бир бошланса, кўп нарсанинг усти очилади. Ёмонликнинг ҳам ёпиқлиги яхши. Бири иккинчисининг поклигига, тўғри ниятлигига ишонч билан кетиш ҳам бахт.

— Қизим,— деди қария унинг яна гапиришининг олдини олиб.— Мендаги ёлғиз ваҳима — мабодо ўлгудек бўлсам, жасадимни Орол бўйидаги қабристонга олиб борадиган машина тополмай сарсон бўлишинг бўлиб турибди, болам. Эржонда машинанинг ихтиёри қолмади.

— Ваҳимангизни қаранг, ота,— деди қизи унга далда бермоқчи бўлиб.— Ҳали кўп яшайсиз. Менинг бундан бахтли бўлганимни ҳам кўрасиз!

— Улим ҳақ, қизим. Энг яхши ўлим — қариб ўлиш. Барини ҳозир ўйлашганинг айби йўқ.

— У вақтгача, ота, қабристоннинг олдига самолёт қўнадиган бўлади.

— Қўй, болам, бунақа дея кўрма,— деди қария ҳовлиқиб.— Самолётга бир марта минганман. Юрагим ўйнайди, кўнглим айнийди. Ўлсам, фақат машинада олиб боринглар.

Шарифа оғзини бекитиб пиқ-пиқ кулди.

Уйдаги вазият анча енгиллашгани учун қариянинг кўнгли юпанди.

— Одам қариса, боласининг боласидек бўлиб қолар экан, қизим,— деб секин йўталди.— Менинг сенга қилган тарбиямдан кўра сенинг менга қилаётган тарбиятинг оғирроқ.

Эшик тақиллади. Яхшилиқдан ҳамон илинжи узилмаган қиз эшикка етгунча шошилди. Яна Завмаг! Бу сафар ёлғиз.

У яхши кийинса, ёшариб ва кўҳлик кўринарди. Озода кийинибди. Бироқ келбатини ҳасрат тумани босиб, бошини эгиб, мунғайиб турарди. Шарифа унинг бу ҳолатини кўриб, раҳми келди-да, ўтиришга рухсат этди.

— Шарифа, мени кечир,— деб йиғламсиради у.— Қасбим одамларга хизмат қилиб, шунга бир оз ўрганиб кетганман. Сенинг дилингни қойитган вақтларим ҳам бўлган. Булар менинг ёмон ниятимдан эмас, саводсизлигимдан.

— Сиздан менинг ўпка-гинам йўқ.

— Яхшилик Давлатов изимга тушиб юрибди.

— Нега ундай қилади?

— Бир пайт у билан машиналаримиз уришиб кетаёзди. Бунда менинг ўғлим эмас, унинг шофёри айбдор эди. Шунини ёпти-ёпти қилиш учун пул талаб қилади. «Хотинимга билдирмай, тўппа-тўғри ўзимга олиб кел», дейди. Нима қилишимга ҳайронман. Қизининг туғилган кунда кўп совға билан хотинига битта бриллиант узук олиб боргандим, у овқат еса мушукдай кўзини юмиб ейдиганлардан экан. Кишига тош отса, ўша тоши ўзига қайтарилишини ёки энг яқин-йироқларининг бошига тушишини тушунмайдиган анойига ўхшайди. Ҳа. Шундоқ. Эшитган бўлсанг керак, яқинда уч коммунист унинг уйини тинтув қилди. Эржон отанинг хотинидан олган уч хил импорт матодан тикилган кўйлак топилди. Мен олиб берган бриллиант узук йўқ. Уни хотини яширдими ёки ўзи бекитди — номаълум. Бироқ ундай узук берилганини, лекин бриллиант эмас экан деб бўйнига олиб, парткомга ариза ёзибди. Кеча уч коммунист уйини яна тинтиди, ўша узук топилмади. Бари бир изимдан қолмаяпти. У директор бўлиб келган кунлари йўлда машина қоқиб ўлган Худойберган деган анқов бор эди, ўзининг директорлик обрўсидан фойдаланиб, ўша ўлимни менинг бўйнимга қўйиб ўтирибди.

— Завмаг, сиз тўғрингизда кўп эшитганман. Тулкилик либосингизни яшириб ўтирганингиз йўқми?

Завмаг товуқ қараш қилиб, бир қиялаб назар ташлаганда қиз унинг кўзлари атрофи қизариб турганини кўриб, менинг олдимга келиш олдидан йиғлаган, деб ўйлаб, унга раҳми келди.

— Қўлимдан келса ёрдам қилай.

Завмагнинг ёшли кўзлари жавдираб, юзига жон кирди, илгаригисидай кўҳлик кўринди.

— Отанг қаерда?

— Сал бетобланиб, хонасида ётибди.

— Қарилик-да, тез-тез оғриб туради. Унга керакли

дори бор эди менда,— деб у қўйини чўнтагидан тўрт бурчакли картон қутича чиқарди.— Ма, қароғим!

Қиз раҳмат айтиб, баҳосини сўради. Завмаг кулди.

— Ўзи Эржон Шержоновнинг туғишган оғаси, сенинг отанг бўлса, ундан мен пул олсам, йўғ-э! Кетдим.

Қиз эшикни илиб келди, қутичани кўтариб, отасининг олдига бориб ўтирди.

— Ота, сиз доктор чақиришни хоҳламасангиз ҳам, дорининг ўзи осмондан тушди.

Қария бошини кўтарди.

Қиз эҳтиёткорлик билан қутичани очган эди, юраги шув этиб кетди.

— Вой, ота, пул! Кўп пул, Завмаг берган эди.

— Епирай, бу қанақаси бўлди, дарров милицияга хабар қил!— деди қария.

Шарифа каловланиб, телефонга югурди. Милициянинг телефони банд. Қайта-қайта номерни тергани билан бари бир банд бўлаверди. Ҳозир ҳар бир дақиқа бир йилга чўзилгандай, унинг олдига бир боғлам юзталиқ эмас, бир хокандоз қип-қизил чўғ келтириб қўйилган-у, уйга ўт тушиб кетадигандай эди назарида.

Бу орада кимдир эшикни тақиллатди. Қиз пулни яшириб, эшикни очди. Участка милиционери.

— Пул қани?— деди у дабдурустан.

Қиз югуриб бориб, тумбочкадан пулни қутиси билан олиб келди.

— Телефонингизни ҳеч ололмаётган эдим, сиз қаердан билдингиз?

— Лўлилик қилма!— деди милиционер жеркиб.— Яхшилиқ Давлатовнинг буйруғи билан буни сизга Завмаг олиб келди. У ичкарига кираётганида мени огоҳлантирган эди. Мана, қўлга тушдингиз! Кийининг!

Қиз тушунмай ҳайрон бўлди.

— Қани, бўлинг тезроқ, имилламанг!— деди милиционер.— Изоҳни участкада берарсиз.

Тўполонни эшитиб қария туриб келди. Авзойи жуда ташвишли эди. Ҳовлиқиб жавоб қилди:

— Бу пулни Завмаг олиб келгани рост!— деди қария.— Шарифа ҳозир сизларга қўнғироқ қилаётган эди.

— Қария, ётинг, сиз қизингизни билмайсиз!— деб милиционер Шарифани ўз ҳолига қўймай, гардеробнинг эшигини очди, энгагини қоқиб, тезроқ кийинишни буюрди. Қиз қаршилиқ кўрсатмай, кийиниш учун ичкаридаги хонага кириб кетди.

— Ана, унинг ўзи ҳам келди,— деди қария севиниб.—

Ҳей, Завмаг, мана бу пулни менинг қизимга сен бериб кетганмидинг!

— Нима қипти? Давлатов олиб бориб бер, деди, сенинг қизинг ҳам сўради ва ихтиёри билан олиб қолди,— деди Завмаг ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотирлик билан.

Шарифа ичкаридан кийиниб чиқди.

— Эҳ, тулки Завмаг, қутичада дори бор, деган эдинг-ку!

— Ҳа, дори деган нарса нима қилади қўйинда, дори пул кўйида юради. Сўраганинг ана шунақа дори эди-да,— деб Завмаг тиржайиб кулди.— Пул навбатида дори, навбатида заҳар. Ҳа, пора учун олинса заҳар. Мана, у заҳарга айланди, Давлатовнинг ўйнаши! Давлатовдан кўр, ўз нафсингдан кўр!

— Қани, олдимга тушинглар,— деди милиционер, амир-она буюриб.

— Э-воҳ, худойим!— деди қария.— Ҳаётимда уч нарсадан қўрқар эдим. Бири, ўт балоси; иккинчиси, сув балоси; учинчиси, қуруқ тухмат. Ўз паноҳингда сақлагинда, яратган!

— Бундай порахўрлар билан бир осмоннинг остида, бир жамиятда яшаш жуда ачинарли ҳол!— деб Завмаг биринчи бўлиб эшикдан чиқди.

...Нуржон қариянинг ичига ўт тушиб, ўрнида ёта олмади. Чиқиб кетишга қўшниларнинг: «Қизингни нега милиционер олиб кетди?»— деб сўрашларидан қўрқди. Қўшни қария келса ҳам гаплашмаслик ниятида эшикни ичдан илди. Энди ёлғиз хабарчиси қора телефон бўлиб, ёнига йиғма каравотни олиб бориб қўйди. Бари бир у йиғма каравотда ётолмади. Уйнинг ичи дим бўлиб, ҳаво етишмай, диққинафаёс бўлиб кетди.

Уч хонали уй унга тор кўриниб, ҳозиргина қафасга тушган қари қашқирдай уёқдан-буёққа кезинди. Жони ҳалқумига тиқилиб, аъзойи бадани тинимсиз қалтиради... Дарднинг юки кам-камдан эзиб, тиззаларининг дармони қуриди, бир маҳал тўшаги сурилиб кетиб муккасидан йиқилди. Йиқилиб ётнбди-ю, бошида минг хил ташвиш: нима қилиш керак? Қани энди ҳозир битта-яримтаси кириб, юрагини куйдириб ётган дардларига малҳам бўлса. Бундай дамларда ёлғизликдан оғир нарса йўқ. Вақт ҳам тўхтаб қолгандек. Ўтган ҳар бир дақиқа ҳаётингни қил устида ўйнатиб туради. Ақалли эски ошналаридан биттаси пайдо бўлиб, қизи милицияхонадан омон-эсон қайтиб келгунча унга мадаккор бўлиб, юпатиб, суяб турса... Унинг икки кўзи эшикда. Қани энди ўша эски ошналар?

Қадрига етадиган бутун дўст-қадрдонлари балиқчилар қишлоғида қолиб кетишди... Қишлоқда яшаш қандай яхши эди, биридан бири ҳаммавақт хабардор, шаҳарда эса энг яқин қўшнинг ҳам сени қандай илон чақиб ўлдириб қўйганидан беҳабар яшайверади! Шаҳарга кўчиб келмаслик керак эди. Шаҳарда шовқин кўп, ким нима қиляпти, нега бақириб-чақиряпти — бунга қарайдиганлар дорига ҳам топилмайди...

Шаҳарга кўчиб келгач ёлғизликда унга телевизор бирдан-бир қувонч бўлиб қолган эди. Балким, ҳозир ҳам унинг фойдаси тегиб қолар... У эмаклаб телевизорга яқин борди, штепселни розеткага тикди. У мультфильмга боладай қизиқиб, бутун борлиқни унутар эди. Экранда «Олимлар минбари» деган лавҳа пайдо бўлди. Унинг орқасидан оқ кўйлакли, қора костюмли, галстугини чиройли қилиб боғлаган бир йигит кўриниб, пешонасига тушган сийрак сочини бир қўли билан ортига қайирди-да, олдидаги қоғозларини шилдирашиб тахлаб, пахта энгашиганича, бирдан кўчирмалар келтириб ўқий бошлади.

— Эҳ, шуям иш бўлдимиз?! Узингнинг гапинг бўлса, хатга қарамай сўйла-да! Бўлмаса...— деб койиниб телевизорни бошқа каналга ўзгартирди.

Аллақаердан балет кўрсатилмоқда экан. Унга бир фурсат қаради-да, бардоши тугаб, ёқтирмай, учинчи каналга буради. Инглиз тилини ўрганиш дарси. Бутунлай ўчириб ташламоқчи бўлди, ёлғизликда вақт ўтмаслигини эслаб, аввалги канални қайта топди.

«...Мен энди Орол проблемасига тўхтаيمان,— деди экрандаги олим. Қария овозини сал кўтаринқиради.— Оламда чучук сув проблемаси бош масалага айланди. Иссиқда кўча бўйлаб бораётган одам газли сувга бир тийин тўлагандай, чучук сувга пул тўлаб ичиб кетадиган эллар дунёда кўпчиликни ташкил этади. Бизнинг шароитимизда чучук сув бир оз ташвиш туғдиради. Мисолга Орол денгизига қуядиган Аму билан Сирдарёларнинг сувини олайлик. Амунинг бизга етиб келган сувини шу туришича ичиб бўлмайди. Минерал тузлар кўпайиб кетмоқда, чунки йўл-йўлакай коллектор сувлари қўшилади. Оролнинг бугунлиги ниҳоятда қийин проблемаларнинг бири бўлиб қолган. У йилдан-йилга кичрайиб, сувининг шўрлиги ортмоқда. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, беш-олти йилдан кейин Амудан сув етиб келмайди. Оролнинг сатҳидан ҳар йили эллик миллион кубометрга яқин сув бугга айланиб турибди. Бу демак, яқин йилларда Орол денгизиде ҳаёт тўхтайдн. Қисқаси, Орол аста-секин ўлиб боради...»

— Эҳ, аттанг!— деб юборди қария, танаси тиришиб, юраги орқасига тортиб. Ҳурнидан туриб, штепселни розеткадан юлиб олди.

Шу пайтда телефон жиринглади. Назарида қизи: «Ота, ҳақ жойига қарор топди, мана, қайтдим», деб айтадигандай телефон томон ташланди, қўли етганда икки марта йиқилиб, икки бор турди. Афсус, қўнғироқ қилаётган одам қизи эмас, иниси бўлиб чиқди.

— Нуржон!— деди Шержонов акасига ачинган овоз билан.— Эсингдами, Давлатов мени ҳам, сени ҳам пешонамизга қоракуя суркайди, деган эдим. У лаънати хотини орқали пора олгани билан қаноатланмай, Шарифани ҳам шармисор қилди. Уни юкли қилди. Биласанми, бечора қизнинг номуси поймол бўлиб, бунинг устига отасиз бола орттириши — сени тириклай гўрга тикши-ку! Энди у бола туғса, боласига кимнинг фамилиясини беради? Тирик бўлсам бизнинг фамилиямизни булғатишга рухсат этмайман. Ҳа. Хароми болага покиза фамилиямизни бергимайман!.. Бугун ўша Давлатов сабабли Шарифа милицияхонада ўтирганмиш деб эшитдим.

Қариянинг бу гапларни эшитаверишга тоқати етмай, трубкани жойига ташлаб юборди. Оппоқ қордай сочлари орасидан кўзларига қуйилаётган терни кўҳна тўронғилнинг қийшиқ бутогидек қўллар билан артди. Яна нафаси қисди, бутун танаси қизиди, сал-пал қалтиради.

У ўз ҳаётида иниси билан кўп аразлашиб, кўп марта ярашган бўлса ҳам, шу галгидек ундан кўнгли қолмаган эди. Тиззаларидан дармон кетиб:

— Уҳ, қарғиш ургур!— деди ўзича ғазаб билан. Юзи борган сари қовурилган қумдай бўзариб, қизариб, кўзларида ёш ҳалқаланди. Афт-ангорига илиқлик югуриб, Ҳурнидан турди. Қайси бурчагида турмасин, ўзига жуда кенг кўринадиган уйи торайиб кетгандек туюлди. Деразадан эҳтиётсизлик билан кириб қолган чумчуқдай, уёқ-буёққа югуриб, ўзини ҳар деворга, ҳар бир эшикка отди. Бир маҳал пешонасини шифоньерга уриб, ойнасини чил-чил қилиб синдирди. Оғзи-бурни қонади. Бирдан нима қилаётганини тушуниб, таққа тўхтади. Икки қўли билан чаккасини қисиб, ўй суриб қолди. Миясига минг бир хаёл киниб-чиқди, қизи валати юкли бўлган отага яна қандай ўлим бор, шўри курсини! «Орол аста-секин ўлиб боради...» «Қизни кўчадан юкли бўлган отага!..»

Бу сўзлар унинг қулоғига эшитилган энг охириги сўзлар бўлди. Қария бутунлай ҳолдан тойиб, гурсиллаб олдинга қараб қулади.

Инсонга обрў орттириш учун жуда кўп нарса керак, ундан маҳрум бўлиш эса жуда осон: бунинг учун бежо босилган битта қадамнинг, ўйламай айтиб юборган битта сўзинг, ёки номақбул ишинг кифоя. Ҳаётнинг бу қонуни ҳақида ҳам ўзини билаётган санайдиган Завмаг милиция бўлимнинг идорасига учинчи бўлиб кирди-ю, устамонлик билан бошлиқнинг талобати босишининг олдини олиб, гапириб кирди.

— Мана, ўртоқ милиция майори, тухматчи, порахўр Давлатовнинг ўйнаши пора билан тугилди,— деб Шарифага ўгирилди.— Ана, Шержонова, кимда-ким кишига тош отса, ё ўзига қайтади, ё дўстига. Давлатов совхозга келгандан буён неча одамга тош отди, бу тошлар ўзини четлаб ўтиб, дўсларига тегяпти.

— Бўлдингизми?— деди Шарифа жаҳл билан салмоқданиб.

— Эҳ, шўринг қургур, менга савол беришга, сўзимни бўлишга ҳаққинг йўқ. Чунки сен жиноятчисан, мана, нақд пул билан қўлга тушиб турибсан. Ўртоқ милиция майори, жиноятчининг менга савол беришга ҳаққи борми? Тфу! Бундай ифлос аёл билан бир жамиятда яшашнинг ўзи кишига ор-номус! Эркаклар билан тенгмиз деган шиор остига яшириниб, элни бузадиган, мусаффо жамиятимизнинг номига доғ туширадиганлар мана шунга ўхшаган наҳс босганлар!

Қорачадан келган юзи тутундай бўлиб, жаҳли қистаса-да, Шарифа ўзини оғирликка солди.

— Ўртоқ майор, рухсат этсангиз, мен мана шу Завмагга битта савол берсам.

Милиция майори куйган қора гўштдай балчиқ юзининг терини артиб:

— Сўранг,— деди аста.

— Айтинг-чи, Завмаг, менга бу пулни сиз олиб келганингиз йўғ-а?

Завмаг бирдан аччиқланиб, гўдайди.

— Нега ундай дейсан? Тонсин деяпсанми? Тонмайман! Бу пулни сенга мен олиб бордим! Шахсан ўз қўлим билан олиб бордим! Лекин Яхшилик Давлатовнинг буйруғи билан олиб бордим!

Мунғайиб ўтирган Шарифанинг бирдан чиройи очилиб кетди. Рақибининг ниятини билмай турган Завмагнинг тиззаларидан мадор кетгандай шалвираб ўрнига ўтириб қолди.

— Ўртоқ майор,— Шарифа милиция бўлими бошлиғига мурожаат қилди.— Мендан гапларимни ёзиб олишин-

гизни илтимос қиламан. Мапа, у ҳалиги пулнинг эгаси эканлигини бўйнига олди. Шунча пулни поққос «порага» олиб чиққан одамнинг уйида бундан бир неча ҳисса кўп пул қолгани сўзсиз. Бунинг уйида тинтув ўтказишингизни ўтинаман.

— Мен район советига депутатман, коммунистман! Уйимни тинтув қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!— деди Завмаг. У энди ўзини қанча тутиб сўйласа ҳам, овози тўлқинланиб, қўрқаётгани ҳаммага ошкор бўлиб қолди.

— Ўртоқ майор,— деди Шарифа олдингисидан ҳам дадилланиб.— Тушуниб турган бўлсангиз керак. Коммунист қилган даромадидан взнос тўлаши шарт устав бўйича. У менга олиб келган пул ҳисобидан взнос тўладими-кан? Райкомдан, бўлмаса, совхознинг партком секретари Мамутов орқали шуни аниқласангиз ҳам кўп нарса очилар эди.

— Мамутов Давлатов билан ҳамтовоқ, ведомостни ўзгартириши ҳеч гап эмас,— деди Завмагнинг жиғибийрони чиқиб.

— У ведомостни ўзгартирса, унинг қўли қўйилган партбилет ўзингизда эмасми?— деди милиция майори, кўнглидаги ғулғулани анча босиб.— Қани кўрсатинг-чи?

— Биринчидан, сиз мендан партбилет талаб қилишга ҳақли эмассиз, иккинчидан, ҳозир авариянинг кўпайган асри. Шунинг учун, мабодо ўзимга бирон кориҳол бўлса ҳам, партбилетимга нуқсон тегмасин учун уни уйдаги олов ўтмайдиған пўлат сандиқда сақлайман.

Милиция майори энди кўп ўйланиб ўтирмасдан Шарифага мурожаат қилди:

— Шарифа Шержонова,— деди салмоқланиб.— Яқин орада райондан олисга кетиб қолмайсиз-а?

— Нега?— деди Завмаг ғижниб.— У юкли бўлгани учун қамаёлмай турибсизми? Порахўрнинг ўзи ҳам ҳаромисини олдириб ташламоқчи бўлиб юрган бўлса керак.

— Завмаг, сиз ўзингизни сал босиб, ҳар сўзингизга ҳисоб бериб гапиринг!— деб милиция майори, аллақаяқ қа кўнгироқ қилмоқчи бўлиб, олдидаги телефон аппарати-ни ўзига яқинлатди.

Завмагнинг ички қалтироғи сиртига тепиб, уйнинг ичи совуб, совқотганлигини айтди-да, ташқарига, қуёшга чиқишга рухсат сўради.

Телефон трубкасини бир қулоғига босиб жавоб кутаётган майор бўш қўлини сермаб, унга «қўзғалма, ўтир!» деган ишорат билдирди.

Завмаг қулоқ солмай эшик томон юрган эди, икки милиционер йўлини тўсди.

Шарифага уйга кетишга рухсат этилди.

У касал отасини севинтиришга ошиқиб, югуриб-елиб, кўнгилсиз воқеанинг устига келди. Нуржон қария ҳақиқатни эшитиб, севиниб кетганидан аллақачон омонатини топшириб, мангу уйқуга кетган эди...

21

Завмагни қамаш олдидан партия йиғилишида муҳокама қилинганида, совхоз коммунистлари орасида уни ҳимоя қилувчи топилмади. Қайтага, «партия ташкилоти ҳисобида турувчи ҳар бир коммунистнинг ҳалоллигини тасдиқлаш учун унинг взнос тўлаган ойлигининг миқдори билан уй шароитини солиштириб баҳолайдиган комиссия тузиш керак» деган таклиф ўртага қўйилди.

Шунда ҳам Шержонов бўш келмади.

— Иниларим-эй, — деди товуши тўлқинланиб, — ахир Завмаг совхозга кўп ёрдам қилганини унутиб юбордингларми? Планлар тўлиши муносабати билан радио, телевидение ва филармониядан артистлар чақиртирганимизда, уларни кутадиган одам ким эди? Завмаг! Хотин-қизлар хурсанд бўлиб кетсинлар деб қайси бирига рўмол бермади? Совхозга меҳмон келса, бутун харажатни ким кўтарарди? Завмаг! Совхозни меҳмондўст деб шуҳратини чиқарган ким? Завмаг! Унинг ноёб товарлари-чи?

Бунга ҳеч ким оғиз очолмади. Шержонов бундан фойдаланиб, яна авжга чиқди:

— Айтинглар, совхоз планларини бажаришда Завмаг ҳисса қўшмасмиди?

— Қандай улуш қўшганини, нима қўшганини энди тундик, — деди камгап Тўлибой Тўраевич. — Сиз ўзингиз унинг шунча пулни қаердан орттирганига ақл юбордингизми? Энди мен ҳар кимнинг уй шароитини профсоюз аъзолигига тўлаган взноси билан солиштираман!

— Одамлардан камчилик топишдан осон нарса йўқ, — деди Шержонов бўш келмай. — Худодан ҳам камчилик топилади. Яхши яшаш билан ўлик мол йиғиш ўртасида фарқ бор! Мард бўлсангиз уйингиздаги ортиқча нарсаларингизни, омонат кассадаги жамғармаларингизни болалар боғчаси, ҳаммом солишга беринглар. Давлатовнинг оиласида уч жон бор. Бир ўзининг ойлиги етиб ортади. Шунақа экан, хўш, нега Завмагдан бриллиант сўради? Менинг уйимдан нега кўйлакликлар олди? Ўзларинг ўйлаб кўринглар, тушунинглар! Ҳозир одамлар ўзгариб, ақллари хитлашиб боряпти.

— Эржон Шержонович, — деди Мамутов чидамай, —

лодонлар бировга баҳо беришда ўз қаричи билан ўлчайди. Бу гапни бир пайт ўзингиз айтгансиз.

— Менинг қўлимни ўзимга боғлатиш учун ичакларимни тортиб ўтирибсанми?— дея кулди Шержонов кесатиб.— Қайси идорадан тинчлик кетса, раҳбарликка ажал етгани! Совхоз жуда ёмон аҳволда қолди-ку, йигитлар! Мени алдаш қийин! Қовурғангиз орасидан ичингизда нима борлигини кўриб турибман. Районда ҳар бир одам кўзининг қорачиғи-ку, ахир! Завмаг нима, одам эмасми?

Шержоновнинг узундан-узоқ гапи ҳеч кимга ёқмади, унга ўчакишиб, аксинча ўзини фош қилиб сўзловчилар кўпайди. Натижада Шержоновнинг барча қилмишларини махсус текшириб, келаси партия мажлисига қўйиш учун комиссия тузилди. Шу билан партия мажлиси асосий масалани тугатса ҳам, коммунистлар тарқашмади, анча вақтгача ўзаро суҳбатлашиб, таассуротларини ўртоқлашиб ўтиришди.

Шунча йил давомида бутун совхоз халқини оғзига қаратиб келган Шержоновнинг сири очилиши ҳаммани ҳайрон қолдирганди. «Шу даражага у қандай қилиб бориб қолган? Бунга ким сабаб бўлган?..» Бунга ҳар ким ўзича жавоб излади, ҳар қайсиси ўзича мулоҳаза юритди..

Совхозда шу пайтгача ҳукм суриб келган қинғирликлар, сохта сводкалар, қўшиб ёзишлар кўпчилик бригадирларнинг иш усулига сингиб кетган. Фақат Шержоновни бўшатиш билан ҳамма ерда янгилик ўрнатиладими? Тажриба бу саволга аксинча жавоб бермоқда. Шержоновга алоқадор шахсларни ҳам қўшиб текширилса, кўп қилмишлар очилади. Бригадирларни бутунлай янгилаш керак. Бу энди, ўз навбатида, асл мақсадга, унинг эзгулигига тушунишни, доно, ҳалол кадрларни танлаб топишни талаб этади. Бунинг учун директорнинг ўзида тажриба оз, танишлари ҳам кам... Бу масалани ҳал қилиш халқнинг ўз ихтиёрига қўйиб берилиши лозим.

Балким бригадирларни қайтадан сайлаш керакдир.

Худди шундай қилиш керак, бунинг учун совхоз ишчиларига кенг эрк берилсин, майли, бригада бошлиқларини ўзлари сайлаб олишсин.

Бу гоё юзасидан кўп фикр олишилди, ўзаро баҳслашилди, оқибат-натижада партком секретари ҳам, ишчилар комитети раиси ҳам директорнинг бу ғоясини маъқуллади, тажрибали коммунистлар ҳам қувватлашди.

Майли, халқ ўзининг хоҳлаган кишисини танласин. Халқнинг ўзига қўйиб берсанг ҳалол, ишчан, яхши ташкилотчи топиб олади. Лекин сайлов яширин, ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилиши лозим. Ҳар йили сайла-

син, агар халқ бир бошлиқни ёқтириб қолса, майли, уни қайта-қайта сайлаб олаверсин.

Албатта, бу ҳозирча фақат янги мулоҳазалар эди, ҳали синалмаган, тажрибада кўрилмаган фикрлар. Совхоз-уёқда турсин, районда, ҳатто областда бундай тажриба қўлланган эмас. Шундай бўлса-да, бу ғояни кўтариб чиқиш керак. «Янгилик» совхозининг коммунистлари бу ғояни қувватлашни сўраб партком, ишчилар комитети, дирекция номидан райкомга, обкомга хат ёзишга келишиб олишди. Кун тартибига киритилмай, ўзича кўтарилиб, оқибати ягона хулоса берган бу йиғилиш ҳаммага ёқди, мамнун ҳолда тарқашди.

22

Бу йил учун белгиланган планларга кўп ўзгартишлар киритилиб, асосий кўрсаткичлар бажарилмаётганига қарамай, совхознинг идора хизматчилари ҳеч тиним билишмайди. Баъзи кабинетларда ҳисоб счётлари тинмай шақиллайди, баъзи ишларни хулосалаб, келгусидаги режалар тузилмоқда, совхознинг тақдирига, истиқболига тегишли ҳар қандай «тушунчалар», «ахборотлар», «тажрибалар», чоралар қоғозга туширилмоқда.

Яхшилик ҳар куни тунги соат ўн иккидан ўтгунча идорада бўлади. Бухгалтерия, планлаштириш бўлими кунбўйи ишлаб, жамлаб, унинг столига қўйиб кетган ҳар хил ҳисоб-китоблар, чизмалар билан танишади. Ҳар бир рақам, ҳар бир чизма одамдай гапириши лозим, фақат тўғри гапириши лозим. Шунинг учун бафуржа ўтириб, уларни бир-бири билан солиштиради. Керақ бўлса агрономни ё бош инженерни, бўлмаса Юсуф Абдуллаевични ёки бош бухгалтерни чақириб, баъзан уларнинг ҳаммаси билан биргалашиб маслаҳатлашади. Ютуқ ва камчиликлар нимадан иборатлиги коллегиял равишда аниқланади. Ҳар бир рақам одамдай сўйлатилади. Ана шундай қизгин кунларнинг бирида яна партия мажлиси белгиланди. Бу мажлис яна ўзгача бўлади. Биринчи бўлиб Шержонов ҳақидаги масала муҳокама қилинади. Иккинчиси — совхознинг келажак истиқболлари ҳақида Яхшилик Давлатовнинг доклади тингланади...

Яхшилик эрта билан азонда партком секретари Мамутов билан кабинетда бугунги йиғилиш юзасидан фикрлашиб ўтирарди, секретарь қиз шошилинич телеграмма олиб кирди. Унда Давлатов бугун кундузи соат ўн бирга обкомга чақиртирилган эди. Бормаслик ноқулай, партия

мажлисини ташлаб кетиш ундан ҳам ноқулай. Унинг обкомга телефон қилиш учун узатган қўлини Мамутов ушлаб қолди.

— Кераги йўқ, обкомга бор,— деди у.— Телеграмма муносабати билан партия мажлисини бир кунга кечиктирармиз.

— Йўқ, дўстим,— деди Давлатов.— Бошланғич партия ташкилоти — партиянинг асоси. Пойдеворда мустақам ва аниқ иш бўлиши лозим.

Мамутов енгилганини тан олса ҳам, фикрида қаттиқ турди.

— Бари бир, обкомга бориш керак. Йиғилишни ўзимиз ўтказамиз. Сенинг кетишинг узрли бўлгани учун ҳеч ким ҳеч нима демайди.

Яхшилик деворга қаради. Соат ўнга яқинлашиб қолибди.

— Яхши, бўлмаса мен кетдим.

Райимбой машинани юқори тезликда ҳайдаш тарафдори эмас эди, бу сафар Давлатов қайта-қайта соатига қарайвергани учун жуда шошилди. Шунда ҳам эскирган ГАЗ-69 уни вақтида манзилга етказолмади. Обком секретари кабинетидан чиқиб келаётганида унинг олдидан чиқди.

— Яхшилик, яхши етиб келдингизми? Эски машинангизни янгисига алмаштиришга ёрдам берамиз,— деди область партия комитетининг секретари у билан қизгин саломлашди-да, қўлтиқлаб олди.— Совхознинг партия мажлисига обкомнинг бир инструкторини юборган эдик, албатта, учрашолмагандирсиз. Энг асосийси, бизга ёзган хатингизни бюро аъзолари билан ўқиб чиқдик ва навбати билан амалга оширишга келишдик.

— Демак, областнинг шимолий зонаси шоликор районларга айланади, бинобарин, шоликор агрономлар тайёрлай бошланади, шимолий зонага темир йўл ўтказилади, бизнинг ерларимизнинг рельефи ҳисобга олиниб, бирикки йил экилган ерлар икки мартадан текисланади...

— Совхознинг номига муносиб янги ташаббусларингиз учун обкомнинг бюро аъзоларининг ҳаммаси сизнинг тарафингизда бўлди, барини бир мактубда қалаштириб ташлашдан ийманиб, ўзингизда сақлаб қолган баъзи ғояларингизни ҳам тушуниб, ҳисобга олди,— деди обком секретари, унинг кифтига қоқиб.— Совхозда бригадирларни сал ихчамлаш ва яширин овоз бериш йўли билан сайлаб қўйиш тўғрисидаги таклифингизга тажриба учун фақат сизнинг совхозингизга рухсат этилади. Хотирларингиз жам бўлсин, Шержонов билиқтириб қайнатган буламиқнинг

қозони ёпиқлик қолмайди, адлия органлари аралашади.

— Раҳмат!

— Энди сизга битта маслаҳат — совхозда тураржой масаласига алоҳида эътибор беринг! Шаҳарда куркунакнинг уясидай хоналарда қисилиб яшайдиганларни қизиқтирадиган уй-жойлар бўлсин.

Яхшиликқа бу маслаҳат ниҳоятда ёқиб, қувончини қандай ифодалашни билмай, қайта-қайта миннатдорчилик изҳор этди.

— Область партия комитетининг бюроси сизни «Янгилик» совхозига юбориб яхши қилди, шу билан бирга ўртоқ Нажимовга ортиқча эрк бериб, кўпроқ ишониб кетганини сеза бошлади,— деб обком секретари биринчи қаватдаги кенг мажлислар залининг олдига келгандан кейин унинг қўлтигидан қўлини олди.— Ҳозир Орол проблемасига, бизнинг регионда келажакдаги сув ресурслари бўйича проблемаларга тегишли илмий конференцияга қатнашасиз. Яхшилаб эшитинг докладларни, бу ҳақда фикрлашадиган пайт келади.

Область партия комитетининг секретари президиумга келиб ўтириши билан конференция ўз ишини бошлади. Биринчи сўз академик Александровга берилди.

Ёши олтмишларнинг уёқ-буёғида, кумушранг жинглак сочли академик Иван Семёнович Александров ниҳоятда босиқ, ҳар бир сўзини, фикрини кўпчиликка тушунарли қилиб сўзлайдиган одам эди. Олдин дунёдаги океанлар билан денгизларнинг бойликларини характерлади. СССРдан хорижий мамлакатларда ундириладиган рутил концентрациясининг тўқсон фоизини, циркония минералларининг олтмиш фоизини Австралия соҳиллари беришини айтди. Таиландда қалайи концентрациясининг жаҳон миқёсида ўн икки фоизи олинишини, у ерда олиб борилган тадқиқотларнинг натижасида аниқланган илмий кашфиётларни хабар қилди.

— Шу билан бирга, кўп бойликларни ўзида яшириб, жимгина ётган Орол денгизининг проблемаси бугунги кунда бутуниттифоқ миқёсидаги проблемага айланди,— деди бир қўли билан тилла гардишли кўзойнагини тузатиб қўяр экан.— Орол денгизи Ўрта Осиё регионининг табиатини, об-ҳавосини тартибга солиб турувчи табиий куч. Экологик жиҳатдан ҳам Орол ўзича, алоҳида хусусиятга эга. Океанларда шўрлилик ўттиз тўрт процентни ташкил этса, Оролда ўн процентдан камроқ. Шу сабабли унда дунёдаги ҳеч бир қўлда учрамайдиган балиқлар яшайди. Оролнинг қазилма бойликлари ҳам бир оз афзалликка эга. Олиб борилган тадқиқотлар бўйича бу ерда титан

минераллари, хром сингари сийрак учрайдиган металллар борлиги, шунингдек, вольфрам минераллари, қўрғошин борлиги аниқланди. Оролнинг остидан олинган бир кубометр тоғ массаси ўттиз-қирқ ҳисса арзонга тушади. Оролда тоғ массаси нима қилиб юрибди, деган савол туғилиши ҳам қонуний. Тоғ жинсларини минг йиллар давомида Аму ва Сирдарё оқизиб келган,— деди олим бамайлихотирлик билан.— Ҳозир Амударёнинг қуйиси, яъни Орол массиви, табиий газ, темир рудаси, тоғ-кимёвий элементларга бой эканлиги аниқланмоқда. Бу регионда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг илдизи саноатнинг йигирмадан зиёд турида фойдаланиб, АҚШ, Япония, ГФР, Канада ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинаётгани ҳаммага маълум. Бу фактлар ана шу регионнинг табиий шароитини ҳозирги ҳолатида асраш орқали олинадилар,— деб у регионнинг ер усти тузилиши ҳақидаги илмий фикрларни қўллаб-қувватлашнинг ашаддий тарафдори эканлигига ҳаммани ишонтириб, сўзини тугатди.

Зал чапак чалиб, уни олқишлади.

Негадир эндиги сўз Шарифа Шержоновага берилди. Унинг иккиқатлиги анча сезиларли эди. Шунисини билдиргиси келмагандек, кенггина костюмининг тугмачаларини илмапти. У минбарда зални бир бошдан кўздан кечириб, ошиқмай оқ кўйлагининг ёқасини, пешонасини бир марта сийпаб қўйди. Шунгача фикрларини тўплаб, тартибга солиб улгурди.

— Уртоқлар!— деб у залга тик қаради.— Орол проблемаси академик Иван Семёнович Александров айтганидай, бугунги кунда ҳамманинг аралашуви лозим бўлган проблема. Чунки у кун сайин эмас, соат сайин ичкарига тортилиб кетмоқда.— Залнинг жимжит ўтириб эшитаяётгани кўнглини кўтариб юборди, билган гаплари, ўйлари бирма-бир қуйилиб кела бошлади.— Сибирь дарёларини бизгача етказиб келиш ғоят машаққатли ва қимматга тушади. Бу бутун мамлакатга, бутун дунёга маълум. Мен мана бу нарсаларга диққатларингизни тортмоқчиман. Орол денгизи СССРнинг анчагина процент балигини беради. Биз ундан тўла маҳрум бўлиш олдидамиз. Олтинш-етмиш миллион сўмлик ҳар хил порт, флот, завод қурилмалари аҳамиятини йўқотди, фақат ўтинга қараб қолган кемалар бу ҳисобга кирмайди. Амунинг дельталарида миллионлаб урчиб-ўсадиган ондатра, минг-минг гектар табиий ўт, ем-хашак яйловлари ишдан чиқади. Оролнинг абсолют чуқурлиги 40 метрга тушиб қолса, денгиз иккига бўлинади. Ақалли шу даражада сақлаш учун ҳар йили Оролга ўн куб-километрдан кам бўлмаган миқдор-

да сув қуйилиб туриши шарт. Бу унинг атрофини туз босишидан сақлайди, об-ҳавони бир меъёрда ушлаб туришга ёрдам беради. Биз, Орол воҳасида яшовчилар, ҳозирнинг ўзида баҳорнинг, кузнинг бошланиши, тугаш муддатларига ўзгариш кириб бораётганига жонли гувоҳ бўлиб турибмиз. Экинларнинг вегетация даври учун керакли кунлар озайиб бормоқда. Ташқарига кир ёйганлар кирларига туз ўтириб қолганини айта бошладилар. Бу келажакда катта кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши хавфини туғдиради. Буни тушунасизлар. Орол денгизи қуриса, бутун регион бўйлаб ер ости сувларининг чуқурлашиб кетиши ўз олдига алоҳида проблемма. Табиий яйловлардан ташқари, қудуқлар орқали суғориладиган минглаб гектар мол боқиладиган яйловлардан маҳрум бўлиш деган сўз. Қорақумда табиий ўт-ем бутун мамлакатимизда тайёрланадиган ем-хашакдан ўттиз-қирқ процент арзонга тушар эди. Ерости суви чуқурлашса, бу шароитлар қай тарафга олиб боришига кўз юмиб қараш мумкин эмас. Балким, буларнинг ҳаммаси бизнинг бепоён Ватанимиз учун ниҳоятда муҳим роль ўйнаши мумкин. Таҳлил бўйича бир куб-километр сув билан етмиш минг гектар ер суғорилади. Демак, бу бир неча миллион сўм фойда деган сўз. Агар ана шуни назарда тутсак, Орол йўқолган шароитда фойдага айланиши лозим бўлган рақамларимиз арифметик эмас, геометрик рақамларда ифодаланадиган зарарга айланади. Бунинг устига, бизнинг регионда яшовчи халқнинг сони, ҳозирги ўсиш даражасида турса, йигирма-ўттиз йилдан сўнг икки, икки ярим ҳиссадан ортисини ҳам ўйлаш керак... Келажакдаги қийинчиликнинг олдини олишдаги ягона йўл — Сибирь дарёларини бизга, Ўрта Осиёга олиб келишдир. Сибирь дарёлари Оролга тикка қуйилмаса ҳам биз яшаб турган регионда экин майдонларини кенгайтириш имконини берса бўлгани. Мана шу билан ҳам ер ости сувлари кўпаяди. Уларни коллектор усули билан Оролга қуйдириш мумкин. Ҳозир ерда фойдаланилган сувлар Амуга оқизилмоқда. Натижада дарё сувининг шўрлиги ортмоқда. Шу кетишда яқин вақтда шўрлик бир кубометрга уч граммга етиб қолади. Агар ҳар гектарга ўн беш минг кубометр сув берилади. десак, унинг составида қанча тонна туз оқиб ўтишини ўзингиз бир ҳисоблаб кўринг. Шўр босган далаларда ҳосил қандай камайиб кетаётганидан деҳқонлар қанчалик нолиётганларини кўз олдингизга келтирсангиз эди...

Яна шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, Сибирь дарёларининг суви бизга етиб келгунча буғланади, ерга син-

гади. Бизнинг шаронтимизда ҳам сувдан бепарқ фойдаланишлик йўқ эмас. Сибирдан келган чучук сувни ҳавзаларга оқизиб, балиқ урчитиш учун фойдаланилганда, бир килограмм балиқ 250—300 сўмга тушади. Ҳозир Қорақум канали Туркменистонга қанча фойда бераётган бўлса, бўз ерларни, қум орасидаги яйловларни бузиши, шўрлантириши натижасида каттагина зиён келтираётганидан ҳам кўз юмиш нотўғри бўлур эди. Мана шу фактларга суяниб, Сибирь дарёларидан сув олиб келиш каналини тайёрлаш билан бирга, сувни қабул қилувчи ерларда комплекс равишда иш олиб борилишини ҳал қилиб, сувнинг буғланишига, яна ерга сингиб кетишига йўл қўймаслик учун далаларга сув бетон қувурлар орқали оқинини таъминлаш ишлари бошлаб юборилиши лозим. Бу, албатта, турган-битгани сарф-харажат. Лекин тез орада зарар қопланади, бора-бора фойдаси геометрик рақамлар билан ўлчанадиган бўлади...

Шарифа ҳеч қоғозга қарамай, кўпчилик олимларга таниш айрим фактларни келтирса ҳам, залда жонланиш пайдо қилди. Президиумдагилар унинг далилларига қўшилганларини билдириб, бош чайқашиб, қувватлашларини ифодаладилар.

У президиумга бир ўгирилиб, область партия комитетининг секретари маъқуллаб, бош силкиганига кўзи тушиб, дадилланиб кетди:

— Орол денгизининг, унинг теварагидаги ерларнинг ҳажми қанча экани ҳаммага маълум. Такрорлашнинг ҳолати йўқ. Денгизга ҳар йили ёғин-сочин ва қор натижасида тўққиз-ўн куб-километр сув қўшилишини ҳам илм далиллайди. Лекин денгиз сатҳи кенглиги сабабли оқиб келиб қўшилганидан уч-тўрт ҳисса кўп сув буғга айланиши Оролнинг тез қуриб бораётганининг асосий сабабларидандир. Бу тезликни пасайтиришнинг бирдан-бир усули Помпидан Оролгача масофадаги бутун коллектор сувларини марказий коллекторга қўшиб, Оролга оқизувдан иборат. Коллекторлар экин майдонларидаги ер ости сувларини пастга туширади. Бу кўп минглаб пахтазорларнинг шўрлигини камайтириш учун пахтакорларни шўр ювишдан қутқаради. Орол регионида пахта майдонларининг шўрини ювиш учун ҳар гектарга кетган саккиз-ўн миң кубометр сув яна иқтисод бўлар эди. Мен бу ерлардаги шолчиликни гапириб ўтирмайман. Сўнгги йиллари сув тахчиллиги натижасида ҳар ерда сув сақлагич сифатида пайдо бўлган Арнасой, Сарикамиш¹ кўллари тўла

¹ Орол регионида сунъий равишда пайдо қилинган кўллар.

Оролга қўйиладиган бўлиши лозим. Қорақум канали орқали Қорақумнинг ўрталарида ботқоқликлар пайдо қилаётган сув Оролга оқиши лозим. Аму билан Сирнинг дельталарида бир ярим-икки куб-километр гача сув қолиб кетади, уни қолдирмасликнинг иложини қилиш лозим. Бари бир денгиз кичраяди. Орол регионни тўла шолиторликка айлантирилса, далаларнинг бетидан кўтарилган буғ денгизниқига қўшилиб, ҳавонинг намлигини унча кўп ўзгартирмас сақлаш имкониятини бериши эҳтимол. Яйловлар учун коллектор ва ер ости сувларини қўшиб фойдаланиш имкониятидан фойдаланиш зарар қилмасди. Агар экин майдонларига борадиган сувни бетон қувурлар орқали оқишиш натижасида ҳар гектардан бир ярим-икки минг сўм зарар келишидан кўз юмсақ, сувнинг қўшимча буғланишини ва ер остига сингиб кетишини тўхтатиш ҳисобидан экин майдонлари ҳажми сўзсиз кўпаяди. Бу яна геометрик фойдага олиб келади. Булар ҳам кўп ўйлашни ва бош қотиришни талаб этади. Эътиборингиз учун раҳмат, ўртоқлар!

Чапақлар чалинди.

Шарифа минбардан тушиб бораётиб, кўзлари жавдираб, залдан ўзига таниш, чинакам хайрихоҳ излади. Топдими, топмадими, номаълум, аммо Яхшилиққа кўзи тушгач, залга бошқа қарамай, ўз ўрнига бориб ўтирди.

— Ўртоқ Шержонованинг фикрлари менга ёқди... — деган товушни эшитиб, у сал ғурурланди. Бу гап Яхшилиқни ҳам бепарво қолдирмади.

Янги нотик Оролни сақлаб қолиш ҳақидаги фикрларга тўлиқ қўшилишини қисқа баён қилиб, Каспий проблемасига ўтди.

— Каспийни Қора денгиз билан бирлаштириш йўли осонроқ, — деди залдан кимдир.

— Бу йўл ўйлаб кўрилди, — деди нотик шошмасдан, ҳовлиқмасдан. — Қора денгиздан Каспий денгизига кемалар ўтадиган бир минг бир юз километрлик канал қазиш ҳақида кўп кенгашлар бўлди. Бу масала буюк Петр I замонида қараб чиқилган экан. Бахтга қарши, ҳамон ўзининг дуруст ечимини топмаяпти...

Яхшилиқ бундан кейинги нотикларнинг гапларини индамай эшитиш билан, улардан ҳар бирининг табиатни у ёки бу даражада сақлаб қолиш керак, деган фикрларини фикран қувватлади. Лекин унинг ўз ўлкасига муҳаббати ҳамма ўйларидан устун эди. Орол воҳасига сув керак. Бу воҳада табиий шароит шу пайтгача қандай бўлса, шу ҳолида келажак авлодга етказилиши лозим. Бу ишда у асосий курашчилардан бўлиб қолади.

Яхшилиқ мажлисдан худди мана шу фикрда чиқди.

Энди ўз ихтиёридан ташқари, Шарифани излади, кўзи етакчи бўлган томонга оёқлари беихтиёр равишда эргашди. Шарифанинг бир тўп олимлар қуршовида обком секретари билан гаплашиб турганини кўриб, шофёри қаеринидир ҳамон кавлаштираётган машинаси яқинига борди-да, ер остидан кузатди.

Бир фурсатдан кейин қизгин баҳслашув тугаб, қўл қиснишиб тарқаша бошлашди. Баъзилар қизнинг борадиган ерига машинада олиб бориб қўйишни таклиф этди, у ҳеч қайсисига розилик бермай, бир ўзи улардан ажралиб, районга борадиган машина бекатига қараб юрди.

— Райимбой, орқамдан борарсан,— деди-да, у катта-катта қадам ташлаб, Шарифани қувиб кетди.

— Шарифа, мени кечир!

Қиз таққа тўхтаб, у томон бурилди:

— Кечириш учун олдин сиз гуноҳ қилишингиз керак-ку?

Яхшилиқ бундай жавобни кутмаган эди, лом-мим деёлмай тили галдираб қолди.

Шарифанинг юпқа, ғунчадек лабларида ҳам ачиниш, ҳам раҳм-шафқат аломатлари аксланиб турарди.

— Шуми, бошқа гапингиз бўлмаса, кетдим.

— Табриклайман. Жуда яхши гапирдинг.

— Раҳмат!

— Айт-чи, Шарифа, сен гапириб бўлиб, залдан кимни изладинг?

У фақат Яхшилиқни излаган эди, яширди.

— Отамни. У эшитганида, кўпчиликнинг олдида келиб пешонамдан ўпган бўларди...

— Яхши одам эди, ҳақиқий меҳрибон инсон эди. Қўшни қария кириб турибдими?

— Ҳар ким ўз тенгининг олдига келади-да. У ҳам бетоб. Гаплашадиган дўстидан жудо бўлиб, қон босими ошиб кетган эмиш.

— Одамдаги қон босим фақатгина физиологик тушунча бўлмаса кераг-а, Шарифа?

— Файласуфсиз!— деди Шарифа жиддий тус олиб.— Сиздан энг сўнгги илтимосим — менинг йўлимни тўсманг. Кетдим.

— Агар омон-эсон қутулсанг?..

— Қўрқманг. У ёруғ дунёга келиб, катта бўлгач, бор гапни айтаман. У бўладиган бўлса, албатта, отасини топиб олади. Бу шарқликларнинг қонига сингган хусусият!

— Одамлар сендан кулади, Шарифа.

— Мен тўғримда ҳам еманг. Бузилсангиз одамлар сиздан ҳам кулишади. Аёл киши ўзича бир олам. Оламда ҳаёт пайдо бўлса, бунинг кулгили жойи йўқ.

— Ниҳоятда ақллисан-да, Шарифа.— У кўзларини чиририб бир нима демоқчи бўлди, аммо ботинмади.

— Кимда-ким ҳисга тизгинини бериб қўйса, унинг ақли тўлалингига ишонини қийин. Ана, машинангиз келяпти, мен кетдим.

— Уйинггача олиб бориб қўяман.

— Йўқ, автобусда мени йигитим кутиб ўтирибди.

— Ишонмайман, Шарифа, асло ишонмайман.

— Ҳар ким ўз ишончининг қули!

Қиз бошқа гапирмади, Яхшиликнинг ялиниб қилган илтимосларига қулоқ солмади, йўлга тушишга тайёрланиб, моторини ўт олдириган автобусни кўрди-да, югуриб кетди. «Ҳар ким ўз ишончининг қули!»— демак, нимага ишонсанг, шу ишни қилишинг керак. Қандай ақлли қиз. Конференциядаги гаплари билан бутун зални танг қолдирди. Бутун регионни ҳимоя қилди. Бунақа одам ўзи тўғрисида ўйлай олмайди. Қандай ҳофизаси кейн, қандай оқила, покиза аёл бу ўзи! Муҳаббати ҳам шаффофдек беғубор. Бир хат ёзган одамга ўн бир йил ишониб кутиш учун қанчалик покиза бўлиш керак!

«Оҳ, Давлатов!— деб у ўзига ҳайф берди.— Хаёлларинг қайларга кетяпти? Севиб олганинг Светланага нега унутасан? Дунёга келиб кўрган ёлғиз фарзандинг Ойларни нега унутяпсан, ахир? Дунёда йиғлаган боланинг кўз ёшини кўришдан оғир яна қандай азоб бор? Хўш, Шарифага осонми? Вақти-соати етиб кўзи ёриси, унинг чақалоғи ҳам отасиз яшамайдими? Ҳатто дурустроқ фамилияга ҳам эга бўлолмайди. У эси кирганида отаси тўғрисида онасига нималар деб сўроқлар беради, шунда онаси нима дейди? Алдайдими? Бечора Шарифанинг шунда ҳоли не кечади? Улка табиатининг тақдирини, сув кераклиги ҳақида энди айтиладиган далилли гапларига ким ишонади? Аввало, ўз тақдиринини тузат, демайдими?»

Эҳ, ўртоқ Давлатов, энди сенинг ўзингга ким ишонади? Бошинг бутун совхознинг боши-ку, ахир? У ишқ-муҳаббатнинг оташида ёнса, сенинг охириги сўзинини кутадиган, ишонадиган коллективнинг ҳоли не кечади?

Эҳ, ҳаёт. Алғов-далғов, серхархаша, телва-тескари дунё!

Қизиқ, ҳаёт дегани нима ўзи? Бу ёруғ оламда тирикчиликми? Шундай бўлса, нега унга қарши гина-кудурат қилишади? Одамларнинг одамларга гинаси ҳаётга гина бўлиб тушунилса керак-да!

Ҳаёт — бу дунёни янгилаш бўйича орзуларинг ва ишларинг бўлса керак-да!

Йўқ, ҳаёт — бу бутунликнинг иккига бўлиниб, ўзинг қайси томонида қолганингни излаш бўлса керак! Ёки авлодлар алмашуви бировнинг ўрнини иккинчисининг эгаллашимикин?..

...Йўқ, ҳаёт бировнинг иккинчи бировга берадиган таълими.

Ҳозир ким кимдан ўрганаман деб юрибди?

Ҳамма ўргатади, мен ҳам ўргатаман. Ким кимдан ўрганади? Бунақа одамлар озчилик, ҳар ким ўз йўли билан, ўз тушунчаси билан яшайди.

Бердақ шоир бундан бир аср муқаддам ўғлини слтаб, ёшларга «ялтоқланма, талтоқланма, биров урди деб йиғлама, мард бўл...» деб насиҳат қилган. Буни ким эслаб юрибди? Шекспир Отеллонинг рашкдан хатога йўл қўйишини бундан тўрт юз йил бурун кўрсатган. Хўш, шундан кейин одамлар рашк қилишни тўхтатиб, покликка ишонадиган бўлишдими? Эразм Роттердамский бундан беш юз йил муқаддам аҳмоқликларнинг зарарини далиллаб берди. Ундан ким таълим олди?..»

Яхшилиқнинг қалб тебранишлари қўзиб, машинага сиғмай кетди. У шундан тўппа-тўғри уйига борса, севикли Светланаши билан яна хафалашади. Бугунги партия мажлисида «ўчта импорт кўйлак», «бриллиант узук» яна гап бўлгани сўзсиз!

Шарифанинг уйига борса-чи? У энди йўлатмайди.

Ким билан сирлашсин?

Ишдаги кўнгилсизликлар бошқа экан. Коллектив билан ўйлашсан, бўлмаса юқоридаги бошлиқлар тузатади. Фақат ёлғиз бошга тушган дардни даволаш оғир, жуда ҳам оғир.

Ким ҳовлиқиб қолса мозорларни айланиши, хафа бўлса тошқин сув ёқалаши лозим. Буни унинг онгига ким сингдирган? Бувиси. Лекин ҳозирги қалб изтироблари хафалиқдан туғилганми? Йўқ, шошқалоқликнинг оқибати.

— Райимбой,— деди хўрсиниб.—«Ойлар кампирнинг қуми»га бур.

Тун булутли. Орасидан ора-сира ой ялт этиб, атрофга сеҳрли нур сочади. Уша сеҳрли нурда «Ойлар кампирнинг қуми»даги унга таниш чўққи илгаригисидан сал пасайгандай. Яхшилиқ дастрўмоли билан гарданининг терини артди-да, бувисининг қабри тепасига бориб, унга таъзим қилди.

— Буви, ким билан маслаҳатлашишимни билмайман. Бировга айтиш, у билан сирлашиш мумкин эмас. Жуда

оғир мушкулот бошимга тушиб қолди. Сиздан ҳеч нарса яширган эмасман-ку. Биттаси Светлана. Иккинчиси Шарифа. Иккаласи билан ҳам -фикрлашолмайман. Светланадан Шарифа ҳақида, Шарифадан Светлана ҳақида маслаҳат сўрашим керакми? Ростини айтсам, улар бирини-бири билмаган, кўрмаган вазиятда менга содиқ. Шарифанинг ўзгачалиги — ўзи йиғлаб турибоқ ўзганинг йиғлаганини кўра олади. Ўзини эмас, бошқани юпатиш устида ўйлайди... Сиз ҳам шундай эдингиз-ку, бувижон. Бир вақт «қайнона билан келиннинг тупроғини бир жойдан олинадилар» деган ҳикматли сўз айтганингиз ҳам эсимда. Шарифа сизга ўхшайди. Йўқ, йўқ! Светлана ҳам яхши! Етимлигим, очлигим фақат ўша туфайли унутилди... Туйғун эдингиз, буви, мен нима демоқчи эканимни ўзингиз шундоқ ҳам тушунаётган бўлсангиз керак... Ҳақиқатан ҳам бу вазият ҳаётнинг ҳеч бир фалсафий қолипига сиғмайди. Маслаҳат беринг. Сиз табаррук онасиз. Қаттакон бир қумтепа сизнинг номингизга бекордан-бекорга қўйилган эмас. Шундоқ деб аталсин деб ҳеч ким қарор чиқармаган. Ҳеч ким ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган, халқ бу номсиз қумни сизнинг номингиз билан барчага маълум қилди. «Ойлар кампирнинг қуми!» Ярашади. Жуда муносиб. Нега индамайсиз? Олдин ўз хаёлимдагини айтайми? Ҳар иккаласини ҳам кўзим қиймайди. Шунақа, буви, жуда ҳам қийналиб кетганимдан олдингизга келдим... Маслаҳат беринг.

«Ўз бошига тушган мушкулни ҳал қилолмаган одам совхознинг уч-тўрт юз оиласига қандай қилиб оталик қилади, қандай раҳнамо бўлади?» — демоқчимисиз?.. Совхозни ташлаб кетишим ҳам қийин. Амалга оширилиши лозим ўйларим кўп. Буви, мени тушунмадингизми? Ишонман. Ҳозирги одамларни тушуниш ниҳоят мушкул. Сиз тугул, ўз замондошларимга мен ўзим ҳам тузукроқ тушунолмайман. Бугунги кунни тўғри баҳоламоқ учун энг камида чорак аср олдини тасаввур қилмоқ даркор.

Буви, бир пайт, мен саккизга қадам қўйган йили, сиздан маслаҳат сўраб келган бир ҳамқишлоғимизга: «Ҳар бир одам икки одамдан иборат. Биринчиси таваккалига иш қилади. Иккинчиси уни баҳолайди. Айрим одамларда бу иккови тенг ривожланади, айримларида биттаси оз, иккинчиси устун. Ҳаётда, кузатишимча, ҳар одамда учинчи биров бор. Сен ўзингдан шуни топ», деган эдингиз.

Айтинг-чи, буви, одамнинг ўзидаги шу учинчиси нимадан иборат. Мен ҳам ўзимдан шу учинчи одамни қидириб тополмай келдим. Йўқки, бир одамдаги учинчи одамнинг ақлими? Шаффофдай тиниқлигимми? Дунёга меҳ-

рими? Сизнинг ўша насиҳатингиз бўйича, ким шу учинчи-ни ўзидан топса, одам бўлади! Одамни оламнинг кўз қорачиғи даражасига етказадиган ҳам шу учинчисими???

Буви, Максим Горький деган буюк ёзувчи инсонни бош ҳарф билан ёзган. У шунда бир одамдаги сиз айтган учинчи одамни назарда тутганмикан? Сиз Максим Горькийни ўқиганингиз йўқ эди-ку! Улуғ рус ёзувчиси Фёдор Достоевский одамдан одам излаб топишни васият қилган, у ҳам, сиз айтгандек, бир одамдан ўша учинчи одамни топишни назарда тутдимикан? Буви, сиз уни ўқиш уёқда турсин, эшитмаган ҳам эдингиз-ку!

Буви, нега индамайсиз? Менга ҳам ўзингдан учинчи одамни топ деяписизми? Топаман! Сўзсиз топаман! Светлана билан Шарифанинг қайси бирида учинчи одам намоен бўлса, ўшанга бораман. Майли, индаманг, тупроғингиз юмшоқ бўлсин, озгина дард-ҳасратим тарқади...»

У машинасига бориб ўтирди, идоранинг олдидан ўтиб кетаётганида, партком секретарининг кабинетида ҳали чироқ ёқиғлик экан. Бурилди. Мамутов сиёҳ билан ёзилган кўп қоғозларни қатор териб ўтирарди.

— Яхши келдингми?— деди қоғозлардан қўли бўшамай.— Партия мажлиси тугамай қолди.

— Жанжалга айланиб кетдимми?

— Йўқ. Шержонов ҳақида ҳар бир коммунистнинг ўз фикрини эркин айтишига имкон бердим. Чунки одам бировнинг ютуғини айтса ҳам, камчилигини айтса ҳам, энг аввал ўзи билан қиёслаб айтади, яъни одам ўзидан ўзини излашга яна бир имконият олади.

— Тўғри, дўстим. Одамлар бошқалардан ҳам, ўзларидан ҳам шаффофдай тиниқ учинчи одамни қидирсин. Менимча, шу учинчи одам виждон софлиги, у олам учун кўз қорачиғи,— деб Яхшилиқнинг оппоқ кўҳлик юзи булут остидан чиққан ойдай ёришиб кетди.— Шержонов ҳақида ҳамманинг фикр билдиргани яхши бўлибди. Айтмоқчи, обкомнинг инструктори қатнашдимми?

— Райкомнинг бўлим бошлиғи ҳам қатнашди. Иккаласи ҳам меҳмонхонада.

— Мен коммунистларнинг чиқиб гапирган гаплари билан танишсам, майлими?

Мамутов тахлоғлиқ қўлёмаларни йиғиштириб, папкага солиб берди.

— Шу ерда ўтирасанми?

— Кабинетимга борганим қулайроқ.

— Ихтиёринг, дўстим. Кўнглинг қаерни хушласа, ўша ерда ўтириб танишиб чиқа қол.